

36
К-25



ЖАҲОЛАТГА

ҚАРШИ МАЪРИФАТ

(Ўкув қўлланма)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ҲУЗУРИДАГИ
ДИН ИШЛАРИ БҮЙИЧА ҚўМИТА
ЎЗБЕКИСТОН МУСУЛМОНЛАРИ ИДОРАСИ
ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚАРО ИСЛОМ АКАДЕМИЯСИ

ЖАҲОЛАТГА ҚАРШИ МАЪРИФАТ

ЎҚУВ ҚЎЛЛАНМА

УДК 28:323.28(075)

КБК 86.38я7

К 25

Каримов, Ж.

Жаҳолатга қарши маърифат [Матн] : ўкув қўлланма / Ж. Каримов. – Тошкент : Ўзбекистон халқаро ислом академияси нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2020. – 212 б.

УДК 28:323.28(075)

КБК 86.38я7

Муаллиф ва тузувчи:

Ж.Каримов

Масъул мухаррир:

И.Усмонов – тарих фанлари номзоди, доцент

Такризчилар:

А.Абдуллаев – тарих фанлари номзоди, доцент

У. Фофуров – исломишунос


Ўкув қўлланмада ислом динининг тинчликпарварлик, бағрикен-глик моҳияти, мутаассиблик, экстремизм ҳамда терроризмнинг салбий жиҳатлари кенг қамровли маълумотлар ва далиллар асосида ёритилган. Шунингдек, давлат ва дин орасидаги муносабатлар, унинг Ўзбекистонда намоён бўлишининг ўзига хос хусусиятлари атрофлича баён қилинган.

Юқоридагилар билан бир қаторда, бугунги кунда ислом никоби остида фаолият кўрсатаётган мутаассиб, экстремистик ва террорчи ҳаракатларнинг юзага келиш тарихи, уларнинг асосий мақсади, гоявий-акидавий асослари, молиявий манбалари, фаолият услублари ва файриисломий моҳияти маълумотлар тўплами шаклида ҳар бири алоҳида бандлар орқали очиб берилган ҳамда машҳур уламоларнинг замонавий оқимлар тарғиб қилаётган ғоя ва тамойиллар ислом дини моҳиятига умуман ёт эканини асослаб берувчи фатволари келтирилган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитанинг 12.02.2020 йилдаги 969-сонли холосаси асосида тайёрланди.

ISBN 978-9943-5924-4-5

© Ўзбекистон халқаро ислом академияси
нашириёт-матбаа бирлашмаси, 2020



СҮЗ БОШИ

Ғоялар кураши авж олган XXI асрда дунёда тинчлик ва барқарорликни таъминлаш йўлида ҳал этилиши зарур бўлган кўплаб муаммолар юзага келаётгани, кишиларнинг осуда ҳаётини издан чиқаришга қаратилган янги шаклдаги таҳдидларнинг пайдо бўлаётгани ва бунинг натижасида бузгунчи ғоялар мафкура майдонини қуршаб олаётгани барчамидан огоҳлик ва ҳушёрикни талаб этмокда. Айниқса, ёшлар маънавий оламини юксалтириш, уларни она-Ватанга муҳаббат, миллий ва диний қадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялаш асосида ҳар томонлама баркамол авлодни вояга етказиш долзарб вазифалардан ҳисобланади. Давлатимиз келажаги ҳисобланган ёш авлод тарбиясига юртимизда доимо алоҳида эътибор қаратилган. Бугунги кунда дунё ҳамжамиятида мафкуравий полигонларнинг ёшлар тарбиясига кўрсатаётган салбий таъсири ҳар бир мамлакат, давлат, ҳалқ олдида турган долзарб муаммолардан бири ҳисобланади. Чунки ҳар қандай жамият келажак пойдевори сифатида ўз сиёсатида ёш авлод тарбиясини етакчи ўринга кўйиши табиий ҳол.

Глобаллашув деганда, энг аввало кўз олдимизда ривожланиш, тараққиёт гавдаланишига қарамай, бундай шароитда ўсиб келаётган баркамол авлод онгини турли хил ёт ғоя ва мафкуравий хуружлардан сақлаш муаммоси ҳам муҳим вазифалардан саналади. Ушбу масалалар юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев шундай таъкидлади: “Дунё шиддат билан ўзгариб, барқарорлик ва ҳалкларнинг мустаҳкам ривожланишига рахна соладиган турли янги таҳдид ва хавфлар пайдо бўлаётган бугунги кунда маънавият ва маърифатга, ахлоқий тарбия, ёшларнинг билим олиш, камолга етишга интилишига эътибор қаратиш ҳар қачонгидан ҳам муҳимдир”.

Замонавий ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий муносабатларнинг шиддат билан ривожланиши, коммуникация ва ахборот технологияларининг тез суръатлардаги тараққиёти ғоявий таъсир ўтказиш

имкониятларининг кенгайиши, услуг ва воситаларнинг такомиллашувиға турткі бўлиб, маънавий таҳдидлар глобал муаммога айланди. Бу долзарблик Ер юзининг турли минтақалари халқларининг онги ва қалби турли ғояларни синаш майдонига, бошқача айтганда, мафкуравий полигонга айлантирилаётгани билан ҳам белгиланади. Замонавий воқелик инсон қалби ва онги учун бўлган курашларнинг янгидан-янги усул ва воситалари кўпайиб бораётгани, айниқса, бу борада, дин омилидан фойдаланишга уринишларда яққол намоён бўлмоқда.

Шундан келиб чиқиб, “Жаҳолатга қарши маърифат” ўкув кўлланмасида ўзаро узвий боғлиқ бир қатор масалаларни тизимили ёритишга алоҳида эътибор берилди.

Хусусан, дин ва давлат муносабатлари ҳамма вақт долзарб бўлиб қелган. Турли даврларда хилма-хил мазмун ва шакл касб этган бундай муносабатлар, мустақил Ўзбекистон шароитида виждон эркинлиги конституциявий асосда тўла-тўқис таъминлангани, диний ташкилотлар фаолияти учун тегишли шарт-шароитлар яратилганида намоён бўлмоқда.

Маълумки, Марказий Осиё минтақаси асрлар давомида мусулмон маданияти ривожига катта ҳисса қўшиб қелган, қолаверса, унинг марказларидан бири бўлиб хизмат қилган. Шу боис, бузғунчилик ақидаларини тарғиб қилаётган турли радикал оқимларнинг минтақага ўз ғояларини сингдириш мақсадида интилаётгани та-содиф эмас, албатта. Минтақада асосан, «Ҳизбут-тахрир ал-исломий», «Туркистон ислом ҳаракати», «Акромийлар», «Нурчилар» «Исломий жиҳод иттиҳоди» каби гурухларнинг фаолияти кузатилганини ҳисобга олиб, тўпламда мазкур оқимлар атрофлича ёритилди. Шунингдек, ғоялар кураши авж олган XXI асрда дунё ҳамжамияти баркарорлигига таҳдид солаётган «ал-Қоида», «Толибон», «Ироқ ва Шом ислом давлати», «Жабҳат ан-Нусра», «Мусулмон биродарлар» каби экстремистик ва террорчи ташкилотларнинг фаолиятига ҳам тўхталиб ўтилди.

Бугунги кунда экстремистик ва террористик ҳаракатлар ўзларининг мудҳиш фаолиятини давом эттираётгани замонамиз уламолари ҳамда ислом оламининг йирик ташкилотларини ҳам мазкур масалага яна мурожаат қилишга ва бу йўлда фатво, қарорлар қабул қилишга мажбур этмоқда. Ўкув кўлланмада келтирилган фатволар

ислом ниқоби остидаги экстремистик ва террорчи уюшмаларнинг гайриисломий моҳиятини теран англашга ёрдам беради.

Шундай экан, XXI асрда қабоҳат ўчогига айланган экстремизм ва ҳар хил шаклу шамойилдаги мутаассибликка йўғрилган бузғуни чи уринишларга қарши ҳаётимизда содир бўлаётган ижобий ўзгаришлар ҳақидаги чуқур таҳлилий маълумотларни ёш авлодга етказиш, уларнинг ижтимоий фаоллигини кучайтириш, бунда “Фикрга қарши фикр, ғояга қарши ғоя, жаҳолатта қарши маърифат билан курашиш” ҳар қачонгидан ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Юртимизда экстремизмнинг олдини олишга доир чора-тадбирларни амалга ошириш, аҳолининг ҳукуқий онги ва маданиятини юксалтириш, жамиятда экстремизмга нисбатан муросасизлик муносабатини шакллантириш, унинг юзага келишига имкон берувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этиш бўйича самарали ишлар олиб борилмоқда. Жумладан, 2018 йил 30 июль куни “Экстремизмга қарши кураш тўғрисида” Ўзбекистон Республикасининг 489-сонли конуни қабул қилинди. Қонун экстремистик фаолиятга қарши курашиш соҳасидаги ҳукукий муносабатларни тартибга солиш мақсадида ишлаб чиқилган бўлиб, унинг асосий вазифалари экстремистик харакатлардан шахс, жамият ва давлатнинг ҳавфсизлигини таъминлаш, конституциявий тузумни ва давлатнинг ҳудудий яхлитлигини ҳимоя қилиш, фуқароларнинг тинчлиги, миллатлараро ва конфессиялараро тотувликни сақлаш ҳисобланади.

Мухокама қилинган масалалар шубҳасиз мураккаб ва серқирра мазмунга эга. Бир ўқув қўлланма доирасида уларнинг барча жиҳатларини қамраб олиш, тўлиқ ёритиб бериш ниҳоятда қийин, тўғрироғи мумкин эмас. Шундай бўлса-да, баён этилган фикрлар ёшлиаримиз томонидан уларнинг моҳиятини тушуниб олишга ёрдам беради, деб ўйлаймиз.

I БОБ. ИСЛОМ ДИНИ АСОСЛАРИ

1-мавзу: Ислом динининг тинчликпарварлик моҳияти

Режа:

1. Ислом динининг тинчликпарварлик моҳияти
2. Ислом – билим ва маърифат дини
3. Багрикенглик тушунчаси ва моҳияти
4. Ўзбекистонда багрикенглик муносабатлари

Таянич сўз ва иборалар. Ислом – тинчлик дини, билим, маърифат, динининг багрикенглик моҳияти, “Багрикенглик тамошлари Декларацияси”, Худайбия сулҳи, диний багрикенглик, миллатларро топувлик.

Ислом динининг тинчликпарварлик моҳияти. Ислом – инсон қадри ва тараққиёти учун хизмат қиладиган энг эзгу фоялар билан йўғрилган дин. Ислом – бу тинчлик. Араб тилидаги бир ўзакдан ясалган “силм”, “салом” ва “ислом” сўzlари маъно жиҳатидан тинчлик ва омонликни англиши бежиз эмас.

Ислом таълимоти, хусусан, Куръони карим оятларида тинчликни сақлаш ва унинг учун курашишга чақирилади: “Эй, имон келтирганлар! Ёппасига итоатга киришингиз!...” (Бақара, 208). Тафсир китобларида келтирилишича, оятдаги “ёппасига итоатга киришингиз” дегани барча инсонларнинг бирлашган ҳолда тинчлик йўлини тутишлари лозимлиги ва унинг баркарорлигини сақлашда қандай йўл билан бўлса ҳам ўз ҳиссаларини қўшиш зарурлигини билдиради.

Тинчлик инсониятга берилган неъматлар ичida имондан кейинги энг улуғ неъмат саналади. Бу хақида Муҳаммад (алайхис-салом) шундай деганлар: “Аллоҳдан авф ва тинчлик-омонликини сўрангиз, бирор кишига имондан кейин авф қилиши ва тинчликдан афзалроқ неъмат берилгани тўйқ”.

Куръони каримнинг «Бақара» сураси 126-оятида “Эсланг, Иброҳим: “Эй, Раббим, буни (Маккани) тинчлик шахри қилгин ва унинг аҳолисидан Аллоҳга ва охират кунига ишонувчилиги (турли) мевалардан ризқ қилиб бергии!”, деб дуо қилганда аввало тинчлик, ундан кейин ризқ сўраш таълим берилмоқда. Бундан кўринадики, тинчлик-хотиржамлик ризқдан ҳам улуғроқ неъматdir.

Тинчликни қадрлаш ҳамда осойишта ҳаёт учун шукроналик уни сақлаб қолиш ва мустаҳкамлашнинг зарурий шарти ҳисобланади. Ислом таълимотида масаланинг бу жиҳатига ҳам алоҳида эътибор берилган. Хусусан, Куръони каримнинг “Наҳл” сураси 112-оятида “Аллоҳ бир шаҳарни (Маккани) мисол келтирур: у тинч, сокни (шаҳар) эди, ҳар томондан ризқи кенгу мўл келиб турар эди. Бас, у (аҳолиси) Аллоҳнинг неъматига ношукрлик қилгач, Аллоҳ унга (аҳолисига) бу “хунарлари” сабабли очлик ва хавф либоси (балоси)ни “тотиш”га мажбур этди”, деб уқтирилади. Шукр қилиш орқали берилган неъматлар янада зиёда бўлар экан, уни асраб қолиш учун ушбу неъматни эътироф этиш ва шукр қилиш мухим омилдир. Инсон гўзал бир ҳолатда умр кечираётган бўлса, унинг ўзи бу ҳолатни ўзгартирганунича, яъни ношукрлик қилмагунича Яратган асло уларнинг неъматларини тўсиб кўймаслиги ояtlарда айтиб ўтилади.

Пайғамбар Муҳаммад (алайҳис-салом)нинг ҳадисларидан бирида, кимки тонгда уйкудан уйғонганда оиласи тинч, тани соғ ва уйида бир кунлик егулиги бўлса, билсинки, унда дунёдаги барча неъматлар мужассам экани таъкидланади. Бундан шу осуда ва тинч бошланган куни учун ҳар ким Яратганга чексиз шукроналар қилиши керак эканини англаш мумкин. Ислом манбалари орқали киши учун энг азиз неъмат бу – тинчлик экани билдирилмоқда. Аллоҳ тарафидан бандаларга ато этилган ушбу неъматга раҳна солиш энг катта гуноҳdir.

Зоро, Пайғамбар (алайҳис-салом) ўз фаолиятларида доимо музокара, сулҳ билан тинчлик ёки мудофаа йўлини тутгандлари ислом тарихидан ҳам маълум. Айниқса, “Худайбия сулҳи” деб ном олган тинчлик битимида уларнинг тинчликпарвар сиёсатлари яққол на-моён бўлди. Мусулмонлар учун нокулай шарт-шароитлар асосида тузилган бу сулҳга саҳобийлар кескин қарши чиқсаларда, Расулуллоҳ (алайҳис-салом) тинчликка эришиш ва қон тўкилишининг

олдини олиш мақсадида ушбу ҳужжатга дарҳол имзо қўйдилар. Куръони каримда ҳам бу борада: “Агар улар сулхга мойил бўлсалар, Сиз ҳам унга мойил бўлинг ва Аллоҳга таваккул қилинг! (Анфол, 61), деб таъкидланади.

Дарҳакиқат, Худайбия сулҳи ўзининг аҳамияти жиҳатидан ҳар қандай жангдаги ғалабадан юкори туради. Зеро, бу сулҳ ислом динининг тинчликпарвар моҳиятини намоён этган эди. Пайғамбар (алайҳис-салом) ўzlарининг зиёнлариға бўлса ҳам тинчлик учун қанчалик жонкуяр эканлари маккаликларга ҳамда айрим мадиналиқ саҳобийларга сабоқ бўлди.

Кейинчалик эса, Пайғамбар (алайҳис-салом) Арабистон тарихида мисли кўрилмаган кучга эга бўлсалар-да, Маккани қон тўқмасдан тинч йўл билан эгаллаш йўлини тутгандари ҳам эътиборга молик. Ваҳоланки, Макка мушриклари неча йиллар давомида Расулуллоҳ (алайҳис-салом)га азият етказиб, уларга қарши чиқиб, кўплаб мусулмонларнинг умрига зомин бўлган эдилар. Ҳатто душманларга ҳам олийжаноблик кўрсатиш, уларга кечиримли муносабатда бўлиш ислом динининг тинчликпарвар моҳиятини намоён этади. Зеро, ислом дини ҳар қандай шароитда жангга йўл кўймасликка, тинчликни асрашга катта эътибор берган. Пайғамбар (алайҳис-салом) саҳобийларга доимо такрорлаб шундай деганлар: “Қиёмат куни биринчи савол ноҳақ тўкилган қонлар тўғрисида бўлур”(Имом Бухорий ривояти).

Тинчликни улуғ неъмат, деб эълон қилган ислом динида бу йўлда нафақат амал, балки сўз билан ҳам зарап қелтиришдан қайтарилиганди. Пайғамбар (алайҳис-салом) ҳадисларида “Мусулмон киши шуки, унинг тилидан ва қўлидан мусулмонлар озор чекмайдилар!” дейилади. Зеро, сўз, яъни тилдан етадиган озор қўлдан етадиган заардан аввал зикр этилишига сабаб, қўл билан бошқаларнинг фақат бу дунёси – саломатлиги, оиласи, мулкига зарар етказиш, тил билан инсонларни турли бузгунчи ғояларга тарғиб қилиш, кишиларни тўғри йўлдан чалғитиши орқали икки дунёсини барбод этиш мумкин. Шу нуқтаи назардан, бугунги кунда айрим фирмә ва тоифаларнинг мусулмонман, деб турган аҳолининг ичидаги парокандалик, оиласида зиддиятларни келтириб чиқаришга уринишлари исломнинг асл моҳиятига бутунлай зиддир. Бу амалларни исломноми билан bogлаш динга нисбатан тухматдир.

“Албатта, дин енгилдир. Кимда-ким уни (ўзича) оғирлаштиrsa, дин уни албатта мағлуб қиласи”.

Ҳадисдан

Юқорида қайд этилганидек, ислом тинчлик, моҳиятан енгиллик ва мўътадил диндир. Унинг эътиқод килувчиларга фақат енгилликни раво кўриши ислом манбаларида етарлича баён этилган. Маълумки, Аллоҳ ёки пайғамбарлар шариат аҳкомларини жорий қилиши мумкин. Бошқа ҳеч ким, бирор-бир сабабга кўра бу ишни амалга ошириши, бандалар устига шаръий амрни жорий қилиши мумкин эмас. Мухаммад (алайхис-салом) ҳам ўз умматларига доим енгиллик, осонлик ва ўртаҳолликни истаб келганлар, яъни ўз ҳаётлари давомида икки иш турганида қайси бири енгил бўлса ва шариат кўрсатмаларига хилоф бўлмаса, ўшани ихтиёр қилганлар ва умматга доим шуни таълим берганлар. Бундан ташқари, Пайғамбар (алайхис-салом) бирор кишини ўзга диёрга исломдан таълим бериш учун юборар эканлар, хоҳ ибодатда, хоҳ инсонлар орасидаги муамолот масалаларида осонлаштиришга, динни кийин ва машаккатли килиб кўймасликка тарғиб қиласидилар.

Аммо бугунги кунда диндаги бирор амал ёки тушунча мазмунини талқин қилишда меъёрни бузиш, ҳаддан ошишдек ҳолатлар ҳам учрамоқда. Ҳаддан ошиш диний саводнинг тӯғри ташкил этилмагани ёки эътиқод борасида нотӯғри ҳулосалар чиқарилгани билан ҳам боғлиқ бўлади. Маълумки, динда ҳаддан ошиш “гулув” деб аталади. Ҳадисларда таъкидланишича, диний масалаларда ҳаддан ошган қавмларнинг аксарияти Аллоҳнинг ғазабига учраб, ҳалок бўлишган. Шундай бўлса-да, бугунги кунда ҳам ислом дини ҳақида етарлича илми бўлмасдан Қуръонни ўзича англаш, ҳадисларни ўз билганича талқин этиш, мазҳабларни тан олмаслик, тасаввуфни шариатсиз тасаввур қилиш, ўзи қўл берган пирга кўр-кўрона эргашиш, ҳатто, унга сифиниш даражасида эътиқод қилиш каби шаклларда мутаассибликка кетиш ҳоллари мавжудлигини қайд этиш лозим.

Демак, исломнинг енгиллик дини экани, уни қийинлаштириш, унга ўзгача талқин ва қарашлар олиб кириш қораланиши Қуръон оятлари, ҳадислар ва уламоларнинг асарларида атрофлича ёритилган. Жумладан, Қуръони каримнинг “Бақара” сураси 185-оятида шундай дейилади: “Аллоҳ сизларга енгилликни истайди, оғир-

ликни хоҳламайди”, “Наҳл” сураси 125-оятида “(Эй Муҳаммад!) Раббингизнинг йўли (дини)га хикмат ва чиройли насиҳат билан даъват этинг”, деб баён қилинган. Пайғамбар Муҳаммад (алайҳис-салом) “Ишларнинг яхшиси ўртасидир” дея таъкидлаганлар. Ҳар бир ишда, ҳатто эътиқод масалаларида ҳам мўътадиллик тамойилларига риоя этиш исломнинг асосини ташкил этади.

Ислом – билим ва маърифат дини. Ислом дини инсон манфаатлари ва жамият тараққиётига хизмат қилувчи ҳар қандай кашфиёт ва янгиликларни юксак қадрлаган, қўллаб-кувватлаган. Албатта, ислом илм-маърифатга асосланган динdir.

“Дунёда илмдан бошқа нажот йўқ ва бўлмагай”.

Имом Бухорий

Исломнинг асосий манбалари ҳисобланган Куръони карим ҳамда ҳадиси шарифларда илм ўрганишга ва уни ўргатишга тарғиб қилиниб, аксинча, илмсизлик ёки уни ўрганишга лоқайдлик қаттиқ қораланади. Жумладан, Куръони каримнинг ilk нозил бўлган оятининг ўзидаёқ Аллоҳ таоло “Ўки!” деб амр қилди. “Илм” сўзи турли маъноларда Куръонда 811 ўринда такрорланиши унинг ўрни муҳим эканини кўрсатади.

Расулуллоҳ (алайҳис-салом) ўзларининг кўплаб ҳадисларида илм эгаллашга, олимларни яхши кўришга чақирганлар. Жумладан, Имом Бухорий ривоят қилган ҳадисда: “Илм талаб қилиш ҳар бир мусулмонга фарздир” деб таъкидлаганлар. Куръони каримда: “Аллоҳ сизлардан имон келтирган ва илм ато этилган зотларни (баланд) даража (мартаба)ларга кўтарур” (*Муқоддаса*, 11), дейилган. Ибн Ҳажар Асқалоний ушбу оятни куйидагича тафсир қиласи: “Албатта, даражаларни кўтариш улуғ фазлу марҳаматга далолат қиласи ва дунёда олий мартаба, шон-шуҳрат каби маънавий юксакликни ҳамда жаннатдаги олий мартаба каби ҳиссий юксакликни ўз ичига олади”.

“Кимки динни илмсиз ўрганса, ўзи ҳам адашади, бировларни ҳам адаштиради”.

Ҳадисдан

“Куръони карим маъноларининг таржима ва тафсири”да эса ушбу оят куйидагича тафсир қилинади: “Илм ва олимларнинг фа-

зилатлари, икки дунёда эришадиган даража ва мартабаларига доир оят ва ҳадислар жуда кўп учрайди. Пайғамбар Мұхаммад (алайхис-салом)дан олим кишининг бир кунлик ибодати илмсиз обиднинг қирқ йиллик ибодатига тенг экани, қиёматда шафоат қилиши, агар у таълим ҳам берса, Ер ва осмонлардаги барча жонзот Аллоҳдан унга мағфират сўраши ва бошқа кўп башоратлар саҳиҳ ҳадислар орқали ривоят килинган. Сулаймон (алайхис-салом)га Аллоҳ таоло илм, бойлик ва подшоҳлиқдан бирини танлашни бу юрганида у илмни танлайди. Илмнинг шарофатидан унга бойлик ва подшоҳликни ҳам қўшиб беради».

Бошқа^{*} бир оятда эса: “Аллоҳ адолатда (барқарор) туриб, шундай гувоҳлик берди: “Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқдир”, фаришталар ва илм эгалари ҳам. (Албатта), Ундан ўзга илоҳ йўқ. У Азиз (кудратли) ва Ҳаким (хикматли)дир” (*Оли Имрон*, 18). Ушбу оятда Аллоҳ таоло ўзининг ягоналигига фаришталар билан бир қаторда илмли кишиларни ҳам гувоҳ қилгани олимларнинг даражаси Аллоҳ таолонинг даргоҳида ҳам улуғ эканига далолат киласи.

Имом Термизий ривоят қилган ҳадисда бундай дейилади: “Абу Дардо (р.а.): “Расууллоҳ (алайхис-салом) бундай деганларини эшитдим: “Ким илм истаб бир йўлдан юрса, Аллоҳ уни жаннат йўлларидан бирига йўллаб қўяди. Фаришталар илм толиби учун қанотларини пасайтирадилар. Албатта, олим ҳақига осмонлару ердагилар, ҳаттоқи, сув остидаги баликлар ҳам истифор айтадилар. Олимнинг обиддан афзаллиги бадр кечасидаги тўлин ойнинг бошқа юлдузлардан афзаллиги кабидир. Олимлар пайғамбарларнинг меросхўрлариридир. Пайғамбарлар динор ва дирҳамни мерос қолдирмадилар. Балки илмни мерос қолдирдилар. Ким уни олса, (меросдан) тўлиқ насибасини олибди”.

Юқоридагилардан хulosа қиладиган бўлсак, исломда илм, маърифатли бўлишга, Яратган томонидан инсонларга берилган неъматлар ҳақида билим орқали тадаббур қилишга тарғиб қилинган. Шунинг учун ҳам, Аллоҳ таоло тафаккур қilmайдиган, ўзининг ким эканини англаб етмайдиган, бугуннинг ҳузур-халовати билан яшаб, эртаси ҳақида қайғурмайдиган, онгсиз кимсларни Куръони каримда “...Уларда қалблар бор, (лекин) улар билан “англамайдилар”. Уларда кўзлар бор, (лекин) улар билан “кўрмайдилар”. Уларда қулоқлар бор, (лекин) улар билан

“эшитмайдилар”. Ана ўшалар ҳайвонлар кабидирлар. Балки улар (янада) адашганроқдирлар. Айнан ўшалар ғофиллардир” (Аъроф, 179), деб таърифлайди.

“Ислом дини бизни эзгулик ва тинчликка, асл инсоний фазилатларни асраб-авайлашга даъват этади. Биз муқаддас динимизни азалий қадриятларимиз мұжассамининг ифодаси сифатида беҳад кадрлаймиз. Биз муқаддас динимизни зўравонлик ва қон тўкиш билан бир қаторга қўядиганларни қатъий қоралаймиз ва улар билан ҳеч қачон муроса қила олмаймиз”.

Шавкат Мирзиёев

Умуман олганда, ислом илмсизлик ва жоҳилликни қоралайди, илм олиш, жаҳолатдан маърифатни устун қўйиш каби эзгу фазилатларга буюради. Ҳақиқатда жоҳиллик ёмон иллат бўлиб, жоҳил инсонлар барча ёмонликларга ҳеч қандай тўсиқсиз кириб кетаверадилар. Жаҳолат инсон хаётини барбод қиласи, охиратини куйдиради. Маърифат эса инсон қалбига сайқал беради, маънавий, руҳий дунёсини гўзаллаштиради, инсонга шон-шуҳрат келтиради, улуғлайди. “Маърифат” сўзи “билим”, “Аллоҳни таниш” каби хислатларни ўзига жамлайди. Бунга зид равишда илмни диний ва дунёвий турларга тақсимлаб, айрича қараш инсон маънавиятиниң емирилишига олиб келади. Бу фикр исботи учун узоқ ва яқин ўтмишимизда мисоллар кўп. Абу Али ибн Сино, Беруний, Хоразмий, Мирзо Улуғбек каби улуғ аждодларимиз гарчи собиқ тузум уларнинг диний илм соҳиблари бўлганини яширган бўлсада, улар энг аввало ислом дунёсининг ардокли олимлари, том маънодаги илм эгаларидир. Шу жиҳатдан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг: “Айнан таълим ва маърифат башарият фаровонлигининг асосий омилларидан ҳисобланади, инсонларни эзгуликка даъват этади, саховатли, сабр-қаноатли бўлишга ундайди. Муқаддас ислом динимиз бизга айнан шуни ўргатади” деган гаплари биз учун дастуруламал бўлмоғи лозим. Ана шунда биз ҳар томонлама мукаммал инсон, аждодларимизга муносиб фарзанд бўламиз.

Багрикенглик тушунчаси ва моҳияти. Ислом динининг тинчлик ва осойишталикка бўлган эътибори юқори бўлиши билан бир қаторда, багрикенглик унинг негизи ҳисобланади. “Багрикенглик”

тушунчаси илмий фаолият ва ижтимоий ҳаётнинг турли соҳалари, жумладан, сиёсат ва сиёсатшунослик, социология, фалсафа, илоҳиёт, ижтимоий ахлоқ, қиёсий диншунослик каби фанлар доирасида кенг истифода этилади. “Толерантлик” – лотинча “tolerare”, яъни “чидамоқ”, “сабр қилмоқ” маъносини англатган бу сўз, асосан бирор нарсани, ўзгача фикр ёки қарашни, ўз шахсий тушунчаларидан қатъи назар, имкон қадар бағрикенглик ва чидам билан кабул қилишни англатади. Хусусан, ушбу тушунча деярли барча тилларда бир хил ёки бир-бирини тўлдирувчи маъно касб этиб, “чидамлилик”, “бардошлилик”, “токатлилик”, “ўзгача қарашлар ва ҳаракатларга ҳурмат билан муносабатда бўлиш”, “муруватлилик”, “ҳимматлилик”, “кечиримлилик”, “мехрибонлик”, “ҳамдардлик” каби маъноларга эга.

Халқаро ташкилотлар орасида энг нуфузлиси ва йириги ҳисобланган Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг 1945 йили қабул қилинган Уставида давлатларнинг ўзаро бағрикенглик руҳида яхши қўшничилик кайфиятида яшashi, халқаро тинчлик ва хавфсизликни мустаҳкамлашда ҳамжиҳат бўлиб ҳаракат қилиши асосий мақсадлардан бири, деб эълон қилинди.

Тараққиётнинг асосий омилларидан бири бўлган бағрикенглик борасида 1995 йил 16 ноябрда БМТ тизимида Фан, таълим ва маданият соҳасида ихтисослашган ташкилот (ЮНЕСКО) Бош конференциясининг 28-сессиясида “Бағрикенглик тамойиллари Декларацияси” қабул қилинди. Декларацияда ирқи, жинси, келиб чиқиши, тили, динидан қатъи назар, бағрикенгликни тарғиб этиш, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига ҳурмат билан қараш каби мажбуриятлар белгилаб қўйилган. 1995 йил “Халқаро бағрикенглик” йили деб эълон қилинди.

“Бағрикенглик тамойиллари Декларацияси”даги “толерант” сўзи ўзбек тилига “бағрикенглик” деб таржима қилингандан бери у тилимизда ўрнашиб қолди. Рус тилида “терпимость” сўзи бошқачасига айтганда “сниходительность”, яъни бағрикенглик, кенг-феъллик маъноларини англатади. Диний соҳа ҳакида гап кетганда руслар “веротерпимость” сўзини ишлатишади. Ўзбек тилида “диний бағрикенглик” ибораси айнан шунга адекват ҳисобланади.

Диний бағрикенглик турли дин вакиллари эътиқодидаги мавжуд ақидавий фарқлардан қатъи назар уларнинг ёнма-ён, ўзаро тинч-тотув яшashi ҳамда ҳар бир диний таълимотга ҳурмат билан

карашни англатади. Ҳар ким ўз эътиқодига амал қилишда эркин бўлгани ҳолда, бу ҳуқукқа бошқалар ҳам эга эканини эътироф этмоғи лозим. “Бағрикенглик тамойиллари Декларацияси”да таъкидланганидек, “Бағрикенглик бўлмаса тинчлик бўлмайди, тинчлик сиз эса тараққиёт ва демократия бўлмайди”.

Жаҳон динлари ичида энг ёши ҳисобланган ислом дини ҳам ўзининг илк давридаёқ бағрикенглик дини сифатида намоён бўлди. Маълумки, ислом ўзидан аввалги динларни (яхудийлик, насронийлик) эътироф этибгина қолмасдан, уларнинг ҳақ-ҳукукларини қонун билан мустаҳкамлаб қўйган. Шунингдек, уларнинг маданият ва анъаналарига эҳтиром билан карашга ҳамда улар билан адолатли муносабатда бўлишга буюрган. Аллоҳ таоло Куръони каримда бундай дейди: “... бирор қавм (кишилари)ни ёқтираслик сизларни уларга нисбатан адолатсизлик қилишга ундамасин!” (*Моида*, 8). Имом Аҳмад ибн Ҳанбал ривоят қилган ҳадисда Мухаммад (алайҳис-салом) шундай дейилар: “Кимки аҳли зимилага бирор заҳмат етказса, Қиёмат куни Мени ўзининг душмани сифатида кўради”.

Дарҳақиқат, ислом илк даврларданоқ ўзидан олдинги динларга ҳеч қандай тазийик ўтказмади. Унинг таълимотига биноан барча пайғамбарлар биродардирлар, рисолатда улар ўртасида ҳеч қандай афзаллик йўқ, эътиқодга, динга мажбурлаш мумкин эмас, самовий динларнинг ибодатхоналари ҳимоя ва мудофаа қилиниши керак, динлардаги ихтилофлар қотиллик ва адоватларга сабаб бўлмаслиги, яхшилик, силаи раҳмдан тўсмаслиги лозим. Бу борада Куръони каримда бундай дейилади: “Дин тўғрисида сизлар билан урушмаган ва сизларни ўз юртингиздан (хайдаб) чиқармаган кимсаларга нисбатан яхшилик қилинингиз ва уларга адолатли бўлишингиздан Аллоҳ сизларни қайтармас. Албатта, Аллоҳ адолатли кишиларни севар” (*Мұмтаҳана*, 8). Шунингдек, Мухаммад (алайҳис-салом) ҳадисларида: “Сиз ўзингиз яхши кўрган (муҳаббат қилган) нарсани биродарингизга раво кўрмагунингизча комил мўмин бўла олмайсизлар”, дейилади. Имом Нававий шу ҳадисни бундай шарҳлаган: “Ҳадисда келган “муҳаббат” сўзидан мурод инсонлар ўртасидаги муҳаббат эмас, аксинча, биродарига яхшилик ва манфаатларни тилашдир. Бу умум башариятга нисбатан, яъни у мусулмонга ҳам, бошқа дин вакилига ҳам бирдай яхшиликни исташ лозим деганидир”.

Бу борада Пайғамбар Мұҳаммад (алайхис-салом) ислом умматыгагина эмас, бутун инсониятга намуна бўлдилар. Мадинага ҳижрат қилганларида давлат ишлари даги барча амаллари ўша ерлик яхудийлар билан уларнинг ақидал арини хурмат қилишга асосланган аҳднома тузиш бўлди. Расулуллоҳ (алайхис-салом) аҳли китобдан бўлган қўшнилари билан яхши муносабатда бўлар, ҳадя бериб, улардан ҳам турли ҳадялар қабул қиласардилар. Мадинага Хабаистон насронийларининг вакиллари келганда уларни масжидга тушириб зиёфат бердилар ва хизматларини қилдилар. Ҳаттоқи, Нажрон насронийларига масжиднинг бир томонида ибодат қилишга ижозат бердилар.

Шу билан бирга, Имом Бухори йдан ривоят қилинган қуйидаги ҳадисда ҳам киши қайси дин вакил и бўлишидан қатъи назар унинг инсон сифатида қадрланиши, унга хурмат кўрсатишга даъват этилишига ишорат бор: “*Набий (алайхис-салом) олдидан бир жсаноза олиб ўтилди. Шунда у зот ўрийларидан турдилар. Одамлар: “Ё Расулуллоҳ, бу яхудийнинг жсанозаси”, дейшиди. У киши: “У инсон эмасми?!” дедилар*”. Ислом дини ҳамиша инсон қадр-кимматига катта эътибор берган ва бошқа дин вакилларининг ҳаёти, шаъни, ор-номуси ҳамда ҳақ-хукуқларини юксак қадрлаган.

Куръони карим “Рум” сураси 22-оятига кўра, одамларнинг тили ва рангидаги фарқлар Худонинг мўъжизаларидандир. Миллий ва диний ранг-барамглик ҳамда эътиқод эркинлигини қарор топтириш масалаларида Куръони карим бутунлай бағрикенглик руҳи билан суғорилган. Демак, дунёдаги турли-туманлик Яратганинг иродаси ва ҳикмати билан боғлиқ. Аллоҳ дастлаб одамзодни бир уммат қилиб яратганди, сўнгра уларни турли қабила, ҳалқ ва динларга ажратди. Бундай ранг-барамгликдан мақсад – умумий фаровонлик йўлида инсонлар бир-бирлари билан мусобақа қилмоқлари даркор. Бошқа жамоалар билан ҳамжиҳатликни чукӯрлаштириш учун мусулмонлар улар билан, айни қса, китоб аҳли – яхудийлар ва насронийлар билан мулоқот қилмоқлари лозим. Куръон бу дунёни барча ҳалқ ва дин вакиллари тинч-тотув яшайдиган замин деб эълон қилди. Умуман олганда, Куръони каримнинг эллиқдан ортиқ сурасидаги юзлаб оятларда мусулмонлар мўмин-қобиллик, тинчликпарварлик ва бошқа эътиқод вақилларига нисбатан бағрикенгликка даъват этилганлар. Демак, ислом дини азалдан инсониятга асл мурувватни, ҳатто ўзга дин вакилларига эҳтиром ҳамда бағри-

кенглик билан муносабатда бўлишни ўргатиб, улар билан тинч-тотув яшашга, фитна ва турли адоватларга барҳам беришга чакирган.

Ўзбекистонда бағрикенглик муносабатлари. Тарихий манбаларнинг далолат беришича, ўлкамизда маданият ривожининг уч минг йилдан ортиқ буюк тарихи бор. Марказий Осиёда, хусусан, Ўзбекистоннинг ҳозирги ҳудудида қадим даврлардан турли маданият, тил, урф-одат, турмуш тарзига эга бўлган, хилма-хил динларга эътиқод қилган ҳалқлар яшаб келган. Ўзбекистоннинг жуғрофий-сиёсий нуқтаи назардан муҳим савдо йўллари чорраҳасида жойлашгани, кўплаб давлатлар билан иқтисодий, маданий алоқалар қилгани диний ва маданий ҳаётга катта таъсир кўрсатган. Ўз навбатида бу ерда яшаган туб аҳолининг маданияти ҳам уларга таъсир ўтказган ва ўзига хос турмуш тарзини шакллантиришда муҳим омиллардан бири бўлиб хизмат қилган.

Асрлар мобайнида ўлкамизнинг шаҳару қишлоқларида масжид, черков ва синагогалар эмин-эркин фаолият кўрсатиб, турли миллат ва динга мансуб қавмлар ҳамжиҳатлиқда ўз диний маросимларини адо этиб келганлар. Тарихимизнинг энг мураккаб, оғир давларида ҳам улар ўртасида диний асосда мажаролар бўлмаган. Бу эса, миллати ва диний қарашидан қатъи назар, инсонни ардоқлаш ва ўзгаларни қадрлаш, катталарга ҳурмат, кичикларга иззат кўрсатиш каби туйгулар ўлка аҳолисининг қон-қонига сингиб кетганидан далолат беради. Айнан шу сифатлар ҳалқимизга хос бўлган диний бағрикенгликнинг маънавий асосини ташкил қилади.

Маълумки, ҳар бир диннинг ўзига хос ақидалари мавжуд. Улар баъзан бир-бирига мутаносиб бўлса, баъзан бир-бирига зид ҳам келиши мумкин. Диний бағрикенглик ана шу хилма-хиллик асосида келиб чиқиши мумкин бўлган низоларнинг олдини олади, турли эътиқодларнинг ёнма-ён ва бир пайтда мавжуд бўла олиши учун хизмат қилади.

Қадим замонларданоқ ўлкамизда зардуштийлик, буддавийлик, яхудийлик, насронийлик каби динлар мавжуд бўлган. Энг қадимий ва кенг тарқалган динлардан бири бўлмиш зардуштийликнинг ватани ҳам бизнинг юртимиздир. Зоро, у қадимги Хоразмда шаклланниб, ривож топган.

Марказий Осиёга ислом динининг ёйилиши арафасида бу ерга Эрон орқали Суриядан кириб келган несториан йўналишидаги

насронийлик дини мухим мавқени эгаллаган. VI аср бошларида Самарқандда несториан епископи, VIII асрда эса митрополити хизмат қилган. Шунингдек, қадимда хозирги Тошкент ва Хоразм вилоятлари ҳудудларида насроний динига мансуб аҳоли ҳам яшаган.

VIII асрда Марказий Осиё араблар томонидан забт этилганидан сўнг минтақага ислом дини кириб келди. Аҳолининг бу динни қабул қилиши аста-секинлик билан, бир текис бўлмаган ҳолда юз берди. Аҳолининг бир қисми ўзларининг қадимги динларига эътиқод қилишда давом этди. Бу вақтда ислом ва маҳаллий динларнинг, уларга хос қадрият ва одатларнинг қоришуви юз берди. Мовароуннаҳр ҳалқарининг ислом динига зид келмайдиган маърифий-ахлоқий ғоялари, ҳуқукий меъёр ва урф-одатлари тўла сақланиб қолди ҳамда ислом таълимоти асосида янада сайқалланди. Бу ҳолат Мовароуннаҳрда исломнинг ўзига хос хусусиятлар касб этишига сабаб бўлди. Бу ҳам юртимиизда узоқ йиллар давомида шаклланган диний бағрикенглик самараси эди.

Үлкада тинчлик ва диний бағрикенглик мұхитини таъминлашда ислом таълимотидаги ўзга дин вакиллари билан ўзаро муроса йўлини тутиш, улар билан дунёвий ишларда ҳамкорлик қилиш ва ҳамжиҳатлиқда яшашга чорловчи тамойиллар ҳам ўзига хос аҳамият касб этди. Айниқса, ислом таълимотидаги динни қабул қилиш ёки қабул қиласынан қалбга боялик, инсоннинг тўлиқ ихтиёридаги амал деб қаралиши минтақада диний бағрикенглик мұхити барқарор бўлиши учун асосий омиллардан бўлди.

“Маълумки, бизнинг қадимий ва саховатли заминимизда кўп асрлар давомида турли миллат ва элат, маданият ва дин вакиллари тинч-тотув яшаб келган. Меҳмондўстлик, эзгулик, қалб саховати ва том маънодаги бағрикенглик бизнинг ҳалқимизга доимо хос бўлган ва унинг менталитети асосини ташкил этади”.

Шавкат Мирзиёев

Марказий Осиё минтақаси, хусусан, Ўзбекистон мамлакати ҳам минг йиллар давомида динлааро бағрикенглик ўлкаси сифатида эътироф этилади. Ҳакиқатан ҳам, ўзбек ҳалқи ўзининг бутун тарихи давомида ҳамма вақт бошқа ҳалқ, миллат-ва дин вакилларига нисбатан ўзининг хурматини намоён этган. Бу ўз навбатида

юрт тинчлиги, тараққиёти ва умуминсоний маданият ривожига хизмат қилган.

Бой тарихий тажрибанинг давоми сифатида бугунги кунда ҳам юртимизда бир юз ўттиздан ортиқ миллат ва элат вакиллари ва ўндан ортиқ диний конфессияга эътиқод килувчи шахслар бир оила фарзандларидек ахил-иноқ бўлиб яшаб келмоқдалар. Уларнинг урф-одатлари, анъана ва қадриятларининг ривожланиши, таълим олиши, касб-хунар эгаллаши, жамият ҳаётининг барча жабҳаларида фаолият кўрсатишида мамлакатимиздаги тинчлик ва барқарорлик, миллатлараро тотувлик, айниқса, тинчликсевар ҳалқимизнинг бағрикенглиги муҳим омил бўлмоқда. Миллатлараро муносабатларни янада такомиллаштириш, миллий қадриятларни сақлаб қолиш ва ривожлантириш борасидаги ишларни изчил давом эттириш ҳамда миллий-маданий марказлар фаолиятини мувофиқлаштириш, уларга ташкилий ва услубий ёрдам беришни йўлга қўйиш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 13 январдаги қарори билан Республика байналмилад маданият маркази ташкил этилган. Натижада, 1991 йилда бор-йўғи 10 та атрофида бўлган миллий-маданий марказлар сони бугунги кунга келиб 150 тага яқинлашди. Улар ўзлари мансуб бўлган этноснинг тили, маданияти, урф-одатлари, анъаналарини сақлаб қолиш ва ривожлантириш, миллатлараро муносабатларда уйғунликни таъминлашга муносиб ҳисса қўшиб келмоқда.

Хукуматимиз томонидан фуқаролар тотувлиги барқарорлигини, турли миллатлар вакиллари ўргасидаги тинчлик ва ҳамжиҳатликни таъминлашга, ватандошларимиз онгидаги кўп миллатли ягона оила туйғусини мустаҳкамлашга, миллий маданий марказлар ва дўстлик жамиятлари фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-куватлаш ва янада ривожлантиришга, хорижий мамлакатлар билан маданий-маърифий алоқаларни кенгайтириш борасида кўплаб самарали ишлар олиб борилмоқда. Жумладан, 2017 йил 19 май куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев “Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқаларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” фармонни имзолади. Унга кўра, Республика байналмилад маданият маркази ва дўстлик жамиятларининг негизида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари кўмитаси ташкил этилди.

Шу ўринда қайд этиш лозимки, БМТ Бош Ассамблеясининг 2018 йил 12 декабрдаги ялпи мажлисида «Маърифат ва диний бағрикенглик» маҳсус резолюцияси қабул қилинди. Лойиҳаси Ўзбекистон томонидан ишлаб чиқилган хужжат БМТга аъзо давлатлар томонидан бир овоздан кўллаб-куватланди. Эътиборли жиҳати шундаки, мазкур резолюцияни қабул қилиш ташаббусини Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев 2017 йил сентябрда Нью-Йоркда бўлиб ўтган БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида илгари сурган эди. Ўзбекистон таклиф этган резолюциянинг асосий мақсади – барча учун таълим олиш имкониятини тақдим этиш, саводсизлик ва билимсизликни бартараф этишдан иборат. Хужжатда «бағрикенглик ва ўзаро хурматни ўрнатиш, диний эркинликни таъминлаш, диндорлар хукукларини ҳимоя қилиш ва уларнинг камситилишига йўл кўймаслик»ка ҳам чақирилган.

Шунингдек, бугунги кунга келиб, мамлакатимизда хукumat томонидан турли диний ташкилотларнинг ўз фаолиятларини амалга оширишлари ва мамлакат ҳаётида фаол иштирок этишлари учун барча шарт-шароитлар яратиб берилди. Жумладан, марказий телевидение орқали Ўзбекистон мусулмонлари идораси маънавий-маърифий кўрсатувларни бериб бориши, Бухорий, Термизий, Мотуридий каби машҳур алломаларнинг таваллудига бағишиланган анжуманларнинг кенг кўламда нишонланиши каби тадбирларни айтиб ўтиш ўринлидир. Айниқса, ҳаж ибодатини тўла-тўқис ва ҳамжиҳат ҳолда адо этиш учун барча шароитлар яратилгани таҳсинга сазовор.

Ўз навбатида православлар учун Истроил, Греция ва Россия, католиклар учун Истроил ва Италия, арманлар учун Истроил ва Арманистон, яхудийлар ва баҳоийлар учун Истроил, кришначилар учун Ҳиндистон ва буддавийлар учун Кореяда жойлашган муқаддас жойларга зиёратлар ташкил қилинмоқда. Шунингдек, христианларнинг “Рождество”, “Пасха”, яхудийларнинг Рош-Ашона (Янги йил), Йом-Кипур (Гуноҳлардан покланиш байрами), Песах (Пасха), буддавийларнинг Сагаалган (Янги йил), Дончод-хурал (Будданинг туғилган куни) каби байрамларни нишонлаш учун юртимизда яшовчи шу дин вакилларига кенг имкониятлар яратиб берилмоқда.

Бу эса, юртимизда яшаётган барча дин вакилларининг ўз диний эътиқодларини эмин-эркин амалга оширишлари ва диний

бағрикенгликті таъминлашы қаратылаётган тадбирлар жумласыга киради. Қуонарлы жиҳати шундаки, бұтта тадбирлар диний баркарорлық, конфессиялараро самимий ва дүстона мухиттінг вужудға келиши ва энг асосийси юртимиздаги тинчликнинг барқарор бўлишига сабаб бўлмоқда. Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, диний бағрикенглик ҳам динлараро ҳамда ҳар бир диннинг ичидаги турли хил йўналишлар ва мазҳабларнинг эзгу ғояларини қадрлаш, бир-бирларини хурмат қилиш, шу билан бирга ўзаро ҳамкорлик асосида амалга ошади.

Назорат саволлари

1. Ислом динининг тинчликпарварлық мағиятини очиб беринг.
2. Ислом динининг манбаларыда илм олишнинг фазилати ва олимларнинг даражаси ҳақида нимадар дейилган?
3. “Бағрикенглик” ва “диний бағрикенглик” деганда нима ту шунилади?
4. Ўзбекистонда миллатлар ва динлараро бағрикенглик борасида қандай ишлар амалга оширилмоқда?

2-мавзу: Исломдаги ақидавий ва фиқхий йўналишлар

Режа:

- 1. Фиқхий мазҳаблар ва уларнинг юзага келиши*
- 2. Мотуридийлик ва Ашъарийлик*
- 3. Ақида ва унинг илм сифатидаги аҳамияти*
- 4. Ақидавий ихтилофларнинг келиб чиқшии сабаблари*

Таянч иборалар: мазҳаб, суннӣ, ҳанафий, моликий, ҳанбалӣ, шиоғеий, фақиҳ, фатво, Муватто, қиёс, ижмо, раъӣ, Муснад, мазҳабсизлик, музистаҳид, муқаллид.

Фиқхий мазҳаблар ва уларнинг юзага келиши. Ислом дини келгандан кейин бир аср ўтар-ўтмас турли диний хукукий (фиқхий) мактабларнинг пайдо бўлишига замин яралди. Ислом дини жуғрофий жиҳатдан катта ҳудудларга тарқалиб, турли миллат ва ҳалқлар бу динни қабул килиб, уни ўзларининг ҳаёт тарзига айлантира бордилар. Диндаги хукукий масалаларни ечишда эса, асосий ролни мазҳаб асосчилари ўтади.

Пайғамбар (алайҳис-салом) вафтларидан кейин тўрт ишончли халифалар, саҳобийлар, тобеийлар ва улардан кейингилар «Сунна»га таянганликлари учун «Суннийлар» ёки «Аҳли сунна вал-жамоа» номини олдилар. Даврлар ўтиши билан суннийлик йўналиши бўйича турли мазҳаблар юзага келди. Унга кўра мусулмонларнинг амал қилишлари учун ҳар томонлама қулай, енгил ва камчиликлардан холи бўлган мужтаҳидлар туттган йўлларига эҳтиёж сезилди. Пайғамбар (алайҳис-салом) ҳам ҳаётда дуч келинадиган масалалар ҳусусида тўхталиб: «Аввало Аллоҳнинг китоби – Каломуллоҳга муроҷсаат қилинг, Унда нима дейилган бўлса, ана ўшанга амал қилинг, агар Куръонда бирон масаланинг ечимини топа олмасангиз, у ҳолда Мендан қолган суннатимга муроҷсаат қилинг, ҳадисларимдан ҳам топмасангиз, саҳобийларим айтган гапларга эргашинг, чунки саҳобийларим ийлдаги ийлчи юлдузга ўҳшайдилар» деб, марҳамат қилганлар. Бу ўринда пайғамбаримизнинг бир неча минглаб саҳобийлари бўлганлиги маълум ва машхур. Энди маълум масала юзасидан биримиз бу саҳобийнинг, иккинчимиз бошқа саҳобийнинг сўзларини олар эканмиз, бир масала устидаги икки хиллик тўғри деб қабул қилинади. Мана шу ўринда мазҳаб

тарафдорларининг фикрлариға мурожаат этиш лозим бўлади. Демак, суннийликдаги мазҳабларнинг далил ва ҳужоатларга асосланган қарашлари мавжуд. Улар орасида деярли фарқлар бўлмаса-да, фақатгина баъзи ибодат ва муомалотга оид масалаларда айрим жиҳатлар кўринади. Бу фарқлар масалан афзал ва жоиз деган нисбат билан ўлчанади. Биз амал қилган мазҳаб афзал, бошқаси диндан адашган дейишга ҳеч қандай асос йўқ. Булар ичидан тўртаси суннийликнинг (Ҳанафий, Моликий, Шофеий ва Ҳанбалий) асосий мазҳаблари сифатида мустаҳкам шаклланган.

Ҳанафийлик. Мазҳаб асосчиси Абу Ҳанифа Нўймон ибн Собит бўлиб, «Имоми Аъзам» лақаби билан шуҳрат қозонган. У зот Куфа шаҳрида (699–767) таваллуд топиб, ўша ерда вафот этган. Устози Шаъбийдан калом, ҳадис, тафсир, фикҳ илмларини мустаҳкам эгаллаб, улар орасида айниқса фикҳ илмига катта қизиқиши билан қарайди. Абу Ҳанифа яшаган давр Умавийлар ва Аббосийлар сулоласининг давлат бошқаруви вақтларига тўғри келди. Абу Ҳанифа Куръони карим, сунна, саҳобийлар сўзлари, қиёс, истехсон, ижмо, урф каби фиқҳий манба ва услубларга кўра хукм чиқарган. Абу Ҳанифа асос солган ҳанафийлик мазҳаби саккизинчи аср ўрталарида тарқала бошлаб, нафақат Куфа, балки, Ирок, Жазоир, Тунис, Марокаш, Индонезия, Малайзия, Эрон, Мовароуннаҳр, Хурросон, Афғонистон, Ҳиндистон, Покистон, Туркия ва бошқа мамлакатларга тезда тарқалиб улгурди. Бу мазҳаб дастлаб Аббосийлар, Сомонийлар, Қорахонийлар, Газнавийлар, Салжуқийлар, Хоразмшоҳлар, Мисрда Айюбийлар, Мамлуклар, шунингдек, Темурийлар, Бобурийлар, Шайбонийлар давлатлари ҳамда Усмонийлар империяси томонидан расмий мазҳаб сифатида қабул қилиниб, ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларида ундан кенг кўламда фойдаланилди.

Имом Абу Ҳанифа асос солган ҳанафий мазҳаби Ироқнинг Куфа шаҳрида юзага келиб, Мовароуннаҳрнинг йирик шаҳарлари – Самарқанд ва Бухорода ўз тараққиётининг чўққисига кўтарилди. Мўътадиллиги, миллий урф-одатларга бағрикенлиги, турли минтақалардаги шарт-шароитларга мос келиши ва бошқа омиллар туфайли ҳанафийлик кўплаб мусулмон мамлакатлари ҳалқлари томонидан қабул қилинган. Ҳозирда мусулмонларнинг тақрибан 47% ҳанафий мазҳабига эргашадилар.

Моликийлик. Мазҳаб асосчиси Имом Молик ибн Анас (713–795) Мадинада туғилиб, ўша ерда вафот этган. У зот Мадина хуқуқий

мактабига асосланиб, суннийликдаги кенг тарқалган мазҳаблардан бири – моликийликка асос солди. Мужтахид олимнинг «Муватто» асари мазҳаб тамойилларини атроғлича қамраб олган. Кейинчалик ушбу асарга қатор шарҳлар ёзилган. Мазҳабга кўра, асосий манба сифатида ҳадислар қамраб олинади. Шунинг учун мазҳаб тарафдорларини «ахли ҳадис» деб ҳам аталади. Услубга кўра, Куръон, Пайғамбар (алайҳис-салом) ҳадислари, сахобий қавллари ва ижмо каби манбаларга асосланиб ҳукм чиқаради. Ҳанафийлик каби ушбу мазҳабда ҳам урф-одатлар тан олинади. Ҳозирда моликийлик мазҳаби Миср, Фаластин, Судан, Сомали, Ливия, Тунис, Марокаш каби марказий ва Ғарбий Африка, Гамбия, Нигерия, Кувайт, Баҳрайн, Уммон ҳудудларида кенг тарқалган.

Шофеийлик. Мазҳаб асосчиси Абу Абдуллоҳ Мұхаммад ибн Идрис Шофеийдир. Мужтахид олим 767–820 йилларда фаолият юритиб Мисрда вафот этган. У зот ўз даврида тарқалиб улгурган бошқа мазҳаб вакилларининг таълимотларини ҳам пухта ўзлаштира олди. Жумладан, Яман, Бағдод олимларидан, Мадинаға сафар қилиб, моликийлик мазҳаби асосчиси Молик ибн Анасадан сабоқ олди. Шунингдек, Ироқ ва Куфа шаҳарларига келиб мазҳаббоши Абу Ҳанифанинг машҳур шогирдларидан ҳам таълим олди. Ҳанафийлик таълимотини асосан Мұхаммад ибн Ҳасан Шайбонийдан ўзлаштириди. Имом Шофеий эгаллаган илмларини умумлаштирган ҳолда Куръони карим, сунна, сахобийлар сўzlари, қиёс, раъи, ижмо каби фиқхий манбаларни бирлаштириб, унга кўра ҳукм чиқариб ўзига хос йўналишни яратди. Имом Шофеий асос солган шофеийлик мазҳаби VIII аср охири ва IX асрда деярли барча араб мусулмон мамлакатларига тарқалган. Бу мазҳаб қатор мамлакатлар томонидан расмий мазҳаблардан бири сифатида фойдаланилади.

Ҳанбалийлик. Мазҳаб асосчиси Имом Абу Абдуллоҳ Аҳмад ибн Мұхаммад ибн Ҳанбалдир. Олим Бағдод шаҳрида милодий 780 йил таваллуд топиб, 855 йили ўша шаҳарда вафот этган. Имом Ҳанбалнинг фаолияти даврига келиб, илм-фаннынг барча соҳалари ўзининг энг юқори босқичларига кўтарилди. Айникса, Бағдод шаҳри дунёнинг етакчи илм марказига айланиб улгурди. Куфа, Басра, Макка, Мадина, Яман, Шом, Жазоир каби ўнлаб шаҳарларга сафар қилиб, бошқа мазҳаб вакилларининг юзлаб устозларидан таҳсил олди. Имом Ҳанбал Куръон, сунна, сахобийлар сўzlари, ижмога асосий эътибор қаратиб, сахобий қавлларини қиёсдан

устун қўяди. Имом Ҳанбал асос солған ҳанбалийлик мазҳаби асосан VIII аср охири ва IX аср ўрталарида тарқалса-да, фақат маълум худудлар билангина чекланиб қолди. Унинг тарафдорлари Макка, Мадина ва бошқа баъзи араб мамлакатларида учрайди. Имом Ҳанбалнинг «Муснад» номли китобига жами қирқ мингдан зиёд ҳадислар киритилган.

Бу тўрт фиқҳий мазҳабнинг ташкил топиши Пайғамбар (алайхис-салом)дан кейин икки аср орасида ниҳоясига етди. Улар орасида баъзи бир-биридан фарқли жиҳатларнинг бўлиши табиий. Лекин уларнинг барчаси мужтаҳид фақиҳ бўлганлари учун барча мусулмонлар уларнинг мазҳабларини ҳақиқий, деб тан оладилар. Лекин инсон ҳар бир ишда бу мазҳабларнинг фақат биттасигагина эргашиши мумкин, яъни бир масалада у мазҳабга, бошқасида бу нисига амал қилиш дуруст эмас.

Мотуридийлик ва Ашъарийлик. Эътиқодий масалаларда ахли сунна вал-жамоа икки жамоага бўлинади: мотуридийлар ва ашъарийлар. Мазкур икки таълимот вакиллари бир-бирларини хурмат қиласидилар. Мотуридия ва ашъария таълимоти вакиллари баъзи бир эътиқодий масалаларда ихтилоф қилса-да, лекин бу ихтилофлар диндаги иккимамчи – фаръий масалаларга тегишлидир. Аникроқ қилиб айтганда, икки таълимот ўртасидаги ихтилофлар лафзий бўлиб, моҳият ва ҳақиқатда бири иккинчисини қўллаб-куватлайди. Шунинг учун ҳам икки таълимот вакиллари бир-бирини «адашган», «бидъатчи» ёки бошқа бир салбий ном билан атамайди.

Мотуридия ва ашъария таълимотларининг эътиқодий қарашларига дикқат билан қаралса, уларнинг ўрталарида ўзаро яқинлик кўзга ташланади. Ҳолбуки, бу яқинлик ўзаро иттифоқликни келтириб чиқаради. Мана шу эътибордан мазкур икки таълимот вакилларининг аксари бири иккинчисига нисбатан ахли сунна вал-жамоа номини қўллайдилар. Бу икки таълимот ўртасида яқинлик қандай вужудга келганига ҳайрон бўлмасликнинг иложи йўқ. Чунки Абу Мансур Мотуридий умрини асосан Мовароуннаҳрда ўтказган ва шу ерда вафот этади. Манбаларда алломанинг Мовароуннаҳр шаҳарларидан бошқа юртларга сафар қилгани келтирилмаган. Шунингдек, ашъария таълимотининг асосчиси Абул Ҳасан Ашъарий ҳам Ирокда туғилган ва ўша ерда яшаб вафот этган. Ашъарийнинг ҳам Ироқ худудидан ташқарига чиққани

түғрисида манбаларда маълумот учрамайди. Қолаверса, ҳар иккисининг устозлари ҳам бошқа-бошқа бўлган, ҳатто бири-бирларини таниши ҳакида аниқ маълумотлар мавжуд эмас. Чунки Абу Мансур Мотуридийнинг бизгача етиб келган асарларида Абул Ҳасан Ашъарий умуман тилга олинмайди, ҳолбуки Мотуридийнинг «Китоб ал-мақолот» китобида ашъарийлардан бошқа ўз давридаги мавжуд исломий фирмә ва тоифалар номи келтирилган.

Мотуридия таълимотининг асосчиси Абу Мансур Мотуридий ҳазратлари IX асрнинг иккинчи ярми X аср биринчи ярмида яшаб ўтган бўлса-да, ислом оламига «Мотуридия» номи икки асрдан кейин Абул Юср Паздавий, Абул Муъин Насафий, Абу Шакур Солимий, Нуридин Собуний каби мотуридия таълимотининг таникли вакиллари саъй-ҳаракатлари натижасида тарқалди.

Ақида ва унинг илм сифатидаги ахамияти. «Ақида» сўзи бир нарсани иккинчисига «маҳкам боғлаш» маъносини англатади. Бу сўзнинг кўплик шакли «қақоид» бўлади. Ислом ақидаси мусулмон инсонни муайян тушунчалар билан маҳкам боғлаб турадиган эътиқодлар мажмуасидир.

Аслида бирор нарсага эътиқод қилиш учун уни ҳеч қандай шубҳа қолдирмайдиган даражада яхши билиш талаб этилади. Бунинг учун аввало, ўша нарсани идрок қилиш керак. Кейин эса, ўша хиссий идрок илмий маърифатга айланishi лозим.

Қачонки маълум бир илм бизнинг фикримизга айланниб, ҳис-туйгуларимизни йўллайдиган ва ҳаракатларимизни бошқарадиган ҳолга етганда, ақидага айланган бўлади. Демак, ақида илмга асосланади. Ақида илми аввало соғлом, тўғри имон-эътиқодда бўлишни таъминлайди. Щу сабабдан Абу Ҳанифа (р.ҳ.) ақида илмини «ал-Фиқҳ ал-акбар (Улуғ фиқҳ)» деб номладилар.

Ақида илмининг заруриятини Сўфи Оллоёр қисқа сатрларда жуда аниқ ифодалаб берган:

*Ақида бишмаган шайтона элдор,
Агар минг йип амал деб қилса елдор.*

Яъни, инсон тўғри ишонч-эътиқодда бўлмаса, минг ибодат қилса ҳам, фойдаси йўқ – елга кетади. Чунки ибодатларда хато қилса, тузатиш, қайта адo этиш имкониятлари бор, аммо эътиқод бузук бўлса, кечирилмайди. Диндаги айрим ҳукмлар ўзгариши мумкин. Лекин соғ эътиқод ўзгармайди ва мансух бўлмайди. Одам

(а.с.)дан буён келган динларда Аллоҳнинг бирлиги, пайғамбарларнинг юборилиши, фаришталар, жаннат ва дўзах сингари эътиқодга тааллукли қарашлар ўзгармай келган.

Ақоид илмига уламолар турлича таъриф берганлар. Бу таърифлар мазмунан бир-бирини тўлдириб келади. Ушбу таърифларнинг ичидаги энг муқаммали ва енгилроғи – аллома Мулла Али Корий «Шарҳ ал-Фикҳ ал-Акбар» асарида келтирган таърифдир: «Ақоид – бир илмки, унда эътиқод килиш лозим бўлган нарсалар хақида баҳс юритилади».

Ақоид илмининг мақсади:

- диний эътиқодларни қатъий далиллар билан исботлаш ва улар тўғрисидаги шубҳаларни рад қилишдир;
- инсонни ақидада оддий тақлидчи бўлишдан ҳар бир эътиқодига далил келтира олиш даражасига кўтариш;
- диннинг соғ эътиқодларини залолат аҳлининг шубҳа ва залолатларидан муҳофаза қилиш.

Тобеий ва табаа тобеийлар даврига келиб ақидада адашган баъзи тоифа ва фирмалар пайдо бўлди. Уларга раддия бериш ва ислом умматини улардан ҳимоя қилиш учун бир гуруҳ мутакаллим уламолар етишиб чиқдилар.

Калом илми пайдо бўлган вақтга келиб ақидага оид масалаларда, аввалги вақтларга ўхшаб, факат Куръон ва суннатдан далил келтириш билан чекланишнинг ўзи етарли эмас эди. Қарши тараф ақлий далил ҳам келтиришни талаб қиласр эди. Калом масалалари бўйича баҳслар мусулмон оламидаги ўша вақтнинг кўзга кўринган ақидавий мазҳаблари: аҳли сунна вал-жамоа, мўтазилийлар, муржиийлар, хорижийлар ва шиалар ўргасида бўлиб ўтган.

Вақт ўтиб турли ҳалқ ва тоифаларнинг исломни қабул қилишлари натижасида уларнинг ақидалари исломий эътиқодларга аралашиб кетди. Шу билан бирга, номусулмонлар томонидан ислом ақидаларига қарши фикрий ҳужум ва танқидлар ҳам авж ола бошлиди. Ана ўша ҳамлалардан ислом ақидасини ҳимоя қилиш учун калом илми соҳиблари ғайримусулмонлар билан тортишувларни бошладилар. Бу ишда аҳли сунна вал-жамоа уламолари ҳам, мўтазилийлар ҳам ва бошқалар ҳам иштирок этдилар.

Ақидавий ихтилофларнинг келиб чиқиши сабаблари. Узоқ ўтмишда бўлгани каби ҳозирги даврда ҳам жамиятимиздаги инсонларнинг бирдамлиги ва тинч-хотиржам ҳаёт кечираётганини

кўролмайдиган айрим ғаразли кучлар мусулмонлар ўртасига ақидавий ихтилофларни солиб, нотинчликлар ва бетартибликларни келтириб чиқаришга ҳаракат қилаётгани сир эмас.

Соғлом эътиқодга эга бўлиш учун адашган фирмә ва оқимлар ҳамда уларнинг хато қарашларини билиш лозим. Шу боис ақида уламолари ўз китобларида адашган фирмә ва оқимларни алоҳида зикр қилганлар.

Ислом уммати ўртасида эътиқодий масалаларда келиб чиққан ақидавий ихтилофларнинг бир неча сабаблари бор:

1. Ислом динига нисбатан ёт, ғаразли кимсалар томонидан ислом уммати ўртасида турли келишмовчиликлар чиқариш, уларнинг ҳамжиҳатлигига раҳна солиш мақсадида ақидавий ихтилофлар келтириб чиқарилган. Бунга Усмон (р.а.) давридаги ихтилофларни мисол қилиш мумкин. Ўша даврда асли яманлик бўлган яҳудий Абдуллоҳ ибн Сабаъ зоҳирлан исломни қабул қилиб, исломнинг соғ ақидасига зид бир қанча эътиқодларни олиб кириб, ўзининг ғаразли мақсадига эришди. Унинг бошлаган фитналари оқибатида Усмон (р.а.) шаҳид бўлди, мусулмонлар ўртасида «Жамал» уруши бўлиб ўтди. Қанча мусулмон мусулмонлар қиличи остида ҳалок бўлди.

Абдуллоҳ ибн Сабаъ иккита асосий бузук ақидани тарғиб қилган: а) «Васоят» – Пайгамбар (алайҳис-салом) ўзидан кейин мусулмонларга бошлиқ бўлишни Али (р.а.)га васият қилган. Ундан олдинги учта халифа халифаликни ноҳак кўлга киритган. Шунинг учун барча мусулмонлар ушбу ҳақни ўз эгасига қайтаришга ёрдам бериши вожиб. У мазкур ташвиқоти билан мусулмонларни Усмон (р.а.)га қарши қўйди; б) «Ражъат» – Муҳаммад (алайҳис-салом) вафот этгандан сўнг дунёга қайтади. Кейинчалик Муҳаммад (алайҳис-салом)нинг ўрнига Али (р.а.)ни дунёга қайтади, деган бузук эътиқодни тарқатишга ҳаракат қилади. Абдуллоҳ ибн Сабаъ кўп сафарлар қилиб Миср, Куфа ва Басра шаҳарларидан ўз маслақдошларини топишга эришди.

2. Қариндош-уруғчилик ҳам ақидавий ихтилофларнинг сабабларидан бири ҳисобланади. Ўз даврида ҳам, бугунги кунда ҳам форслар ўзларини шиалар эътиқод қиласиган ўн иккита имомдан тўртгинчиси Али Зайнулобидиннинг тоғаси ҳисоблайдилар. Чунки Ҳусайн (р.а.) форсларнинг охирги подшоси Ёздингардинг Шахрибону исмли қизига уйланади. Ундан Али исмли фарзанд кўради.

Ушбу жиҳатдан форслар Али Зайнулобидинни ва шия эътиқодини кўллаб-куватлайдилар.

3. Билимсизлик – ўтмишда ҳам ҳозирги кунда ҳам ақидавий ихтилофнинг асосий сабабларидан бири бўлиб қолмоқда. Тобеийлар даврида Ҳасан Басрийнинг дарс мажлисига бир киши келиб, ислом динида катта гуноҳ қилган кишининг ҳукми қандай бўлиши ҳакида сўрайди. Ҳасан Басрий жавоб беришидан олдин шогирди Восил ибн Ато адашиб: «Катта гуноҳ қилган киши имондан чиқади, лекин қуфрга кирмайди. Балки имон билан қуфр орасидаги бир манзилда бўлади», деб жавоб беради. Кейинчалик Восил ибн Ато адашган мўътазилия йўналишига асос солади.

4. Динда ғулувга кетиш – мўътадилликдан оғиб залолатга кетиш сабабларидан бири ҳисобланади. Ўтмишда хорижийлар фирмәси катта ғуноҳ қилган кишини кофирга чиқариб, уларнинг қонлари ва молларини ҳалол санаганлар. Бунинг оқибатида кўплаб бегуноҳ қишиларнинг қонлари тўкилган ва мол-мулклари талон-тарож қилинган. Бугунги давримиздаги айрим тоифалар баъзи мусулмонларни арзимаган сабаб ёки гуноҳ билан қуфрга нисбат бермоқдалар. Бу билан бир дин ва миллат вакиллари ўзаро ихтилофига сабаб бўлмоқдалар.

5. Сохта салафийлик ғоялари билан қуролланган айрим тоифа ва фирмә вакиллари Куръони карим ва ҳадиси шарифларнинг зоҳирий маъноларинигина олиб, асл моҳиятини англаб стмаслиги туфайли эътиқодий ва ибодатга оид масалаларда ислом уммати ўртасида ихтилофлар келтириб чиқармоқдалар.

Асосий ақидавий йўналишлар. Пайгамбар (алайҳис-салом) нинг «...тезда менинг умматим етмиш учта фирмәга бўлиниб кетади. Биттасидан ташқари барчаси ҳалок бўлувчидир», деган ҳадисларидаги адашган етмиш иккита фирмәни Абу Юср Паздавий, Абу Муъин Насафий ва Абу Шакур Солимий каби мотуридия таълимотининг йирик намояндалари асосий олтига фирмәга: хорижийлар, шиалар, қадарийлар, жабарийлар, мушаббиҳалар ва муаттилаларга тақсимлаганлар. Бугунги кунда ислом оламида ахли сунна вал-жамоадан ташқари шия ва хорижийларнинг ибодия йўналиши мавжуд.

Хорижийлар дастлаб Али (р.а.)нинг халифалик даврида пайдо бўлган. Хорижийлар ўша вақтдаги одил подшо, яъни Али (р.а.) нинг итоатидан чиқиб кетганликлари учун «хорижий», биринчи

ажралиб бориб жойлашган жойлари Ҳаруро қишлоғига нисбатан «ҳарурийлар» ва Сиффин жангидан кейинги сұлға күра бўладиган таҳқим (икки тарафдан икки ҳакамнинг ҳукм қилиши)ни қабул қилмай, «Ла ҳукма илла лиллаҳ (Аллоҳдан бошқанинг ҳукмга ҳаққи йўқ)» деб даъво қилганлари сабабли «ал-Муҳаккимату» деб номландилар.

Хорижийлар фирмасига Шаҳристоний қуйидагича таъриф беради: «Мусулмонлар жамоати тайинлаган ва байъат берган ҳақиқий имом (подшога) карши чиққан ҳар бир киши «хорижий» деб номланади, саҳобийлар замонида хулафои рошидунларга қарши чиқадими ёки улардан кейинги тобеийлар замонидаги имомларга қарши чиқадими бўнинг фарқи йўқ». Баъзи уламолар динда ўз ҳавои-нафсларига эргашувчиларнинг барчасини «хорижийлар» деб номлайдилар.

Хорижийлар эътиқоди. Улар наздида ўзларига мухолиф бўлган мусулмоннинг қони ғайри мусулмоннинг қонидан кўра арзимаган ҳисобланган. Мўтазилийлар бошлиғи Восил ибн Ато ҳам бир марта уларнинг қўлига тушиб қолади ва ўзини мусулмон эмас, деб даъво қилиб, ўз ҳаётини сақлаб қолади. Хорижийлар дастлаб сиёсий масалаларда ихтилоф қилган бўлсалар, кейинчалик диннинг негизи бўлган ақидавий масалаларда ҳам ихтилоф қиладилар, натижада, сиёсатни дин билан ва ҳукмни ақида билан аралаштириб юбордилар.

Уларнинг фикрича, диндаги буйруқларни бажариш имоннинг бир бўлаги, лекин барчаси эмас. Шунинг учун, уларнинг эътиқоди бўйича, Аллоҳга, расулига ва исломнинг бошқа руқнларига имон келтирган киши бирорта катта гуноҳ қилса, кофир бўлади.

Улар тирикларнинг ўликлар ҳаққига қилган дуоси ва садақаси фойда бермайди, деб эътиқод қиладилар. Уларнинг эътиқодига кўра имоннинг рукни тил билан икрор бўлиш, қалб билан эътиқод қилиш, руқнларни бажариш, кичкина ва катта гуноҳлардан четла нишдан иборат. Шунга кўра ким намозни қасдан тарқ қилса ёки бирорта кичкина ёҳуд катта гуноҳ қилса, кофир бўлади, деб эътиқод қиладилар. Хорижий фирмаларидан ибодийларни ҳисобга олмаганда, хорижийлар деган сўз тарихий сўзга айланган. Аммо шуни ёдда тутиш керакки, ҳозирги кунда айрим оқим ва фирмалар ўз эътиқодларини айнан хорижийларнинг бузук ғоялари устига барпо этганлар.

«Шиа» сўзи араб тилида ёрдамчилар ва тарафдорлар деган маънени англатади. Усмон (р.а.) вафотидан кейин мусулмонлар икки гурухга бўлиндилар: биринчи катта гуруҳ «Шиату Али (*Али тарафдорлари*)» ва иккинчи гуруҳ «Шиату Муовия (*Муовия тарафдорлари*)» деб номланди. Кўп вақт ўтмай «шиа» сўзи муайян бир маънени англатувчи номга айланди, яъни Али (р.а.), фарзандлари ва набираларининг ёрдамчиларига нисбатан ишлатиладиган бўлди.

Шиалар шиалик, яъни Оли байтга тарафдорлик қилиш эътиқодини холис диний ақида, деб биладилар. Улар Пайгамбар (алайҳис-салом) «Видо ҳажи»дан қайтиб келаётганларида Фодир ал-хум ёнида айтган ҳадисини ўзларига ҳужжат қиласидилар:

Мен кимнинг мавлоси бўлсан, бас, Али унинг мавлосидир. Эй Аллоҳум, уни дўст тутган кишини дўст тутгин ва уни душман тутган кишини душман тутгин. Шиалар ушбу ҳадисда Али (р.а.) халифа бўлишига Пайгамбар (алайҳис-салом) тарафидан васият қилинган, дейдилар.

Али (р.а.)нинг имоматини диний фарз деб билинадиган вожиб имомат, деб ҳисоблайдилар, шунинг учун аксарият шиалар Абу Бакр, Умар ва Усмон (р.а.)ларнинг халифалигини ботил дейдилар. Ғулувга кетган баъзи шиалар бу учала саҳобийни кофирга чиқардилар. Шиаларнинг эътиқоди бўйича Пайгамбар (алайҳис-салом) халифаликни Али (р.а.)га васият қилган, Али (р.а.) эса Ҳасан (р.а.)га, Ҳасан (р.а.) эса Ҳусайн (р.а.)га васият қилган. Кейин имомларнинг ушбу силсиласи шиа фирмә ва гуруҳларининг ихтилофига кўра турлича давом этади.

Ислом динида бошлиқлик мерос бўлиб ўтмади. Қолаверса, пайгамбарлар ўзларидан кейин мерос қолдирмайдилар. Али (р.а.) халифа бўлган вақтда байъат қилган мусулмонлар бу иш диний рамз ёки у зот Пайгамбар (алайҳис-салом)нинг васийси деган маънода байъат қилмаганлар, балки ўша вақтда у зот мусулмонларга бошлиқ бўлишга бошқалардан кўра ҳақлироқ деган маънода байъат берганлар, худди бундан олдин Абу Бакр, Умар ва Усмон (р.а.)ларга байъат қилганларидек.

Шиаларнинг турли номлар билан аталадиган, йўналишлари, ақидалари бошқа-бошқа бўлган фирмалари мавжуд бўлиб, уларнинг баъзилари мўътадил бўлса, баъзилари ғулувга ботиб қолган. Шиалар асосий бешта фирмага: кайсония, зайдия, имомия, исмоилия ва ғулувга кетган шиаларга бўлинади.

Бугунги кунда ислом оламида аҳли сунна вал-жамоа мазҳабидаги мусулмонлар билан яшаб келаётган шиалар асосан икки гурӯҳга бўлинади: имомия (исна-ашария, жаъфария) ва зайдийлар.

Шиаларнинг мазкур икки гурухи ҳам эътиқод жиҳатдан бир мунча мўътадил ҳисобланади. Ҳусусан, зайдийлар Али (р.а.)ни бошқа саҳобийлардан афзal деб билса-да, у зотдан олдинги хулафои рошидунларнинг халифалигини эътироф қиладилар. Мутъа никоҳини суннӣлар каби ҳаром, деб ҳисоблайдилар. Зайдийлар асосан Яманда яшайдилар.

Имомия шиалари Эрон аҳолисининг учдан икки қисмини, Ироқ аҳолисининг ярмини, Ливанда бир неча юз минг кишини, Ҳиндистонда ва Озарбайжонда ҳам бир неча миллион кишини ташкил қилади. Имомия шиаларининг ақидаси ҳам биз юқорида айтиб ўтган умумий шиаларнинг ақидаси бўлиб, яъни улар ҳам Али (р.а.)ни имом ва Пайғамбар (алайҳис-салом)нинг васийси деб имон келтиради, васоят у зотдан кейин фарзандларига ўтган, дейдилар.

Имомия шиаларининг ичida энг кўпсонлиси исна-ашария шиалари бўлиб, улар бугунги дунёning кўплаб мамлакатларида истиқомат қиладилар. Бугунги кунда шиалар дейилганда айнан шулар назарда тутилади. Улар кетма-кет ўн иккита имомга имон келтирганликлари учун «Исна-ашария» («Ўн иккичилар») деб ҳам номланган. Ўн иккита имом ва уларнинг хос лақаблари куйидаги чадир:

1. Али ибн Абу Толиб ал-Муртазо.
 2. Ал-Ҳасан ибн Али ал-Мужтабо.
 3. Ал-Ҳусайн ибн Али аш-Шаҳид.
 4. Али ибн ал-Ҳусайн Зайнул-Обидин ас-Сажод.
 5. Муҳаммад ибн Али ал-Бокир.
 6. Жаъфар ибн Муҳаммад ас-Содик.
 7. Мусо ибн Жаъфар ал-Козим.
 8. Али ибн Мусо ар-Ризо.
 9. Муҳаммад ибн Али ал-Жаввад ат-Тақий.
 10. Али ибн Муҳаммад ал-Ҳодий ан-Нақий.
 11. Ал-Ҳасан ибн Али ал-Аскарий аз-Закий.
 12. Муҳаммад ибн ал-Ҳасан ал-Маҳдий ал-Қоим бил-хужжа.
- Исна-ашария фирмәси баъзи бир ҳолатларни эътиборга олмаганда, имомия шиаларининг ичida энг мўътадили ҳисобланади.

Исна-ашарийлар ҳар қандай ровий ёки муҳаддисдан ривоят қилинган ҳадисларни қабул қилмайдилар. Балки улар қабул қилиши учун Оли байт тарафидан, яъни Али (р.а.)дан ривоят қилинган бўлиши керак. Мана шу нарса шиалар билан суннийларнинг ўртасидаги энг катта ихтилофлардан биридир.

Улар зул-хижжа ойининг ўн саккизига тўғри келадиган «Годир ал-хум» (гўёки Пайғамбар (алайҳис-салом) мана шу кунда Али (р.а.) га халифаликни васият қилган) кунини байрам қиладилар. Улар бу кунни «Катта ҳайит» деб номлайдилар ҳамда бу кунда рўза тутишни таъкидлайдилар. Муҳаррам ойининг ўнинчи куни азахонлик, додвой солиб йиғлаш, турли расмлар чизиш ва қўксиларига уриб, юзларини тирнаш каби кўпгина ношаръий ишларни курбат амали, эътиқоди билан бажарадилар. Ўзлари муқаддас ҳисоблаган Карбало, Нажаф, Машҳад ва Кум шаҳарларини зиёрат қилган кишига улуғ савоблар ваъда қиладилар.

Закот. Шиалар наздида закот худди суннийлардагидек фарз, фитр садақаси вожиб, лекин бу ўринда уларнинг наздида яна бошқа бир «Хумс» деб аталувчи закот ҳам бор. Улар буни Аллоҳ таоло ҳаром қилинган садақага эваз сифатида Оли байтга белгиланган ҳақ деб эътибор қиладилар. Хумс закоти олти қисм бўлиб, уч қисми, агар имом зоҳир бўлса, унга берилади, агар мастур бўлса, одил мужтаҳид бўлган ноибига берилади ва қолган уч қисми Баңи Ҳошимнинг камбағал ва муҳтоjlарига берилади.

Мутъя никоҳи. Имомия шиалари вактинчалик никоҳ бўлган мутъя никоҳини жоиз, одатларнинг яхшиси ҳамда қурбатларнинг энг афзали деб биладилар. Ҳолбуки мутъя никоҳи Пайғамбар (алайҳис-салом) замонларида ёқ ҳаром қилинган.

Тақия – муросай мадора қилиш ёки эҳтиёткор бўлиб юриш. Кўпчилик шиа фирмалари тақияни дуруст, дейдилар. Имомия шиалари уни диннинг асосларидан бири деб қабул қиладилар. Ким уни тарқ этса, намозни тарқ этгандек бўлади, то ўн иккинчи имом чиққунича у вожиб бўлиб қолади. Шу эътибордан ким уни тарқ этса, Аллоҳ таолонинг динидан ва имомия динидан чиққан бўлади. Гўёки шахс тақия воситасида ўзи имон келтирмаган ва саҳиҳлигини эътироф қилмайдиган бирор ақидани зоҳиран қўллаб-куватлаш билан молини, обрўсини, динини ва ақидасини муҳофаза қилади. Бугунги кундаги шиа уламолари тақия имоннинг ажрал-

мас бир бўлаги эканлигини таъкидлайдилар. «Тақияси бўлмаган кишининг дини ҳам йўқ» деган сўзни ўзларининг баъзи имомларига нисбат берадилар. Шиаларнинг мўътадил олимларидан Доктор Мусо ал-Мусавий тақия масаласи асли йўқ нарса, эканлигини таъкидлайди ва шиа имомлари ҳам буни ишлатганини инкор қилиди. Хусусан, тақия масаласи вожиб, деган сўз нисбати берилган Жаъфар Содик ҳақида кенгрок тўхталиб, у зот бунаقا сўз айтиши мумкин эмаслигини ақлий далиллар билан исботлайди.

Яна мазкур шиа олимлари шиалар азонидаги «Ашҳаду анна Алийян Валийюллоҳ» учинчи шаҳодатни ҳам бидъат эканлигини, бу нарса Расулуллоҳ (алайхис-салом) замонасида ва Али (р.а.) даврида ҳам бўлмаганлигини айтадилар.

Ражъат. Бу эътиқод шиаларда асосий эътиқодлардан бири хисобланади. Унга қўра, ўн иккита токи ҳаётлик давридаги маҳрум килинган ҳаклари эвазига хукмронлик қилишлари учун охирги замонда бирин-кетин дунёга қайтади.

Исмат. исна-ашарийлар ўзлари эътиқод қиласиган ўн иккита имомни гуноҳлардан маъсум, деб ишонадилар. Улар ладуний илмлари билан шариат сирларини инсонларга баён қилиб беради. Имомнинг пайғамбардан фарқи унга ваҳий нозил бўлмайди, деб ишонадилар.

Шиаларнинг эътиқоди бўйича, имомларнинг қабрини зиёрат қилган ва уларнинг қабрлари биносига ҳисса қўшган киши бит-мас-туганмас савобга эришар ва Расулуллоҳ (алайхис-салом)нинг шафоатларига сазовор бўлар ҳамда етмишта нафл ҳажнинг савоби берилар ва хатолари ўчирилар экан. Улар бу борада жуда кўплаб сохта ҳадисларни ривоят қиласидилар. Баъзи шиа имомлари Куръонни ўзгартирилган, яъни Али (р.а.) ва фарзандларининг имомати борасидаги оятлар олиб ташланган, деб даъво қиласидилар. Лекин мўътадил баъзи шиа имомлари бу каби ғулувга кетган сўзларни инкор қиласидилар.

2005 йил 4–6 июнь кунлари Иорданиянинг Аммон шаҳрида «Ислом ҳақиқати ва унинг ҳозирги дунё ҳамжамиятида тутган ўрни» шиори остида бўлиб ўтган анжуман чиқарган қарорга қўра бугунги кунда ахли сунна вал-жамоанинг тўрт мазҳаби: ҳанафий, моликий, шофеий ва ҳанбалий, шунингдек, жаъфария (имомия, исна-ашария), зайдия, ибодия ва зоҳирия мазҳабларига эргашув-

чиларнинг бирортасини «кофир» дейиш, қони, моли ва обрўсига тажовуз қилиш ҳаром ҳисобланади.

Бугунги кунда Ўзбекистонда шиаларнинг адлия рўйхатидан ўтган тўртта (иккитаси Самарқанд шаҳрида, қолган иккитаси Бухоро шаҳрида) расмий масжиди фаолият юритади. Тарихий манбаларда Самарқанд ва Бухоро шаҳарларида истиқомат қилувчи шиалар ўрта асрларда кўчиб келгани зикр қилинади.

Назорат саволлари

1. Фиқхий мазҳабларнинг шаклланиш босқичлари ҳақида сўзлаб беринг.
2. Аҳли сунна вал жамоадаги тўрт мазҳаб ва уларнинг тарқалиш худуди.
3. Мотуридийлик ва Ашъарийлик орасидаги лафзий ва маънавий ихтилофлар.
4. Ислом дини доирасида бўлинишларнинг содир бўлишининг асосий сабаблари ҳақида нималарни биласиз?

З-мавзу: Тасаввұф ва замонавий тариқатчилик

Режа:

1. “Тасаввұф” ва унинг юзага келиши тарихи
2. Замонавий тариқатчилик
3. Неосуфизм ҳодисасы

Таянч сүз ва иборалар: тариқат, тариқатчилик, суфий, таркидунёчилик, нурсафардия, шайх, тир, мурид.

«Тасаввұф» ва унинг юзага келиш тарихи. Тасаввұф ислом оламининг ижтимоий-фалсафий, ахлоқий-маданий, маънавий-маърифий ҳәётида катта таъсирга эга бўлган диний-ирфоний таълимот бўлиб, IX–X асрлардан бошлаб мусулмон жамияти орасида кенг ёйила бошлаган. “Тасаввұф” ва “суфийлик” сўзларининг ўзаги бир бўлиб, баъзан илмий ҳамда диний адабиётларда маънодош сифатида қўлланилади. Ушбу сўзнинг этимологияси ҳақида гап кетганда баъзилар бу сўз «саф» сўзидан келиб чиқкан дейдилар, чунки суфий. Илоҳ йўлига кирганларнинг биринчи сафида турувчиидир. Баъзи олимлар уни «суффа» сўзидан ҳосил бўлган деб айтадилар: асҳоби суффа ҳазрати Пайғамбар (а.с.) тириклигига ёк тарки дунё қилган такводор кишилар бўлиб, суфийлар шуларга тақлид қиласидилар, деб тушунирадилар. Яна бир гуруҳ олимлар суфий сўзи «сафо» сўзидан келиб чиқкан, чунки бу тоифанинг қалби сидқу сафо офтобидай порлаб туради, деганлар. Яна баъзилар суфий «суфух» сўзидан ясалган, суфух – бирон-бир нарсанинг холосасидир, бу жамоа халқнинг холосаси бўлганлиги сабабли уларни суфий деганлар, деб ёзадилар. Бироқ, аксарият олимлар “тасаввұф” ва “суфийлик” атамалари арабча «суф» сўзидан келиб чиқкан бўлиб, «юнг» маъносини англатади, деган фикрни қўллаб-қувватлайдилар. Бунга сабаб, таълимот юзага келган даврдаги илк суфийларнинг уст-боши ўша даврдаги энг арzon мато – юнгдан тўқилган кийим (хирқа ёки жанда деб юритилади) ёки пўстиндан иборат бўлган. Кейинчалик, юнгдан тўқилган кийим-бош дунё ташвишларига бефарқ кишиларнинг асосий ташқи белгиси сифатида фақирона турмуш тарзининг рамзига айланган. Ўрта асрларда “дарвеш”, “қаландар” деб юритилган таркидунёчи ва дарбадар суфийларнинг кийимлари ҳам юнгдан тўқилган чопон ёки пўстин бўлган.

Тасаввуфга эргашувчи кишини “суфий”, бу йўлда айтарли на-тижаларга эришган, назарий таълимотларни чукур ўзлаштирган кишини эса, “мутасаввиф” деб аталади. Баъзан амалий тасаввуф намояндаларини “суфий”, назариётчилар эса “мутасаввиф” деб номланиши ҳам мумкин. Қадимдан ҳалқ орасида “сўфи” деганда масжидларда яшаб юрувчи ва шу ерда муazzинлик (азон айтувчи) қилиб кун кўрувчи кишилар ҳам тушунилган. Бундай кишилар-нинг аксари чиндан ҳам бирор суфийлик таълимотига эргашув-чилардан бири бўлган. Одатда дунё ташвишларидан чекинган ёки тариқат йўлида бирор сафарга чиққан суфийлар ўша ердаги масжидларда истиқомат қилишган. Кейинчалик маъно кўчиши оқибатида масжидда аzon айтувчи ҳар қандай кишини “сўфи” деб атай бошланган.

Тасаввуфнинг ilk кўринишлари таркидунёчилик, ибодатларга кучли берилиш, узлатга чекиниш, ҳаётнинг барча гам-ташвишларини Худонинг ўзига ҳавола этиш (таваккул) билан ажралиб турган бўлса, кейинчалик бу таълимотда бошқалардан беҳожат бўлиш, ўз меҳнати билан кун кўриш, нафақат якка ўзи, балки бутун жамиятни ахлоқий етукликка олиб бориш, шахсни камол топтириш (комил инсон) каби тамойиллар илгарила бета бошлади. XII асрдан бошлаб ушбу тамойилларни ўзлаштириб, назарий жиҳатдан бойитган, у ёки бу масалада ҳар бири ўзига хос талаблар, қарашлар ва тартибларга эга бўлган тасаввуфий йўналишлар – тариқатлар вужудга кела бошлади.

Тариқатлар муайян етакчи устоз (муршид) бошчилигидағи тасаввуфга эргашувчи кишилар гурухини (муридлар) тартибли равишда бирлаштириб турувчи ва бошқариб-тарбиялаб борувчи диний-ижтимоий тузилма сифатида вужудга келди. Аксарият тариқат етакчилари ўз даврида авлиё деб танилган шахслар бўлиб, унга ҳурмат юзасидан “шайх”, “пир”, “эшон” деб мурожаат қилинган. Ҳар бир тариқатнинг устоз ва шогирдларнинг узилмас боғлиқлигини ифодаловчи ўз маънавий занжири (силсила) бўлиб, уларда авлиё деб танилган кўплаб тарихий шахсларнинг номлари учрайди. Авлиё – арабча “валий” сўзининг кўплиги бўлиб, “Худонинг дўсти” деган маънени англатади.

Тасаввуфда инсоннинг ахлоқий ҳамда руҳий-маънавий камолотга етишиши учун маҳсус босқичлар ишлаб чиқилган бўлиб, уларни “мақом” (туриш жойи, погона) деб номланган. Турли ман-

баларда киркдан ортиқ мақомларнинг номлари зикр қилингандай бўлиб, баъзи ўринларда улар ўнта ёки еттита деб келтирилган. Асосан эса тўртта мақом маълум ва машхур бўлиб, улар:

– Шариат – шариат кўрсатмаларига сўзсиз амал қилиш, шариат илмларини имкон қадар чукур ўзлаштириш;

– Тариқат – барча суннатларга қатъий амал қилиш, нафл (ихтиёрий) ибодатларини кучайтириш, тажрибали устоз (муршид) бошлилигида тасаввуф илмларини ўрганиб бориш билан кечади. Манбаларда шариат мақоми мукаммал эгаллангач-тариқатга ўтилиши мумкин дейилади. Шариатдан бехабар кишиларнинг тариқатга кириши маъқулланмаган;

– Маърифат – барча зарурий илм ва тажрибаларни эгаллаган муриднинг ўзига хос малакага эга бўлган босқичи бўлиб, эндай устозининг шогирдларига тасаввухнинг бошланғич асосларидан таълим бериши мумкин. Манбаларда муршид бўлиш учун маърифат мақомига етишнинг ўзи етарли, аммо у ўз устида ишлашдан тўхтаб қолмаслиги керак дейилади;

– Ҳақиқат – энг сўнгги босқич бўлиб, одатда авлиёлар эришган даражага айтилади. Ҳар бир муриднинг мақсади ана шу мақомга етишиш бўлиши лозим.

Шайх Нажмиддин Кубро бу босқичларга кисқа таъриф бериб: “...безиз эмаски, орифлар: «Шариат бир дараҳтдур, тариқат – унинг шоҳлари, маърифат – япроқлари, ҳақиқат – мевалари. Дараҳт бўлмаса новда ҳам, япроқ ҳам, мева ҳам бўлмайди», дея таълим берганлар» деб айтган ва шариатнинг бирламчилигини таъкидлаган. Ҳожа Аҳмад Яссавий эса:

Шариатсиз тариқатга кирганларни,

Шайтон лайн ишонини олар эмиши

– дея шариат илмларини мукаммал эгалламаган киши тариқатга кириши мумкин эмаслигидан қатъий огоҳлантирган.

Қадимдан Марказий Осиёда кенг тарқалган тариқатлар – кубравия, нақшбандия ва яссавия тариқатлари бўлиб келган. Баъзи жойларда Абдулкодир Жилоний асос солган қодирия тариқати ҳам тарқалган. Юртимизда кенг тарқалган яссавия ва нақшбандия тариқатларининг вужудга келиши тасаввухнинг йирик намояндаси, “шайхлар шайхи” деб улуғланувчи Шайх Юсуф Ҳамадоний (1048–1140) номи билан боғлиқдир.

Замонавий тариқатчилик. Тасаввуф таълимоти узоқ даврлар мобайнида халқни ягона мақсад атрофида бирлаштирган, жамиятнинг турли табақалари ўртасида дўстлик, биродарлик ришталари илдиз отишига замин яратган. Ҳозирги пайтда дунёнинг кўп мамлакатларида Баҳоуддин Нақшбанд ва нақшбандия тариқати катта нуфузга эга. Чунки мазкур тариқат ислом шариати мезонлари бузилишига йўл қўймай, чин инсоний фазилатларни илгари сурган. Лекин, афуски, кейинги йилларда айрим шахслар тариқатларни мансаб, мол-дунё орттириш, муридбозликка айлантириб олдилар. Айни вақтда мусулмон дунёсининг деярли барча мамлакатларида турли тасаввуфий тариқат вакиллари фаолият юритмоқда. Уларнинг айримлари тасаввуф таълимотининг илк ғояларидан анча узоқлашиб кетган. Шайхлик мақоми орқали маблағ тўплаш ҳолатлари ҳам йўқ эмас.

Бугунги кундаги тариқатчиларнинг ўзига хос жиҳатларидан бири шундаки, улар ўз издошларининг мунтазам кўпайиб бориши ва ўз етакчиларини (“пир”ларини) идеал шахс сифатида кўрсатишга интиладилар. Шунингдек, зикр амалиётларини ўргатадиган, тариқатчиликка тарғиб этувчи қўлланмаларни дин асосларини яхши билмайдиган, шариат қонун-қоидаларини тушуниб улгурмаган аҳоли орасида тарқатмоқдалар. Ушбу қўлланмаларга бардавом амал қилинса, кишининг жаннатга тушиши муқаррарлиги уқтирилади. Тариқатлarda пирларининг зиёратгоҳларни таъмирлашда, маиший хизмат кўрсатиш шаҳобчалари қурилишида ҳамда шу каби ободонлаштириш ишларида иштирок этиши ҳам мусулмон аҳоли орасида уларнинг нуфузи ошиб боришига ва тарафдорлари кўпайишига олиб келмоқда.

Мазкур йўналишларда нафл намозларини ўқишини асосий шартлардан деб қўйилиб, айрим фарз амалларидан ҳам афзал кўрилади. Тариқатга эргашувчиларга доимий таҳоратда, махси-ковуш ва салла-чопонга ўраниб юриш тавсия этилади. Бундай сохта тариқатлarda эътиқод ва шариат масалаларида ҳамда илк тасаввуф асосчилари таълимотларидан анча йироқлашиш ҳолатлари кузатилиди. Тариқатчилик вакилларида кузатилаётган ноўрин ҳолатлар:

- тарқидунёчиллик кайфияти;
- пирларни ҳаддан зиёд улуғлаш;
- ибодат маросимларида ихтилоғли масалаларга берилиб кетиш;

- эътиборни жалб қиладиган кийимда юриш (ёзда ҳам салла-чопон, махси-кавуш, узун кўйлак-нимча, беўхшов соқол қўйиш) орқали бошқалардан ажралиб туришга уриниш;
- ёш, меҳнатга лаёқатли йигитларнинг “пир”лар этагидан тутиб ижтимоий сустлашиб кетиши, оиласарини тарк этиб, эртаю кеч пир хизматида – аслида эса худойи ва эҳсонларга қатнаб бекор юришлари ва ҳ.к.
- тариқатда бўлмаганларга нисбатан паст назар билан қараш кузатилади;
- илм олишга бўлган рағбатнинг сусайиши – гўёки “кўпгина авлиёлар ўқимасалар ҳам катта мақомларга етишганлар” қабилида иш тутиш;
- оиласи тариқатчилар оиласарининг таъминотини “Аллоҳга таваккал” қилиб, пирдан вазифа олганлик баҳонасида оила моддий таъминотидан бош тортиш ҳолатлари;
- замонавий тараққиёт ютукларига салбий муносабатда бўлиш, замонавий кийим кийиб юрганларга нисбатан яхши фикрда бўлмаслик ва ҳ.к.
- пирга қўл берганнинг олдинги гуноҳлари кечирилади, қазо бўлган (ўқилмаган) намозлари зиммасидан соқит бўлади, деб билиш;
- тариқатчилардан бошқа кишиларнинг тўй-маъракаларига бормаслик;
- расмий имомларнинг маърузаларини менсимаслик;
- пириинг таҳоратидан ортган сувни табаррук деб билиб ичиш;
- пирнинг уйи томонга оёқ узатиш қиблага оёқ узатишдек гуноҳ бўлади, деб билиш;
- барча оила аъзоларини ҳам ўз пирларига хизмат қилишга мажбур қилиш;
- телевизор, радио каби ахборот воситаларидан фойдаланишин ман қилиш;
- ўз вояга етмаган фарзандларини амалдаги қонун ҳужжатларини қўпол равишда бузган ҳолда, давлат мажбурий таълимидан ажратиб олиб, пирлар қўлида диний таълим олишга бериш;
- яшаш жойларида оддий халқ билан умуман мулоқот қилмаслик.

Диний масалаларда ҳам тариқатчиликда ислом дини асл мохиятига зид қарашларни кўриш мумкин. Жумладан, айрим тариқатчилар қоплама аъзоси бўлган шахснинг таҳорати мукаммал бўлмайди, деган фикрдалар. Улар бу қарашларига “Хулосат ул-фатово” китобида келтирилган “Жунуб бўлган киши гусл қилсао баданида сув етмаган бир кичкина жой ёки нуқта қолса, у ҳолда ўша киши жунубликдан чиқмайди” – деган фатвони далил қилиб келтирадилар.

Мазкур фатвога асосан тариқатчилар пломба ёки қоплама тиш кўйдирган кишининг таҳорати мукаммал бўлмайди, шундай экан унинг орқасида намоз ўқиб ҳам бўлмайди деган фикрни илгари сурадилар.

Бунга жавобан айтиш мумкинки, “Хулосат ул-фатово”да келтирилган мазкур фатвода зикр қилинган “ламъа”нинг тиш ковагига хеч қандай алоқаси йўқ. Тишга қоплама кўйишнинг ҳукми худди “Ал-Масҳу алал-жабийра”, яъни “жароҳат етган аъзога масҳ тортиш” ҳукмидадир. Аксинча, тишга қоплама қўймаса ундан чиқадиган бадбўй хид туфайли жамоат билан намоз ўқиш макруҳдир. Расууллоҳ бадбўй хид билан масжидга киришдан қайтаргандар. Жароҳат етган аъзога сув текизишўрнига устига масҳ қилиш қандай жоиз бўлса, ковак тишга пломба кўйишнинг ҳукми ҳам худди шундай. Чунки тиш ковак бўлганда унга пломба ёки қоплама қўйилмаса, унга ҳар хил овқат қолдиклари кириб натижада оғиздан бадбўй хид чикишига сабаб бўлади.

Ҳанафий мазҳаби уламолари Имоми Аъзам ва Имом Абу Йусуф тишга пломба кўйдириш ва тиш устига қоплама қилганда факат кумушдан бўлишига рухсат берганлар. Имом Муҳаммад эса, тиш қопламасини олтин ёки кумуш билан қилса ҳам бўлаверади деганлар. Кейинчалик бу сўзга Абу Йусуфнинг ҳам қўшилгани айтилган (Мабсут).

Фиқҳ китобларида тиш мавзусига алоқаси бўлган уч хилifo да кўзга ташланади:

Шадд: қимирлаб қолган тишларини мустаҳкам тишларга кўшиб боғлаш.

Толик: тушган тишнинг ўрнига тилло ёки кумушдан бўлган ясама тиш кўйиб, ёнидаги тишлар билан кўшиб боғлаш.

Табдид: энли ва текис ҳолга келтирилган тилло ёки кумушдан ясалган тишларни бутунлай қопланадиган даражада ёнидаги тишлар билан боғлаш.

Тишин даволатишга оид мазкур уч хил ҳолатдан қайси бири бўлишидан қатъи назар, қилинган муолажа натижасида ичкарига сув кирмайди. Шу сабабли таҳоратга монелик қилиши хаёлга келса ҳам, боғланган, қопланган ёки тушган тиш ўрнига қўйилган тишлар асл тиш ўрнига ўтиши ва сувнинг мўлжалга етиши ифода этилган. Масалан, бир кишининг кўли ёки оёғи синиб, гипс қилинса ва таҳорат ёки гусл пайти гипснинг устига масҳ тортиш ювиш ўрнига ўтади.

Келтирилган далиллар тилло ёки кумуш тиш қўйдириш мумкинлигини кўрсатиши баробарида, баъзи мутаассиб тоифалар томонидан қилинаётган «ясама тиши бор имомнинг орқасида намоз ўкиш мумкин эмас», – деган даъволари асоссиз эканини англатади.

Неосуфизм ҳодисаси. Жиззах вилоятида ўзини тариқатнинг янги кўриниши асосчиси деб биладиган Сафар Кучкаров томонидан (1952 йили Бахмал туманида туғилган) «Нурсафардия» тариқати тарқала бошлаганини кузатиш мумкин. Бу тариқат вакилларининг республикамизнинг бир неча шаҳарларида “Суфий табобати” тиббий марказлари мавжуд. Бундан ташқари С.Кучкаров “Суфий жанг санъати” номи билан туркум рисолалар чоп эттирган. Уларда Шарқ жанг санъати усуллари ҳақида гапирилган бўлиб, уларни мусулмонлар номи билан боғлашга ҳаракат қилинган. Жумладан, “Суфий (мусулмон) жанг санъати усуллари” китобида: “Суфий жанг санъати асоси ҳозирги Хитой худудида Үйғур мухтор вилояти, Ниндзя ва Тансу вилоятларида аҳоли ўртасида сакланиб қолган ва у ҳозирги Ушу, Сини, Шаолин мактабларига катта озуқа ва туганмас бой ахборот олиб кирган”, – дейилади. Вахоланки, ислом дини таълимоти, амалиёти ва маросимлари ҳақида минг-минг томли китоблар ёзилган бўлса, уларнинг бирортасида ҳам мусулмонларнинг жанг қилиш санъати деган гап айтилмаган.

Иккинчидан, ислом – тинчлик ва осойишталик дини. Унда одамларнинг ўзаро осойишта ҳаёт кечиришлари, ўз юртларини обод қилишлари тараннум этилади. Шунинг учун исломда алоҳида урушиш услуби бўлгани ҳақида гапириш ўринсиз. Бундан ташқари суфийлар мусулмонлар орасидаги энг хоксор, дунё бойликлалию бошқа манфаатлардан юз ўгириб, факат охиратни ўйлайдиганлар ҳисобланадилар. Бир неча босқичдан иборат жанг усулини айнан суфийларга боғлаш ҳам ўта мантиқсизликдир. Агар Хитой

худудида яшаган мусулмонлар ўша ерлик аҳолига хос тарзда ушу, кунфу, қаратэ каби жанг санъатларини ўзлаштирган бўлсалар буни дин билан боғлаш нотўғри бўлади.

Нурсафардия Шарқ якка кураши турларидан ушу, кунфу, қаратэ кабиларнинг унсурларини ўзлаштириб “Суфий жанг санъати”ни, ёхуд Шарқ табобати сирларини ўзлаштириб “суфий табобати” деб эълон қиласди. Бу жуда қизиқ! Лекин бир нарсани тўла ишонч билан айтиш мумкинки, бу йўналиш ҳеч қачон ислом динидан хабардор бўлган мусулмонлар, уламолар томонидан қабул қилинмайди. Тилга олинган китобнинг 18-бетида “Айни дамда Сафарбой отанинг ушбу йўналишда йигирма беш мингдан зиёд шогирди бор”, – дейилади. 25 минг нафар жанг санъатини пухта эгаллаган одам ижтимоий ва сиёсий жиҳатдан катта салоҳиятга эга бўлган куч эканини ҳам унутмаслик керак. Чунки “Муршид-мурид муносабатлари” китобининг 14-бетида: “Мурид (шогирд) муршид (устоз) белгилаган вақтда, белгиланган жойда ҳозир бўлиши, топширилган юмушларни оғишмай адo этиши лозим”, – дейилган. Бу ҳозирда исломни жангарилик ва террорчилик дини эканини исботлашга уринаётган кучларга қўл келиб қолишига ҳеч ким кафолат бермайди.

У ўзининг «Нурсафардия илохий фалсафаси» китобида Хиндистон, Тибет ва бошқа жойлардаги сафарлари ва йога, ламалардан олган таълимлари ҳақида гапириб, «Ҳамма жойда мени Аллоҳнинг ўзи асраб, бошқа ҳеч бир илм, дин ва фалсафани тафаккуримга киргизмади ва вужудимда бўшлиқ яратиб, илҳом йўли орқали борлиғимга чукур фалсафий хабарлар инъом этди», – дейди.

Яна бир муҳим факт. Кўриб чиқилган Нурсафардия адабиётларида бирор марта ҳам Мұхаммад (а.с.)нинг исмлари ёки у кишидан ҳадис келтирилмаган. Айрим ўринларда каллиграфик услубда ёзилган «Мұхаммад» сўзи билиб-бilmаган холда китобга қўйилган («Суфий гимнастикаси» китоби, 15-бет) ёки С.Кушкаровдан бошқа муаллифлар томонидан тайёрланган китобларда учратиш мумкин. Бироқ ҳадисларда баён қилинган одоб-ахлоққа оид, тарбияга оид маънолар ўзлаштириб келтирилган.

Шуни алоҳида қайд этиб ўтиш керакки, юқоридаги гурӯҳ ва тоифаларнинг асрлар давомида санъат, адабиёт ва шеъриятга катта ижобий таъсир кўрсатган, кўплаб мутафаккир, олим, шоир ва

адибларнинг етишиб чиқишига сабаб бўлган тасаввупга жуда ҳам кам алоқаси қолган. Уларнинг асосий қисми маросимпаастлик, мутаассибона қараашлар ва асоссиз даъволарга эргашувчилардан иборат бўлиб қолмоқда.

Назорат саволлари

1. Мумтоз тасаввупнинг асосий гоялари нималарда намоён бўлади?
2. Тариқат ва тариқатчиликнинг фарқини айтиб беринг.
3. Тариқатчиликнинг ижтимоий масалалардаги ихтилофлари ҳақида нималар биласиз?
4. Тариқатчиликнинг диний масалалардаги ихтилофлари ҳақида нималар биласиз?
5. Неосуфизм қандай тушунча?

4-мавзу. Давлат ва дин. Ўзбекистонда давлатнинг дин ва диний ташкилотлар билан муносабати.

Режа:

- Давлат ва дин муносабатларининг ҳуқуқий асослари ва хусусиятлари*
- Ўзбекистонда давлат ва дин муносабатлари*
- Вижедон эркинлигининг ҳуқуқий асослари*
- Миссионерликнинг мазмун-моҳияти ва унинг салбий оқибатлари*

Таянч сўз ва иборалар: давлат ва дин, диний ташкилотлар, конфессия, эътиқод эркинлиги, вижедон эркинлигининг таъминлашиши, "Вижедон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида"ги Қонун, миссионерлик, прозелитизм, секта, Иегово шоҳидлари, Еттичинчи кун адвентистлари, миссия, Библия жамияти

Давлат ва дин муносабатларининг ҳуқуқий асослари ва хусусиятлари. Давлат ва дин муносабатларининг илдизлари жуда қадим даврларга бориб тақалади. Айни пайтда, ушбу муносабатлар турли тарихий даврларда турлича мазмун касб этган. Ўрта асрлардаги каби дин жамиятнинг барча соҳаларида, шу жумладан, давлат ҳаётида тўла хукмронлик қилган даврлар ҳам бўлган. Муайян давлатларда дин бутунлай инкор этилган, яъни атэизм устунлик касб этган.

Ҳозирги даврда жаҳондаги давлатларнинг ярмидан кўпи диннинг давлатдан ажратилганини ёки давлатнинг диний ташкилотга нисбатан бетарафлигини ифодалайдиган, Конституция ёки қонун даражасида белгилаб қўйилган қоидаларга эга. Юридик тан олингани ёки олинмаганидан катъи назар, барча давлатлар дин ва эътиқод эркинлигига ҳурмат билан қарашларини эълон қилганликларини таъкидлаш зарур.

Дин ва жамият ҳаётидаги алоқадорликда дин ва давлат муносабатини белгилаб берувчи тамойил – дин соҳасида кечаётган ўзгаришларни холис ва илмий ўрганиш, башорат қилиш ва ундан келиб чиқиб, ижтимоий жараёнлар ривожига янада кенгроқ имконият яратиш, салбий ҳолатларнинг олдини олишда намоён бўлади. Дарҳақиқат, дунёвийлик ва динийлик ўртасидаги нисбат масаласи инсоният тарихининг барча давларида ҳал қилувчи аҳамиятга эга

бўлган. Бошқача айтганда, инсон ҳаёти мазмунини ташкил қилувчи ушбу икки таркибий қисм ўртасида муросага эришиш ҳар қандай жамиятнинг мавжуд ҳолати ва истиқболини белгиловчи бош мезон бўлиб келган. Баъзан ушбу икки омил ўртасидаги муносабатлар кескинлашиб, мамлакатларни тўс-тўполонлар ва жаҳолат гирдобига тортган. Ўрта асрлар Европасида амал қилган, ваҳшиёна жазолар ва қийноқларнинг тимсолига айланган инквизиция даври бунга мисол бўла олади.

Дин билан сиёsatнинг ўзаро нисбатини тавсифлаш учун иммий адабиётларда “секуляризм” атамаси қўлланилади. Бу атамага Вебстер изоҳли лугатида куйидагича таъриф берилади: “Секуляризм – дин ёки диний ақидаларга нисбатан мўътадил позицияда бўлиш”. Оксфорд қисқа лугатида секуляризмни “Худога ишонч, эътиқоддан холи бўлган ҳаётда инсон фаровонлиги ҳақида қайғурадиган маънавиятга асосланган доктрина” деб таърифлайди.

Шундай қилиб, бугунги кунда кенг тарқалган талқинга кўра, секуляризм – барча динлар ҳамда турлй қарашларни тенг хурмат қилиш, барча фуқароларнинг қонун олдида тенглигидир. Айни вақтда, “секуляризм” атамаси бир маъноли тушунча бўлмай, вақт, минтақа ва мамлакатга қараб тинимсиз ривожланиб боради.

Мамлакатимиз тараққиётининг асосий тамойилларидан бири дунёвийлик экан, уни қандай тушуниш лозим, деган савол туғилади. Инглиз тилидаги “secularity” ҳамда рус тилидаги “секуляризация” ва “светскость” тушунчалари билан туташ ушбу истилоҳнинг қандай талқин этилишининг ўзиёқ ҳар қандай мамлакатдаги давлат ва дин ўртасидаги муносабатларнинг мазмун-моҳиятини белгилаб беради. Демак, том маънодаги соғлом дунёвийлик диннинг ижтимоий мавқеини инкор этмайди, балки жамият ҳаётини ташкил этишнинг дунёвий маърифатга асосланган тарзини англатади.

Шуни алоҳида таъкидлаш зарурки, дунёвий давлатда дин давлатдан ажратилса-да, жамиятдан ажратилмайди. У муҳим социал институт сифатида ижтимоий ҳаётда ўзининг алоҳида ўрнига эга. Давлатдан ажратилган бўлса-да, дин ижтимоий муаммоларни бартараф қилишда дунёвийлик билан яқиндан ҳамкорлик қиласи.

Дунёвийлик ва ижтимоий-иктисодий тараққиёт эҳтиёжлари ҳамиша ҳамоҳанглик касб этиб келган. Яъни дунёвийлик қотиб қолган додга эмас, аксинча, у мунтазам равишда такомиллашиб борувчи ҳодисадир. Замонавий илмий тилда айтганда, дунёвий-

лик модернизация деб номланувчи жараённинг ҳаракатлантирувчи куки. У жамият илмий салоҳиятининг узлуксиз ошиб бориши, технологик тараққиётнинг давомийлиги, иқтисодий ҳаётнинг рационаллашуви, маданиятнинг юксалиб бориши каби муҳим жараёнлар билан уйғун равиша такомиллашиб боради.

Шу ўринда кайд этиш жоизки, ҳар бир давлат ўзининг динга бўлган муносабатини муайян меъёрий-хукукий хужжатлар ва қонунлар орқали тартибга солиб келган.

Бугунги кунда диний-хукукий таълимотларнинг давлат ва хукуқ ривожланишига, виждан ва эътиқод эркинлиги амалга оширилишига таъсири қуидаги ҳалқаро-хукукий шаклларда намоён бўлади:

- фикрлаш, виждан, дин ва эътиқод эркинлигининг ҳамда дин ва эътиқод асосида тоқатсизлик ва камситилишларга йўл қўй-масликнинг конституциявий ва хукукий кафолатлари. Давлатлар томонидан қабул қилинган конституциялар ва қонунларда мустаҳкамлаб қўйилган асосий қоидалар инсон ҳукуқларини таъминлашда фавқулодда муҳим аҳамиятга эга. Зоро, айнан улар давлат органлари аралашувидан холи бўлган шахс ва жамоа эркинлиги, жумладан, фикрлаш, виждан, дин ва эътиқод эркинлиги каби асосий тамойилларга тааллуқли соҳани яратади;

- миллий конституциялар ва қонунчилик доирасида фикрлаш, виждан, дин ва эътиқод эркинлигининг хукукий кафолатлари;

- дин ва эътиқод асосида тоқатсизлик ва камситилишларнинг олдини олишга қаратилган ва бундай ҳаракатлар содир этилганда тегишли жавобгарликни назарда тутадиган жиноят қонунчилиги;

- шахснинг ўз хоҳишига кўра динга ёки эътиқодга эга бўлиш эркинлигини камситиш, мажбурлашни тақиқловчи конституциявий ва хукукий қоидалар;

- дин ёки эътиқод билан боғлиқ маросимларни бажариш ёки шу сабаб билан тўпланиш, шу мақсад учун жойлар ташкил этиш, уларни сақлаш;

- тегишли хайрия ва инсонпарварлик ташкилотларини тузиш ҳамда уларнинг фаолиятини йўлга қўйиш;

- диний маросимлар ёки урф-одатлар ёхуд эътиқод билан боғлиқ ахборот материалларини яратиш, чоп этиш ва тарқатиш;

- дин ёки эътиқод билан боғлиқ таълимни бундай мақсад учун мос бўлган жойларда олиб бориш;

- алоҳида шахслар ва ташкилотлардан кўнгилли молиявий ёрдам ҳамда бошқа эҳсонларни сўраш ва қабул қилиш;
- у ёки бу дин ёки эътиқод эҳтиёжлари ва меъёрларига мос равишда тегишли диний ходимларни тайёрлаш, тайнинлаш, сайлаш ёки ворислик асосида тайнинлаш;
- дин ёки эътиқод қоидаларига мувофиқ равищда дам олиш кунларига риоя этиш, байрамларни нишонлаш, маросимларни баражириш;
- миллий ва халқаро даражада дин ва эътиқод соҳасида алоҳида шахслар ва жамоалар билан алоқалар ўрнатиш;
- дин ва эътиқод субъектларига тааллуқли ҳукуқ ва эркинликлар билан боғлиқ конституциявий ва ҳукуқий қоидалар.

Шу билан бирга, авторитар тузумлар томонидан ижтимоий муносабатларга зид, деб ҳисобланган ҳолда ўз диний эътиқодига эга жамоаларга нисбатан тоқатсизлик ва камситиш сиёсатининг сақлаб қолинаётганини ҳам ёддан чикариб бўлмайди.

Айни пайтда, бундай сиёsat моҳиятан сиёсий ҳусусиятга эга низолар доирасида баъзи этник диний жамоаларга нисбатан ҳам амалга оширилмоқда. Кам сонли диний жамоаларга нисбатан ёки аҳолининг кўпчилиги муайян динга эътиқод қўйғанларга нисбатан давлат доирасидаги сиёsat, қонунчилик ва амалиётни сақлаб туришни ҳам ҳозирги даврда давлат ва дин муносабатларига хос ҳусусиятлар қаторида санаш мумкин.

Ҳозирги давр диний секталарнинг кўплиги, янгиларининг пайдо бўлиши билан ҳам характерланади. Мазкур жараён секталар ёки янги диний оқимларга нисбатан тоқатсизлик ва камситиш соҳасидаги сиёсатнинг ҳамда қонунчилик амалиётининг кучайтирилиши каби ҳолатларнинг қузатилишида ўз ифодасини топмоқда.

Эътиқоди нуқтаи назаридан ҳарбий хизматни ўташдан бўйин товлаётгандарга қарши йўналтирилган сиёsat, қонунчилик ва амалиётни сақлаб туришни ҳам юқорида қайд этилган ҳусусиятлар қаторида санаш мумкин.

Умуман олганда, кам бўлса-да, учрайдиган юқоридаги каби ҳолатлар шахсий мақом тўғрисидаги қонунлар, қоидалар мавжудлиги, уларнинг талқин этилиши, анъаналар, ижтимоий омиллар ҳамда экстремизм деб аталувчи ҳодисалар билан изоҳланади. Бу давлатлар ва ҳукуқий муносабатларнинг нодавлат субъектларига бир хилда хосдир.

Ўзбекистонда давлат ва дин муносабатлари. Ўзбекистон мустақилликка эришган илк йилларидан диний соҳага ўзбек халқининг миллий маънавиятининг ажралмас қисми сифатида алоҳида эътибор қаратилди. Шу нуқтаи назардан, Ўзбекистонда давлат ва дин муносабатлари куйидаги тамойиллар асосида олиб борилмоқда:

- диндорларнинг диний туйғуларини ҳурмат қилиш;
- диний эътиқодларни фуқароларнинг ёки улар уюшмаларининг хусусий иши деб тан олиш;
- диний қарашларга амал қилувчи фуқароларнинг ҳам, уларга амал қилмайдиган фуқароларнинг ҳам хукуқларини тенг кафолатлаш ҳамда уларни таъкиб қилишга йўл қўймаслик;
- маънавий тикланиш, умуминсоний ахлоқий қадриятларни қарор топтириш ишида турли диний уюшмаларнинг имкониятларидан фойдаланиш учун улар билан мулоқот қилиш йўлларини излаш зарурати;
- диндан бузғунчилик мақсадларида фойдаланишга йўл қўймасликни эътироф этиш.

Мустақиллик йилларида диннинг хукукий давлат, фуқаролик жамиятида тутадиган ўрни ва мавқеи аниқ белгиланиб, бу соҳада мустаҳкам қонунчилик пойдевори яратилди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясида “диний ташкилотлар ва бирлашмалар давлатдан ажратилган ҳамда қонун олдидаги тенгдирлар”, деган демократик тамойил мустаҳкамлаб қўйилган. Фуқаролар миллати, ирки ва динидан катъи назар, тенг хукуқли эканлиги белгиланиб, уларнинг виждан эркинлиги, урф-одатлари, миллий анъ-аналари ҳурмат қилиниши кафолатланган.

Ушбу конституциявий қоида 1998 йил 1 май куни қабул қилинган янги таҳрирдаги “Виждан эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги қонуннинг 5-моддасида ҳам ўз ифодасини топган. Қонунда тарихий, маданий, ижтимоий омилларни ҳисобга олинган ҳолда давлат ва диний ташкилотлар орасидаги муносабатлар белгиланган. Унга кўра, Ўзбекистон Республикасида дин давлатдан ажратилган. Ҳеч бир динга ёки диний эътиқодга бошқаларига нисбатан бирон-бир имтиёз ёки чеклашлар белгиланишига йўл қўйилмайди.

Давлат турли динларга эътиқод қилувчи ва уларга эътиқод қилмайдиган фуқаролар, ҳар хил эътиқодларга мансуб диний таш-

килотлар ўртасида ўзаро муроса ва хурмат ўрнатилишига кўмаклашади, мутаассиблик ва экстремизм асосида диний муносабатларни кескинлаштиришга, турли конфессиялар ўртасида адоватни авж олдиришига қаратилган хатти-харакатларга йўл қўймайди. Муайян динга эътиқод қилувчиларни бошқасига киритишга қаратилган прозелитизм ва миссионерлик фаолияти қонунан ман этилади.

Секуляризация тамойиллари га асосланган ҳолда давлат диний ташкилотлар зиммасига ўзининг ҳеч қандай вазифасини бажаришини юкламайди, уларнинг қонун хужжатларига зид бўлмаган фаолиятига аралашмайди ҳамда ҳеч қайси диний ташкилотнинг фаолиятини ёки дахрийлик тарғиботига оид фаолиятни маблаг билан таъминламайди. Ўз навбатида, диний ташкилотлар ҳеч қандай давлат вазифаларини бажармайди. Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари вакилларига диний омил асосида тазийк ўтказишга йўл қўйилмайди. Яширин диний фаолият такиқланади.

Ўзбекистон Республикаси қонунлари диний моҳиятдаги сиёсий партия ва жамоат ҳаракати ҳамда республикадан ташқарида тузилган диний партияларнинг филиаллари ва бўлимларини тузиш, тероризм, наркобизнес ва уюшган жиноятчиликка кўмаклашадиган бошқа гарразли мақсадларни кўзловчи диний ташкилотлар, оқимлар, секталарнинг фаолиятини ман этади. Шунингдек, диндан давлат ва жамиятга қарши тарғибот олиб боришда, динлар ва миллатлараро адоват уйғотиш, ижтимоий барқарорликни издан чиқариш, аҳоли ўртасида ваҳима уйғотиш ҳамда давлат, жамият ва шахсга қарши қаратилган бошқа хатти-харакатларда фойдаланишга асло йўл қўйилмайди.

Фуқаролар ўзларининг диний хукуқ ва эркинликларини амалга оширишда бошқа шахсларнинг давлат ва жамиятнинг қонуний манфаатлари, хукуқлари ва эркинликларига путур етказмасликлари ушбу соҳадаги қонунчиликнинг мухим тамойили саналади.

Давлат ва диний ташкилотлар ўртасидаги муносабатларни мувофиқлаштириш Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита томонидан амалга оширилади.

2018 йилнинг декабрь ҳолатига кўра, республикада 16 конфесияга мансуб 2258 та диний ташкилот фаолият юритмоқда. 130 дан зиёд миллатга мансуб аҳолининг 94% дан зиёди ислом, 3,5% га яқини православ динига мансуб, қолганларини бошқа конфессия вакиллари ташкил этади.

Ҳозирги кунда диний таълим соҳасида 12 та ислом билим юрти, шунингдек, Православ ва Протестант семинариялари фаолият кўрсатмоқда.

Истиқлол йилларида Ўзбекистон ҳукумати томонидан виждан эркинлигини таъминлаш, диндорларга кулагай шароит яратиш, диний қадриятларни тиклаш ва авайлаб-асрашга қаратилган кўплаб ҳукумат қарорлари қабул қилиниб, ҳаётга жорий қилинди. Рамазон ва Курбон ҳайитлари умумхалқ байрами сифатида кенг нишонланмоқда.

2018 йил 16 апрелдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-5416-сонли “Диний-маърифий соҳа фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонига асосан Ўзбекистон ислом академияси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Тошкент ислом университети негизида Ўзбекистон халқаро ислом академияси ташкил этилди.

Ўзбекистон халқаро ислом академияси Ўзбекистон мусулмонлари идораси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита муассислигидаги Қуръон илмлари, ҳадис, ислом ҳуқуки, ақида, тасаввуф, ислом иқтисодиёти ва молияси, халқаро муносабатлар, хорижий тиллар (араб, форс, инглиз, рус, урду, турк ва б.) ва бошқа халқаро миқёсда эҳтиёж мавжуд бўлган соҳалар бўйича малакали кадрларни тайёрлашга, ўрта маҳсус, олий таълим, олий таълимдан кейинги таълим, малака ошириш босқичларида узлуксиз таълимнинг яхлит тизимини ташкил этишга ва илмий меросни чуқур тадқиқ қилиш ва асрabbavailashga, диний ва дунёвий билим беришга ихтисослашган етакчи таълим ва илмий-тадқиқот муассасаси ҳисобланади.

Давлат томонидан Ўзбекистон аҳолисининг асосий қисми эътиқод қилувчи ислом динига мансуб фуқароларнинг ҳаж ва умра сафарларини ташкил этиш ишларига катта эътибор кўрсатиб келинмоқда. Жумладан, 2006 йил август ойида Биринчи Президент Ислом Каримовнинг Фармонига асосан “Ҳаж ва умра тадбирларини ташкил этиш ва ўtkazish бўйича Жамоатчилик кенгаши” тузилди. Давлат Раҳбарининг 2008 йил 20 май кунидаги қарори асосида эса ҳаж ва умра зиёратларини амалга оширувчи фуқароларга давлат томонидан зарур ёрдам кўрсатиши мақсадида Жидда шахридаги Ўзбекистон Бош консулхонаси таркибида “Ҳаж ва умра” ишлари бўйича атташе лавозими киритилди.

Қайд этиш лозимки, сўнгги йиллар давомида барча йўналишларда бўлгани каби диний соҳада ҳам ислоҳотларнинг янги босқичига ўтилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Ислом ҳамкорлик ташкилоти Ташқи ишлар вазирлари кенгаши 43-сессиясининг очилиш маросимидағи илк ҳалқаро нутқида катта ташаббус билан чиқиб, “Исломининг умумбашиарий цивилизацияга беназир ҳисса қўшган буюк ажододларимизнинг кўп қўррали диний-маънавий меросини ўрганишига ихтисослашган ҳалқаро илмий тадқиқотлар марказини Самарқанддаги Имом Бухорий ёдгорлик мақсмуни қошида яратилиши ҳамда мусулмон дунёсидаги таълим, илм-фан ва маданият тарихи ҳамда уларнинг ҳозирги ҳолатини ўрганиши ва улар ҳақида талабаларга чуқурлаштиришган маҳсус курсларни ўқии мақсадида Тошкент ислом университети таркибида таълим, фан ва маданият масалалари бўйича ISESCOнинг маҳсус кафедрасини ташкил этиши” таклифи-ни билдирилар.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг соҳадаги кейинги йирик ташабbusларидан бири 2017 йилнинг 14 февраль куни «Имом Термизий ҳалқаро илмий-тадқиқот марказини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонни имзолаши бўлди. Марказ ташкил этилишидан кўзланган мақсад ислом дини ривожига улкан ҳисса қўшган буюк аллома, ватандошимиз Абу Исо Термизий (Имом Термизий) ва термизий алломаларнинг беназир меросини илмий асосда чуқур ўрганиш, муқаддас юртимиз замини азалазадан улуғ алломалар, азиз-авлиёлар ватани бўлиб келганини юртдошларимиз ва ҳалқаро жамоатчилик ўртасида кенг тарғиб қилиш, миллий-диний қадриятларимизни асрраб-авайлаш ва ривожлантириш, шу асосда ёш авлодни эзгу гоялар руҳида тарбиялашдир. Ушбу Марказнинг очилиши борасидаги ишлар нуфузли ҳалқаро исломий ташкилотлар томонидан ҳам эътироф этилди. Жумладан, Бутунжаҳон мусулмон уламолар кенгаши бош котиби Али Қорадогий Имом Термизий ҳалқаро илмий-тадқиқот маркази ташкил этилиши муносабати билан Ўзбекистон ҳукумати ва ахлини табриклаб, “Ўзбекистон юрти жуда ҳам қўплаб муҳаддислар, фақиҳлар ва бошқа қатор соҳаларда етук олимларни етишишириб чиқарган. Улар сабабли нафақат ислом маданияти, балки бутун инсоният маданияти бойиди. Мана шундай юрт учун бундай марказларнинг очилиши ажабланарли ши эмас. Шунинг учун мен Ўзбе-

кистон ҳукуматини, шунингдек у ердаги мусулмонларни ушбу қилинаётган муборак иши муносабати билан табриклайман”, деди.

Мусулмонларнинг эҳтиёжлари, таклифларини инобатга олган Президентимиз ташаббуслари билан юртдошларимизнинг муқаддас шаҳарларга ҳаж ва умра зиёратларини амалга оширишлари учун шароитлар янада яхшиланди ҳамда 2016 йилда 5200 киши ҳаж, 6000 нафар зиёратчи умра ибодатини адо этган бўлса, 2017 йилдан бошлаб ҳаж зиёратига 7200 нафар юртдошларимиз йўл олдилар.

Раҳбарият кўрсатмаси ҳамда «Ҳаж» ва «Умра» тадбирларини ташкил этиш ва ўтказиш масалалари бўйича Жамоатчилик кенгани қарорига асосан 2018 йилнинг октябрь оидан бошлаб Умра мавсуми йил давомида ҳафтада учта авиарейсда амалга оширилиши жорий этилди. Шунингдек, умра зиёратини чекловсиз ташкил этиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ҳаж» ва «Умра» тадбирларини ташкил этиш ва ўтказишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2017 йил 7 июнь кунидаги 364-сонли қарорига ўзгартириш киритилди (2018 йил 27 декабр куни 1056-сонли).

2017 йил 15 июнда Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган «*Ижтиёмоий барқарорликни таъминлаш, муқаддас динимизнинг соғлигини асрар – давр талаби*» мавзусидаги йигилишда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев: “Самарқандда – Ином Бухорий илмий марказида ҳадисиунослик, Ином Мотуридий маркази қошида калом илми, Фаргонада – Марғинотий илмий марказида ислом ҳукуқи мактаби, Бухорода – Баҳоуддин Нақшбанд марказида тасаввуф, Қашқадарёда – Абу Мун Насафий марказида ақида илми мактабини ташкил этсан, ўйлайманки, бу жуда фойдали бўлади. Келгусида чуқур билимли имом-хатиблар, исломиунос мутахассислар, уламолар тайёрлашида, энг мұхими, фарзандларимизни буюк ажододларимизнинг бебаҳо мероси руҳида, соглом эътиқод руҳида тарбиялашда бу мактаблар таянч бўлиб хизмат қиласди” деб, таъкидлаган эдилар.

2017 йилдан “Халқ билан мулокот ва инсон манфаатлари йили” доирасида, йиллар давомида ДЭОга мансублиқда айбланиб, “қора рўйхат”да турган ватандошларимиз билан профилактик сұхбатлар ўтказилиб, 20 мингга яқин фуқаролар махсус хисобдан чиқарилди.

Давлатимиз раҳбари ислоҳотлар олиб боришда фақатгина юртимиз билан чегараланиб қолганлари йўқ. Ўзларининг тинчлик ва ривожланишга хизмат қиладиган ғояларини жаҳон ареналарида ҳам дадил туриб қарғиб қилмоқдалар. Хусусан, 2017 йилнинг 10 сентябрь куни Қозогистон Республикасида бўлиб ўтган Ислом ҳамкорлик ташкилотининг фан ва технологиялар бўйича биринчи саммитидаги нутқида ҳам юртимиз алломалари ҳамда юртимизда дин соҳасида амалга оширилаётган кенг ислоҳотлар ҳакида сўзладилар. Унда юртимизда фан ва технологияларни ривожлантириш борасида амалга оширилган ишлар ва келажакда амалга оширилиши назарда тутилган бир қатор ислоҳотлар тўғрисида айта туриб, бугунги мусулмон олами ушбу соҳаларда оқсаётгани, мазкур масалаларни ҳал этишда ўзаро ҳамкорлик ва ҳамжиҳатликнинг аҳамиятини алоҳида тъқидлаб, бир неча долзарб таклифларни ўргага ташладилар. Жумладан:

- *Мусулмон олами ёши олимлари ҳалқаро марказини тузиш;*
- *мусулмон дунёсида эришилаётган илми-фан ютуқларини мунносиб тақдирлаш ҳамда уларни ҳалқаро миқёсда оммалаштириши учун Ислом ҳамкорлик ташкилотининг маҳсус мукофотини таъсис этиши;*
- *аъзо давлатларининг барқарор иқтисадий ривожланиши, аҳолининг муносиб ҳаёт дараёжасини таъминлаш мақсадида Фан ва технологиялар бўйича саммитни ҳар уч йилда бир марта ўтказишни ва ушибу таклиф қўйлаб-кувватланганги тақдирда, кейинги саммитни 2020 йилда Ўзбекистонда ўтказиш.*

Юртимизда дин соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлар ҳалқаро миқёсдаги эксперталар, мутахассислар, уламолар томонидан ҳам юқори баҳоланаётганини алоҳида қайд этиш лозим.

Виждан эркинлигининг ҳуқуқий асослари. Дин ва зътиқод масалалари инсон маънавиятининг узвий қисми ҳисобланади. Мазкур масалаларнинг мазмун-моҳияти ҳакида чуқур ва асосланган билимларга эга бўлиш ҳаётий-амалий фаолиятни тўғри ташкил этишга хизмат қилади. Шу билан бирга, зътиқодий тушунчаларни таҳқирлаш, менсимаслик шахс табиий ҳуқуқларининг бузилишига сабаб бўлади. Чунки виждан эркинлиги кўплаб давлатлар қатори Ўзбекистон қонунчилигига ҳамда ҳалқаро конвенцияларда ҳуқуқий ҳимояяга олинган. Виждан эркинлиги ҳукуки инсон ҳуқуқларининг 5 та энг асосий ҳуқуқларидан бири ҳисобланади.

Мустақилликдан кейин фуқароларимизнинг дин билан боғлиқ ҳукуқ ва эркинликларини тұлық амалга ошириш, диний ва миллий қадриятларни тиклаш соҳасида қатор ишлар амалга оширилди. Энг аввало, виждон эркинлигининг ҳукуқий базаси мустаҳкамланди. 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Конституциясида “Ҳамма учун виждон эркинлиги кафолатланади. Ҳар бир инсон хохлаган динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қиласыл ҳукуқига зга. Диний қарашларни мажбуран сингдеришга йўл қўйилмайди”, деган ҳукуқий норма белгиланди (31-модда). Мазкур норма асосида ҳар бир шахснинг дин билан боғлиқ ҳақ-ҳукуқлари давлат томонидан расман кафолатланди.

Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги меъёрларнинг қонунчиликка киритилиши натижасида диёrimизда расмий фаолият олиб бораётган барча дин вакилларига катта имкониятлар яратилди. Жумладан, мустақилликкача республикада бир неча черков ва синагогалар фаолият олиб борган бўлса, Қонун қабул қилингач, дунёнинг турли минтақаларида диний ибодатларни амалга оширувчи Евангель-Лютеран жамоаси, Рим-католик черкови, Еттинчи кун адвентистлари черкови, Баҳойилар жамоаси, яхудийлар диний жамоалари каби 10 дан ортиқ диний конфессиялар юртимизда расмий фаолият юрита бошлади.

Шунингдек, 1903 йилда қурилган “Святая Богородица” ибодатхонасининг Арман апостоллик черковига топширилгани, ўз вақтида фаолияти тўхтатиб қўйилган Евангел-лютеран черкови Кирхасининг республикамизда истикомат қилувчи немисларнинг диний эҳтиёжларини қондириш мақсадида “Видергебурт” немис маданият марказига фойдаланиш учун қайтариб берилгани ва 1996 йилнинг декабрида ушбу конфессиянинг юртимизда фаолият бошлагани 100 йиллигининг кенг нишонланиши ҳам юқоридаги фикримиз исботи бўла олади.

Аммо, яратилган имкониятларга қарамасдан ҳалқимизнинг бағрикенглигини суистеъмол қилган айрим диний оқимлар фақат диний ғоя ва ақидаларни эмас, балки сиёсий ва экстремистик мақсадларни кўзлаб иш олиб боргани ачинарли. Кўп асрлардан бери ҳанафий мазҳабига эргашиб келган ҳалқимиз учун ёт ғоя ва қарашларни ёқлаб чиқишлиари баробарида ҳанафий мазҳаби йўл-йўриқлари асосида ибодат қилувчиларни менсимаслик, мазҳаб уламоларини ҳақоратлаш, дин арконларини бажармаётган

шахсларни коғирликда айблаш, имомлар билан масала талашиш, бошқа мазҳаб вакилларига шаклан тақлид қилиш каби ҳолатлар кузатилди.

Хорижий давлатлардан диний ақидапарастликни тарғиб этувчи, одамларда қўрқув ва ваҳима уйғотувчи кўплаб диний адабиётлар “Ҳизбут-тахрир”, “Акромийлар”, “Тавба”, “Адолат уюшмаси” каби экстремистик гурухлар томонидан оммага тарқатилиб, мамлакат барқарорлигига рахна солишга қаратилган ҳаракатлар юзага кела бошлади. Шунингдек, асосий мақсади миллат ва жамиятни диний асосда бўлиб ташлаш бўлган миссионерлик ҳаракатлари турли йўллар билан юртимизга суқулиб кира бошлаган эди. Республикамиз қонунчилигида миссионерлик фаолиятига ҳуқукий жиҳатдан етарли даражада тўсиқнинг мавжуд эмаслиги бартараф этиб бўлмас даражада оғир оқибатларга олиб кёлиши мумкин эди. Бу каби ҳолатлар “Виждан эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги Қонунни қайта кўриб чиқишини тақозо этарди.

1991 йил 14 июнда илк марта қабул қилинган Қонунга 1993 йил 3 сентябрда баъзи қўшимча ва ўзгартиришлар киритилди. 1998 йил 1 май куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисining XI сессиясида “Виждан эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги Қонуннинг 23 моддадан иборат янги таҳрири қабул қилинди. Қонунни ишлаб чиқишида мамлакатимизнинг ўзига хос шароити, унда яшовчи кўп миллатли халқимизнинг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳамда менталитети ҳисобга олинди. Қонуннинг асосий мақсади ҳар бир шахснинг виждан эркинлиги ва диний эътиқод ҳукукини, динга муносабатидан қатъи назар, фуқароларнинг тенглигини таъминлаш, шунингдек, диний ташкилотларнинг фаолияти билан боғлиқ муносабатларни тартибига солиб туришдан иборат.

Қонуннинг 3-моддасида “Динга эътиқод қилиш ёки ўзга эътиқодлар эркинлиги миллий хавфсизликни ва жамоат тартибини, бошқа фуқароларнинг ҳаёти, саломатлиги, ахлоқи, ҳуқуқи ва эркинликларини таъминлаш учун зарур бўлган даражадагина чекла-ниши мумкин”лиги белгиланган. Бу норма Фуқаролик ва сиёсий ҳукуқлар тўғрисидаги халқаро Пактнинг 18-моддаси 3-бандига тўлиқ мос тушади.

Шу билан бирга, БМТ Бош Ассамблеясининг “Диний тоқатсизликнинг барча шаклларини бартараф этиш тўғрисида”ги Резолюциясида ҳам бундай қоида мустаҳкамланган бўлиб, унда асосан

тинчлик ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш мақсадларида дин ёки эътиқод эркинлиги соҳасида маълум чекловларга йўл кўйилиши белгилаб ўтилган. Шу маънода “Виждан эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги Қонуннинг 5-моддасида мустаҳкамланган бир конфессиядаги диндорларни бошқасига киритишга қаратилган хатти-ҳаракатлар, шунингдек, бошқа ҳар қандай миссионерлик фаолиятини чеклаш ҳақидаги қоида юртимиз хавфсизлиги, турли дин вакилларининг тинч-тотув яшашини таъминлашга қаратилган. Чунки инсон ўз дини ва эътиқодини ўзгартириши кўп ҳолларда салбий оқибатларга олиб келади. Айниқса, бундай ҳаракатлар оиласидаги баркарорликка путур етишига сабаб бўлаётганини ҳеч қандай йўл билан оқлаб бўлмайди. Қонунчиликда бундай ҳолатларга нисбатан жавобгарлик белгиланган. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 240-моддаси иккинчи қисмида бир конфессияга мансуб диндорларни бошқасига киритишга қаратилган хатти-ҳаракатлар ва бошқа миссионерлик фаолияти учун энг кам иш ҳақининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима солиш ёки ўн беш суткагача муддатга маъмурий қамоққа олишга сабаб бўлиши белгиланган бўлса, Жиноят кодексининг 216²-моддаси иккинчи қисмига асосан бундай хатти-ҳаракатлар маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилса, энг кам иш ҳақининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки олти ойгача қамоқ ёхуд уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланиши назарда тутилган.

Янги таҳрирдаги қонунда диний ташкилот сифатида диний жамиятлар, диний ўқув юртлари, масжидлар, черковлар, синагогалар, монастирлар ва бошқа бирлашмалар эътироф этилиши ҳамда улар 18 ёшга тўлган ва республика ҳудудида доимий яшаётган 100 нафардан кам бўлмаган Ўзбекистон фуқаролари ташабbusи билан тузилиши ҳақидаги қоида мустаҳкамлаб кўйилди. Аввалги таҳрирда бу қоида “10 нафар фуқаронинг ташабbusи билан”, деб белгилангани диний ташкилотлар сонининг аҳоли эҳтиёжига нисбатан анча кўпайиб кетишига олиб келди. Шу билан бирга, уларнинг бир қанчаси хорижий муассислар ташабbusи билан тузилгани боис, 8-модданинг 5-бандида тегишли диний маълумотга эга бўлган республика фуқароларигина диний ташкилот раҳбарлари бўлиши мумкин, дея белгиланди. Республика фуқароси бўлмаган шахслар-

нинг номзоди эса Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита билан келишилган ҳолда қабул қилиниши қоида тариқасида мустаҳкамланди.

Айни пайтда, диний ташкилот тузиш масаласи турли давлатлар қонунчилигида ўзига хос тарзда ҳал қилинганини таъкидлаш жоиз. Масалан, Россия Федерацияси ва Қозогистонда 10 нафар фуқаро, Польшада 15, Венгрияда 100, Киргизистонда 200, Чехияда 300 нафар фуқаро ташаббуси билан диний ташкилот тузиш мумкинлиги белгиланган.

Республикамизнинг “Виждан эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида” янги таҳрирдаги қонунининг 9-моддасида диний ташкилотларнинг марказий бошқарув органлари диний ўкув юртлари тузишга ҳақли эканлиги белгиланди. Щу билан бирга, бу муассасаларда диний фанларни ўқитаётган шахслар диний таълим олган бўлиши ва ўз фаолиятини тегишли марказий бошқарув органининг рухсати билан амалга ошириши лозимлиги қайд этилди. Шунингдек, олий ва ўрга маҳсус диний ўкув юртларида билим олишни истаган шахс, албатта, умумий мажбурий ўрта таълимни тамомлаган бўлиши шарт қилиб белгиланди.

Ушбу қойданинг тўғри татбиқини йўлга кўйиш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 1 мартағи 99-сон қарори билан тасдиқланган “Диний таълим муассасаларининг фаолиятини лицензиялаш тўғрисида”ги Низоми қабул қилинди. Бу низомда диний таълим муассасалари фаолиятини ташкил этиш ва бу соҳада эътибор бериш лозим бўлган жиҳатлар ҳамда кўрсатилган тартибга амал қилинмаган ҳолатда келиб чиқадиган ҳукуқбузарликлар баён этилган. Бир сўз билан айтганда, республикамизда дин соҳасида демократик принципларга тўла амал қилинган ҳолда, барча динларнинг ривожланиши учун тенг имкониятлар яратилган.

“Виждан эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги Қонуннинг 16-моддасида диний ташкилотлар муайян микдорда давлат мулкидан фойдаланишлари мумкинлиги кўрсатилган. Шунга кўра, диний ташкилотлар ўз эҳтиёжлари учун давлат органлари томонидан шартнома асосида бериладиган бинолар ва мол-мулкдан фойдаланишга ҳақлидир. Бу эса тегишли ҳокимият органлари рухсати билан амалга оширилади. Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг “Маданий мерос обьектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида”ги Қонунининг 27-моддасига

мувофиқ, тарихий ва маданий ёдгорликлар объектлари ва буюмлар диний ташкилотларга текин фойдаланиш шартномасида бериб кўйилиши кўзда тутилган. Бу эса, фуқароларнинг диний маросимларни тўлақонли амалга ошириши учун давлат томонидан яратилган имкониятдир.

Қонуннинг диний адабиётларга тегишли бўлган 19-моддаси ҳам ўзгартирилди. Унга кўра, диний ташкилотларнинг марказий бошқарув органлари диний мақсадларга мўлжалланган буюмлар, диний адабиётлар ва диний мазмундаги бошқа ахборот материалларини Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгилangan тартибида ишлаб чиқаришга, экспорт ва импорт қилишга ҳамда тарқатишга ҳақлидир.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 23 апрелдаги 196-сон қарори билан тасдиқланган, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита тўғрисидаги Низомнинг 7-бандига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита республикада чиқариладиган ёки чет эллардан келтириладиган диний тусдаги маҳсулотларни экспертизадан ўтказади ва мазкур фаолиятни мувофикалаштиради. Мазкур қоида орқали республика ҳудудига диний мазмундаги адабиётларни олиб кириш тартиби такомиллаштирилди.

Шунга асосан, Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 20 январдаги 10-сонли “Диний мазмундаги материалларни тайёрлаш, олиб кириш ва тарқатиш соҳасидаги фаолиятни амалга ошириш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорига асосан диний мазмундаги материалларнинг турлари ва уларнинг мазмун-моҳияти кенгроқ тавсиф қилиб берилиди. Унда айтилишича, диний мазмундаги китоб, рисола, журнал, газета, варақа ва бошқа босма нашрлар, аудиовизуал асарлар, ахборот ташувчи электрон жисмлар (дискетлар, CD, DVD дисклари, Интернет тармоғида жойлаштирилган материаллар ва шу кабилар) диний мазмундаги материаллар сифатида эътироф этилади.

Кўриниб турибдики, виждон эркинлиги қонунчилиги борасидаги ислоҳотлар амалга оширилиши лозим бўлган ҳаётий зарурат ҳисобланади. Бу ислоҳотлар жамият тараққиёти билан ҳамнафас тарзда ривожланишда давом этади. Жумладан, мавжуд қонунчилик моҳиятини кенг халқ оммасига тўлақонли етказиб бериш мақсади-

да ваколатли давлат органлари томонидан соҳага оид конунларга хукукий шарҳлар берилиши, фуқароларнинг виҷдан эркинлиги хукуқини таъминлашга хизмат қилувчи қонун ости хужжатлари-нинг қабул қилинаётгани фикримизнинг исботидир.

Хулоса қилиб айтганда, “Виҷдан эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги Конунни ҳаётга татбиқ этиш ва соҳага оид амалга оширилаётган хукукий ислоҳотлар натижасида диний ташкилотларни рўйхатга олиш ҳамда уларга раҳбарлик қилиш, ноанъанавий диний оқимлар ёйилиб кетишининг олдини олиш, диний таълим тизимини такомиллаштириш, шунингдек, диний адабиётларни чоп этиш ва тарқатиш каби диний ҳаёт барқарорлигини таъминлашга қаратилган вазифаларни бажариш учун замон талабларига мос хукукий механизм яратилди.

Шуни афсус билан қайд этиш лозимки, юртимизда фаолият кўрсатаётган баъзи диний ташкилотлар томонидан виҷдан эркинлиги тўғрисидаги қонунчиликнинг бузилиши, хусусан, миссионерлик ва прозелитизм билан шуғулланиш ҳолатлари ҳам кузатилмоқда.

Миссионерликнинг мазмун-моҳияти ва унинг салбий оқибатлари. Миссионерлик сўзи лотин тилидаги “missio” феълидан олинган бўлиб, “юбориш”, “вазифа топшириш”, миссионер эса “вазифани бажарувчи” деган маъноларни англатади. Турли лугатлар ва манбаларда миссионерликка кўплаб таърифлар берилган. Уларнинг деярли барчасида миссионерликка хос хусусиятлар тавсифланиши баробарида, бу сўз асосан христиан дини билан боғланади.

Умуман олганда, турли лугатлар ва манбаларда баён этилган таърифлар бир-бирига жуда якин ва ўхшаш бўлиб, уларга таянган ҳолда куйидаги хулосани чиқариш мумкин: миссионерлик – бир динга эътиқод қилувчи халқлар орасида бошқа бир динни тарғиб қилишни англатади.

Прозелитизм – бу тўғридан-тўғри бирон бир динга ишонган фуқарони ўз динидан воз кечишга ва ўзга динни қабул қилишга мажбур қилишдан иборатдир.

Миссионерларнинг бугунги кундаги фаолияти ҳеч бир минтақа, ҳеч бир давлат бундай таҳдиддан холи эмаслигини кўрсатади. Бундай ҳолатларнинг олдини олиш учун эса миссионерликнинг моҳиятини тўғри ва чуқурроқ англаш, уни бартараф этиш йўлида

мақсадли, тизимли ва тадрижий фаолият олиб бориш зарур бўла-ди. Ҳозирги даврга келиб миссионерлик глобал кўриниш олди.

Бугунги кунда миссионерлик фаолияти билан асосан турли секталар шуғулланади. Диний секта деганда маълум бир дингдаги расмий ақидаларга зид равишда ажралиб чиққан ёки мавжуд динлар ва конфесияларга умуман алоқаси бўлмаган ҳолда дин байроғи остида фаолият кўрсатадиган гурухлар тушунилади. Ҳозирда ҳар иккала йўналишга мансуб бўлган таҳминан 5000 секта фаолият кўрсатмоқда.

Диний секталар фаолияти ҳақида гап кетар экан, уларга хос бўлган қуидаги хусусиятларни қайд этиш лозим. Айрим секталар муайян конфесия доирасида шаклланиб, асосий эътиборни со-биқ маслақдошлари орасида тарғибот олиб боришга қаратадилар. Баъзи секталар эса, нафакат собиқ маслақдошлари, балки бошқа конфесияга мансуб инсонлар орасидан ҳам ўз тарафдорларини шакллантиришга ҳаракат қиласидилар.

Инсоният тарихида XX аср йирик давлатлар томонидан ўз таъсир доираларини кенгайтириш учун олиб борилган курашлар даври бўлди. Бу жараёнда Осиё ва Африка мамлакатлари асосий кураш майдонига айланди. Бунда нефть ва нефть маҳсулотларига бўлган эҳтиёжнинг ортиши натижасида ёқилғининг қимматлашиши ва йирик давлатларнинг энергетик захиралар устидан назорат ўрнатиш учун улар жойлашган ҳудудларга ўз таъсирларини ўтказишига ҳаракат қила бошлиши мухим аҳамият касб этди. Бу муаммо ҳозир ҳам долзарблигича қолиб, йирик давлатлар миссионерликдан айнан шундай геосиёсий мақсадлар йўлида фойдаланмоқдалар, десак муболага бўлмайди.

Миссионерларнинг асосий мақсади маълум давлатларда ўзла-рига тарафдорларни кўпроқ йиғиши ва шу орқали жамиятда хай-риҳоҳ бўлган гуруҳларни шакллантиришдир. Ушбу мақсадга эри-шиш учун миссионерлар томонидан кўп йиллик дастурлар ишлаб чиқилган. Шундай лойиҳалардан энг йириги бу “10/40 ОЙНА” ре-жасидир. Режага биноан христианлик ниқобидаги миссионерлар инжиллаштириш фаолиятида асосан шимолий кенглиқнинг 10 ва жанубий узунликнинг 40-даражалари орасида жойлашган ҳудудларга алоҳида аҳамият берадилар. Ушбу ҳарита ҳам миссионерликдан энергетик захираларни қўлга киритишдек геосиёсий мақсадларда фойдаланилиши ҳақидаги хulosанинг ўринли эканини кўр-

сатади. Узоқни күзлаб, ғаразли геосиёсий мақсадларга эришишни ният килган кучлар томонидан ушбу ҳудудга хос хусусиятлар жуда ҳам чукур ўрганилиб, бу ҳақда бир қатор рисолалар ва миссионерлар учун қўлланмалар ишлаб чиқилган. Уларнинг орасида “10/40 ОЙНА”га кирувчи мамлакатларнинг ўзига хос хусусиятлари, ахолисининг дини, турмуш тарзи, миссионерлик фаолиятини олиб боришида нималарга эътибор берилиши лозимлиги ҳақида батафсил маълумотлар келтирилган Патрик Джонстоуннинг “Дунё операцияси” рисоласи алоҳида эътиборга молик.

Қўлланмада келтирилган маълумотларга кўра, ҳозирги кунда дунёдаги миллат ва элатлар сони 12017 тани ташкил этади. Улардан 9017 таси тўлақонли фаолият юритадиган черковга эга. колган 3000 миллат ва элат бундай черковларга эга эмас. Джонстоун уларга кўпроқ аҳамият қаратиш кераклигини, бу ҳудудлардаги христианлар ислом, ҳиндуийлик, буддавийлик динларининг тазийкларига учраётганини таъкидлайди. Рисолада дунё бўйича энг кўп тазийққа учраётган черковлар жойлашган ҳудудлар харитаси ҳам келтирилган.

2001 йилда чоп этилган “Бутун дунё христиан энциклопедияси”га илова тарзида 2002 йилда АҚШда “Бутунжоҳон христианлиги тенденцияси” китоби нашр этилди. Унда христианлик 2025 йилгача эришиши лозим бўлган саккиз асосий мақсад санаб ўтилган. Хусусан, унда айтилишича:

- Ер юзи ахолисининг “Инжил” билан таништирилиши 73,1 фоиздан 100 фоизга етказилиши;
- дунё ахолиси таркибидағи христианларнинг улуши 33 фоиздан 40 фоизга ўсиши;
- христианларнинг 10 фоизини ташкил қилган миссионерларнинг улуши 20 фоизга кўтарилиши;
- христианлар ўз даромадларининг 1,8 фоизини черков ҳисобига ўтказиб келишган бўлишса, бу кўрсаткич 3 фоизга етказилиши;
- ҳар 3000 кишига 1 та миссионер тўғри келган бўлса, бу кўрсаткич ҳар 1000 кишига 1 та миссионерни ташкил этиши;
- черков мавжуд бўлмаган, ахолиси 50 мингдан ортиқ 116 та шахарнинг барчасида черковлар юзага келиши;
- черковлар тузилмаган мингдан ортиқ этник гурухнинг бирида черковлар ташкил этилиши;

— “Инжил” ё умуман таржима қилинмаган ёки қисман таржима қилинган барча тилларга таржима қилиниши лозим.

Ер шарининг ушбу миңтақаси классик геосиёсат наздида ҳам асосий ва ҳал қилувчи аҳамиятга эга. XIX асрдаёқ таниқли геосиёсатчи А.Мехен жаҳон майдонидаги 30-40 параллеллар орасидаги “қарама-каршиликлар ҳудуди”ни ажратиб кўрсатган. Ушбу ҳудудларда империяларнинг манфаатлари тўқнашади. Замонавий геосиёсатчилар эса ушбу ҳудуднинг аксарият қисмини “бекарорлик тугу‘ни” деб аташади.

Хозирги кунда Марказий Осиёнинг бир қисмини ҳам қамраб олган ушбу ҳудуд христианлик ниқобидаги миссияларнинг асосий ҳаракат нуктасига айланган. Миссиялар томонидан ушбу ҳудудларни ўзлаштириш учун қатор режалар ишлаб чиқилган. “Тонг – 2000” номли миссионерлик дастурининг муаллифи Ж.Монтгомерининг фикрича, христианлик ўз тарихида бир авлод ҳаёт даврининг ўзида амалга ошириш учун 700 дан ортиқ Бутунжоҳон инжиллаштириш режаларига эга бўлган.

“Дунё операцияси” китобининг муаллифи, таниқли миссионер П.Джонстоун эса, талабаларни миссионерлик фаолиятининг асосий обьекти деб қараб, жумладан шундай дейди: “Бутун дунёда университет ва коллежларда 37 миллион талаба таҳсил олади. Уларнинг кўплари 20 йилдан сўнг йирик мансабларни эгаллашади”. Дарҳақиқат, миссионерлар ўз фаолиятида талабалар ва ёшларга катта аҳамият берадилар. Масалан, “Кечки Бишкек” ташкилоти томонидан чиқарилган ахборотнома ва Қирғизистон хавфсизлик хизмати маълумотларига кўра, ҳозирда айрим қирғиз ёшларидан 15 минги христианликни қабул қилган. Қозогистонда ҳам баъзи маълумотларга кўра, ҳозирги кунга келиб 800 мингга яқин собиқ мусулмон аҳоли протестантликни қабул қилган.

Миссионерлик стратегиясининг яна бир муҳим таркибий қисми бу диний ташкилотлар сонини оширишга интилишdir. “DAWN” (“Кун чикиши”) миссионерлик ҳаракати раҳбари Д. Монтгомери фикрича: “Черковларни кўпайтириш стратегияси – халкларни масиҳийлик: г ўтказишнинг энг тўғри йўлидир”.

Таъкидлаш жоизки, миссионерлар ўз фаолиятлари орқасида сиёсий ёки иқтисодий мақсадлар ётганини умуман тан олишмайди. “10/40 Ойна” ҳудудига қизиқишлиарни улар диний нуктаи назардан асослашга уринадилар Хусусан, уларнинг фикрларича, ушбу ҳудудда “Библия”даги кўп воқеалар содир бўлган. Худо илк ин-

сонлар Одам ва Ҳаввони шу ҳудудга туширгани, Исо Масих тугилиб ўсиб, ўз ҳаворийлари билан фаолият олиб боргани ҳамда илк масиҳий черкови шу ерда пайдо бўлгани ҳақидаги фикрлар шулар жумласидандир. Бу ҳудуд қуруқликнинг 1/3 қисмини ташкил қилиши, 4 миллиард аҳоли истиқомат қилиши, дунёдаги энг кам инжиллаштирилган 50 давлатнинг 37 таси шу ҳудудда жойлашгани ҳам бу ҳалқларга “Нажот келтирувчи Хушхабар”ни етказиш зарурлигига “асос” сифатида келтирилади.

Юқоридаги мулоҳазалар замонавий миссионерлик геосиёсий мақсадларга эришиш, у ёки бу минтақага таъсир ўтказишнинг ўзига хос воситаси ва ниҳоят, сердаромад соҳага айланиб қолгани ҳақида хulosса чиқариш имконини беради.

Жамият тарақкий этиб, юксалиб боргани сари миссионерлик ҳам унга мос равишда замонавий фан-техника ва технологиялардан усталик билан фойдаланган ҳолда ўз услугуб ва воситаларини такомиллаштириб бормоқда. Бугунги кунда миссионерлар ўз тарғибот фаолиятларида янги, замонавий усул ва воситалардан, жумладан, замонавий теле, аудио, видео, радио ва компьютер технологияларидан кенг фойдаланмоқдалар.

Уйма-уй юриб “Хушхабар” етказиши, яъни одамлар билан куннинг долзарб муаммолари ҳақида суҳбатлашиш, уларнинг дардларига қизиқиши билдириш ва ушбу муаммолардан чиқиши ўйларини кўрсатиб беришни таклиф қилиб, ўз ташкилотларига жалб қилиш миссионерликдаги яхши самара берадиган усувлардан бири ҳисобланади. Ушбу усуслардан фаол фойдалаётган “Иегово шоҳидлари” оқими аъзолари, ўзларини Исо Масих ўз ҳаворийларига буюрган йўлдан фойдаланаётганларини таъкидлашади.

Миссионерликда маҳаллий тилларда христианликни тарғиб қилиувчи адабиётларни чоп қилиши ва тарқатишни ҳам энг кўп қўлланиладиган усувлардан бири ҳисобланади. Кичик ҳажмдаги қўлланмалар жуда ҳам таъсирчан қилиб ёзилади ва одамларнинг эътиборини жалб қилиш учун чиройли суратларга бой бўлади. Уларда динни қабул қилиш очик-ойдин таклиф қилинмайди. Аммо адабиёт охирида қўшимча маълумот олиш учун ташкилот манзили ёки телефони келтириладики, рисолани ўқиган ва диний билими саёз бўлган инсон бу нарсага учиши мумкин.

Маълумотларга кўра, 200 дан ортиқ мамлакатда Тўлиқ Инжил христианларига қарашли 120 дан ортиқ Библия жамиятлари фао-

лият юритади. Ушбу оқимга кирган янги вакилларнинг ярмидан кўпи динни қабул қилишларини христиан адабиётлари таъсири билан боғлашлари эса юқоридаги услубнинг нечоғлик самарали эканини кўрсатади.

Хайрия ёрдамлари кўрсатиш ҳам миссионерликдаги энг қадимий ва самарали усуllibардан бири ҳисобланади. Бунда турли хил маърифий тадбирлар уюштирилиб, уларга асосан ёшлар жалб этилади. Иштирокчиларга христиан адабиётларини ҳам ўз ичига олган совғалар улашилади, тадбир сўнгига албатта ибодат ва Библия ўқиш ҳам бўлади. Зилзила, тошқин, очарчилик каби оғатларнинг содир бўлиши миссионерлар учун айни муддао ҳисобланади. Каерда юқоридагидек ҳолатлар юз берса ўша ерга биринчи бўлиб миссионерлар етиб боришади. Дастлаб улар ўзларини бегараз ёрдам кўрсатаётгандарини кўз-кўз қилиб, аста-секин асл мақсадларини ошкор қиласидилар. Аслида миссионерлар ҳеч қачон, ҳеч кимга бегараз ёрдам кўрсатмаганлари ва кўрсатмасликларини ҳам унумаслик лозим.

Тиббий ва таълим-тарбия соҳаларига маҳсус кадрларни юбориши ҳам энг қадимий усуllibардан биридир. Ҳозирги кунда бир қатор миссионер жамоалар ушбу усуlldан самарали фойдаланишмоқда. Жумладан, маълумотларга кўра “Еттинчи кун адвентистлари” жамоаси дунёнинг турли чеккаларида 200 дан ортиқ бепул шифохоналарга эга. “Рұхий тикланиш” миссионерлик ассоциациясининг маълумот бюллетенларида баён қилинган, минтақавий миссионер марказларни ривожлантириш концепциясида тиббий миссияларнинг асосий вазифаси “Янги черковларни тузиш ва евангеллаштириш”, деб белгиланганини қайд этиш лозим.

Миссионерларнинг ёшлар билан ишлашда бир неча усуllibари мавжуд: талабалар, болалар учун миссиялар, ёзги оромгоҳлар шулар жумласидандир. Ҳозирги кунда “Халқаро христиан оромгоҳлари” ассоциациясига МДҲнинг 7 мамлакатида 177 оромгоҳ аъзо бўлган. Ушбу оромгоҳлар дастурига кўра, мавсум охирига бориб у ерда дам олган бола христианликни қабул қиласиди.

Юқорида қайд этилганидек, бугунги кунда миссионерлик ташкилотлари христианликни тарғиб қилишда аудио, видео ва электрон маҳсулотлар, газета, журналлар, теледастурлар, интернетда онлайн ўкув курслари ташкил этиш йўлларидан ҳам фаол фойдаланмоқда. Жумладан, миссионерлик мазмунидаги материаллар тайёрлаш ва тарқатиш билан шуғулланувчи кўп сонли халқаро

агентликлар фаолият юритмоқда. Ушбу йўналишдаги энг йирик ташкилот – Global Recordings бўлиб, у 21 миллий агентликни бирлаштиради ва ҳозирги кунга келиб 4562 тил ва лаҳжада маҳсулот ишлаб чиқармоқда.

Европа ва Америка қитъаларида миссионер даъватчилар машҳурлик борасида шоу-бизнес ва киносаноат юлдузларидан қолишмайди. Маълум бўлишича, телевидение орқали даъват қилишдан энг кўп адвентистлар ва Тўлиқ Инжил христианлари жамоали-ри фойдаланишади.

Интернет тармоғида ҳам миссионер ташкилотлар ўз саҳифалига эга. Ушбу сайтларда миссионерларга турли маслаҳатлар, жумладан, мусулмонларни протестантликка ўтказиш ҳақида тегишли кўрсатмалар ва миссиология бўйича ўқув курслари бериб борилади.

Дин миллий маънавиятнинг таркибий қисми, миллатни бирлаштирувчи муҳим омиллардан бири ҳисобланади. Бир тилда гаплашадиган, ўз тарихи ва давлатига эга бўлган, аммо турли динларга ёки диний йўналишларга эътиқод қиласидиган миллатлар ҳамон ички миллий бирликни таъминлай олмаётгани, кичкина бир сабаб қайта-қайта низоли вазиятлар ва фуқаролар урушининг келиб чиқишига замин яратаБтгани ва мамлакатлар ўз тараққиётида ўнлаб йилларга орқада қолиб кетаётгани ҳам шундай хулоса чиқариш имконини беради.

Ливан аҳолисининг 90 фоиздан ортиғини араблар ташкил этади. Расмий тил араб тили ҳисобланади. Аммо ливанликларнинг бир қисми исломга (сунний, шиа, друз), қолган қисми христианликка (мароний, православ, католик) эътиқод қилиши натижасида миллий бирликни таъминлаш кийин кечмоқда. Мамлакатнинг амалдаги қонунчилигига давлат бошқарув идораларининг диний белгилар асосида шакллантирилиши мустаҳкамлаб қўйилгани эса, кўпгина ҳолларда хилма-хил омиллар таъсирида унинг тўлақонли фаолиятига тўсиқ бўлмоқда. Мусулмонлар ва христианлар ўртасида вақти-вақти билан келиб чиқаётган фуқаролар уруши эса бу бирликни таъминлашни янада мушкуллаштираётгани фикримизнинг исботи бўла олади.

Турли миллат ва дин вакиллари истиқомат қилиб келган Югославиянинг Сербия, Словения, Хорватия, Македония, Черногория, Босния ва Герцеговина каби давлатларга парчаланиб кетгани ҳам этноконфессионал зиддиятлар қандай оғир оқибатларга олиб кели-

ши мумкинлигининг ҳаётий-амалий ифодасидир. Масаланинг ана шу жиҳатига эътибор берилса, миссионерлик ҳаракатлари ортида диний заминда миллатни ичидан бўлиб ташлашга қаратилган ғарзли сиёсий мақсадлар ётганини ва у келтириб чиқарадиган фожиаларни англаб етиш мумкин.

Миссионерлар ўз олдиларига қўйган мақсадларга эришадиган бўлсалар, улар фаолият олиб бораётган мамлакатда халқнинг парокандаликка юз тутиши ва маънавий таназзулнинг келиб чиқиши мумкинлиги табиий бир ҳол. Секталар фаолияти натижасида бир қатор салбий ҳолатлар, баъзида фожиавий ҳодисалар келиб чиқкан. Жумладан, XX асрнинг 70-йилларида АҚШнинг Сан-Франциско шаҳрида Жим Жонс исмли шахс томонидан асос солинглан “Халқ ибодатхонаси” номли ташкилот фаолияти натижасида 912 киши, АҚШнинг Техас штатида Девид Кореш томонидан шакллантирилган “Довуд авлоди” номли секта фаолияти оқибатида 100 га яқин киши, Хитойдаги “Фалуньгун” сектасининг таълимотига эргашган 1400 дан ортиқ киши, АҚШда пайдо бўлган “Осмон дарвозаси” сектаси аъзоларидан 60 дан ортиқ киши ўз жонига қасд қилган, Угандада юзага келган “Худонинг ўнта буйругини қайта тиклаш ҳаракати” сектаси қурбонлари сони 1000 дан зиёдни ташкил этган.

Бугунги кунда бир қатор мамлакатларда секталар фаолияти натижасида жабр кўрганларга моддий ва маънавий кўмак бериш мақсадида маҳсус марказларнинг тузилгани, афсуски, юқоридағи каби ҳолатларнинг кўпайиб бораётгани ва хатарли кўлам касб этиб, жамиятдаги ижтимоий-маънавий муҳитга ўта салбий таъсир кўрсатаётганинг ўзига хос инъикоси ҳисобланади.

Назорат саволлари

1. Ҳозирги даврда давлат ва дин муносабатларининг ўзига хос хусусиятлари нималарда намоён бўлади?
2. Ўзбекистонда давлат ва дин муносабатлари ҳақида маълумот беринг.
3. Давлатнинг виҷдан эркинлигини таъминлашдаги роли нималарда кўринади?
4. Замонавий секталар томонидан миссионерлик фаолиятини олиб боришда қандай услублардан фойдаланилмоқда?

II БОБ. ЭКСТРЕМИЗМ ВА ТЕРРОРИЗМ – ЖАМИЯТ БАРҚАРОРЛИГИГА ТАҲДИД

5-мавзу. Экстремизмнинг Марказий Осиё минтақасида намоён бўлишининг ўзига хос хусусиятлари

Режа:

1. Экстремизмнинг Марказий Осиё минтақасида намоён бўлишининг ўзига хос хусусиятлари
2. Марказий Осиёдаги барқарорлик ва хавфсизликка таҳдид солаётган экстремистик ва террорчи ташкилотлар.

Таянч сўз ва иборалар. Марказий Осиё минтақасида фаолияти кузатилган диний-сиёсий ташкилотлар, “Хизбут-таҳрир”, “Акромийлар”, “Нурчилик”, “Туркистон ислом ҳаракати”, “Исломий жиҳод имтиҳоди”

Экстремизмнинг Марказий Осиё минтақасида намоён бўлишининг ўзига хос хусусиятлари. Марказий Осиёга ислом кириб келган даврдан бошлаб бу худудда яшовчи аҳолининг асосий қисми ханафий мазҳаби таълимотларини қабул қилган. Асрлар давомида бу дин минтақа халқларининг урф-одатлари ва анъаналарини ҳамда яшаш тарзини белгилаб берди. Ислом Мовароуннаҳр халқларига кўплаб фанларнинг ривожланишига, бу худуддан буюк алломалар етишиб чиқишига улкан ҳисса қўшди.

XIX асрнинг ўрталарида Туркистон ўлкаларига Чор Россиясининг босқини, кейинроқ қизил империянинг атеистик сиёсати минтақада диний илмлар таназзулига сабаб бўлди. Шўроларнинг бу сиёсати 70 йил давом этди.

Собиқ иттилоғининг таназзулга учраши, унинг мафкураси заифлашиши натижасида бу минтақага чет элдан-ёт ғоялар ҳам кириб кела бошлади.

Машхур исломшуносларнинг фикрига кўра, экстремистик тузилмаларнинг Марказий Осиё давлатларида кириб келиши хотирждаги шу руҳдаги марказлар, хусусан, араб давлатларидағи экстремистларнинг саъй-харакатлари билан ташкиллаштирилган¹. Хусусан, айрим тарихчи олимлар минтақага экстремистик гоялар XX асрнинг 70–80-йилларидан бошлаб беш босқичда кириб келганини таъкидлайдилар:

Биринчи босқич 1970–1985-йилларни ўз ичига олиб, узок давом этган атеистик сиёсат натижасида, аҳоли орасида динга бўлган муносабатнинг сусайиши каби ҳолатларни айрим уламолар исломга нисбатан килинган таҳдид деб ҳисоблаб, совет даврида ҳам исломий жамият тузиш орқали мавжуд муаммоларнинг сиёсий ечимини ҳал қилиш мумкин деган холосага кела бошлаган эдилар.

Улар Марказий Осиё худудида ислом давлатини барпо этиш учун, биринчи навбатда, ўз ортидан халқ оммасини эргаштира оладиган гоявий раҳнамоларни тайёрлаш, энг аввало Фаргонада яширин диний ўкув юргини шаклантириш режасини туздилар. Бунда Ўзбекистон олий ўкув юртларида ўқийдиган араб мамлакатларидан келган талаба ва аспирантлар имкониятларидан фойдаланиш режалаштирилиб, яширинча жамиятга таъсир қилишга харакат килинди.

Иккинчи босқич 1985–1989-йилларни ўз ичига олиб, Совет итифоқида «Қайта куриш» даврида жамиятни демократлаштириш ва ошкоралик шиори эълон қилиниши билан боғлиқ бўлди. Айниқса, «салафийлар» ҳаракатининг «бидъат» тушунчаси, тасаввуф тарикатлари, қабрларни зиёрат қилиш, улар устига белги – қабртош кўйиш, ўтганлар руҳига Куръонни тиловат қилиш, мусиқа, театр ва тасвирий санъат ва туғилган кунни нишонлаш каби масалалардаги қарашлари мусулмон аҳоли ўртасида турли ихтилофларни келтириб чиқарди. Бу ҳаракат тарафдорлари дастлаб ҳанафийлар билан олиб борилган мунозараларидан кейин аста-секинлик билан очиқ каршилик ва куч ишлатиш йўлига ўтдилар.

Баъзи таҳлилчилар томонидан коммунистларнинг Марказий Осиёдаги ҳанафий мазҳабига қарши диний ақидапараастлар билан ҳамкорлик қилгани таъкидланади. Ўша пайтларда аҳолининг дин-

¹ Очилдиев А.С. Диний экстремизм ва терроризмга карши курашнинг маънавий-маърифий асослари. «Тошкент ислом университети» нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2008. Б-67.

га муносабатини зохир этиб туралган бир неча кўрсаткичлар бор эди. Шулардан асосийлари жаноза маросимлари ва қадамжоларни зиёрат қилиш бўлиб, партия ходимлари ўзини ҳар қанча атеист қилиб кўрсатган бўлсада, улар вафот этганда барибир ислом таълимоти талаблари асосида дафн қилинар эди. Партия ва салафийларни бирлаштириб туралган жиҳат эса қабрларга нисбатан тажовузкорлик эди. Покистон, Эрон, Бирлашган Араб Амирликлари, Саудия Арабистони каби мамлакатларнинг экстремистик руҳдаги диний оқимлари томонидан миңтақага адабиётлар, аудио ва видео кассеталар кириб келиши натижасида диндорлар орасида миссионерлик ва диний тарғибот кучайтирилди².

Учинчи босқич 1989–1993-йилларни ўз ичига олиб, Ўзбекистонда исломий ҳаракатларнинг кучайиши билан характерланади. Мазкур даврда мутаассиб гуруҳлар кўп йиллар мобайнида биринчи марта очиқдан-очиқ талаблар билан сиёсий майдонга чиқдилар ҳамда диний ҳаётга алоқадор масалаларни мустақил равишда ечишга интилдилар. Айрим тадқиқотчилар бу даврни «Қизил ислом инқилоби» деб ҳам атайдилар³. Ошкораликнинг авж олиши ҳамда аҳолига диний эркинликлар берилиши натижасида ақидапараст оқимларга мойил баъзи расмий имом-хатиблар мусулмонлар орасида ихтилофлар чиқара бошлади. Фарғона водийсида «Адолат уюшмаси», «Ислом лашкарлари», «Ёш жиҳодчилар», «Имон», «Ҳизбут-таҳrir» каби ноқонуний ташкилотлар очиқдан очиқ чакириқлар билан мавжуд ҳукуматга қарши чиқиб, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ўрнини эгаллашга ҳаракат килдилар ва ислом шариат қонунларини жорий этишни таклиф қила бошладилар.

1991 йил январь ойида юзага келган “Адолат” гурухининг асл мақсади мавжуд тузумни ағдариш, ҳокимият тепасига келиш ҳамда ислом давлатини барпо этишдан иборат бўлган. Бу гурух жамоат тартибини сақлаш, кўча жиноятларига қарши кураш никоби остида ҳар хил рейдлар уюштириди, текширувлар ўтказди, кишиларни қўлга олди. Уларнинг назарида айбдор бўлган шахслар шариат аҳкомларига мувофиқ ҳалқ олдида жазоланаарди. Аслида бундай хатти-ҳаракат ортида “Адолат” раҳбарларининг маҳаллий

² Убайдуллаев У. Диний экстремистик ташкилотларниң Ўзбекистондаги фаолияти ва максадлари тўгрисида. – Тошкент. 2004. – Б-7.

³ Ёкубов А., Акобиров Ф. Диний экстремизм хавфи ва унга қарши кураш. Т.: Академия, 2007. Б-27.

ҳокимият ва ҳуқукни муҳофаза қилиш органларини зарур ҳавфсизлик ҳамда тартибни таъминлашга қодир эмасдек қилиб кўрсашиб, уларни ҳалқ олдида обрўсизлантириш нияти туарди. Бунинг натижасида “Адолат” фаоллари 1990–1992-йилларда йиғилишлар, митинглар уюштиришди. 1991 йил охирида Наманганда бўлиб ўтган кўп сонли норозилик митинги энг сезиларли воқеа бўлди. Ўша вақтда “Адолат” ҳаракатининг дастурига яқин бўлган ўзларини “Ислом лашкарлари” дея номлаган (Наманганда тузилган) яна бир гурухга Тохир Йўлдошев раҳбарлик қиласади. Аслида бу тартибсизликлар, митингларнинг ўша вақтдаги оммавийлиги кишиларнинг “Адолат”, “Ислом лашкарлари”нинг ғояларига, кўрсатмаларига эргашиш эмас, балки шу гурухлар томонидан уюштирилган йиғилишларда иштирок этганликлари учун ҳак тўланар эди. Масалан, гурух варақаларини ёпиштирганлик учун 50-100 доллар микдорида ҳак тўланарди. 1990-йиллар бошида тузилган “Тавба” гурухининг асл мақсади ҳам қонуний ҳокимият органларини алмаштириш ва улар томонидан назорат қилинадиган тузилмаларни шакллантиришдан иборат эди. 1992 йилда Ўзбекистонда бундай гурухлар фаолияти қонундан ташқари, деб эълон қилингач, уларнинг фаолларидан кўпчилиги Афғонистонга, Тожикистонга кўчиди. Қочқинлар орасида Тохир Йўлдошев, Жумабой Ҳожиев деган кимсалар ҳам бор эди. Кейинчалик улар кўплаб экстремистик ташкилотлар билан ҳар томонлама алоқалар ўрнатиб, Ўзбекистон, Тожикистон, Қирғизистон, Афғонистон, Покистон каби давлатларда кўпорувчилик ҳаракатларида иштирок этишган.

Тўртинчи босқич 1993–1999-йилларни ўз ичига олиб, аҳолини махфий фаолият асосида исломлаштиришга уриниш даври ҳисобланади. Улар кўпроқ ёшлар ва аёлларни жалб қилиш орқали, ҳаётий тажрибаси йўқ, диннинг ҳақиқий моҳиятини тушунмаган, радикал ғояларга тезроқ бериладиган ёшларга «Агар шу ташкилотга кирсанг, сен миллат, ислом дини ва инсониятнинг ҳалоскорига айланасан» деган фикрларни сингдиришга ҳаракат қила бошладилар. 1994 йилдан бошлаб аёллар ўргасида Наманган, Андижон, Фарғона, Бухоро, Сирдарё вилоятлари ва Тошкент шаҳрида тарғибот сезиларли даражада ошди. Айнан шу йилларда чет давлатларда «Жанговар авангард» сафларини ташкил қилиш учун Ўзбекистон ёшларини жалб қила бошладилар. Халқаро террорчилик тузилмалари билан алоқалар ўрнатиб, диний ташкилотларни маблағ билан

таъминлашга ҳаракат қилинганлиги билан ҳарактерланади. Мазкур даврда минтақада содир этилган террорчилик ҳаракатлари:

- 1994 йил Душанбе аэропортидаги теракт натижасида 201-мото ўқчи дивизиясининг 2 нафар ҳарбий хизматчиси ўлдирилган;
- 1994 йил 22 ноябрь Душанбе шаҳрида Россия Куролли кучларига тегишли автобус гранатомётдан ўққа тутилиши натижасида ҳайдовчи ҳалок бўлган;
- 1994 йил 8 декабря террорчилар Тожикистон-Британия олтин конига уюштирилган хужум натижасида 4 нафар ходим, хусусан, Буюк Британия ва Жанубий Африка фуқаролари олиб қочилган. БМТ, Қизил хоч ҳамда Британия дипломатлари билан олиб борилган музокаралар натижасида шу йилнинг 28 декабря асиirlар озод қилинган;
- 1994 йил 20 декабрь Тожикистон Республикасида террорчилар Файзобод ва Гарм автойўналишидаги автокалонналарни тўхтатиб, 23 нафар шахс, жумладан, БМТнинг 7 нафар ҳарбий кузатувчиларини асирга олган. Асиirlарни озод қилиш учун хибсга олинган бир неча жангариларни озод қилиш талаби қўйилган.

Бешинчи босқич 1999 йилдан ҳозиргacha бўлган даврни ўз ичига олиб, қўпорувчилик-террорчилик фаолиятига ўтганлиги билан ҳарактерланади. Бу босқичда аёллар қаноти фаолияти кучайтирилиб, ҳатто ўзларини портлатиб, ўлдириш даражасигача олиб борилди. «Ҳизбут-такхир»нинг маҳсус журналида ўзини ўзи ўлдириган кишиларни «шаҳид» даражасига кўтарилди.

Айниқса, 1999 йилнинг 16 февраляда Тошкент шаҳрида террорчилар томонидан уюштирилган портлашлар вазиятни буткул бекарорлаштириш орқали мамлакатнинг турли жойларида бир қатор террорчилик амалиётлари режалаштирилган эди. Айнан ўша куни соат 11 га яқин Тошкент шаҳридаги собиқ “Нодирабегим” кинотеатри, Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки, Ички ишлар вазирилиги каби бинолар яқинига қўйилган автомашиналарга ўрнатилган портлатиш курилмалари ишга тушди. Лекин асосийси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси биноси ёнида содир этилди. Мазкур портлашлар натижасида 13 киши ҳалок бўлди, юздан зиёд одам турли даражада жароҳатланди. 50 дан зиёд маъмурӣ ва уй-жой бинолари заарланди.

1999 йил 28 июнь куни Ўзбекистон Республикаси Олий судида террорчилар устидан бўлиб ўтган суд жараёнида судланувчи-

лар кўрсатмалари, жабрланувчилар ва гувоҳлар, дастлабки тергов жараёнида йиғилган ашёвий далиллар, томонларнинг фикрлари, айбланувчиларнинг сўзлари тингланди. Ўзбекистон Республикаси конституциявий тузумни ағдаришга ва ҳокимиятни босиб олишга уринишда айбланган 20 нафардан зиёд террорчи экстремист устидан ҳукм ўқилди ва улар ўз қилмишларига яраша қонуний жазоландилар.

Тошкентдаги февраль воқеалари қабиҳ ниятли террорчиларнинг навбатдаги ҳужумигина эмасди. Минтақа учун кўз кўриб, кулоқ эшиитмаган бу террорчилик ҳаракати бутун Марказий Осиёни қонга ботиришни кўзлаган даҳшатли урушнинг бошланишига ишора бўлиши керак эди. Юзага келган вазиятдан фойдаланиб, Тоҳир Йўлдошев толиблар билан Термиз томондан мамлакатга кириб келиши, айни маҳалда Ж.Хожиев отрядлари ўз жангарилари билан Қирғизистоннинг Ўш вилояти ва Фарғона водийси орқали Ўзбекистонга кириши керак эди. Лекин террорчилик ҳаракатларининг ташкилотчилари асосий мақсадларига эриша олмадилар.

1999 йил августда диний экстремистларнинг қуролланган йирик тўдалари Тоҷикистондан Қирғизистон ҳудудига бостириб киришди, чегара яқинидаги бир неча қишлоқни эгаллаб, 12 нафар кишини гаровга олишди, улар орасида тўрт нафар Япония фуқароси ва Қирғизистоннинг бирнече юқори мартабали шахслари бор эди.

2000 йилнинг август ойи бошида террорчилар Ўзбекистон чегарасини босиб ўтишга уринишди. Бу гал улар ўтиш қийин бўлган Сариосиё ва Узун туманларида пароканда гуруҳлар билан бир каторда ҳужум қилишди. 2000 йил 11 августда Ўзбекистон ҳудудида жанговар ҳаракатлар бошланиши билан бир вақтда жангариларнинг 150 нафар кишигача бўлган қуролли гуруҳи Тоҷикистон ҳудудидан Ворук анклави орқали Қирғизистоннинг Боткен вилояти баланд тоғли Лайлак туманига бостириб кирган эди. Жанговар ҳаракатлар жараёнида жангариларнинг юзга яқин аъзоси йўқ қилинди, ҳарбийлар ҳам талафот кўришди.

2004 йил баҳорида Ўзбекистон бўйлаб террорчилик ҳаракатининг янги тўлқини ёйилди. 29 марта ўтар кечаси Тошкентда ИИВ-нинг бир қатор ходимларига ҳужумлар уюштирилди, натижада уч милиционер ўлдирилди, биттаси ярадор бўлди. Шу куни эрталаб Тошкентда, Чорсу бозори ҳудудида, “Болалар дунёси” дўконига кираверишда ҳудкуш террорчи аёл портловчи қурилмани ишга

солди. Икки киши ҳалок бўлди, тўрт киши яраланди. Кейинроқ Кўкалдош мадрасаси яқинида террорчи томонидан иккинч портлатиш амалга оширилди. Натижада 9 милиционер ҳалок бўлди.

Шу куннинг ўзида Бухоро вилояти Ромитан туманидаги Қахрамон аҳоли пунктида хусусий уйда 9 кишининг, шу жумладан бир гўдакнинг ҳаётига зомин бўлган яна бир портлаш содир этилди. Маълумотларга кўра, портлаш ускунаси террорчиларга бомба тайёрланадиган устахона бўлиб хизмат қилган уйда ишга тушган.

2004 йил 30 июлда Тошкентда уч нафар худкуш террорчи АҚШ ва Истроил элчихоналари яқинида, шунингдек Ўзбекистон Бош прокуратураси биноси фойесида портлатиш содир этилди. Портлаш натижасида жами 4 нафар киши вафот этди ва 14 нафар киши турли даражада тан жароҳати олишди. Учала террорчи ўзлари портлатиш содир этган жойларда ҳалок бўлишди.

2005 йил 12-13 май кунлари Андижон шаҳрида “Акромийлар” оқими томонидан мавжуд конституциявий тузумни ўзгартириш мақсадида кўплаб одамларни қурбон бўлишига ҳамда фуқаролар ва давлат мулкига катта зарар етказилишига олиб келган қатор террорчилик харакатлари содир этилди.

2009 йилнинг 26 майида Андижон вилоятида содир этилган мудхиш террорчилик харакати оқибатида бир нафар хуқукни муҳофаза қилиш идораси ходими ҳалок бўлди. Бир неча фуқаро ярадор бўлди.

Дарҳақиқат, ўша вактларда минтақадаги вазиятнинг мураккаблигига қарамай, давлатимизнинг оқилона сиёсати, ўз вақтида катьяят билан кўрган чора-тадбирлари ҳамда ҳалқимизнинг кучли иродаси туфайли мамлакатимизда тинч ва осуда ҳаёт сақлаб қолинди. Юқорида қайд этилган бундай жиноий харакатлар Ўзбекистондаги тинч-осойишта ҳаётни, барқарор ривожланишни кўра олмайдиган гараз нияти кучлар ўзларининг разил мақсадлари йўлида бегуноҳ одамларнинг қонини тўкишдан ҳам тап тортмаслигини кўрсатди.

Демак, минтақа давлатлари мустакиллигининг дастлабки йилларида ислом дини никоби остидаги мутаассиб тузилмалар ҳокимиятга эришиш ҳақидаги режалари вакт ўтиб амалга ошмагач, очикдан-очиқ кураш услубидан воз кечиб, яширин фаолият юритишига ўтишади. Бунда улар дастлаб махфий хужраларнинг кенг тармоғини яратиш, ёшлар ва аёлларга ургу бериш, чет эллардаги

ўз маслақдошлари билан мустаҳкам алоқалар ўрнатиш орқали ҳаракатларини мувофиқлаштиришга интилиши.

Марказий Осиё минтақасида экстремизм таҳдидининг юзага келишига қуидагилар сабаб бўлди:

– «қайта куриш» даврида нафакат сиёсий ва иктиносий инқизороз, балки мафкуравий парокандалик юзага келгани. Иттифоқ парчаланганидан кейин, мафкуравий бўшлиқнинг хатарли оқибатлари намоён бўлгани;

– кўзга кўринган диний уламолар ўрнини мутаассиб кайфиятдаги кишилар эгаллашга интилиб, улар томонидан ислом асослари бузиб талқин қилина бошлагани;

– аҳолининг ислом динига бўлган қизиқишидан фойдаланиб, ҳалқаро экстремистик марказлар томонидан минтақада мутаассиблик руҳидаги адабиётларни тарқатиш кенгайтирилгани;

– минтақадаги янги мустақил бўлган давлатларнинг ҳуқукни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятидаги тажрибанинг паст дараҷада эканлиги;

– фуқароларда диний экстремистик тузилмалар тарғиботига қарши иммунитетнинг шаклланмагани.

Бундан ташқари, хорижий тарғиботчиларнинг минтақага келиб, ўз гаразли қарашларига мувофиқ равишда ислом динини тушунира бошлиши ва айrim расмий имомларнинг эса улар учун минбарларини бўшатиб бериши жуда хунук ҳолатларнинг келиб чиқишига сабаб бўлди. Улар томонидан тарқатилган «Куръон ва ҳадис турганда мазҳабларга эргашиш лозим эмас», қабилидаги фикрлари кўплаб фитналарни келтириб чиқарди. Ўша даврда Марказий Осиё ҳалқлари араб давлатларидан келган меҳмонларни фаришта ўрнида кўтарар, ҳатто ҳалқ орасида «араблар ҳеч қачон гуноҳ қилмайдилар, чунки улар Куръон тили – жаннат тилида гаплашадилар», деган тушунча мавжуд бўлган эди. Чет давлатлардан келган меҳмонларга эса, ўз чиқишиларида минтақада тарқалган анъанавий ҳанафий мазҳаби таълимотига қарши очиқдан-очиқ фикрлар бериб борганлар.

Бу эса уламоларнинг камситилиши, иккинчи томондан ҳалқнинг етарли диний илми йўқлиги туфайли диндорлар орасида ислом дини ақидаларига турли ёндашувларнинг пайдо бўлиши ва ноқонуний гурухларнинг ташкил топишига замин яратди. Бундай

Гурухлар мінтақада тизимли равища ҳаракат қылганига гувох бўлиш мумкин.

Умуман олганда эса, экстремизм мінтақада яширин, кейинроқ очик-ошкора ташвиқот ва зўравонликка асосланган фаол ҳаракатлар, сўнг унга қарши қаратилган чора-тадбирлар натижасида яна ўта маҳфий ишлаш асносида тарғибот олиб бориш ва юқорида қайд этилган кўпорувчилик хуружларини содир этиш каби босқичларни босиб ўтди, дейиш мумкин.

Марказий Осиёдаги барқарорлик ва хавфсизликка таҳдид solaётган экстремистик ва террорчи ташкилотлар. Замонавий воқелик экстремизм ва халқаро терроризмнинг салоҳияти сифат ва миқдор жиҳатидан жиддий ўсганини кўрсатмоқда. Бу ўз навбатида экстремизм ва терроризмнинг глобал хавфсизликка йўналтирилган жиддий таҳдидга айланишига замин яратмоқда. Экстремистик ва террорчи гурухлар глобаллашув жараёнлари ва йирик давлатлар орасидаги геосиёсий манфаатлар тўқнашувидан ҳамда фан-техника ютуқларидан фойдаланган ҳолда экстремизм ва терроризмга қарши кенг кўламли кураш олиб борилаётган муҳитга мослашишга ҳаракат қилмоқда. Экстремизм ва терроризмнинг жамият барқарорлигига салбий таъсири халқаро террорчилик тизимида етакчи ўринларни эгаллаб турган куйидаги диний-сиёсий ташкилотларнинг моҳияти таҳлил қилинганда янада яққол намоён бўлади.

Салафийлик. “Салафийлик” ибораси араб тилидаги “سلف” сўзидан олинган бўлиб, “аждодлар”, “аввал яшаб ўтганлар” маъноларини англатади. Ҳадисларга кўра, Пайғамбар Мұхаммад (алайҳис-салом) замонлари ва ундан кейинги икки даврда яшаган мусулмонлар тушунилади. Ислом мужтаҳид уламолари илк мусулмонларни «салафи солих», яъни «солих аждодлар» деб хисоблашда яқдилди. Улардан кейинги даврларда яшаган мусулмонларга нисбатан «салаф» ёки «салафий»лар тушунчалари асло ишлатилмайди.

Бироқ сўнгги вақтларда «салафи солихларга эргашиш» шиори остида «салафийлиқ» мағқурасини байроқ қилиб олган, ўзларини гўёки «салафларнинг издошларимиз» деб ҳисоблайдиган мутаасиб, сохта салафийлар пайдо бўлганини алоҳида қайд этиш лозим.

Ҳозирги кунда «салафийлар» бир неча гурухларга бўлинib мекетган бўлиб, уларни умумий қилиб икки гурухга ажратиш мумкин.

Биринчиси, давлат бошқарувида шариатнинг устуворлигига эришишда жангураллар билан ҳаракат қиладиган радикал салафийлардир. Бу тоифадаги сохта салафийлар «жиҳод» ғоясининг мазмунини бузиб талқин қилиб, унга жангарилик тузи бермоқдалар. Улар нафақат бошқа дин вакиллари, балки мусулмонларга қарши зўравонлик, кўпорувчилик ҳамда босқинчилик хатти-ҳаралатларини асослаш ва оқлаш учун «жиҳод» тушунчасидан фойдаланишмоқда.

Иккинчиси, ўзларини гўёки давлатдаги мавжуд қонун-коидаларга бўйсунадиган ва уларга карши чиқмайдиган қилиб кўрсатадиган, жангарилик фаолияти билан шуғулланмайдиган «мўътадил» салафийлар ҳисобланади. Улар ўзларининг мутаассиб фикрларидан қайтмаган ҳолда, бошқа қарашларга нисбатан ҳурмат билан қарайдиганлар гуруҳига мансуб бўлиб, муайян мазҳабга мансуб бўлишни ёқламайдилар.

Сохта салафийлар ҳар қандай янгиликни бидъат, деб ҳисоблаб, фикҳий мазҳабларни инкор қиласидар, тасаввуфни тан олмайдилар, арзимас баҳоналар билан мусулмонларни кофирга чиқарадилар. Уларнинг фикрича, салафи солиҳлар даври, яъни исломнинг илк уч асиридан сўнг мусулмонлар орасида ширк, бидъат ва хурофотнинг турли шакллари авж олди. Жамият ҳаётида юзага келаётган айрим муаммolar айнан салафи солиҳларга эргашмасликнинг оқибатидадир, деб таъкидлайдилар.

Бугунги кунга келиб, сохта салафийлар ўз усуllibарини бироз ўзгартиргани кузатилмоқда. Жумладан, бир неча асрлар давомида фикҳий мазҳаблар ва уларнинг йўлбошчиларини инкор қилган бўлса, ҳозирги кунда мазҳаббошиларни салафи солиҳлардан ҳисоблашмоқда.

Асосчиси ва юзага келиши тарихи.VIII аср охири ва IX аср бошларида ислом оламида мұтазила оқими жамиятнинг зиёли қатлами орасида ўз таълимотини ёя бошлади. Бу оқим бир қанча масалаларда суннийлик ақидаларига зид фикрларни илгари сурган. Мұтазилийларнинг бузук ақидаларига қарши курашда зоҳирийликка асосланган илк салафийлик ғояси юзага келди. Бироқ, бу ҳаракат-айтарли натижаларга эриша олмади. Чунки фақат Куръон ва ҳадисга, яъни нақлий далилларга таянган ҳолда салафи солиҳларнинг ҳаёт тарзига қайтишга бўлган даъватлар билан мусулмон жамиятида пайдо бўлган турли фалсафий мактабларнинг бузук таълимотларига раддия бериш осон эмас эди.

XIII асрға келиб эса суряялик олим Ибн Таймия (1263–1328) салафийлик ғоялари учун зарур бўлган назарий асосларни белгилаб берган эди. Ибн Таймия умри давомида ўзининг қарашлари сабабли бир неча марта қамоққа олингани ҳам унинг фикрлари ўз замонидаёқ хатарли деб топилганини кўрсатади. У 1328 йилда зинданда вафот этган.

Унинг ғоялари кейинчалик турли мутаассиб гуруҳ ва ҳаракатлар етакчилари қарашларига асос бўлиб хизмат қилди. Жумладан, XVIII асрда тарихий адабиётларда «ад-даъватуд дамавия», яъни «қонли даъват» номини олган ҳаракатлар пайдо бўлди. Сохта салафийлик XIX асрнинг иккинчи ярмидан ўз олдига халифаликка асосланган ислом давлатини барпо этиш вазифасини қўйган «ислоҳотчилик», «панисломизм» никоби остида янгидан жонланди. Абул Аъло ал-Мавдудий, Ҳасан ал-Банно, Сайид Қутб, Абдусалом Фараж, Абдураҳмон ал-Кавокибий, Айман аз-Завоҳирий, Усома бин Лодин каби шахсларнинг радикал фикрлари сохта салафийлик мағкураси ривожига катта «ҳисса» қўшди. Улар томонидан «мусулмон халқларининг диний-сиёсий иттифоки» ғояси ишлаб чиқилди. Бу ғоя остида анъанавий мазҳаблардан воз кечиш ва исломнинг илк даврига қайтишга даъват қилинди.

Ҳозирги кунда сохта салафийлик ҳаракатига мансуб «Фатҳ ал-ислам» (Ливан), «Хумаат ад-даъва ас-салафия» (Жазоир), «Ҳаракат аш-шабаб ал-мужаҳидин» (Сомали), «Исломий жиҳод итиҳоди», «Толибон» (Афғонистон), «Туркистон ислом ҳаракати», «ат-Тавҳид вал-жиҳад» (Фаластин), «Ат-талиъа ал-муқатила» (Сурия), «Жайш ал-Кудс ал-исламий» (Иордания), «Жайш Аби Бакр ас-Сиддиқ ас-салафий» (Ирок), «ал-Жиҳадия ас-салафия» (Марокаш), ИШИД (Ирок, Сурия, Афғонистон), «Тавҳид ва жиҳод», «Ҳайъату таҳрир аш-Шом» (Сурия) каби юздан ортиқ ташкилот, оқим ва гуруҳларни санаб ўтиш мумкин.

Ташкилот ғоялари. Сохта салафийлар куйидаги ғояларни илгари сурадилар:

- Куръон ва суннада ёзилган қоидаларни сўзма-сўз тушуниб, кўр-кўрона амал қилиш орқали бошқа манбаларни ботилга чиқарадилар;
- жиҳодни исломнинг олтинчи аркони деб ҳисоблайдилар;
- «такfir» (куфрда айблаш) ва «хижрат» (ватанин тарқ этиш) масаласини илгари сурадилар;

- фикхий мазҳабларни инкор қилиб, мазҳабсизликни тарғиб қиладилар;
- тасаввуф, урф-одат ва миллий қадриятларни инкор этадилар;
- ғайридинларга ўта тоқатсиз муносабатда бўлиб, диний бағрикенгликтини ёқламайдилар;
- ҳар қандай янгиликни «бидъат» деб ҳисоблаб, уни рад этадилар.

Шу ўринда қайд этиш лозимки, сохта салафийликнинг ғоявий асоси, мазкур “бидъат” тамоилига асосланади. Шу сабабли, ушбу тушунча ҳақида тўхталиб ўтсак.

Ҳадис тўпламларида шундай матнларни учратиш мумкинки, уларда юзаки қараганда Куръон ва суннатда бўлмаган ҳар қандай нарсани пайдо қилишдан қайтарилгандек кўринади. Жумладан, Имом Бухорий ривоят қилган ҳадисда: «*Ким бизнинг ишишимизда унда бўлмаган янгиликни пайдо қиласа, у ради этлади*», дейилган⁴. Имом Муслим ривоят қилган бошқа бир ҳадисда эса: «*Дарҳақиқат, энг яхши сўз Аллоҳнинг Китоби, энг яхши йўл Мұхаммад (алайҳис-салом)нинг йўлидир. Ишларнинг энг ёмони эса уларнинг янги пайдо бўлганларидир ва ҳар бир янгилик залолатдир*»⁵. Имом Ахмад ривоят қилади: «*Мендан кейин ким тирик бўлса, кўп ихтилофларни кўради. Ўша пайтда менинг суннатимни ва тўғри йўлда бўлган халифаларнинг йўлини озиқ тишларингиз билан маҳкам тутиңгиз. Мен сизларни янги пайдо бўлган шилардан қайтараман, чунки (диндаги) ҳар бир янгилик залолатдир*»⁶. Юқорида келтирилган ҳадисларни тўғридан-тўғри тушуниш исломни тараққиёт билан ҳамнафас эмаслиги ва у ўзи нозил бўлган замонгагина ярокли бўлган эски дин сифатида қораланишига олиб келади.

Шу билан бирга таъкидлаш лозимки, сахобий Билол (р.а.) бомдод намозига аzon айтиётганида “ас-солату хойрун минан-навм” жумласини қўшиб айтдилар. Пайғамбар (алайҳис-салом) буни қўллаб-қувватлаб, ҳатто доимо айтишни жорий қилганлари “бидъат” тушунчаси ҳақида кенгроқ тасаввур ҳосил қилишга кўмак беради.

Уламолар юқоридаги ҳадисларда келган «бидъат» сўзини ўрганиб, унинг луғавий ва истилоҳий маъноларини қуидагича талқин

⁴ Сахихи Бухорий. 2578-ҳадис.

⁵ Сахихи Муслим. 1493-ҳадис.

⁶ Муснад Имом Ахмад, 16889-ҳадис.

қилиб берганлар. «Бидъат» лугатда олдин бўлмаган бирор нарсанни пайдо килишдир. Бунга Пайғамбар (алайҳис-салом) ва халифалардан кейин пайдо қилинган нарсалар ҳам киради. Шунингдек, у яхши ва ёмон бўлган, ибодат ёки ибодат бўлмаган нарсаларнинг барчасини ўз ичига олади. Ибн Таймия бу борада ўта тор йўл тутиб ҳар қандай турлардаги янгиликларни бидъат ва залолат деб баҳо берган. Аммо бошқа машҳур ислом уламолари бу борада кенгрок мушоҳада юритишади.

Бу борада Имом Шофеий шундай деганлар: «Янги пайдо қилинган ишлар икки хил бўлади. Биринчиси – Куръон, сунна, асар (саҳобий ва салафи солиҳлар сўзи) ёки ижмога хилоф бўлган янгиликлар бўлиб, бу «бидъат саййиа», яъни ёмон бидъат ҳисобланади. Иккинчиси эса, яхши нарсалар учун пайдо қилинган ишлар бўлиб, «бидъат ҳасана», яъни яхши бидъат ҳисобланади». Бидъат ҳасанага тарихдан кўплаб мисолларни келтириш мумкин. Масалан, Умар ибн Хаттоб (р.а.) мусулмонларни Убай ибн Каъб (р.а.)нинг орқасидан жамоат бўлиб тарових намозини адо этётганларини кўриб: «Бу қандай ҳам яхши бидъат», – деб айтганлар. Маълумки, бу вақтга қадар мусулмонлар рамазон ойида тарових намозини ёлғиз ёки кичик жамоалар бўлиб адо этганлар. Шунингдек, Абу Бакр (р.а.)нинг Куръони каримни ягона китоб ҳолига келтириб, жамлаганингарини кўриш мумкин. Дастлаб, Умар (р.а.) бу ишни амалга ошириш таклифи билан чиққанларида Абу Бакр (р.а.): «Расууллоҳ (алайҳис-салом) қилмаган ишларини мен қандай қиласман», – деб рози бўлмайдилар. Бу иш Зайд ибн Собит (р.а.)га топширилганда, у киши ҳам рози бўлмайди. Бироқ, Умар (р.а.)нинг уринишлари натижасида бу ишда яхшилик борлигини кўрдилар ва рози бўлдилар.

Замонамиз уламоларидан Имом Ноблусий бу борада шундай ёзади: «Бугунги кунда дунё каттадан-катта ўзгаришлар, тараққиётни бошидан кечирмоқда. Инсон ақлини шошириб қўядиган янги ихтиrolар дунё юзини қўрмокда. Ҳўш, Расууллоҳ (алайҳис-салом) «ҳар қандай бидъат залолатdir» деган ҳадисларида айтилган «янгилик»да айнан шуларни назарда тутганмилар?! Йўқ, албатта. Расууллоҳ (алайҳис-салом) назарда тутган бидъат бу – ақоид, шариат ёки ибодат масаласида унда бўлмаган бирор нарсани қўшишдир».

Фақиҳларнинг истилоҳида ҳамда ҳадисларда қораланганди бидъат деганда, диндан деб даъво қилинса-да, аслида диндан бўлмаган

тўқима йўл назарда тутилади. Имом Шотибий: «Бидъат динда янги ихтиро қилинган йўл бўлиб, у ила шариатга монандлик қасд қилинади», деган. Баъзилар эса, уни фақат ибодат билан чегаралаганлар. Бу каби бидъат «ҳар бир бидъат залолатдир» деган ҳадисга мувофиқ доимо қораланади. Бу хусусда Имом Молик шундай деган: «Ким яхши деб ҳисоблаб, исломда бидъат пайдо қилса, демак у «Мұхаммад (алайхис-салом) ўзлари олиб келган рисолатга хиёнат қилған» деб даъво қилибди». Чунки Аллоҳ таоло шундай дейди: «...Ана, эди бугун, диннингизни камолинга етказдим, неъматимни тамомила бердим ва сизлар учун Исломни дин бўлишига рози бўлдим...» (*Монда*, 3). Демак, мусулмонлар орасида янги пайдо қилинган нарса дин асосларига оид масалаларда бўлса, у янгилик «бидъати саййиа» ҳисобланади ва шу бидъат қораланади.

Бошқача қилиб айтганда, «бидъати залолат» фақат дин асосларига оид масалаларда бўлади. Юқорида келтирилган ҳадис ҳам айнан шунга далолат қилмоқда: «*Бизнинг ишишимизда янгилик пайдо қилса...*», яъни ишдан мақсад Расулуллоҳ (алайхис-салом) ва у зот билан бирга мусулмонлар жамоатининг ишидир. Дунёвий ишларда насс ва муайян диний қоидаларга хилоф келмаса, уларда ёмон бидъат йўқдир. Яъни, ҳаромни ҳалол, ҳалолни ҳаромга айлантириш каби бидъатларга йўл қўйилмаса бунга эътиroz йўқдир. Шу ўринда қуидаги воқеани келтириб ўтиш ўринли: бир куни Расулуллоҳ (алайхис-салом) хурмони чанглатаётган одамлар олдидан ўтиб қолдилар ва уларга бундай қилишга ҳожат йўқлигига ишора қилдилар. Улар Расулуллоҳ (алайхис-салом)га итоат этдилар, лекин ўша или хурмо аввалгидек яхши ҳосил бермади. Шунда Расулуллоҳ (алайхис-салом): «*Дунё ишларингизни ўзингиз яхши биласиз*», – деб айтдилар.

Расулуллоҳ (алайхис-салом) ва рошид халифалар замонида мавжуд бўлмаган, аммо кейинчалик юзага келган ҳар қандай янгилик аниқ тарзда келган насс билан рад этилмаса ва унинг натижасида яхшилик, умумманфаат кутилса ҳамда инсонларга нафи тегса, бундай янгилик шаръий ҳалол доирасида ҳисобланади.

Шайх Мұхаммад Абдуллатиф Фаҳҳом бошчилигидаги «ал-Азҳар» қошидаги «Фатво қўмитаси» бу масалада шундай фикрни билдирган эди: «Бидъат ибодатга тааллуқли масалаларда бўлади. Масалан, мустақил бир ибодат пайдо қилиш ёки мавжуд ибодатга бирор қўшимча киритиш ёки уни бажариш тартибини ўзgartирган

холда ибодат жорий қилиш ҳамда у асли шаръий ибодат деб ҳисоблаш, бу «бидъат» бўлиб, Расууллоҳ (алайхис-салом)нинг «*Ким бизнинг ишишиизда унда бўлмаган нарсани пайдо қиласа, у ради этилади*» деган ҳадисларига мувофиқ инкор қилинади. Лекин, ибодат қилиш учун пайдо қилинган янги воситалар эса диндаги «янгиликлар» ҳисобланмайди ҳамда у асло «бидъат» чегарасига кирмайди. Бунга мисол тариқасида азонни масжид эшигидан сатҳига, у ердан эса минорага кўчириш, кейинчалик эса овоз кучайтиргичлардан фойдаланиш, рамазондаги оғиз ёпиш ва очишни билдириш учун тўпдан отиш, Расууллоҳ (алайхис-салом) минбарларига хилоф равишда катта масжидларда одамларга эшиттириш учун хутбани баланд зинада ўқишини келтириш мумкин. Шунингдек, илк ислом даврида масжидларда алоҳида меҳроб бўлмаган ҳамда масжидлар гумбазли қурилмаган. Масжидларга гумбаз қуриш кейинчалик умавийлар даврида жорий бўлган».

Албаттага, бу ўринда янгилик қатъий матн, муқаррар қоидага мухолиф келмаслиги ва унинг натижасида фойда бўлмоқлиги керакдир.

Хулоса қилиб айтганда, исломдаги ҳар бир янгилик агар у диндаги муқаррар қонун-қоидаларга хилоф бўлмаса, «бидъати залолат» ҳисобланмайди. Айрим мутаассиб оқимлар таъкидлагандек, замона ўзгаришлари билан ҳамнафас бўлмаслик ва ҳаттоқи уни инкор этиш, фақатгина ўрта асрлар мухитини қўмсаб яшаш халқларни тараққиётдан узиб, фикрий турғунлик ва қолоқлик ботқоғига олиб боради. Дин қадриятлар ва муқаррар қоидалар доирасида доимо тараққиётга ва ҳар бир нарсанинг яхшисини олишга ундейди. Бу эса исломнинг ҳар бир замон ва макон учун яроқли эканининг ёрқин далилидир.

Фаолият услублари. Сохта салафийлар ўз гояларини ёйишда яширин «хужралар» тизими фаолиятини кучайтириш, унда асосан ёшларни ўқитиши ва уларга диний мутаассиб гояларни сингдиришга асосий эътибор қаратилади. Жумладан, сохта салафийлар Марказий Осиё минтакасида ўзининг бузгунчи гояларини тарғиб этишда яширин «хужралар» ёрдамидан фойдаланишга интилмокда.

Бугунги кунда сохта салафийлар ўзларининг гаразли мақсадлари йўлида техника тараққиёти ютукларидан фаол фойдаланишга интилмокдалар. Жумладан, улар интернетни ўзларининг ёвузлик куролига айлантириб, унинг воситасида глобал тармоқда виртуал

жамоат ташкил этиб, диний мутаассиб қарашларни тарғиб қилишмокда. Сохта салафийларнинг ёшлар онги ва қалбини эгаллашга қаратилган бундай ҳаракатларидан асосий мақсад ўз сафларини янгидан-янги жангариilar билан тўлдиришдан иборат бўлмоқда.

Жумладан, бугунги кунда уларнинг энг асосий даъват майдони ва қуроли интернет, ижтимоий тармоқ ва мобил мессенжерлар бўлиб, бу усул орқали бир вақтнинг ўзида бир неча ўнлаб кишиларни сохта салафийлик гояларини сингдириш ва тарафдорларни кўпайтиришда асосий омил бўлмоқда.

Тадқиқотлар ҳозирда жаҳон интернет тармогида сохта салафийларнинг тарғибот-ташвиқот ишларини ташкил этиши учун очилган бир неча мингдан зиёд веб-сайтлар мавжудлигини кўрсатмокда. Уларга асосан диний асосдаги низоларни келтириб чиқарадиган маълумотлар, экстремистик ва террорчи ташкилотлар раҳбарларининг турли баёнот ва мурожаатлари жойлаштирилмоқда. Шунингдек, сохта салафийларга тегишли сайтларда «мина портлатиш ишлари», шаҳарлар ва тоғли худудларда жанг олиб боришсанъати», «захарловчи моддалардан қурол тайёрлаш ва ундан фойдаланиш», «маҳфий операциялар ўтказиш услублари», «ўз жонига қасд қилиш йўллари» каби қўпорувчилик ва террорчиликни тарғиб қилувчи саҳифалар мавжуд.

Минтақадаги фаолияти. Ҳозирда сохта салафийлик гояси остида асосан Шимолий Африка, Яқин Шарқ, Кавказ ва Марказий Осиёнинг айрим худудларида фаолият олиб борадиган ҳаракатлар жамиятдаги эътиқодий бирлик, барқарорлик ва тараққиёт учун реал таҳдидга айланганини алоҳида таъкидлаш зарур.

Террорчилик ҳаракатларида иштироки. Сохта салафийларнинг фикрича, хукуматга хизмат қилаётган давлат, хукукни муҳофаза қилиш идоралари ходимлари, ҳарбийлар ҳам «динсизлар» тоифасидан ҳисобланади. Бу йўлда улар давлат раҳбарларини, ҳоқимият идоралари вакилларини обрўсизлантириш ҳамда расмий диний уламоларнинг мавқеларини заифлаштириш мақсадида уларнинг ҳаётига тажовуз қилишгача боришмокда. Жумладан, 2009 йилда Ўзбекистонда бир қатор диний уламоларга нисбатан тажовузлар уюштирилгани бунга мисол бўла олади.

Сохта салафий «ожиходчилар»нинг айнан шу йўналишдаги фаолияти айрим қўшни давлатларда кузатилганини ҳам қайд этиш лозим. Чунончи, 2007 йилнинг баҳорида Қозогистоннинг Қараганда

вилоятида уларнинг тўрт-нафар аъзоси инкассатор ва йирик тад-биркорларга ҳужум ўюштиришга тайёргарлик кўраётганида кўлга олинган. Аниқланишича, пуллар «жиҳодчилар»нинг террорчилик ҳаракатини амалга ошириши учун берилиши режалаштирилган. Шу йилнинг августида ушбу ҳаракатнинг бошқа бир қатор аъзолари терроризмда айбланиб кўлга олингани ва уларнинг Чимкент шаҳридаги Миллий хавфсизлик қўмитаси департаментини портлатмоқчи бўлгани аниқланган. Оқим аъзоларидан бинонинг план-схемаси, ходимлар ҳамда уларнинг яқин қариндошларининг уй манзиллари ва телефон рақамлари рўйхати билан бирга барча маҳсус хизмат вакилларини йўқ қилишга қаратилган «фатво» ашёвий далил сифатида олинган. Шунингдек, 2016 йил инюнда Қозоғистоннинг Актобе шаҳрида ҳарбий қисм ва курол-яроғ дўконига ўюштирилган ҳужумлар натижасида ўнлаб кишилар ҳалок бўлган.

Шу билан бирга, 2007 йилда қўшни Тожикистонда пайдо бўлган сохта салафийлар томонидан ҳанафий мазҳаби вакиллари «ҳидоятдан адашгандар», шиа мусулмонлари эса «кофир» деб эълон қилинган. Бу каби ҳолатлар мамлакат барқарорлигига жиддий хавф-хатар солиши мумкинлиги инобатга олиниб, 2009 йил январь ойида Тожикистон Олий суди томонидан конституциявий тузумни ҳимоя қилиш, давлат хавфсизлигини мустаҳкамлаш ва конфессиялараро келишмовчиликларни олдини олиш мақсадида ушбу ҳаракат фаолияти тақиқланди. Бундан ташқари, 2000 йил Жакарта (Индонезия)даги черковда, 1998 йилда Кения ва Танзания давлатларидағи АҚШ, 2004 йил июлида Тошкент шаҳридаги АҚШ ва Исройл элчионалари бинолари ҳамда 2008 йил ноябррида Мумбай (Ҳиндистон)даги «Яҳудийлар маркази»да, 2010 йил сентябрида Бишкек (Қирғизистон)даги Яҳудийлар синагогасида содир этилган портлатишлар сохта салафийларнинг ўзга дин вакилларига нисбатан шафқатсиз услублардаги ҳаракатларига мисол бўла олади.

Ҳаракатга муносабат. Мутаассибликка асосланган назарий қарашлардан террорчилик амалиётига ўтиш, террорчиликнинг янги усусларига мурожаат қилиш ҳамда замонавий технология ва коммуникация воситалари имкониятларидан фойдаланган ҳолда ўз foяларини тарқатишга уриниш сохта салафийликнинг бугунги кундаги муҳим хусусиятларидан ҳисобланади.

Нурчилик.

«Нурчилиқ» (туркча – Nurculuk) диний-фундаментал ҳаракат. Халқ тилида «Нурчилар» деган ном билан ҳам машхур.

Асосчиси ва юзага келиш тарихи. «Нурчилик» ҳаракатининг асосчиси Туркияning Битлис вилоятидаги Нурса қишлоғида туғилган Сайд Нурсий (1876-1960) бўлиб, «Бадиузвазмон» (арабча – замонанинг буюги,ベンазир) лақаби билан танилган. Ҳаракат унинг асосчиси томонидан XX асрнинг 20-йилларидағи Туркиядаги сиёсий ва диний вазиятнинг ўзгариши таъсирида, хусусан Усмонийлар халифалиги ағдарилгандан кейин ҳокимият тепасига келган Мустафо Камол Отатуркнинг дунёвий давлат тузишига мухолиф равишда шакллантирилган. Сайд Нурсий Туркия Республикаси конституциясига таҳди迪 ва шариатга асосланган давлат тузишни ўюштиришда айбланиб, 23 йил давомида қамокда сақланган.

Ташкилотнинг бош мақсади. Ҳаракатнинг мақсади узок даврга мўлжалланган бўлиб, аста-секинлик билан ёшларга пантуркизм ва мутаассиб диний гояларни сингдириш, келажакда уларнинг раҳбар лавозимларга тайинланиши орқали «Нурчилик» жамоасига мойил шахсларни ҳокимият тепасига чиқаришга асосланган.

Ташкилот гоялари. Ҳаракат ўз фаолиятида Сайд Нурсий томонидан ёзилган, унинг талқинидаги Куръони карим оятлари шарҳлари ва диний кўрсатмаларини ўз ичига олган «Рисолаи Нур» куллиётида баён этилган гояларга асосланади ҳамда ундан бошқа барча манбалар инкор этилади.

«Нурчилар» Туркияning амалдаги давлат тузуми ўрнига ислом шариатига мувофиқ қонун-қоидаларни жорий қилиш орқали ғаразли мақсадларга етишни кўзлайди. Кейинги босқичларда, гўёки туркийзабон давлатларни Туркия соясида бирлаштириб, «исломий давлат»ни барпо этиш гояси илгари суриласди. Бунда ҳаракат раҳномаси Фатхулла Гюленнинг «Бутун Ер юзи Аллоҳнинг мулки, уни бу меники, бу сеники, деб бўлиб олишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ» деган фикр остида бошқа халқларни Ватан туйғусидан ажратиб, улар устидан хукмронлик ўрнатиш кўзланади.

Ташкилотнинг назарий манбалари. Ҳаракатнинг асосий гоясими ташкил этган Сайд Нурсийнинг 6000 саҳифалик «Рисолаи-нур» китоби дунёнинг ўн беш тилига таржима қилинган. Унинг ўзи мазкур китобга «Рисолаи Нур» бу асрни ва келажак асрларни нурлантирган бир мўъжизаи Куръонийдир», – дея баҳо берган. «Нур-

чилиқ» ҳуқумат томонидан таъқиб қилингани учун мазкур китоб 1954 йилгача бирорта нашриётда чоп этилмай, ҳаракат фаоллари томонидан қўлда кўчирилиб, халқ орасида маҳфий тарқатилган.

“Нурчиллик” ҳаракати динимизга мутлақо зид бўлган, унинг асосларини бузишга қаратилган гояларни тарғиб қилиб келаётганини таъкидлаш зарур. Хусусан, С.Нурсий фикрича, “Илм учун “Рисолаи Нур”ни ўқиш ва кўчириб ёзиш кифоя, бошқа ҳеч нарса керак эмас”. Бундай ёндашув “Сизнинг ичингизда икки нарсани қолдирдим. Агар уларни маҳкам тутсангиз, ҳеч адашмайсиз. Булар – Аллоҳнинг китоби ва Менинг суннатимдир”, – деган ҳадисдаги кўрсатмаларга бутунлай зиддир.

С.Нурсийнинг издоши Ф.Гюлен ҳам ўз устозидан қолишимасликка ҳаракат қилмоқда. Буни унинг ўзини “Ақтабу-л-қутб”, яъни “Кутбларнинг қутби”, деб эълон қилгани мисолида ҳам кўриш мумкин. Тасаввуфда “Қутб” атамасининг кимларга нисбатан ишлатилиши масаласида турлича ёндашувлар бўлса-да, кўпчилик уламолар уни энг буюк авлиёларга нисбатангина ишлатиш мумкин, деб ҳисоблайдилар. Авлиёлар эса, ўз навбатида, мартабаси жиҳатидан, авлиёлигини ўзи ҳам, одамлар ҳам биладиганлар (қуий даража), авлиёлигини ўзи билмайдиган, одамлар биладиганлар (ўрта даража), авлиёлигини ўзи ҳам, одамлар ҳам билмайдиганлар (олий даража) каби тоифаларга бўлинади.

Таъкидлаш жоизки, факат учинчи тоифа авлиёлар қутблар ҳисобланади. Бу ўзини бутун дунёга “Кутбларнинг кутбиман”, – дея бонг ураётган Ф.Гюленнинг риёкорлигини кўрсатади.

Айни пайтда, Ф.Гюлен “Мақсадга эришиш йўлида ҳар қандай ёлғон ва ҳийла ишлатиш мумкин, то қудратли бўлмагунча, “маънавий жиҳод” орқали ҳаракат қилиш лозим”, – деган кўрсатмаларни ҳам бермоқдаки, бундай ўзбошимчалик билан берилган “фатвollar” ҳам исломнинг асл моҳиятига мутлақо зиддир. Зоро, Куръонда “Аллоҳ номидан ёлғон тўкиб, тилларингизга келган ёлғонни гапириб: “Бу ҳалол, бу ҳаром” деявермангиз! Чунки Аллоҳ шаънига ёлғон тўқийдиган кимсалар сира нажот топмагайлар” (“Наҳл” сураси, 116, 117-оятлар), деб очиқ-ойдин баён этилган.

Нурчиларнинг етакчилари ўз қарашлари, гоялари ва кўрсатмалари билан ислом асосларини бузиш йўлида тизимли иш олиб бормоқдалар. Бунга Ф.Гюленнинг Туркияда чоп этиладиган газеталардан бирида келтирилган “Жаҳаннам эшигини қўлларим билан

тўсиб, менга эргашганларнинг ҳеч бири унга тушмаслигига ваъда бераман”, деган фикрлари ҳам мисол бўла олади.

Маълумки, Қуръони каримда “Барча шафоат (оклов) фақат Аллоҳнидири” (“Зумар” сураси, 44-оят) ҳамда “Унинг изнисиз бирор шафоат қилувчи бўлмас” (“Юнус” сураси, 3-оят), деган кўрсатмалар очик-ойдин баён этилган.

Ислом таълимотига биноан шафоат (арабча – ҳимоя қилиш, далилат қилиш) Қиёмат куни Аллоҳ пайғамбарларга ва ўзи танлаган инсонларга берадиган махсус имтиёз ҳисобланади. Фақат Қиёмат куни Аллоҳ изн берган ана шундай кишиларгина айрим гуноҳкор мусулмонларнинг гуноҳлари кечирилишини сўраш хукукига эга бўладилар. Бу ҳақда Қуръони каримнинг “Марям” сурасининг 87-оятида “(У кунда) фақат Раҳмон наздида аҳд (изн) олган кишиларгина (гуноҳкор мўминларни) шафоат қилишга эга бўлурлар” – дейилади.

Фаолият услублари. «Нурчилар» стратегиясида Кавказ, Болқон ва Марказий Осиё минтақаси алоҳида ўрин тутади. Фатхулла Гюлен фикрича, ҳаракатнинг бу ҳудудларда устувор мавқега эришиши Усмонлилар давридаги каби «Буюк Түрон» тикланишига хизмат қиласр эмиш. Ана шундай стратегик мақсадларни кўзлаган ва Гюленинг «Ахборот технологиялари тараққий этгандан сўнг олам бир қишлоққа айланган ва унда очик сиёsat олиб бориш лозим», – деган кўрсатмаларига риоя қилган «Нурчилар» тил, дин ва маданиятлар бирлиги ҳамда замонавий фикрлайдиган кадрлар тайёрлашда ёрдам беришни иддао қилган ҳолда, Марказий Осиё давлатларида ҳам пайдо бўлди.

«Нурчилар»нинг Россия, Хитой, Ироқ, Эрон ва Афғонистоннинг баъзи ҳудудларда олиб бораётган ҳаракатлари эса Ғарбнинг бу минтақадаги геосиёсий курашдан кўзлаётган мақсадларига ҳам мос келади. Зоро, етакчи Ғарб давлатлари назоратига тушиб қолган «Нурчилик» ҳаракати ғояларининг бу давлатларда яшайдиган туркий халқлар орасида тарқалиши ушбу ҳудудларни таъсир доирасига киритишнинг муҳим воситаси бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Ҳар йили Европа Иттифоқи, АҚШ, Буюк Британия каби мамлакатларда ҳаракатнинг фаолиятига доир анжуманлар ўtkазилиб келинаётгани ва Фатхулла Гюлен раҳбарлигидаги «Нурчилар» Ғарбда катта кўмакка эга бўлаётгани ҳам ушбу мулоҳазаларнинг ўринли эканини кўрсатади.

Умуман олганда, юқорида қайд этилган омиллар таъсирида ҳаракатнинг таъсир доираси кенгайиб бораётганини қайд этиш лозим. Ҳозирги вақтда «Нурчилик» ҳаракати 120 та давлатда фаолият олиб бораётгани, биргина Туркияда уларнинг тарафдорлари сони 5 миллионга етгани ачинарли ҳол.

Ҳаракат тузилмасида хавфсизлик хизматининг мавжудлиги, аъзоликка номзодларнинг маҳсус синовлардан ўтказилиши, улар ҳақида маълумотлар заҳирасининг йигилиб борилиши, ташкилотга мансубликни сир сақлашнинг каттиқ талаб этилиши эса фош бўлиб қолиш имкониятини камайтиради.

Ҳар бир мамлакат ҳудудини муайян қисмларга бўлиб олиш орқали ҳаракат гояларини ёйишга интилиш ва бунда ташкил этилган турли фонд ва фирмалардан восита сифатида фойдаланиш ҳам ўз самарасини берайдиганини қайд этиш лозим. Шунингдек, ҳаракатнинг мутасаддилари томонидан бевосита тарғибот ва ғашвиқот ишларини олиб бориш билан бирга тарафдорларига диний кўрсатмалар, йўл-йўриқлар бериш, гоявий издошлар сафини кенгайтириш йўлидаги ҳаракатларни мувофиқлашириш, маҳаллий хукумат ва бошқарув органлари, жамоат ташкилотлари билан ҳамкорлик алоқаларини ўрнатишга ҳам алоҳида эътибор берилади.

Шу билан бирга, ҳудудлардаги ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий вазият ҳақидаги маълумотлар тўпланиб, таҳлил қилинади ва шундан келиб чиқиб, фаолият услубларига зарур ўзгартишлар киритилади. Ўз гояларини тарғиб қилиш, ғаразли ниятларни амалга оширишда «Нурчилар» энг самарали йўл сифатида таълим соҳасига алоҳида эътибор бериб келмоқда. Бу ҳаракат томонидан ўз тузоқларига, асосан, ёшларни илинтириш ва шу йўл билан фаолият олиб бораётган мамлакатларининг истиқболига эгалик қилишдек мақсад кўзланаётганини кўрсатади.

Тузилиши. Ҳозирги кунда ҳаракат бир нечта тармоқларга бўлиниб кетган бўлса-да, «Нурчилар»нинг рахнамоси сифатида Фатхулла Гюлен эътироф этилади. Ҳаракат фаолияти доимий таъқиб остида бўлгани учун унинг аъзолари маҳфий фаолият кўрсатишга уринадилар. «Нурчилар» ўзларининг ғаразли мақсадларини фош қилмаслик нуқтаи назаридан ҳаракат ичидаги хавфсизлик хизматини жорий қилган.

Молиявий манбалари. Ҳаракатнинг молиявий асослари ва имкониятлари ҳақида гап кетар экан, «Нурчилар» ва уларнинг тараф-

дорлари қўлида 1980-йилларда ёқ йирик маблаглар жамланганини қайд этиш лозим. Маълумотларга кўра, хозирги вақтда Фатҳулла Гюленнинг ўзи 6-8 миллиард, ҳаракат эса 80 миллиард долларга эгалик қилиб, умуман олганда, «Нурчилар» киритган «ислом капитали» Туркия иқтисодиётининг 30 фоизини ташкил қилган.

Ҳаракатнинг молиявий манбалари турли хил банк, фирма, медиа холдинглар, таълим тизимлари ва хайрия жамғармаларидан тушган маблағларға асосланади. Шундай бўлса-да, мутахассислар томонидан «Нурчилар»нинг молия тизимиға шубҳа билан қаралган ҳолда, баъзи Farb давлатларининг «хайриҳоҳ» муносабатининг акси экани тъқидланади.

Ҳаракатга аъзолик. Таълим соҳасига алоҳида эътибор берадиган «Нурчилар» ҳаракатга аъзолик босқичида мазкур йўналишдан фаол фойдаланишади. Хусусан, дастлабки босқичда ўкувчиларга турк маданиятига нисбатан тарафдорлик, исломий қадриятлар ва мусулмонлар бирдамлигини англаш туйғуси фаол тарзда сингдириб борилади. Бу жараёнда лицей тарбияланувчилари, уларнинг яқинлари ва қариндошларининг маънавий-ахлоқий ва шахсий сифатларини ўрганишга, ўзаро шахсий муносабатлар ўрнатишга алоҳида эътибор қаратилади.

Тўпланган маълумотлар ҳар бир лицей ўкувчисининг қизиқишлиари, ўзлаштириш қобилияти, ўкишдаги муваффакиятлари, ахлоқий-психологик хусусиятлари, ислом ва Туркияга нисбатан муносабатининг тадрижий ривожланиб бориши билан бирга маҳсус қайд қилиб борилади. Шу йўл билан келажақда «Нурчилар»нинг фаол аъзоси бўлиши мумкин бўлган ёшлар сараланади. Бунда ҳудуддаги обрўли ва зиёли оиласларнинг фарзандларини танлаб олишга ҳам алоҳида эътибор бериладики, буни ҳам ҳаракатнинг ўз таъсир доирасини кенгайтириш йўлида қўлладиган услубий тизмининг узвий ҳалқаси сифатида қараш зарур.

Ўрганиш бундай саралашдан муваффакиятли ўтган ўкувчилар ҳомий ташкилотлар томонидан моддий қўллаб-қувватланиши, уларга Туркияда ўқиш имконияти берилиши ва мамлакатга келган талаба ўша заҳотиёқ 5-6 та талаба яшайдиган бир уйга жойлаштирилиб, маҳсус «имом»га биринчилишини кўрсатади. Шу босқичдан бошлаб, талабалар «имом»нинг мунтазам ғоявий босими остида яшаб, тайёргарликдан ўтадилар ва бу жараён ҳаракат раҳбарлари томонидан турли синовлар шаклида назорат қилиб бо-

рилади. Бундай шаклда «тарбия» кўрган, берилган кўрсатмаларга қатъий бўйсунишга ўргатилган талабалар ҳаракатнинг фаол аъзолариға айланадилар.

Шу ўринда кайд этиш керакки, «Нурчилар» ўзларини ошкора намоён қимасликлари туфайли уларнинг ҳаракатга аъзо эканини англаш осон эмас.

Минтақадаги фаолияти. Бу оқимнинг Марказий Осиёга кириб келиши 1992 йилдан бошлаб минтақа мамлакатларида турк лицейларининг очилиши орқали намоён бўлди. «Нурчилик» ҳаракатининг «Силм» тармоги муассислик қилган, моддий-техник таъминоти «Осиё финанс» ташкилоти томонидан молиялаштирилган 128 та лицей очилди. Лицейдаги таълим жараёнида янги педагогик ва психологияк технологиялар ҳамда методлардан самарали фойдаланган ҳолда машғулотлар олиб борилгани уларнинг довруғи тарқалиши ва аҳоли томонидан ижобий қабул қилинишига замин яратди.

Минтақа давлатлари телевидениеларига беғараз, дея тақдим этилган диний мазмундаги фильм ва турли йўллар билан кенг тарқалган китоблар ёрдамида ҳам «Нурчилик» ғояларини ёйиш ишлари олиб борилди.

«Нурчилик» ҳаракатининг Ўзбекистонга кириб келиши мустақиллик йилларининг бошларига бориб тақалади. Улар Туркия билан бўлган миллий ва маданий алоқалар сояси остида Турк-ўзбек лицейлари фаолиятини молиялаштириб, ўзбек ёшларини ҳаракат ғоялари домига тортмоқчи бўлдилар. Ҳаракатнинг асл мақсадлари фош бўлгач, 1999 йилда унинг фаолияти тақиқланиб, мамлакатдаги лицейлар ёпилди. Шунингдек, ҳаракат аъзоларининг Ўзбекистондаги иккинчи гайриқонуний уринишлари сифатида ташкил этилган ўкув марказлари, чоп этилган газета ва журналлар ҳамда телекўрсатувлар аниқланиб, уларнинг фаолияти ҳам тугатилди.

Минг афсуски, бизга қўшни бўлган айрим давлатларда бундай амалиёт бугунги кунда ҳам давом этмоқда.

Ҳаракатга муносабат. «Нурчилик» ҳаракати очиқдан-очик конституцион тузумга қарши кураш, «ислом давлати»ни куриш ғоялари мавжуд бўлмаса-да, мазмун ва моҳият жиҳатидан унинг ғоялари ва ушбу оқим томонидан чоп килинган адабиётлар фундаменталистик таълимотларнинг аҳоли орасида илдиз отиб кетишига асос яратиб, жамият барқарорлигига хавф солувчи мутаассиблик

ғояларини тарғиб этишга хизмат қилади. Ҳаракатнинг ғоялари ва фаолиятига Туркия жамиятининг ўзида ҳам зиддиятли муносабат мавжуд.

Таблиғчилар.

“Таблиғчилар жамоаси” ёки таблиғчилар (арабча – етказиш, яъни диний даъватни етказиш) ислом байробги остида фаолият кўрсатадиган, аммо ислом дини асосларини бузадиган диний ҳаракат ҳисобланади.

Асосчиси ва юзага келиши тарихи. Ҳаракатга Муҳаммад Илёс Кандехлавий (1885-1944) исмли шахс томонидан 1927 йилда Шимолий Ҳиндистоннинг Меват шаҳрида асос солинган.

Муҳаммад Илёс илк таълим мини акаси Муҳаммад Яҳёдан олган. Сўнгра Ҳиндистоннинг Саҳорнафур шаҳридаги “Музоҳир-л-улум” мадрасасида таҳсил олиб, шу ерда таълим бера бошлаган. Кейинчалик отаси Муҳаммад Исмоил ва акаси Муҳаммад Яҳё вафот этгач, уларнинг ўрнида Дехли жанубидаги масжидда даъват ва таълим ишлари билан шуғулланган.

Таблиғчилар иддаоларига кўра, XX асрнинг бошида Ҳиндистондаги мусулмонларнинг қишлоқ юмушлари билан машгул бўлиб, диндан узоклашиши, айниқса, исломни қабул қилган айrim қабилаларнинг яна хиндуийлик динига қайтишга уринишлари Муҳаммад Илёснинг “таблиғ”ни шакллантиришга ундан сабаблардан бири бўлган. Илёс Кандехлавийнинг нурчилик ҳаракати ҳақида эшишиб таъсирлангани ҳам янги жамоани тузишига туртки бўлган.

Муҳаммад Илёс жамоа тузиш борасидаги илк амалий ҳаракатини масжидлар негизида исломий мактабларни шакллантириб, даъватчилар тайёрлашдан бошлаган. Тез орада, унинг мазкур мактаблар диний тарғиботчиларни етишириб чиқармаётганидан хафсаласи пир бўлиб, ўз атрофига диний саводга эга бўлмаган, аммо одамларни ўзига эргаштира оловчи ўта ташаббускор кишиларни тўплаб, мустақил тарзда даъват ишларини бошлаб юборган. Муҳаммад Илёс ташкилотни давлат томонидан расмийлаштирилиши ва бошқа зарурий ҳужжатларни тўлдириб боришдан ўзини четроқ тутишга интилиб келган. Унинг фикрича, бундай ишлар даъват жараёнини суслаштиришга сабаб бўлади. Аслида эса, бу ҳолат ташкилотнинг асл мақсади, ҳомийлари ва ҳамкорларини яширишнинг энг кулай йўлларидан бири ҳисобланган.

Мұхаммад Илөс “Таблиғчилар жамоаси”ни қаракат сифатида түлиқ шакллантиргач Ҳиндистондан бошқа давлатларда ҳам даьеват ишларини йўлга қўйишга эришди. Унинг вафотидан сўнг қаракатга раҳбарлик қилган ўғли Мұхаммад Юсуф (1917–1965) ташкилот фаолиятини сезиларли равишда кенгайтиришга муваффак бўлди.

Ташкилот гоялари. Таблиғчилар фаолиятида гоявий таъсир ва даьеватни изчил ва тизимли олиб боришга хизмат қиласидиган тафриғул вақт тамойили мұхим ўринни эгаллайди. Унга кўра, ҳар бир таблиғчи даьеват учун узок муддатли сафарга чиқиши шарт. Шунинг учун улар бир йилда 40, ойда 3, ҳафтада 2 кунни даьеват учун сарфлайди ва чекка-чекка ҳудудларда уйма-уй юриб, ташвиқот ишларини амалга оширади. Ҳаракат вакиллари бундай сафарларни “хуруж” (арабча чиқиши, яъни даьеват учун сафарга чиқиши) деб номлашади. Шунингдек, уларда инсон умри давомида бир бор амалга ошириши зарур бўлган тўрт ойлик хуруж ҳам мавжуд бўлиб, у анча узок бўлган ўлкаларга уюштирилади. Таблиғ нағоёндалари ҳар бир ҳаракат аъзосига исломда фарз қилинган ҳаж ибодатидан кўра, ўзлари ўйлаб топган тўрт ойлик хуружни амалга ошириш зарур эканини кўпроқ уқтиришади. Улар хуружларни Куръони карим ва ҳадисларда улуғ савоблар берилиши ваъда қилинган Мұхаммад (с.а.в.) давридаги Маккадан Мадинага қилинган ҳижратга tengлаштиришади. Ваҳоланки, бу сафар натижасида ҳар бир меҳнатга қодир мусулмон эр учун фарз бўлган ҳалол касб қилиш, оила ва бола-чақасининг нафақасини таъмин этишдек масъулиятли бурчлар поймол этилади.

Фаолият услублари. “Таблиғчилар жамоаси” ҳам боиқа диний экстремистик групкалар сингари ўта қаттиқ иерархик тузилишига эга экани билан тавсифланади. Ҳаракатнинг бошида кўрсатмалари барча учун мажбурий бўлган амир (зиммадор ҳам дейиллади) туради. Маълумотларга қараганда, у Дакка (Бангладеш) шаҳридаги “Кокраил” масжида фаолият олиб боради. Ундан кейин маслаҳат органи – шўро, сўнг минтақалардаги амирлар туради. Жамоа аъзоларининг фаолияти амирга сўзсиз бўйсуниш асосига курилган. Ҳаракатнинг олий органи – “таблиғ” вакилларининг бир йилда бир марта ўtkазиладиган йиллик конференцияси (*иқстимо*) бўлиб, у ташкилотнинг йирик қароргоҳлари хисобланган Покистоннинг Райвинд, Бангладешнинг Дакка, Ҳиндистоннинг Бхопал шаҳарла-

рида навбат билан чақирилади. Бу конференцияда қабул қилинган қарорлар ва режалар йил давомида амалга ошириладиган даъват жараёни учун асос вазифасини ўтайди.

Таблигчиларнинг энг кичик гурухи 10 кишидан иборат бўлиб, унга ҳам амир раҳбарлик қиласи. У кенгаш ёки тегишли гурухнинг тавсияси билан тайинланади. Ҳалқаро миқёсдаги амир эса ҳаракатнинг етакчи аъзоларидан иборат бўлган Марказий кенгаш томонидан тайинланади. Ҳозирда кенгашнинг амири сифатида Зубайр ул-Ҳасан эътироф этилади. Ҳаракатнинг бу тарзда тузилиши ҳар бир таблигчининг кундалик фаолиятини қатъий назорат қилиш ва белгиланган вазифаларни ҳал этишга йўналтириш имконини беради.

Таблигчилар фаолиятида масжидларда ва “даъват кечалари”да ташкил этиладиган тарғибот мұхим ўрин эгаллайди. Уларнинг инсонларни “таблиғ”га киритишга қаратилган масжиддаги даъватлари асосан шом ва хуфтон намозлари орасида амалга оширилади. Чунки бу вактда кўпчилик инсонлар кундалик юмушларидан фориг бўлади ва таблигчилар даъват ишларини олиб боришлиари учун кулаг фурсат ҳисобланади. Шом намозидан сўнг таблигчилардан бири масжидга йигилгандарга вайз-насиҳат қилиб, дунё машғулотларидан узокда бўлишга ва вақтни дин учун сарфлашга даъват қиласи. Таблигчилар намозхонларни ўз сафларига қўшилишига ва улар билан бирга, бор бойлиги, бўш вақти ва жамиятдаги мавқеидан келиб чиқиб, узок-яқин маҳаллалар, қишлоқлар ва шаҳарларга даъват учун чиқишига чакиради. Бундай даъват мажлисларини вазиятга қараб, бирор таблигчига тегишли бўлган хона-донда ташкил этиш ҳолатлари ҳам кузатилади. Таблигчилар даъват кечаларига ўзлари манфаатдор бўлган маҳаллий мусулмонлар, зарур бўлса, бошқа динга эътиқод қилувчи кишиларни ҳам таклиф қилишлари мумкин.

Террорчилик ҳаракатларида иштироки. Кўпчилик мутахассислар “Таблигчилар жамоаси” уларнинг фаолиятини дастлабки даврда ислом уйғониш ҳаракати, суннийлик оқимининг бир кўриниши сифатида баҳолаган бўлсалар, кейинчалик у терроризмнинг ҳаракатлантирувчи кучи сифатида эътироф этила бошланди. Шундай бўлса-да, “Таблигчилар жамоаси” ўзини тинчликпарвар, низоли ҳолатларга киришмайдиган ҳамда экстремистик ва террорчилик ҳаракатларидан йироқ бўлган жамоа сифатида кўрсатишга

уринади. Шу йўлда ҳаракатнинг йиллик конференцияларида таблигчиларга омма нигоҳида оғир-босиқ бўлиш, ҳиссиятларга эрк бермаслик ва низоли вазиятлар ҳосил қиласликка қаратилган маҳсус кўрсатмалар берилади. Булардан мақсад эса, турли давлат ҳукуматлари нигоҳида, таблигчилар тинчлик ва барқарорликка ҳеч қандай салбий таъсир ўтказмайдиган жамоа деган тушунчани пайдо қилиш ва қаршиликларсиз фаолиятини давом эттиришга қартилган.

Таблигчилар ўз фаолияти давомида экстремистик ғояларни очиқ-ошкора тарғиб қиласа-да, ҳаракат экстремистик ва террорчи гурухлар учун кадр тайёрлайдиган ўзига хос “инкубатор”га айланган. “Мусулмон биродарлар” ташкилоти етакчиларидан бирининг “Мусулмон биродарларнинг маҳфий тарихи” китобида “Таблигчилар жамоаси “Мусулмон биродарлар”га қўшилиш учун тайёр бўладиган кадрларни тайёрлаб берадиган инкубатор экани”ни таъкидлаши ҳам ушбу фикрни тасдиқлайди.

Бундан ташқари, республикамизнинг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари томонидан қўлга олинган ҳаракат аъзоларининг баъзиларидан “ал-Жиҳад фи сабилиллах”, “ал-Жиҳад ал-ислам фи гарб ал-Ифриқия”, “Мифтах ал-иман”, “Иккинчи шуъа”, “Генчлик реҳбери”, “Ухуват рисалеси”, “ал-Мактубат” номли “Нурчилик”, “Жамоат ул-ислам” ва бошқа экстремистик ҳаракатларга тегишли бўлган китобларнинг топилиши ҳам таблигчиларнинг бузғунчи фирмә ва оқимлар учун кадр етказиб беришидан далолат беради.

Ҳозирда дунёнинг Афғонистон, Чеченистон, Ироқ каби айрим минтақаларида жангарилик амалиётлари учун кадрлар етказиб берувчи маҳсус ҳарбий лагерлар мавжуд. “Таблигчилар жамоаси” ҳам Покистон, Хиндистон ва Индонезияда ана шундай ҳарбий лагерларга эга бўлиб, ҳар йили минглаб таблигчилар “диний савод” олиш баҳонаси билан ўша худудларга юборилади. Жумладан, Жазоирда фаолият олиб борган таблигчилар 1980 йилларда Покистонга Кашмирда жангарилик амалиётларини олиб бориш учун ўзининг 900 нафар тарафдорини юборишга эришган.

АҚШнинг Федерал қидирув бошқармаси терроризмга қарши кураш бўлими мутахассисларининг тарқатган маълумотларига кўра, 1990 йилларнинг бошларида 1000 га яқин мамлакат фуқароси “таблиг”нинг Покистонда жойлашган ўкув марказларига жўнаб кетган. Покистон маҳсус хизмати вакиллари эса, АҚШнинг ўша

фуқароларидан 400 дан ортиғи ҳарбий лагерларга жалб этилганини маълум қилган. Англия махсус хизмати вакиллари ҳам 1998 йили 2000 га яқин “таблиғ”га кирган Буюк Британия фуқароларининг Покистондаги ҳарбий лагерларда тайёргарликдан ўтиш учун мамлакатдан чиқиб кетгани ҳақидаги маълумотларни тарқатган.

Айни пайтда, АҚШ Давлат департаменти томонидан террорчи ташкилот деб эълон қилинган бир қатор ҳаракатлар таблиғчилардан ажралиб чиққани ҳам жамоани ҳалқаро террорчиликнинг узвий ҳалқаси сифатида қараш имконини беради. Ҳиндистон махсус хизмати вакилларининг фикрича, бугунги кунда Кашмирда жангарилик ва кўпорувчилик фаолиятини олиб бораётган “Мужоҳидлар ҳаракати” “Таблиғчилар жамоаси”дан ажралиб чиққан террорчи ташкилотлардан бири ҳисобланади.

Маълумотларга кўра, “Мужоҳидлар ҳаракати” 1980 йилда Покистоннинг Райвинд провинциясида ташкил этилган бўлиб, унинг кўплаб аъзолари илгари “Таблиғчилар жамоаси”да фаолият олиб борган. Шунингдек, “Мужоҳидлар ҳаракати” вакилларининг эътирофи бўйича, бу икки ташкилот биргаликда жиҳод олиб борувчи “соғ мусулмонлар”нинг мустаҳкам ҳалқасини ташкил этади. Шунинг учун ҳам, “таблиғ”га аъзо бўлган шахслар кейинчалик “Мужоҳидлар ҳаракати”нинг турли давлатлардаги ҳарбий лагерларида олиб бориладиган машгулотларида иштирок этиш имконига эга бўлади. Ҳозирда “Мужоҳидлар ҳаракати” таркибида олти мингдан зиёд жангари мавжуд бўлиб, уларнинг аксариятини турли давлатлардан келган таблиғчилар ташкил этади.

Таблиғчилардан ажралиб чиққан ва террорчилик билан шуғулланувчи яна бир ташкилот “Ислом жиҳодчилар ҳаракати” ҳисобланади. Бу ҳаракат собиқ совет қўшинлари Афғонистонга киритилган даврда ташкил этилган бўлиб, ҳозирда Ҳиндистоннинг Жамну ва Кашмир ўлкаларида терактларни содир этиб келмоқда. “Ислом жиҳодчилар ҳаракати” Ҳиндистоннинг Гужарот штатида илгари суннийларга тегишли бўлган 80 % масжидда ўз таъсирини ўрнатишга эришган. 2001 йилда Ҳиндистоннинг Гужарот штатида поездни портлатишда айбланган Умаржи исмли шахс ҳам ҳинд “таблиғчилар”и сафидан чиққани аниқланган. Ушбу далиллар ҳам “таблиғ”нинг экстремизм ва терроризм билан бевосита алоқадор эканини яққол кўрсатади.

Таблигчилар кўплаб террорчи ташкилотларга ғоявий ва кадрлар билан ёрдам бергани сабабли ўз навбатида, улар ҳам жамоани қўллаб-куватлашга ҳаракат қиласди. Жумладан, Марокаш махсус хизмати вакилларининг маълумотларига кўра, мазкур мамлакатда террорчи ташкилотлардан бирининг тарқатаётган варақаларида одамларни “Таблигчилар жамоаси”га аъзо бўлиш ва жамоага ҳар жиҳатдан ёрдам беришга чақирилган.

Покистон ва Ҳиндистонда жойлашган таблигчилар лагерларида махсус тайёргарликдан ўтиб келган Филиппин фуқаролари эса, турли молиявий ёрдам кучларини мазкур давлатда фаолият олиб борувчи террорчи гурухларга етказиб беришда воситачилик қилганингда айбланганд. Бу эса, таблигчиларнинг террорчи гурухлар билан кўп томонлама ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйган, дейишга асос бўлади.

Айрим маълумотлар, таблигчиларнинг 2001 йил 11 сентябрда АҚШда содир этилган террорчилик хуружларида ҳам иштироки борлигини кўрсатади. Бу ҳақда Гуантанамо лагерида (Куба) тутқунликда бўлган кўплаб маҳбуслар кўрсатма берган. АҚШнинг “Бостон ахборотномаси” журналининг 2001 йил декабрь сонида ҳам “Таблигчилар жамоаси”нинг Ҳиндистонда жойлашган бўлимлари “ал-Қоида” билан бевосита ҳамкорликда ишлагани ҳақидаги далиллар келтирган. АҚШ Федерал қидириув бошқармасининг маълумотларига кўра, “ал-Қоида”нинг таблигчилардан ёлланма аскар сифатида фойдаланиши ўз исботини топган.

Бугунги кунда собиқ колониялари ҳисобланган ва таблигчилар таъсири нисбатан кенг тарқалган мамлакатлардан кириб келаётган мигрантлар туфайли таблигчилар билан боғлиқ муаммоларга дуч келаётган франциялик эксперtlар фикрича, экстремистларнинг 80 фоизи айнан шу жамоадан етишиб чиқмоқда. Францияда фаолият юритаётган юзга яқин таблигчилар давлат ораганларига хизматга киришга ҳам ултурган. Франция махсус хизмати вакиллари томонидан ўша хизматчиларнинг “ал-Қоида” ташкилоти билан мустаҳкам алоқада бўлгани ҳақидаги маълумотлар ҳам тўпланган.

“Таблигчилар жамоаси” террорчи ташкилотларга асосан ёш ва кучга тўлган кадрларни етказиб беришга ҳаракат қиласди. “Таблиг”нинг ёшларни жиҳод учун ёллаш усули деярли бир хил. “Таблиг” намоёндаларининг меҳрини қозонган ва Райвинддаги ўкув марказларига юборилган ёш таргиботчилар тўрт ойлик машғулот-

лар давомида катта тажрибага эга бўлган мафкуравий йўриқчилар томонидан кучли таъсир остида ушланади. Онгига ҳаракат гоялари тўлиқ сингдирилган ёшлар ҳарбий лагердаги машғулотларга жалб этилади. Шундай қилиб, Райвиндга борган ёшлар бир вақтнинг ўзида икки “хунар соҳиби”га айланади.

Мутахассисларнинг маълумотларига кўра, бугунги кунда Покистондаги лагерларда республикамизга қўшни бўлган айрим давлатлардан ҳам 100 дан ортиқ таблигчилар ўз “диний билим”ларини оширишмоқда. Бу эса, “таблиг”нинг маккорлик билан йўгрилган даъватларига алданиб қолмаслик ва минтақа тинчлигини сақлаш учун хушёрликни янада оширишни талаб этади.

Ҳаракатга муносабат. Таблигчиларнинг бузгунчи ва гайриисломий даъватлари инсонларни тўғри йўлдан адаштиришга, жамиятни бўлиб ташлашга хизмат қиласди. Давлатларнинг сиёсий парокандалигидан манфаатдор бўлган айрим Ғарб сармоядорлари томонидан таблигчилар фаолиятининг модиялаштирилаётгани ҳам бузгунчи даъватчилар гаразли мақсадларга хизмат қилаётганидан далолат беради. Бу эса, ҳар бир шахсдан огоҳлик ва зийракликни, ён-атрофда кузатилаётган ҳодисаларга теран мушоҳада билан ёндашишни талаб этади.

“Мусулмон биродарлар” жамоаси (“Жамоат ал-Ихван ал-муслими”).

“Мусулмон биродарлар” ҳаракатига 1928 йил март ойида Мисрнинг Исмоилия шаҳрида Ҳасан ал-Банно (1906-1949) томонидан асос солинган. Ташкилотнинг асосий гоялари Ҳасан ал-Банно ва Сайид Кутб томонидан тарғиб қилинган.

“Мусулмон биродарлар” ўз тарихида бир неча босқичларни босиб ўтган. Дастреб “Мусулмон биродарлар” ташкилоти XX аср биринчи ярмида мавжуд бўлган кўп сонли майда исломий гурӯхлардан бири ҳисобланарди. Шунинг учун Ҳасан ал-Банно ўз тарғиботларини одамларга кенгроқ ёйиш мақсадида, Мисрнинг бир қанча шаҳарларига сафар уюштирган. Кейинчалик эса турли шаҳар ва минтақаларга ўзининг вакилларини юборган. Бундай сафарлар натижасида, қисқа вақт ичida, яъни 1930-йиллар охирига бориб, мамлакатнинг деярли барча минтақасида ташкилотнинг бўлимлари фаолият юрита бошлаган. Ташкилот “Аллоҳ – бизнинг мақсадимиз, Қуръон – қомусимиз, Пайғамбар – бизнинг етакчимиз, жиҳод – бизнинг йўлими” ва Аллоҳ йўлида курбон бўлиш

— бизнинг энг олий орзуимиздир”, деган тамойилни ўзининг бош шиори қилиб олган.

Иккинчи жаҳон уруши даврида жамиятнинг қуий ва ўрта та-бақалари вакиллари ҳисобига тез кенгайиб борган ташкилот ўзи-нинг хорижий бўлимлари ва жанговар фаолиятга мўлжалланган маҳфий тизимларини вужудга келтирди. 1946 йилга келиб, “Мусулмон биродарлар” 5 мингта маҳаллий бўлим ва умумий ҳисобда 500 минг аъзога эга йирик ташкилотга айланди. 1948-1949 йилла-ри ташкилот аъзолари Фаластиндаги Араб-Исроил урушida мус-тақил жанговар бирлик сифатида Исроил қўшинларига қарши жанг қилди. Урушдан кейин эса “Мусулмон биродарлар” етакчи-лари Миср раҳбариятини журъатсизлиқда айблаб, мамлакатда қа-тор террорчилик ҳаракатларини амалга оширди. Бунга жавобан, ҳукумат ташкилотни қаттиқ таъқиб остига олди ва 1949 йилнинг февралида Ҳасан ал-Банно ўлдирилди.

1950-1960 йилларда “Мусулмон биродарлар”га раҳбарлик қилган Сайид Кутб ташкилот фаолиятининг янада радикаллашу-вига замин яратди. Хусусан, у 1965 йилда ёзган “Йўлдаги белги-лар” китобида араб жамияти “жоҳилия” даврига қайтиб, маъна-вий таназзулга учради, бундай вазиятда асл диндорлар жамиятдан ажралиб, алоҳида жамоалар тузишлари ҳамда жоҳилияга айланган жамиятни исломлаштириш учун жиҳод олиб боришлари лозим, деган гояни илгари сурди. Бунда у “жиҳод” тушунчасини динсиз-ларга, ҳатто, унинг талқинига қўшилмаган мусулмонларга қарши куролли кураш маъносида қўллай бошлади. Сайид Кутб илк мар-та дунёвий ҳукумат ва ўзига қўшилмаган мусулмонларга нисбатан “такfir” (кофирилкда айблаш)ни қўллаган ҳолда исломга уму-ман ёт бўлган – “фитна” (амалдаги давлат тузумига қарши курол-ли қўзғолон кўтариш амалиёти)ни ёклаб чиқди. Ҳозирда фаолият юритаётган қатор диний экстремистик ташкилотлар учун ҳам бун-дай ёндашув мафкуравий асос бўлиб хизмат қилди.

1950 йилларнинг бошларида Миср ҳукумати “Мусулмон биро-дарлар”га очик фаолият юритишга рухсат берган бўлса-да, ташки-лот раҳбариятининг Миср инқилобий Кенгаши фаолиятига таъсир ўтказишга интилиши оқибатида бу ҳуқук бекор килиниб, унинг кўпчилик фаоллари қамоққа олинди. Ташкилот аъзоларининг бир қисми Саудия Арабистони, Сурья, Иордания ва Ливанга қочиб ке-тишга мажбур бўлди. 1964 йилда “Мусулмон биродарлар”

ри амнистия билан озодликка чиққач, ҳукуматга қарши фаолиятни янгидан бошладилар. Уларнинг Президент Жамол Абдул Носирга бир неча бор сунқасд уюштириши оқибатида, ташкилот яна таз-йикқа учради ва 1966 йили Сайид Кутб бошчилигидаги бир гурӯҳ етакчилар қатл қилинди. Бу “Мусулмон биродарлар” фаолиятидаги террорчилик унсурларининг бирмунча сусайишига сабаб бўлди.

1970–1981 йилларда диний уюшма сифатида очик фаолият юритган “Мусулмон биродарлар”нинг жамиятдаги таъсири кенгайиб борди. Бироқ “Мусулмон биродарлар”нинг раҳбарлари Мисрнинг 1978 йилдаги Кемп-Дэвид ва 1979 йилдаги Вашингтон шартномалари асосида Исройл билан бир битимга келишини танқид қилган ҳолда, ҳокимиятга нисбатан муросасиз, радикал муҳолифатчилик мавқеига ўтдилар. 1979–1989 йилларда ташкилот ўзининг фаол ҳаракатини кўпроқ хорижда амалга оширди. Жумладан, 1979–1982 йиллар ичida “Мусулмон биродарлар”нинг Суриядаги бўлинмаси томонидан ҳарбий билим юртлари ва ҳарбий хизматга чақирув жойларида содир этилган террорчилик ҳаракатлари натижасида 200 дан зиёд киши нобуд бўлди. 1982 йилнинг февралида Ҳам шахрида “Мусулмон биродарлар” бошлаган куролли қўзғолон ҳукумат қўшинлари томонидан катта талафотлар билан бостирилди. Айнан шу даврда ташкилотга мансуб жангарилар Афғонистонда шўро қўшинларига қарши жангларда фаол иштирок этди. Шунингдек, “Мусулмон биродарлар”нинг Фаластин бўлими Усома бин Лодин билан биргаликда Покистонда жанговар ҳаракатлар олиб бориш учун кўнгиллилар ёллаш мақсадида “Мактаб ал-хидамат” номли уюшмага асос солган.

Маълумотларга кўра, “Мусулмон биродарлар”нинг минтакавий бўлинмалари Баҳрайн, Миср, Иордания, Яман, Қатар, Кувайт, Ливан, Бирлашган Араб Амирликлари, Покистон, Саудия Арабистони, Судан, Сурия, Туркия, Буюк Британия, Дания, Швейцария, АҚШ, Франция ва Германия каби мамлакатларда фаолият юритган. Ўтган давр мобайнида “Мусулмон биродарлар”нинг маҳаллий бўлимларидан ажralиб чикиб, мустақил фаолият юритаётган бир қатор экстремистик ва террорчи ташкилотлар мавжуд. Улар қаторида Мисрда фаолияти кузатилган “ал-Жамоа ал-исломия”, “ал-Жиход”, “ат-Такfir вал-хижра”, Жазоирдаги “Қуролланган ислом гурухи”, “Ислом жиҳоди”, Саудия Арабистонидаги “Жумаймана

ал-Утейбий”, кўпчилик давлатларда илдиз отишга ҳаракат қилаётган “Хизбут-тахрир ал-исломий” каби ташкилотларни кўрсатиш мумкин.

ХХ асрнинг сўнгги йилларига келиб, диний уюшма сифатида очик фаолият юритган “Мусулмон биродарлар”нинг сиёсий қаноти тероризмдан воз кечиб, парламент типидаги партияга айланганини эълон қилди ва жамиятдаги таъсири янада кенгайиб борди. Ҳаттоқи, 2005 йилнинг ноябрь-декабрь ойларида бўлиб ўтган “Миллий Мажлис” сайловларида “Мусулмон биродарлар” ҳаракатининг аъзолари “Ислом – муаммолар ечими” шиори остида парламент сайловларида “мустакил номзодлар” сифатида қатнашиб, умумий ҳисобда 20 фоиз овозга эга бўлди ва мамлакат парламентида энг йирик мухолифат (оппозиция) блокини ташкил этди. Бунинг натижасида, умумараб диний ҳаракатига айланган “Мусулмон биродарлар” ташкилотининг фаолияти ошкора сиёсий тус олди. 2011 йил 25 январда Мисрнинг пойтахти Қоҳирада бошланган йирик норозилик намойишлари 11 февралда Президент Ҳусний Муборакнинг истеъфоси билан якунланди. 2012 йил мамлакат президентини сайлаш учун бўлиб ўтган икки босқичли сайлов натижалирига кўра, 30 июнда “Мусулмон биродарлар” ташкилотининг сиёсий қаноти ҳисобланган “Адолат ва озодлик партияси” раҳбари Муҳаммад Мурсий Миср Президенти этиб сайланди. Кўп ўтмай, 2013 йил 3 июля “Мусулмон биродарлар” ҳаракати вакили бўлган Муҳаммад Мурсий оммавий норозиликлар натижасида ҳарбийлар томонидан ҳокимиятдан четлаштирилди.

Юқорида қайд этилган таҳлил, “Мусулмон биродарлар”нинг узоқ йиллар давомида олиб борган фаолияти Мисрда даврий равиша ижтимоий-иктисодий бекарорликни келтириб чиқариши билан бир қаторда мусулмон дунёсига мансуб бошқа давлатларда радикал диний-сиёсий ташкилотлар вужудга келишига мафкуравий ва ташкилий замин яратгани ҳақида хуласа чиқариш имконини беради.

Ҳизбут таҳрир ал-исломий.

Ташкилот номи. «Ҳизбут-таҳрир ал-исломий» («Ислом озодлик партияси»). Ҳизбчилар, таҳрирчилар деб ҳам юритилади.

Асосчиси ва юзага келиши тарихи. Фаластинлик Тациюддин Набаҳоний (1909-1979) мазкур экстремистик ташкилотнинг асосчиси ҳисобланади. 1947 йилда Истроил давлати ташкил этилгандан

кейин оиласини олиб, Фаластиндан Байрутга кўчган ва «Мусулмон биродарлар» ташкилотига аъзо бўлган.

Тақиюддин Набаҳонийда партия ташкил қилиш фикри, Қоҳирада ўқиб юрган кезларида пайдо бўлган. Шу мақсадда у, ҳижрий тўртингчи асрдан бўён ўтган ҳаракатлар, гурухларнинг фаолияти ва услублари, ютуқ ва камчиликлари, пайдо бўлиши ва йўқ бўлиш сабаблари хусусида чукур ўрганади.

Т.Набаҳоний 1948-1952 йиллар давомида партиянинг тузилмаси, мақсадлари ва услублари борасида дўстлари билан кўплаб учрашувлар ўтказган. 1952 йили 17 ноябрда «Ҳизбут-таҳрир» партияси Фаластин Ички ишлар вазирлигидан расмий партия сифатида рўйхатдан ўтказилган.

Тақиюддин Набаҳоний вафотидан сўнг «Ҳизбут-таҳрир» ҳаракатига фаластилик Абдулқадим Заллум (1925-2003) бошлилик қилди. Унинг раҳбарлиги даврида ташкилот собиқ Иттифоқ таркибиға кирган республикалардаги (асосан, Марказий Осиё ҳудудида) диний ва этник зиддиятлардан фойдаланиб, ўзининг фаолиятини жадаллаштирган. Абдулқадим Заллум вафотидан кейин «Ҳизбут-таҳрир» ҳаракатига Ато Абу Рашта (Абу Ёсин) раҳбарлик қилади.

Ташкилотнинг бош мақсади. Мусулмон мамлакатларини бирлаштирувчи «халифалик» давлатини қуришни бош мақсад, деб эълон қилган. Шу ўринда таъкидлаш керакки, Тақиюддин Набаҳоний даставвал Фаластинда араб миллатини озод кишишни мақсад қилган. Сўнгра, араб мамлакатларида «ислом давлати»ни барпо этиш ва бошқа юртларга таъсир ўтказиш режалаштирилган. Унинг бу йўналишдаги уринишлари араб мамлакатларида қаттиқ қаршиликка учраган.

1968 йилда ташкилот раҳбари яти энди партия етарлича кучга эга бўлди, деб ҳисоблаб, 1969, 1971 ва 1972 йилларда Йордания ва Жанубий Ироқда давлат тўнтишиларини амалга оширишга уриниб кўрди. Аммо бу ҳаракатлар улар учун омадсиз якун топди.

Ташкилот гоялари. «Ҳизбут-таҳрир» оқимининг асосий мавзуси «Хилофат» (халифа сайлаш) масаласи бўлиб, уларда «Ҳозирги кунда мусулмонларнинг зиммаларидағи долзарб вазифа халифа сайлашдир, токи улар бу ишни адо этмас эканлар, уларнинг бошқа ибодатлари бефойдадир», деган гоя тарғиб килинади. Бугунги кун-

да бу даъвонинг асоссиз ва нотўгри эканини англаб олиш ниҳоятда муҳим ҳисобланади.

Зеро, Пайғамбаримиз (алайҳис-салом)нинг куйидаги ҳадислари уларнинг бу даъволари ўринсиз эканига далил бўлади: «Мендан кейин халифалик ўттиз йил бўлади, ундан кейин тишлаб тортилган амирлик ва подшоҳликларга айланади». Бу ҳадис мўъжиза сифатида айтилган ҳадис эди. Вафотларидан кейин халифалик қилган Абу Бақр, Умар, Усмон ва Али (р.а.)ларнинг халифалик муддатларини бир-бирига қўшсак, йигирма тўқиз ярим йил бўлади. Ҳазрати Алиниң катта ўғли Имом Ҳасан олти ой халифалик қилган. Шу билан ўттиз йил тўлиқ бўлган. «Ҳизбут-таҳрир»нинг айрим ақида-вий хатолари:

1. «Ҳизбут-таҳрир» ўз аъзоларига қабр азобига ва Масиҳ Дажжолнинг чиқишига эътиқод қилишни ҳаром қилган. Уларнинг назарида, ким бу эътиқодни қилса, гуноҳкор бўлади. Бу бузук эътиқод ислом ақидасига мутлақ зиддир. Агар бу эътиқод билмай туриб айтилган бўлса, ахли сунна ва-л-жамоа мазҳаби ҳукмига биноан фосиқлик деб эътиборга олинади. Биргина қабрда бўладиган азоб ёки роҳат ҳақида Қуръони каримнинг «Гоғир» (46-оят), «Тоҳо» (124-оят), «Тур» («45-оят»), «Нух» (25-оят), «Тавба» (101-оят) сураларида баён қилинган.

2. «Ҳизбут-таҳрир»нинг раҳбарлари: «Амри маъруф ва нахий мункарга эътибор бермаслик керак, чунки бу фаолият ҳозирги босқичда умумий ишга тўсик бўлади. Қолаверса, амри маъруф ва нахий мункар ислом давлатининг иши», дейдилар. Бу гап шариатга хилоф ва мантиқсиз эканига бирорта ўзини ва динини билган мусулмон, шубҳа қилмайди. Яхшиликка буориш ва ёмонликдан қайтариш жамиятда фуқаролар ўртасидаги муносабатлар барқарор бўлишни таъминлайди.

3. «Ҳизбут-таҳрир» фикхга ҳамда инсоний ва исломий ҳис-туйғуларга зид бўлган фатво ва ҳукмлар чиқарган ва ўз аъзоларига уларга амал қилиш, тарғиб ва ташвиқ қилишни мажбурий қилган. Ўша фатволарнинг баъзилари куйдагилар:

— «қасамни бузши мутлақо мумкин эмас». Партия аъзоларининг қасамида маҳкам туриб олишига асосий сабаб диний илмлардан бехабар ёки бир қобиг ичиди илм ўрганишларидир. Натижада, улар партия гояларининг нотўгри эканини билган тақдирларида ҳам ундан воз кеча олмайдилар. Бунинг сабаби «ҳизб»чи бўлган

шахс қасам ва унинг шартларини билмаслигидир. Қасамга амал қилишга тарғиб қилган «Ҳизбут-тахрир» раҳбарлари унинг ҳукмлари хусусида келган далилларни беркитадилар. Аслида эса, инсон ичган қасами яхши иш учун эмаслигини билса, ундан, воз кечиши шаръий жиҳатдан афзалиги юқорида келтириб ўтилди;

— *«ялангоч суратларни томоша қилиш эмоиз»*. Уят ва шармандалиқдан иборат бу ишни нафақат барча мусулмонлар, балки барча ўзини билган, одамийлигини унутмаган ғайримусулмонлар ҳам жоиз эмас, ҳаром ҳисоблайдилар;

— *«бегона аёлни шаҳват билан ёки шаҳватсиз ўтиш ва у билан қўл бериб сўрашиш мубоҳ»*. Бу Аллоҳ таоло ҳаром қилган нарсани ҳалол дейищдир. Аллоҳ таоло номаҳрамларни шаҳват билан ўпиш у ёқда турсин, уларга шаҳвоний назар билан қарашни ҳам ҳаром қилган;

— *«мусулмон фазогирдан намознинг фарзлиги соқит бўлади»*. Демак, мусулмон шахс фазогир бўлиши яхши эмас. Бу фатвонинг хатарли томони шундаки, у билан Аллоҳ таоло фарз қилган намоз бекор қилинмоқда. «Ҳизбут-тахрир»дан бошқа ҳеч ким бунга журъат этмаган.

Ислом таълимотига кўра, мусулмон киши намозни ҳар қандай ҳолатда, ҳар қандай жойда адо этмоғи лозим. Ҳатто, коинот ҳам бундан истисно эмас.

2007 йил мусулмон фазогирлар учун «Халқаро космик кемаларда – мусулмонлар учун диний анъаналарга риоя этиш» бўйича қўлланма ишлаб чиқилди. Мазкур қўлланма Малайзиялик 35 ёшли шифокор Музаффар Шукорнинг ер орбитаси бўйлаб қиласидиган сафари олдидан нашр қилинди. У мусулмонлар ичида биринчи бўлиб, Рамазон ойини коинотда ўтказиши керак эди. Қўлланмада мусулмон кишининг коинотда қандай таҳорат олиши, намоз ўқиш учун Макка томонга қандай юзланиши ва Рамазон рўзасини қайси вақтга амал қилган ҳолда адо этиши кўрсатилган эди. Шу ўринда савол туғилиши, табиий: «Маккага қандан тўғри юзланиш мумкин, халқаро космик кема ер куррасини бир ярим соатда айланиб чиқшини инобатга олиб, ер орбитасида қандай қилиб намоз вақтлари ни аниқ белгилаш мумкин?» Қолаверса мусулмон киши намозни адо этишдан олдин таҳорат олиши лозим, сув эса халқаро космик кемада олтинга teng; сувдан фойдаланишнинг қатъий қоидалари борлигини инобатга олган ҳолда, ер орбитасида мусулмонларнинг

ўзини тутиши бўйича қўлланма икки кун давом этган анжуманда ишлаб чиқилди.

«Малайзия миллий космик агентлиги» ва «Исломий тараққиёт департаменти» ҳамкорлигида ташкил этилган анжуманда 150 нафар диний ва астрономия олимлари қатнашдилар.

Мусулмон киши коинотда ҳам ердаги каби ислом таълимотларга риоя этган ҳолда яшаши лозим. Уламоларнинг тавсияла-рига кўра, малайзиялик дастурчилар коинотда намоз вақтларини аниқлаб берувчи дастур ишлаб чиқдилар. Шунингдек, доимий равишда Маккани кўрсатиб турувчи қурилма ҳам ихтиро қилдилар. Ерда намоз вақтлари қуёш чиқиши ва ботишига қараб белгиланади. «Кун ёки тун» каби атамалар бўлмаган коинотда эса, намоз вақтлари 24 соатлик вақт ҳолатидан келиб чиқиб белгиланади. Бунда куннинг бошланиши коинотга училган жой вақтига қараб белгиланади. Шу билан бирга, мусулмон-фазогир худди узоқ сафарга чиқкан мусулмондек, намозни қаср ўқиши ҳам мумкин.

Коинотдаги вазнсизлик сабаб, намознинг рукнларини тўлиқ бажариш имкони бўлмаганда, худди бемор кишидек ўтириб ёки ётган ҳолда адо этишлиши мумкин. Космик кемада сувнинг бир киши учун кундалик 4 литрлик чегараси бор. Шу сабаб, покланиш (таҳорат) учун таяммумдан фойдаланиш ҳам мумкин.

Фазогир рамазон рўзасини ҳам одатдагидек тутиши лозим. Бунда фазогир коинотга кўтарилиган макон вақтидан келиб чиқиб, қуёш чиқиши ва ботишига қараб адо этади.

Малайзиялик фазогир Музаффар Шукорнинг коинотга сафари сабаб ислом олимлари ердан ташқарида ҳам ислом таълимотларига амал қилиш қоидаларини ишлаб чиқдилар. Коинотда мусулмон кишининг қазоси етиб, вафот этса, ерга олиб тушиб, дафн қилинади. Буни иложи бўлмаган тақдирда, космик кемада ювиб, фазовий бўшлиққа чиқариб юборилади. Ерда яқинлари жаноза намозини адо этиб қўйишлари кифоя қиласди.

- «икки қутбда яшовчилардан намоз ва рўза соқит бўлади».

Бу масала қадимдан мусулмон уламолар томонидан ўрганиб келинган. «Ҳизбут-тахрир»дан бошқа бирор шахс ва тоифа зинҳор икки қутбда намоз ўқимай, рўза тутмай қўйиш ҳақидаги масалага мурожаат қилмаган. Балки, асосий масала у ерда яшовчиларнинг намоз ва рўза вақтлари қандай тайин қилинади? Ҳизб эса, буни бутунлигicha йўқ қилиб қўя қолмоқчи.

Икки кутб ҳудудларида яшовчи инсонларнинг ибодағы масаласи бўйича «Ислом фикхи академияси» Брюссель анжуманини ва етук уламолар ҳайъатининг қарори йилнинг қайсиидир вакт оралиғида тун жудаям қисқа, бошқа вакт оралиғида эса кундуз жудаям қисқа бўладиган ўлкалар ёки қуёш олти ой чиқиб, олти ой чиқмайдиган шаҳарларда намоз ва рўза вақтлари тўғрисидаги» 16-сонли қарори билан танишиб, аввалги ва ҳозирги уламоларнинг мавзуга оид ёзган манбаларини ўрганиб чиқиб, қуйидагиларни қарор қилган:

Кутбга яқин ҳудудлар уч қисмга бўлинади:

1. Тун ёки кундуз йигирма тўрт соат ёки йил ичидаги фасллар ҳар хил келишига қараб ундан ҳам кўпроқ давом этадиган ўлкалар. Бу ҳолатда ўша ўлкаларда намоз, рўза ва бошқа нарсаларнинг вақтлари ўзига яқинроқ йигирма тўрт соат ичидаги кечада ва кундуз бир-биридан фарқли келадиган шаҳарларга қараб белгиланади.

2. Қуёш ботишидаги шафак то тонг отгунча йўқ бўлмай тураверадиган ўлкалар. Шунинг учун у ерларда қуёш чиқишидаги шафакни ботишидаги шафакдан ажратиб бўлмайди. Ушбу ўлкаларда хуфтон вақтининг чиқиши, рўзада оғизни ёпиш вақти ва бомдод намози вақтининг кириши икки шафак бир-биридан фарқланадиган вақт оралигининг охирига қараб белгиланади.

3. Йигирма тўрт соат мобайнида кечада ва кундуз билинадиган ҳамда вақтлар фарқланадиган, лекин кечада йилнинг қайсиидир вақт оралиғида жудаям узун ва бошқа вақт оралиғида эса жудаям қисқа бўладиган ўлкалар. Кечада кундуздан тонг отиши ва қуёш ботиши билан фарқланадиган, лекин кундузи ёзда жудаям узун ва қишида қисқа бўладиган ерларда яшовчи кишиларга беш вақт намозларни шариат бўйича билинган вақтларда ўқишилари вожиб бўлади. Аллоҳ таоло айтади:

أَقِمِ الصَّلَاةَ لِذُلُوكِ الْشَّفَسِ إِلَى غَسْقِ اللَّيْلِ وَقِرْآنَ الْفَجْرِ
إِنْ قِرْآنَ الْفَجْرِ كَانَ مَشْهُودًا

Куёш оғишидан то тун қоронғуснгача намозни баркамол адо этинг ва тонгги ўқишини (бомдод намозини) ҳам (адо этинг!) Зоро, тонгги ўқиши (фаришталар) ҳозир бўладиган (намоз)дир. (Исро,78)

Ушбу оятдан, беш вақт фарз намозларининг вақтларини аниқлаб олиш мумкин. Масалан, қуёш оғиши билан пешин намози, соя икки баробарга етгач, аср намозининг вақти киради. Қоронги тушиши билан, яъни қуёш ботиши билан шом, сўнгра хуфтон намозларининг вақти киради. «Тонгги ўқиши» эса, бомдод намозидир. Аллоҳ таоло Қуръонда:

فِإِذَا قَصَّيْتُمُ الصَّلَاةَ فَادْكُرُوا اللَّهَ قِيَامًا وَقَعْدًا وَعَلَى جُنُوبِكُمْ
فِإِذَا اطْمَأْنَתُمْ فَاقِمُوا الصَّلَاةَ إِنَّ الصَّلَاةَ
كَانَتْ عَلَى الْمُؤْمِنِينَ كِتَابًا مُؤْفُوتًا

Намозни адо этганингиздан сўнг Аллоҳни турган, ўтирган ва ёнбошлаган ҳолингизда эсланг. Хотиржам бўлганингизда намозни тўлиқ адо этинг. Албатта, намоз мўмниларга вақтида фарз қилингандир. (Нисо,103)

Бурайда (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи васаллам) бир киши у зотдан намоз вақти хақида сўраганида, унга: «Биз билан бирга, бу иккисида намоз ўқи», дедилар (яъни, икки кунни қасд қилдилар). Қуёш оғганидан сўнг Билолга буюриб, аzon айттиридилар. Сўнг, унга буюриб, пешинни адо этдилар. Кейин унга (азон айтишни) амр қилиб, асрни адо қилдилар. Қуёш тиник оппоқ бўлиб кўтарилиб турарди. Сўнг унга (азон айтишни) буюриб, куёш ботган пайтда шомни адо қилдилар. Кейин унга (азон айтишни) амр қилиб, шафак ғоиб бўлган пайтда хуфтонни ўқидилар. Сўнг унга (азон айтишни) буюриб, тонг отган пайтда бомдодни ўқидилар. Иккинчи кун бўлгач, унга буюриб, пешинни совутдилар. Уни совутдилар ва уни совутишни ҳам ўрнига кўйдилар. Қуёшнинг охири олдин бўлганидан юқорида кўтарилиб турган ҳолатда асрни ўқидилар. Шафак ғоиб бўлишидан олдин шомни ўқидилар. Кечанинг учдан бир қисми кетганидан сўнг хуфтонни ўқидилар. Кейин бомдодни ўқидилар ва уни ёриштиридилар. Кейин: «Намоз вақти ҳақида сўраган каерда?» дедилар. Ҳалиги киши: «Мен, эй Аллоҳнинг Расули», деди. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи васаллам): «Намозингизнинг вақти кўрганиларингиз орасида», дедилар» (Муслим ривояти).

Абдуллоҳ ибн Амр ибн Осс (розияллоху анху)дан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ (соллаллоху алайҳи васаллам): «Пешининг вақти қуёши оғган пайтда ва агар аср ҳозир бўлиб қолмаса кишининг сояси ўзининг узунлиги баробари қадар бўлгунча. Асрнинг вақти қуёши саргайиб кетмагунча. Шом намозининг вақти шафақ гоиб бўлмагунча. Хуртон намозининг вақти кечанинг тенг ярмигача. Субҳ намозининг вақти тонг отганидан қуёш чиқмагунча. Агар қуёш чиқса намоздан тийил. Чунки, у шайтоннинг икки шохи ўртасидан чиқади», дедилар» (Муслим ривояти).

Бундан бошқа беш вақт намознинг вақтларини белгилаш тўғрисида келган ҳадислар кўп. Уларда агар намоз вақтлари Расулуллоҳ (соллаллоху алайҳи васаллам) баён қилиб берган белгилар билан фарқланадиган бўлса, кундуз ва кечанинг узун-қисқалиги оралари ажратилмаган. Бу намоз вақтларини, белгилашга нисбатан айтилган гаплардир.

Рамазон ойи рўзасини тутишдаги вақтларини белгилашга келсак, агар кундуз шаҳарларда кечадан фарқланадиган ва иккиси қўшилганида йигирма тўрт соат бўлса, рўза тутишга қодир бўлган кишига Рамазон рўзасини тутиш фарз бўлади. Чунки, Ислом шариати ҳамма шаҳарларда инсонлар учун бир хилдир. Аллоҳ таоло айтади:

وَكُلُوا وَاشْرِبُوا حَقَّىٰ يَتَبَيَّنُ لَكُمُ الْخَيْطُ الْأَبْيَضُ
مِنَ الْخَيْطِ الْأَسْوَدِ مِنَ الْفَجْرِ

Тонг пайтида оқ ип қора ипдан ажрагуича еб-ичаверинг. Сўнгра рўзани кечасигача батамом қилинг (Бақара, 6).

Аллоҳ тавфиқ эгасидир... Аллоҳ халқининг энг яхшиси саййидимиз Муҳаммадга, у зотнинг оиласлари ва саҳобаларига саловату ва саломлар бўлсин!»⁷.

Ислом фикҳи академиясининг ушбу қарори мазкур масалага узил-кесил ва қониқтирувчи жавобдир. Шу билан бирга шаръий далиллар ҳам етарли даражада баён қилинган. Аллоҳ таоло Куръонда шундай дейди:

⁷ Қаранг: Ислом фикҳи академиясининг 1982 йил 4 февралдаги мажлис баённомаси.

وَمِنْ حَيْثُ خَرَجْتَ قُولْ وَجْهَكَ شَطْرُ الْمَسْجِدِ الْحَرَامِ
 وَحِينَمَا كُنْتُمْ قَوْلًا وَجْهَكُمْ شَطْرَةً لَنْ لَا يَكُونُ لِلنَّاسِ عَلَيْكُمْ حَجَّةٌ
 إِلَّا الَّذِينَ ظَلَمُوا مِنْهُمْ فَلَا تُنْشِوْهُمْ وَأَخْشُوْنِي
 وَلَا أَمْ نِعْمَتِي عَلَيْكُمْ وَلَعَلَّكُمْ تَهْتَدُونَ

Қайси жойдан (йўлга) чиксангиз, юзингизни (намозда) Масжиди Ҳаром томонига ўгиринг! (Эй, мўмиилар!) Қаерда бўлсангиз, юзларнингизни ўша (Каъба) томонга ўгирингиз, токи гаразли одамларда сизларга қарши ҳужжат бўлмасин. Магар, улар ичида золимлари (хам) борки, сизлар улардан қўрқмангиз, балки Мендан қўрқингиз! Бу сизларга неъматларимни (янада) мукаммал қилиб беришим ва ҳидоят йўлини топиб олишларингиз учундир (Бақара, 149).

Бошқа оятда Аллоҳ таоло шундай марҳамат қиласди:

وَإِلَهُ الْمَشْرِقُ وَالْمَغْرِبُ فَأَيْنَمَا تَوْلُوا فَتَمَّ وَجْهُ اللَّهِ
 إِنَّ اللَّهَ وَاسِعٌ عَلَيْهِ

Машриқ ҳам, Мағриб ҳам Аллоҳни кидир. Бас, қайси тарафга юзингизни қаратсангиз, ўша томонда Аллоҳнинг «юзи» мавжуддир. Албатта, Аллоҳ (фазли) кенг, доно зотдир (Бақара, 115).

Ибн Жарир ва бошқа олимлар бу оятни омм (барча учун) нозил бўлган деганлар. Яъни қиблани билмайдиган одам тахаррий⁸ қилгандан сўнг, ўша тарафга қараб намоз ўқиши жоиз бўлади. «Ҳизб»-нинг даъвоси эса, Аллоҳнинг ҳукмларини ўзларича талқин қилиш ҳамда фарз амалларни инкор қилишдан бошқа нарса эмас.

— «Ўз маҳрамларидан бирига (онаси, опа-синглиси, қизи ва ҳ.к.) уйланган кишига ўн ишл қамоқ жазоси берини».

Аслида ўз маҳрамига уйланган инсоннинг жазоси ислом қоидалари бўйича аниқ қилиб белгилаб қўйилган бўлиб, у қатл қилинади. Аммо партия вакиллари бундай фатво беришларининг замирада гаразли мақсадлар ётгани очиқ ойдин кўриниб турибди.

⁸ Кучли таҳмин. Бу масала бўйича фиқҳ китобларидан батағфисил маълумот олиш мумкин.

Шунингдек, улар муқаллид (имонига далил келтира олмайдиган киши)нинг имони бўлмаслиги, ҳизбнинг фикрати ва тариқатига имон келтириш зарурлиги, шаръий манбалардан ақл ва тафаккурни устун кўйилиши каби хато ғояларни илгари суради.

Ташкилотнинг назарий манбалари. Таълимот назарияси Набаҳоний ва унинг издоши Абдул Қаддим Заллумнинг «Ислом низоми», «Ислом давлати», «Халифалик», «Исломий оламга қайноқ ниодолар» ва «Ҳизбут-тахрирнинг тушунчалари», «Демократия – қуфр низоми» ва «Сиёсий онг» каби китобларида баён этилган. Уларда Farb цивилизацияси ва дунёвий давлат тамойиллари қоралган, демократия, конституция, сайлов каби сиёсий институтлар инкор қилинган ҳолда, турли мамлакатларда радикал «ислом» ғояларини тарғиб қилиш, давлат тўнтариши орқали ҳокимиятни қўлга киритиш ҳамда халифаликка асосланган тузумни ўрнатиш асосий мақсад сифатида илгари суриласди. Шунингдек, «Ҳизбут-тахрир» ўзининг тарғибот-ташвиқот ишларида «Ҳизбий уюшма», «Иzzat ва Шараф сари», «Идорий тўплам», «Халифалик тушунчалари», «Манҳаж», «Молиявий бозорлардаги бекарорлик», «Исломий шахсият» китоблари ҳамда «кал-Ваъй» ва «Роя» журнали каби нашрларга ҳам асосланади.

Молиявий манбалари. Маълумотларга кўра, «Ҳизбут-тахрир» катта молиявий базага эга. Айрим кузатувчиларнинг хulosаларига кўра, «Ҳизбут-тахрир»нинг бошқарув вакиллигини улар билан доимий алоқада бўлган халқаро террорчилик ташкилотлари ҳам қўллаб-куватлаб келган. Жумладан, «кал-Қоида» ва унинг таркибига кирувчи айрим террорчи ташкилотлар томонидан молиялаштирилгани ҳамда «Ҳизбут-тахрир» ҳаракати аъзоларини ўз ҳарбий лагерларида тайёргарликдан ўtkазиша амалий ёрдам берганликлари бунга мисол бўлади. Шу билан бирга, «Ҳизбут-тахрир» томонидан «хазина»ни бойитиш учун исталган бошқа маблаглар (адабиёт сотуви, тижорат тузилмалари ва ҳаракат тарафдорлари бўлган алоҳида шахсларнинг ихтиёрий ажратмалари ва бошқалар) ташкил этади. Шунингдек, бир қатор гарб давлатларидағи хусусий ширкатлар ҳизб мактабларига моливий ёрдам кўрсатиб боради. Жумладан, «Ofsted» ташкилоти юқорида айтилган мактабларни «ислом этикаси» бўйича мақтаб келади. Расмий маълумотларга кўра, мазкур мактабларга 2009 йилнинг ўзида 113 миллион 411 минг фунт стерлинг миқдорида давлат грантлари ажратилган.

Бундан ташқари, «Ҳизбут-тахрир» ташкилотига аъзо шахслардан табарруот (аъзолик бадали) йигиб борилади, яъни ҳар бир ҳракат аъзоси ўз даромадининг 5-20 фоизи микдорида тўлаши шарт бўлган молиявий тўлов ажратади.

Фаолият услублари. Ато Абу Рашта бошчилигига ҳаракат 2006 йилдан «Ҳизбуллоҳ»нинг террорчилик амалиётларини кўллаб-куватлаб, Исройл-Ливан можаролари (исроиллик оддий аскар Геладнинг олиб қочилиши)да иштирок этган ҳамда АҚШ, Исройл, Европа иттифоқи ва Россияга қарши қуролли «жиход» эълон қилган. Бу эса, ташкилотнинг асл мақсадини фош қилди. Чунки, бу давргача «Ҳизбут-тахрир», гўёки ташкилотнинг барча ҳаракатлари фақатгина ғоя ва мафкурага қаратилган бўлиб, қуролли тўқнашувларга умуман алоқаси йўқ эканини таъкидлаб келган эди.

«Ҳизбут-тахрир»нинг фаол ҳаракати 1970–1980 йиллардан бўён Покистон, Индонезия, Филиппин, 1990 йиллар бошидан эса Марказий Осиё давлатларида, 2003-2004 йиллардан Крим ярим ороли ва Россиянинг бир катор минтақаларида кузатилмоқда.

Сўнгги йилларда «Ҳизбут-тахрир»да ғоявий яқдиллик йўқолиб, фаолиятида юзага келган самарасизлик таркиби бўлининшларга олиб келди. Ундан «Ҳизбун-нусра» гурухи ажралиб чиқди. Шунингдек, «Ҳизбут-тахрир»нинг «Аёллар қаноти» кучайтирилиши баробарида, улар орасида ўзини ўзи ўлдириш амалиётидан кенг фойдаланилмоқда. Улар ёш киз ва аёлларга «уй тутиш сирлари» (пазандалик, тикувчилик)ни ўргатиш орқали ҳаракатнинг ғояларини тарғиб этиш, тузоққа илинган аёлларни гўёки, «хижрат» қилиш йўлида чет давлатлардаги ўз «биродарлари»га ёрдам бериш учун жўнатиш ёки жазо муддатини ўтаётган жамоа аъзоларига турмушга чиқишига даъват этиш каби амалиётлар билан шуғулланмоқдалар.

Тузилиши. «Ҳизбут-тахрир»нинг аъзолари ўртасида мансабдорлик вазифалари аниқ белгиланган бўлиб, унга кўра «Амир қиёдат» (дунё бўйича халифалик давлатининг энг катта раҳбари), «мўътамад» (вакил, маълум бир давлат бошлиги), «маъсул» (жавобгар, вилоят бўйича бошлиқ), «нақиб» (раҳбар, раис, туман бўйича бошлиқ), унинг ёрдамчиси эса «нақиб ёрдамчиси» ва ундан кейинги лавозимдагилар «жихоз аъзолари» (бошқарув идора аъзолари) деб аталади. Ҳаракатга кирувчиларни ўқитишга масъул-

ларни «мушриф» (гурух раҳбари) дейилса, ўқувчиларни «дорис» (ўқувчи маъносида) деб белгиланган.

Шу ўринда қайд этиш жоизки, «Ҳизбут-таҳрир» ҳам ўзига хос ижтимоий мухитни яратиш мақсадида «ҳалқа»ларга оила аъзолари, яқин қариндошлар, дўстлар, маҳалладошлар, ён-атрофдаги моддий жиҳатдан кам таъминланган шахсларни жалб қилишга алоҳида эътибор берган.

Ҳаракатга аъзолик. «Ҳизбут-таҳрир» даъватчилари, асосан динга мойиллиги бўлган ёшларни (улар ўзининг одоби, тарбияси ва оиласвий ахволи билан бошқаларга ўрнак бўла оладиган ва ўзи ҳам даъват қилганида «бешлик» ҳалқалар тузиб, шахсларга ўз сўзини ўtkаза оладиган бўлиши шарт) жалб қилиб, уларни ҳалқаларда аввал ислом динига оид суҳбатлар билан билим дараҷасини аниқлашади. Кейинчалик булар орасидан иқтидорли, даъватини бошқаларга ўtkаза оладиган ва ҳаракатга фойда келтирадиган (моддий, давлат бошқарув идоралари ходимлари бўлган шахслар эса ўзларининг бошқаларга нисбатан таъсир доиралари ва ўзига хос жиҳатларига қараб) ажратиб олиниб, уларга аста-секин «Ҳизбут-таҳрир»нинг тактик стратегиясини белгилаб берувчи «Ислом низоми» асосида дарс берилади. Ушбу китоб тўлиқ ўрганилгач, (дарслар ҳафтада икки марта, жами уч ойдан бир ярим йилгacha бўлган вақт мобайнида давом этиши мумкин) дорис мушриф ёки нақиб томонидан тайинланган вакил иштирокида, қасам қабул қиувчи (жиҳоз аъзоларидан бири)нинг уйида қасамёд қилдирилади. Қасамёд қилган шахс «Ҳизбут-таҳрир»нинг ҳақиқий аъзоси деб ҳисобланади ва у ўртача бир ой мобайнида ўзи учун ҳалқа тузиб, уни бошқариши лозим бўлади.

Шу ўринда таъқидлаш керакки, «Ҳизбут-таҳрир» сафига кўшилаётган янги яъзолар қабул қиладиган қасамёднинг моҳияти ҳаракат ғояларини ҳаётга татбиқ қилиш учун барча куч ва саъй-ҳаракатларни сафарбар қилишни талаб этади. Бунда «Ҳизбут-таҳрир»га садоқатли бўлиш, эълон қилинадиган «жиҳод»да фаол қатнашиш, ҳаракат ғоялари рад этиладиган мамлакатнинг конституциявий тузумини агдариб ташлаш, унинг ўрнига «исломий халифалик»ни куриш ва бу йўлда ўз амирининг буйруқларини сўzsиз бажариш ҳақидаги ваъдалар ва мажбуриятларни ўз ичига олган қасамёднинг кўлда Қуръон билан қабул қилинишига алоҳида эътибор берилади.

Минтақадаги фаолияти. «Хизбут-тәхрир»нинг Марказий Осиё минтақасидаги фаолияти XX асрнинг 80-йилларнинг охири 90-йиллариға түғри келади. Бу даврда «Хизбут-тәхрир»нинг таълимотларига оид чет давлатларда нашр этилган мутаассиблікка йүргилган ва юкорида қайд этилган гоялар акс этгандың түрли хилдаги китоб, рисола ва журналлар нөкөнүний йүллар билан юртимизге кириб келди. У ўзининг тарғибот ишларини мунтазам рашида жумладан, ҳозирги кунда ҳам дунёning сиёсий, иқтисодий ва диний манзарасини «Хизбут-тәхрир»нинг қарашларидан келиб чиқкан ҳолатда қоралаб ёзилган варақаларни тарқатиш амалиётини қўллаб келмоқда. Шунингдек, «Хизбут тәхрир» минтақада мусулмонларга иқтисодий кўмак бериш, коммунал тўловлар масаласида қўллаб-кувватлаш, уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, ёш оиласарга уй қурилишида ёрдам бериш, байрамларда ҳалққа ош тарқатиш орқали ўзига бўлган ишончни ортириб, тарафдорлар сонини оширишга ҳаракат қилмоқда.

Террорчилик ҳаракатларидаги иштироки. «Хизбут-тәхрир» фаолларининг мусулмон дунёсига мансуб бир қатор давлатларда конституциявий тузумга қарши қаратилган террорчилик амалиётларида иштирок этгани ҳам уларнинг асл қиёфасини очиқ-оидин намойиш этади. Жумладан, 1968, 1974 ва 1977 йилларда «Хизбут-тәхрир» аъзолари Иорданияда, 1974 йилда эса Мисрда ҳарбий исён кўтаришга уринган. 2000 йил январда эса Суря ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари томонидан ҳуқуматга қарши ғалаёнлар кўтаришга тайёргарлик кўраётган ташкилот фаолларининг 800 нафари қамоққа олинган.

2002 йилда Филиппинда қамоққа олинган ташкилотнинг бир гурӯҳ фаолларидан катта микдордаги портловчи моддалар ва ўқотар қуроллар кўлга олиниши баробарида уларнинг «ал-Қоида» террорчи ташкилотининг маҳаллий тузилмалари билан яқин алоқада бўлгани ҳам аникланган. Бу эса «Хизбут-тәхрир» ташкилоти ўз фаолиятини ҳалқаро террорчилик тизимининг таркибий қисми сифатида ташкил этаётганидан далолат беради.

Бундан ташқари, 1999-2005 йилларда мазкур ҳаракатнинг Куддус шаҳридаги бўлими аъзолари томонидан Туркия, Миср ва Ватикан каби мамлакатлардан зиёратга келган расмий делегациялар раҳбарлари, шунингдек, АҚШ собиқ Президентининг рафиқаси Лора Бушга нисбатан хужум уюштиришга қаратилган хатти-ха-

ракатлари полиция томонидан бостирилган. 2009 йилнинг апрель ойида эса Бангладешнинг Күштия шахрида полиция томонидан 31 нафар «Ҳизбут-таҳрир» аъзоси қўлга олинган. Расмийларнинг баёнотига кўра, қўлга олинган шахслар томонидан террорчилик ҳаракатларини амалга ошириш режалаштирилган бўлиб, улардан кўплаб микдорда портловчи модда топилган.

Шу билан бирга, фитналарнинг доимий муваффақиятсизлика учраши, «Ҳизбут-таҳрир» раҳбарияти орасида ушбу ҳаракатлар ташкилотнинг «ажралиб» чиққан қисми томонидан амалга оширилди, деган даъво билан айни бўйинларидан сокит қилишга интилишдек амалиётнинг келиб чиқишига сабаб бўлишини таъкидлаш зарур.

Вақт ўтиши билан «Ҳизбут-таҳрир»нинг ичидаги бир қанча бўлиннишлар юз берди. Натижада қатор яғни гурухлар пайдо бўлади. Ажралиб чиққан оқимлар янада агресивлиги билан ажралиб туради.

Мазкур бўлиннишнинг асосий сабаби, «Ҳизбут-таҳрир» томонидан тузилган қатор режаларининг муваффақиятсизлиги билан боғлиқ бўлган. Бугунги кунда партиядан ажралиб чиққан оқимлар қаторида қўйдагиларни санаш мумкин:

1. Фаластин исломий жиҳоди (ФИЖ) – Ушбу ташкилотнинг ғоявий раҳнамоси 1998 йилда Омон шахрида вафот этган «ҳизб»-нинг собиқ аъзоси Асад Баюд Тамими ҳисобланади. Баъзи манбаларда гурух асосчилари сифатида Фатҳий Шикоқий ва Абдулазиз Авдалар зикр қилинади. ФИЖнинг шаклланиш жараёни бир неча ўн йил давом этган. Шу сабабли ҳам унинг асосчилари хусусида фарқли маълумотлар мавжуд. Ташкилот 70 йилар охирларида вужудга келган бўлса-да, расман 1981 йили Мисрда ўз фаолиятини бошлаган.

Ташкилот Мисрдаги 1987 йил воқеаларидан сўнг Ливанга кўчиб ўтган. Ўша ердан туриб Эрон ҳукумати билан тӯғридан-тӯғри алоқалар ўрнатилган. 1989 йилда эса Шикоқий ташкилотнинг штаб-квартирасини Дамашқ шахрига кўчирган. Ташкилот 4 та бирлашмани ўз ичига олади. Ҳаракатнинг АҚШ, Германия, Англия ва Кипрда марказлари мавжуд.

ФИЖнинг ҳаракатлари асосан Истроилга қаратилган бўлсада, бошқа яқин шарқ мамлакатлари Ливан, Иордания каби давлатларда ҳам шундай уришишлар кузатилган. Таҳлилчилар ташкилотга

Эрон ҳукумати молиявий кўмак бериб турди, деган тахминни илгари сурадилар. Бунга ташкилот рахнамоларининг Ҳумайний билан алоқалари мустаҳкам бўлгани далил сифатида келтирилади.

Ташкилот ўзининг асосий мақсади сифатида Истроил ҳарбийлари ва фуқароларига нисбатан террорчилик ҳаракатлари олиб бориши белгилаган. Мазкур ҳаракатлар Шўро Кенгашининг фатволари асосида олиб борилади. Шўро Кенгаши тўқиз аъзодан иборат бўлиб, улар томонидан ташкилотнинг ҳарбий тузилмаси бошқариб борилади.

ФИЖ Хон-Юсуф, Шайх-Ризвон ва Джелазун каби шаҳарларда ҳарбий баъзаларга эга. Жангарилар фаолияти Рамазон Абдуллоҳ Салоҳ исмли шахс томонидан бошқарилади.

1994 йилда ташкилот раҳбари 70 кишидан иборат худкушларни Истроил ва АҚШга қарши тайёрлайди. 1995 йил Истроил маҳсус кучлари томонидан Малтада Фатҳий Шиқоқийнининг атрофидағи жангари фаоллар йўқ қилинган.

2. Ал-Мухажирун – «Ҳизбут-тахрир» ташкилоти номидан мутаассиб-террористик қараашларини тарғиб қилувчи мазкур гурӯҳ Лондон шаҳрида фаолият кўрсатади. Гуруҳга Умар Бакрий Мұхаммад Фустак асос солган. У 1986 йили Буюк Британияда сиёсий бошпанага эришади. Унгача эса бу шахс мутаассиб қараашлари учун Саудия Арабистонидан сургун қилинган эди. Лондонда эса, у радикал мусулмонлар гурухлари орасида катта ҳурмат қозонади.

Умар Бакрий Фустак – «Ҳизб»нинг Британиядаги муфтийиси ҳисобланувчи бу шахс 1958 йили Сурияning Ҳалаб шаҳрида таваллуд топган. 1967 йилда оиласи Ливан жанубига кўчиб ўтади. 1977 йилда Дамашқ университетининг усулул-фиқҳ ва шариат факультетини тамомлаган. 80-йиллар бошларида у Саудия Арабистонинг Жидда шаҳрига боради. Кейинроқ, ар-Риёдда «ал-Мухажирун» номли кичик гурӯҳ ташкил қилиб, уни «Ҳизбут-тахрир»нинг бўлими, деб эълон қиласи. Кўп ўтмай, у ҳукумат томонидан ҳибсга олинниб, мамлакатдан чиқариб юборилади.

Доктор Ҳанифнинг таъкидлашича, 1996 йилдан бошлаб Британияда «ал-Мухажирун» ҳаракати фаолиятида жонланиш кузатилади. Британия хавфсизлик хизмати собиқ аъзоси Жон Лофтуш Умар Бакрийнинг «МИ-б»нинг доимий аъзоси бўлганини фош қилган. Шунингдек, Бакрий Фустак 2005 йил Лондондаги портлашларга қадар «МИ-5» хизматининг ҳам маҳфий ходими ва хабарчиси

сифатида фаолият олиб борган. Шу давр давомида, у йигирмадан ортиқ разведкага оид йигилишларда иштирок этган. Айнан шу маҳфий ташкилот Умар Бакрийни «агар ҳизб халифаликни қурса унинг Британиядаги элчиси» этиб тайинланишига ишонтирган.

Кизиги, у бир неча йиллар давомида Лондонда очиқасига ўзининг «иймонсизлар»га қарши Фаластин, Афғонистон, Босния, Чеченистон ва бутун дунё бўйича жиҳодга тарғиботи учун ҳеч қандай жазога тортилмади. Аммо, 2004 йил Англия Бош Вазири Тони Блейрни «Ироққа уруш қилгани учун қатл қилиш лозим» деган чақириклари учун дарҳол қамоққа олинди. Лекин ҳеч қандай айбловлар кўйилмасдан қўйиб юборилган.

Бакрий ўзига эргашганларга айнан қандай таълим берганилигини унинг қуидаги сўзларидан ҳам билиб олиш мумкин: «Биз фуқаролар ёки фуқаролиги йўқ одамлар, айбдор ёки айбсизлар орасини ажратмаймиз. Биз фақат мўъминлар ва кофиirlар ўртасини ажратамиз. Кофиirнинг ҳаёти эса, бир пул. У – муқаддас эмас».

Мадрид метроларидағи портлашларни шархлаб Бақрий қуидагиларни айтган: «Мадридда содир бўлган воқеалар – бу қасос. Кўзга кўз, тишга тиш, жонга жон».

Ажабланарли кўринсада, бироқ Британия ҳукумати томонидан айтилган сўзларга ҳеч қандай эътибор берилмаган. Шу тариқа, Британия ҳукумати «ал-Муҳожирун» томонидан Чеченистон, Кашмир ва Афғонистонда «жиҳод» қилиш учун етти юзга яқин кўнгиллиларни тайёрлаётгани таъкидланганида ҳам, буни эътиборсиз қолдирган. Буюк Британия Ташқи ишлар вазирлиги «ал-Муҳожирун» ташкилотига хорижга ёлланма аскарларни юборишга тўсқинлик қилиш имконияти мавжуд эмаслигини таъкидлаганди. Фақатгина 2005 йил июль ойидаги Лондондаги портлашларда Бақрийнинг террорчилар билан алоқаси борлиги борасидаги тахминлардан сўнг, ташкилот расман тақиқланди ва раҳбари давлатдан чиқарилиб юборилди. Шундан сўнг, Бақрий Ливанда кўним топган.

2006 йили Истроил-Ливан можароси вақтида Умар Бақрий Британияга чиқиб кетишига ҳаракат қиласи. Бироқ уни қироллик ҳудудига киришига рухсат берилмайди.

Эътиборли томони, Бақрий Лондонда демократик жамиятларга қарши курашган бўлса, Сурияда эса, демократия ва эркинлик жамиятини яратиш мақсадида ваҳҳобий-салафийлар ва «ал-Қоида» билан бирлашиб, ҳукуматга қарши курашмоқда.

Хозирги даврдаги «Ҳизбут-тахрир» рахнамоси Абу Раштага бўлган ишончсизлик Умар Бакрийнинг обрўсини янада ошириб юбормоқда. Унинг молиявий манбаси ҳам етарлича бўлгани боис фаолият олиб боришдаги ҳаракатлари анчайин осон кечмоқда.

3. Акромийлар – кейинроқ батафсил маълумот берилади.

4. Ҳизбун-нусра – (ғалаба партияси). «Ҳизбут-тахрир»нинг варака тарқатиш орқали очик даъват қилиш усулларидан норози бўлиб юрган Шарипжон Мирзажонов қамоқдан чиққанидан кеин ўз ташкилотига асос солади. Ташкилот ўз фаолиятини махфий тарзда олиб борган. Аъзолари асосан экстремистик ташкилотлардаги фаолияти учун жазони ўтаб чиққан шахслардан иборат. Улар «Ҳизбут-тахрир»нинг «Ислом низоми» китоби асосида 6 ойлик тайёргарликдан ўтганлар.

«Ҳизбун-нусра» «Ҳизбут-тахрир» каби халифалик қуришни орзу қилган ва фаолиятини ўта махфий суръатда олиб бориши ҳамда интизомнинг қаттиқлиги билан ажralиб турган.

Ҳаракатга муносабат. Буюк Британиянинг бир қатор шахарлари, Франкфурт-на-Майнे (Германия), Истанбул (Туркия), Лакнау (Хиндистон), Жидда (Саудия Арабистони), Куддус (Фаластин), Куала-Лумпур (Малайзия) ва Жакарта (Индонезия)да «Ҳизбут-тахрир» марказлари фаолият олиб борган. Мазкур ташкилот Ўзбекистон, Қозогистон, Қирғизистон, Тоҷикистон, Ливан, Миср, Иордания, Германия, Россия, Покистон ва Сурия каби бошқа бир қатор давлатларда қонун билан тақиқланган. «Ҳизбут-тахрир»нинг халифалик барпо этиш ғояси бирорта мусулмон мамлакатларида акс-садо топмай, бутун дунё мусулмон уламолари йиғилишларида ҳам кескин танқидга учраб келмоқда. Шу ўринда кайд этиш жоизки, дунёнинг кўпгина мамлакатларида яширин фаолият олиб боришга уринган «Ҳизбут-тахрир» ташкилоти ўзини террорчилик фаолиятига алоқаси йўқ эканини узоқ вақт таъкидлаб келди. Аммо уни ушбу гараз мақсадда қўллаб келаётган кучлар бугун ҳам жаҳон ҳамжамиятида, афсуски, йўқ эмас. Ўз умрини яшаб, тарих саҳнидан тушиб кетган, бугунги воқеликка мутлақо тўғри келмайдиган хаёлий халифаликни барпо этиш учун ҳар қандай амалий ҳаракатлардан тийилмаслик, жумладан, қурол ишлатишни тарғиб қилиш орқали мусулмонлар онгига энг ашаддий ғояларни сингдиришни ўзининг дастурий вазифаси қилиб олган ҳамда уни ҳаётга татбик

этишга жон-жаҳди билан уринаётган бундай гурухни террорчилик фаолиятига алоқадор экани, шубҳасиздир.

Туркистон ислом ҳаракати.

Ташкилот номи. «Туркистон ислом ҳаракати» – экстремистик ва террорчи ташкилоти. Ушбу ташкилот 1996 йилда «Ўзбекистон исломий ҳаракати» номи остида ташкил этилган. Маълумотларга кўра, 2001–2002 йиллар атрофида жамоа ўз номини «Туркистон ислом ҳаракати» деб ўзгартирган, бироқ амалда ташкилотнинг эски номи қолган.

Асосчиси ва юзага келиши тарихи. Унинг асосчилари Тоҳир Йўлдошев ва Жума Ҳожиев бўлиб, ҳаракат таркибига 1992–93 йилларда Ўзбекистонда фаолияти тақиқланган «Адолат уюшмаси» (Наманганд), «Ислом уйғониш партияси» (1990 йил Астраханда асос солиниб, 1991 йил январдан Ўзбекистонда фаолиятини бошлаган), «Одамийлик ва инсонпарварлик» (Қўқон), «Туркистон ислом партияси», «Ислом лашкарлари» (Наманганд) каби экстремистик гурухларнинг собиқ аъзолари кирган.

1993 йили Ўзбекистондан қочган Тоҳир Йўлдош 1996 йили «Ўзбекистон ислом ҳаракати»ни тузди. 1999 йилда Тожикистоннинг Жиргатол туманида қўним топади ва ўша ердан Қирғизистоннинг Боткент вилоятига ҳужум уюштиради.

2001 йил октябрда Кундузда (Афғонистон) аксилтеррор операцияси жараёнларида халқаро кучларга қарши курашда иштирок этган «Ўзбекистон ислом ҳаракати»нинг ҳарбий етакчиси Жума Намангоний бомбардимон вақтида ўлдирилади. Шундан сўнг, Тоҳир Йўлдош бошчилигидаги ҳаракат аъзолари Афғонистонни тарк этишга мажбур бўлади ва Покистон ҳудудига, асосан, шимолий ва жанубий Вазиристонга келиб жойлашади. У ерда «Толибон» ҳаракати билан бирга Покистон армиясига қарши кураш олиб боради. 2009 йил август ойида Вазиристонда авиа ҳужум натижасида Тоҳир Йўлдош қаттиқ жароҳат олиб, вафот этади. Тоҳир Йўлдош вафотидан сўнг, жамоани унинг куёви Усмон Одил бошқарди. 2012 йил апрель ойида Покистон ҳудудида учувчисиз самолёт зарбаси натижасида Усмон Одил ҳам вафот этади. Ундан сўнг «Туркистон ислом ҳаракати»га Усмон Ғозий исмли шахс етакчилик қиласи.

Ташкилотнинг асосий мақсади. Марказий Осиё ҳудудида «Буюқ ислом халифалиги»ни тиклаш, унда мусулмонлар яшайди-

ган Кавказ ва Россия Федерациясининг Волгабўйи республикала-
рини қамраб олишдан иборат бўлган.

Ташкилот гоялари. «Туркистон ислом ҳаракати» ҳар қандай янгиликни, қабрларни зиёрат қилиш, дунёдан ўтганлар руҳига багишлаб, Қуръон тиловат қилиш, қабр устига белги – қабртош қўйиш, мусиқа, театр, тасвирий санъатни «бидъат» санаши, туғилган кун нишонлашни кечирилмас гуноҳ деб ҳисоблаши уларнинг ғоялари асл ислом аҳкомлари ва ҳанафийлик таълимотига бутун-
лай зид эканини кўрсатади.

Кундалик ҳаётимизда қўп учрайдиган мазкур ҳолат бўйича Ўзбекистон мусулмонлари идораси томонидан «Қабристонларни зиёрат қилиш одоби ҳақида»ги фатво қабул қилинган. Унда қабрларни зиёрат қилиш суннат амаллардан экани таъкидланиб, Пайғамбар (алайҳис-салом)нинг: «Сизларга қабрлар зиёратини тақиқлаган эдим. Мана энди қабрларни зиёрат қиласкерингиз, зеро у сизларга охиратни эслатади», – деган ҳадислари келтирилади.

Фатвода зиёрат этувчи киши қабрда ётганлардан мадад сўраб, ундан ҳожатини раво қилинишини талаб қиласлиги, ҳар қандай ҳожатларни раво этишни бевосита фақат Аллоҳнинг ўзидан сўралиши лозимлиги, қабрларга шам ёкиш, қабр тошларини ўпиш, унинг устида ўтириш, босиб юриш, қабр рўпарасида намоз ўқиш солиҳ амаллардан эмаслиги, шунингдек, қабристон зиёрати учун муайян бир вакт белгиланмагани, уни исталган вактда зиёрат қилиш мумкинлиги қайд қилинган. Айрим манбаларда жума куни зиёрат қилишнинг фазли ҳақида сўз юритилган. «Минг бир фатво» китобидаги 427-фатвода: «Мозор ва қабристон зиёратининг одобларидан бири маййитнинг оёқ томонларидан келиб, салом бергач, тик турган ҳолда дуо қилишдир. Пайғамбаримиз (алайҳис-салом) «Жаннатул Бақиъ» қабристонини зиёрат қилганларида шундай қиласлар эдилар. Агар оёқ томондан келишнинг имкони бўлмаса, бошқа томонлардан келиш мумкин. Салом бергандан кейин шундай дейди: «Ассалому алайкум, йа аҳлал кубур антум лана салафун ва нахну би асарикум табауин. Ва инна ин шааллоҳу бикум лаҳиқун». Агар арабча айта олмаса, унинг таржимасини айтса ҳам бўлади: «Ассалому алайкум, эй қабр аҳли! Сизлар бизга салафларсиз. Бизлар сизга эргашувчимиз. Биз ҳам Худо хоҳласа сизларга етамиз». Шундан кейин билса «Ёсин» сураси ёки ўн бир марта «Ихлос»

сураси ёхуд билган сура ва оятларини ўқиб, савобини майитлар рухига баҳшида этади», – деб келтирилган.

Фаолият услублари. 1996 йилда ҳаракат мустақил ташкилот сифатида шакллангач, унинг раҳбари Тоҳир Йўлдошев (Амир Муҳаммад Тоҳир Форук), ҳарбий қанот раҳбари Жумабой Ҳожиев (Жума Наманганий, Фотих) ва пресс-марказ бошлиги ҳамда Тоҳир Йўлдошевнинг ўринбосари Зубайр ибн Абдураҳмон (Абдурраҳим) бўлган. 2002 йилгача «Ўзбекистон ислом ҳаракати»нинг штаб-квартираси «Толибон» ҳаракатининг марказларидан бири Қандаҳорда жойлашган эди. Ушбу даврда ҳаракат раҳбарияти маҳсус уламолар кенгаши тузган ҳолда «жиҳод», «ҳижрат» ва бошқа масалалар юза-сидан шаръий фатволар тайёрлаш, ташкилотнинг босма нашрлари, аудио ва видеоматериалларини кенг кўламда нашр этиш ва Марказий Осиё Республикаларида тарқатишга ургу берган. Шунингдек, ҳаракат аъзоларининг бир қисми «ал-Қоида» ташкилотининг Кавказдаги вакили Умар Хаттоб қўли остидағи «Кавказ ислом институти» лагерларида тайёргарликдан ўтган.

Шунинг билан бирга, «Ўзбекистон ислом ҳаракати» жангари-лари Мозори-Шариф, Қундуз, Қобул атрофи (Афғонистон), Пешавор, Панҷоб, Лахор (Покистон)да жойлашган маҳсус лагерларда хорижий йўриқчилар қўлида тайёргарликдан ўтган. Тайёр бўлган жангарилар сараланиб, Туркия, Эрон ва бошқа мамлакатлар орқали ўтган маҳфий йўллар орқали Марказий Осиё республикаларига юборилган.

Ҳозирги кунда «Туркистон ислом ҳаракати» «Покистон толибон ҳаракати» билан бирга ҳукумат ҳарбий кучларига қарши «Вазиристон урушлари» (жангариларнинг талқинида – «Вана газоти») номи остида танилган қуролли тўқнашувларда ҳамда Афғонистон худудидаги террористик ҳаракатларда иштирок этмоқда. Шу билан бирга, ҳаракат жангарилари Афғонистоннинг шимолий худудлариға ўрнашиб олиб, Марказий Осиё республикаларидағи нисбатан кўпорувчилик ҳаракатларини фаоллаштиришга қаратилган ҳаракатларни амалга оширмокда. Ташкилотнинг фаолият услубларида партизан уруши олиб бориш, ҳукумат ва ҳарбий объектларни ўқса тутиш, йўлларни миналаштириш, шунингдек, ҳудкуш террорчилик каби усуllibардан кенг фойдаланади. Бу йўлда ташкилот кўпроқ хорижий мамлакатлардаги Марказий Осиё, хусусан, Ўзбекистондан келган меҳнат мигрантлари ичida ёллаш ишлари ўтказиш, ик-

кинчи босқичда янги аъзолар имкониятлари орқали бевосита Ўзбекистонда яшаётган шахсларни ўз сафларига жалб этишга катта эътибор қаратади.

«Туркистон ислом ҳаракати» раҳбари Усмон Гозий тарафидан 2014 йил 26 сентябрь куни баёнот эълон қилинди. Унда «Ироқ ва Шом ислом давлати»нинг халифалик эълон қилингани ҳақидаги хабари «Туркистон ислом ҳаракати» томонидан кўллаб-куватлангани айтилади ва у билан бир сафда эканлигини маълум қиласди.

2015 йилнинг март ойида «Туркистон ислом ҳаракати»нинг ИШИД раҳбарига байъат бериши ва 2018 йилнинг 2 августида «Туркистон ислом ҳаракати» ИШИДнинг Хуросон бўлинмаси деб эълон қилиниши билан ҳаракат расман ИШИДнинг бир қисмига айланди.

Тузилиши. Ташкилот 5-7 кишидан иборат («жамоат» деб аталмиш) кичик ячейкалардан тузилган бўлиб, «жамоат» аъзолари фаол жисмоний тайёргарлик билан шугулланиб, қўпорувчилик ишларини амалга оширишга ўргатиб борилган.

Молиявий манбалари. Ташкилотнинг молиявий манбалари «ал-Қоида» ва «Толибон» ҳаракати раҳбарияти томонидан ажратилган моддий ёрдамдан ташқари Покистон, Туркия ва Форс кўрфази мамлакатларида жойлашган айрим нодавлат исломий жамғармалари томонидан ажратиладиган ҳомийлик ёрдами, шунингдек, босқинчилик, зўравонлик ва гиёхванд моддаларнинг ноқонуний савдосидан иборат. Жумладан, «Туркистон ислом ҳаракати» гиёхванд моддаларни Афғонистоннинг шимолий ҳудудларидан Марказий Осиё орқали Россия ва Европага етказишда фаол иштирок этади.

Минтақадаги фаолияти. Ташкилот раҳбарлари томонидан Марказий Осиё давлатларига қарши қуролли «жиҳод» эълон қилинган бўлиб, гуруҳ жангарилари 2000 йилдан буён минтақадаги Ўзбекистонга қўшни республикалар ҳудудида қатор террорчилик ҳаракатлари содир этган.

Ўзбекистонда ҳаракат фаолияти таъқиб остига олингач, унинг аъзолари қўшни Тожикистон ва Афғонистонга қочиб кетган. Уларнинг аксарияти Тожикистонда «Бирлашган тожик мухолифати» тарафидан туриб фуқаролик урушида қатнашган. Бироқ Тожикистон ҳукумати ва мухолифат ўртасида ўрнатилган сулҳ шартнома шартларидан қониқмаган ҳаракат аъзолари 1999 йилнинг август

ойида шимолий Тожикистон ва жанубий Қирғизистон ҳудудлари-га бостириб киришган. 2002 йил декабрь ойида Қирғизистоннинг Бишкек шаҳрида, 2003 йил май ойида Ўшда бир қатор терактларни амалга оширишган.

Террорчилик ҳаракатларида иштироки. 1997-2001 йиллар мобайнида Ўзбекистон хавфсизлигига бевосита таҳдид солган. Жумладан, 1999 йил 16 февраль куни «Ўзбекистон ислом ҳаракати» томонидан Тошкент шаҳрида портловчи модда юклangan бир неча енгил автомашиналарни портлатиш усули билан террористик ҳаракати содир этилди. Оқибатда 13 нафар бегуноҳ инсонлар ҳаётдан кўз юмган, кўплаб фуқаролар жароҳат олган. Ҳукуқни муҳофаза қилувчи идораларнинг саъи-ҳаракати билан қисқа фурсат ичидаги террорчилик ҳаракатларини режалаштириш ва ижро этишда иштирок этган 20 нафардан зиёд жангарилар қўлга олиниб, 1999 йил июнь ойида суд хукми билан қонуний жазоланган.

1999 йилнинг 31 март куни эса бир гурӯҳ террорчилар Хоразм вилоятида йўловчилари бор автобусни гаровга олган. Гаровдагиларни озод этиш вактида уч нафар маҳсус бўлинма ходимлари ҳалок бўлган.

1999 йилнинг август ойида «Ўзбекистон ислом ҳаракати»нинг жангарилари Тожикистоннинг шимолий чегараларидан ўтиб, Қирғизистоннинг Ўш вилояти Боткент, Кадамжо, Чўн-Олай районлари ҳудудига бостириб кирган. Ҳукумат қўшинлари томонидан жангарилар октябрь ойида мамлакатдан сиқиб чиқарилган.

1999 йилнинг ноябрь ойида Тошкент вилоятининг Янгиобод шаҳарчаси атрофидаги тоғли ҳудудда «Ўзбекистон ислом ҳаракати»нинг 15 кишилик гурӯҳи республика ҳудудига суқилиб киришга ҳаракат қилган. Жангарилар қўриқхонада уларга тасодифан дуч келиб қолган тўрт нафар ўрмончини ваҳшийларча отиб ўлдирган. Маҳсус тадбир давомида террорчиларнинг барчаси йўқ қилинган.

2000 йилнинг август ойида «Ўзбекистон ислом ҳаракати» жангариларининг яхши куролланган катта гурӯҳи Тожикистон орқали Сурхондарё вилоятининг Сариосиё ва Узун туманларининг тоғли ҳудудларига бостириб кирган. Бир вақтнинг ўзида жангариларнинг бошқа йирик гурӯҳи Тожикистоннинг Ворух анклави орқали Қирғизистоннинг Боткен вилоятининг баланд тогли ҳудудда жойлашган Лайлак туманига кириб келган. Ўзбекистон ва Қирғизис-

тон қуролли кучлари томонидан ўтказилган маҳсус операциялар давомида босқинчи террорчи гурухлар йўқ қилинган.

2001 йил 11 сентябрь воқеаларидан сўнг 7 октябрда Афғонистонда АҚШ томонидан «Енгилмас эркинлик» номи остида ҳарбий операцияси бошланган. Кейинчалик мамлакатга тинчликка қўмаклашувчи халқаро кучлар – ISAF (International Security Assistance Force, БМТ Хавфсизлик Кенгашининг 20 декабрь 2001 йилдаги 1386-сонли қарори асосида фаолият бошлаган) киритилгандан сўнг, «Ўзбекистон ислом ҳаракати» жангарилари «Талибон» ҳаракати билан биргаликда халқаро кучларга қарши шимолий ҳудудда қуролли ҳаракат олиб борган. Шунингдек, гурух жангарилари 2004 йили Тошкент ва Бухорода, 2005 йили Андижонда, 2006 йилда қўшни Қирғизистон ва Тожикистонда террорчилик ҳаракатларини амалга оширишда иштирок этган.

Ҳаракатга муносабат. Бугунги кунда «Туркистон ислом ҳаракати» Марказий Осиё Республикалари, хусусан, Ўзбекистонда ижтимоий-сиёсий вазиятни издан чиқаришга қаратилган жиной фаолиятини давом эттиришга ҳаракат қилиб келмоқда. АҚШ Давлат Департаменти томонидан терророчи гурухлар рўйхатига киритилган.

Сўнгги йилларда «Туркистон ислом ҳаракати» талафотлар, структуравий ўзгаришлар, раҳбар аъзолар орасидаги йўқотишларга дуч келди. Ҳозирда гоявий тарғибот кучайтирилиб, босма ва электрон нашрлар тарқатилишига катта аҳамият берилмоқда.

Акромийлар.

Ташкилот номи. «Акромийлар» ҳаракати асосчисининг номидан келиб чиқкан. Шунингдек, «Акромийлар» ҳаракати «имончилар», «биродарлар», «халифачилар» деб ҳам аталган.

Асосчиси ва юзага келиши тарихи. Ҳаракат асосчиси Акром Йўлдошев (1963-2009) «жиходчилар»нинг Андижондаги ғоявий раҳнамоси Абдували Мирзаев шогирдларидан бўлиб, 1990 йилларда «Хизбут-таҳрир»нинг мамлакатимиздаги биринчи амири Абдурашид Қосимовдан сабок олган. Шу тариқа Акром Йўлдошев ҳизб аъзосига айланган. У «Хизбут-таҳрир» аъзолигидан то унинг сафидан чиққунга қадар ҳаракат таълимотига мослаша олмаган. Бунинг натижасида Акром Йўлдошев ҳизбчилар билан келиша олмай, ажралиб чиқкан. 1996 йилда Андижонда «Акромийлар» ҳаракатига асос солган.

Таңқилотнинг бош мақсади. Исломий бошқарув шаклидаги давлатни барпо этиш учун босқичма-босқич ҳаракат қилиш, аввал Фаргона водийсида халифалик тузуми ўрнатиш ва кейинчалик уни миңтақанинг бошқа худудларига ёйиш.

Таңқилот гоялари. «Акромийлар» вакиллари ҳозирги мусулмонлар, гўёки, куфр давлатида яшаётганини даъво қилиб, уларга намоз ҳам, рўза ҳам, закот ҳам, ҳаж ҳам фарз эмас, деган гояни илгари сурган. Ислом тарихидан маълумки, Макка даври, яъни Пайғамбар (алайҳис-салом) то Мадинага кўчиб ўтгунга қадар 13 йил давомида кишилар фақат Аллоҳ ва охиратга имон келтиришга даъват қилингандар. Намоз, рўза, ҳаж, закот каби ибодатлар Мадина даврида фарз бўлгани учун то ислом давлати қурилмагунча мазкур ибодатларни бажариш шарт эмас, деб қарайдилар. Ҳаттоқи, улар ўз жамоа аъзоларига «жоҳилият» даврида яшаётгандиги учун маст қилувчи ичимликларни ичиш ва чекишга ружсат берган.

Шундан келиб чиқиб, ҳаракатнинг гоявий дастури ҳисобланган «Имонга йўл» асарида Куръони карим 23 йил давомида ноzioniл бўлгани, мусулмонларнинг исломни аста-секин ўргангани, шу боис бугунги кунда ҳам жамият Куръондаги ҳукмларни чиқаришда тадрижий йўлни босиб ўтиши лозимлиги қайд қилинган. Лекин ислом уламолари бу борада аниқ мисоллар келтириб, ҳар қандай давлат ва ҳукумат қўл остида бўлишдан қатъи назар шариятнинг инсон шахсининг ўзигагина боғлиқ бўлган кўрсатмалари ҳеч қачон амалда тўхташи мумкин эмаслигини қайд этганлар.

Шунинг билан бирга, «Акромийлар» ҳаракати ҳозирги замондаги ҳеч бир давлатни «Ислом диёри» деб атаб бўлмаслиги, балки барча мамлакатларни «куфр диёри» – «дорул-харб», яъни «уруш майдони» деб эълон қилган. Бунинг ечими сифатида эса ҳаракат гояларига эргашишни тарғиб қилган.

2005 йил 12-13 май кундари Андижонда содир этилган террорчилик хуружлари олдидан, «Акромийлар» жамоаси масъуллари томонидан маҳсус варақа тайёрланиб, барча жамоа аъзолари орасида тарқатилган. Унда ташкилот асосчиси Акром Йўлдошев томонидан Куръони каримнинг «Саф» сурасидаги ояtlар жамоа манфаатларига мослаб шарҳланиб, гаразли мақсадларда талқин қилинган. Асосий эътибор мавжуд ҳокимиятга қарши қуролли курашга даъват қилиниб, бунинг оқибатида Акром Йўлдошев томонидан «... кураша беринглар, сизларга Аллоҳ ёр бўлсин», деб очик жиҳодга «фатво» берилган.

Ташкилоттинг назарий маңбалари. Акром Йўлдошев «илк диний сабоқлар»ини «Ҳизбут-тахрир» уюшмасида олганлиги боис, ўз шахсий таълимотини яратишда ҳаракаттинг назарий ва амалий фикрларидан йироқлаша олмаган. Шу боис, «Ислом низоми», «Иззат ва шараф сарии» ва «Халифалик» номли «Ҳизбут-тахрир» адабиётларидан фойдаланган ҳолда ўн икки дарсдан иборат «Имонга йўл» номли китоб ёзган. Секин-аста ўз атрофига хайриҳоҳ бўлган кишиларни йигиб, мазкур китоб асосида дарслар ташкиллаштирган ва «Акромийлар» жамоасини шакллантирган.

Фаолият услублари. «Акромийлар» ҳаракати сиёсий ҳокимиятга эришишнинг 5 та – «сири», «моддий» («иқтисодий»), «маънавий» («сиёсий»), «узвий майдон» ва «тўнтариш» («оҳират») босқичига асосланади. Сўнгги икки босқич жамият «исломлаштирилган»дан сўнг амалга оширилиши ва у орқали ҳокимиятни бутунлай эгаллаш режалаштирилган.

«Акромийлар» ўзаро алоқаларни мустаҳкамлаш мақсадида, тадбиркорлик билан шуғулланганлар ҳамда янги аъзоларни асосан қариндошлар ҳисобига ўзларининг савдо дўконлари, сартарошона, новвойхона, дурадгорлик, қандолатчилик, косибчилик ва мебель ишлаб чиқариш цехларига ишга жалб қилиш орқали кенгайтиришга ҳаракат қилганлар. «Акромийлар» янги аъзоларга эртаю кеч мавжуд тузумнинг камчиликлари, ўзларининг гўёки сиёсатдан йироқ, кичик бўлса-да, ҳақиқий «биродарлар жамоаси» муҳитининг «гўзал» жиҳатларини уқтириб бориш орқали руҳий таъсир ўтказишга ҳаракат қилганлар. Бунда улар ҳокимиятни қўлга олиш билан боғлиқ режаларини жамоанинг асосий қисмидан сир тутганликлари ҳамда янги тарафдорлар уларни сиёсатга алоқаси йўқ деб билганлари боис сингдирилаётган фикрларга кўнишиб бора-верганларини кўрсатади. Бу йўлдаги амалий даъват услуги бошқа мутаассиб кучлар ёндашувидан фаркли бўлиб, оммага мафкуравий тузоқ қўйишга асосланган.

Оқимнинг фоялари акс этган «Имонга йўл» номли китоб туфайли жамоа аъзолари «имончилар» деб номланган. Аммо оқимнинг айрим аъзолари ўзларига нисбатан «биродарлар» деган мурожатни афзал билган. Ундан ташқари, ушбу жамоа «Ҳизбут-тахрир» сингари халифаликни тузиш даъвосини илгари сургани учун «халифачилар» деб ҳам номланган.

Тузилиши. «Акромийлар» жамоасининг энг юқори бошқарув органи ижодий ҳалқа деб номланиб, у дастлаб бош умум руҳий масъул Акром Йўлдошевнинг буйруқ ва кўрсатмаларини амалиётга татбиқ этиб, ижросини назорат қилиш билан шуғулланган. Шунингдек, ижодий ҳалқага бўйсунувчи умумруҳий ва умуммоддий масъуллардан иборат аппарат ҳам шакллантирилган. Ушбу умумруҳий масъуллар ўз худудларида қуи руҳий ва моддий масъулларга ижодий ҳалқа томонидан буюрилган топшириқларни сўзсиз бажарилишини талаб қилган.

Ҳаракатнинг таркибий тузилиши пирамида шаклида бўлиб, дастлабки босқичда ҳар бир «восита»да, ўргача, 4-10 нафаргача ўкувчилар таълим олган. Маълум вақт тайёргарлик даври ўтгач, улар «биродар»лар ҳисобланган. Гурух фаолиятини «руҳий масъул» ва «моддий масъул»лар бошқариб, «руҳий масъул» «биродарлар»нинг диний тайёргарлиги, уларнинг шариат амалларига риоя қилиши ва ўзаро муносабатларини назорат қилган. «Моддий масъуллар» эса «воситалар» фаолиятидаги молия ишлари, маҳсулотлар таъминоти ва уларни сотиш масалаларига жавобгар ҳисобланган. «Восита»даги янги ва оддий аъзолар «итоатчилар» деб номланган. «Итоатчилар» «воситада»ги фаол ҳаракатга қўшилганидан сўнг «пешқадамлар» деб ном олган. Улар «сири» босқич асосида нафақат фикрий, балки зоҳирий хуфияликка ҳам алоҳида эътибор қаратган. Шунинг учун уларнинг беўхшов соқол қўймагани, ҳатто кунлик беш маҳал намоз, рўза амалларини доимий адо этмагани жамоанинг асл мақсадларини ёрқин намоён этмаган.

Молиявий манбалари. «Акромийлар» ўз даромадларининг 20 фоизини «байтулмол»га бериб келган. Жамоа фаолиятининг асосий ўзаги ҳам ўргадаги маблағларга бевосита боғлиқ бўлган. Ўз навбатида «байтулмол»да тўпланган пуллар ёрдамида воситалар кенгайтирилиб, янада кўпроқ кишиларни жалб этиш имконияти пайдо бўлган. Маълумотларга кўра, «Акромийлар»нинг биргина 2004 йилда «байтулмол»га ажратган маблағларининг ҳажми республикамиз бўйича ҳар ойда ўрта ҳисобда қирқ миллион сўмни ташкил этган. Шунингдек, «Акромийлар»ни молиявий жихатдан таъминлаш нафақат республикамиз худудидаги, балки чет давлатлардаги «воситалар» ёрдамида ҳам амалга ошириб келинган.

Ҳаракатга аъзолик. Жамоага аъзо бўлиш, асосан, тадбиркорлик ишлари асосида ташкил этилган хусусий фирма ва корхона-

ларга янги ишга кирган ходимлардан бошланган. Аксарият ишчи ва ходимлар ўз иш ўринларидан айрилмаслик нуқтаи назаридан жамоа тарафидан йўлга қўйилган дарсларда иштирок этишга мажбур бўлган. Муайян муддат давомида дарслардан гоявий таъсирланган ёшлар жамоанинг аъзолари бўлишга ўз ихтиёрлари билан рози бўлган. Жамиятни «исломийлаштириш» гояси билан сурорилган жамоа аъзолари алоҳида маҳаллаларга кўчиб ўтиб, ўзаро қудачилик муносабатлари билан ўзига хос «биродарлик» муҳитини яратишга ва шу тарзда мавжуд жамиятга, сиёсий тузумга нисбатан норозилик кайфиятини шакллантиришга уринганлар. Шунингдек, «Акромийлар» ёшлар учун спорт ва бошқа турли тўгаракларни ташкиллаштириш орқали уларни ўз сафларига қўшишга ҳам уринган.

Минтақадаги фаолияти. «Акромийлар» фаолияти Ўзбекистоннинг Андижон, Наманган, Фарғона вилоятлари, Тожикистоннинг Хўжанд вилояти, Киргизистоннинг Ўш ва Жалолобод вилоятларида қузатилган. Сўнгги вақтларда «Акромийлар»ларнинг минтақадаги фаолиятида сезиларли узулиш юзага келган. Ҳаракат аъзолари бир қатор европа давлатларида сиёсий қочқин сифатида яшаб келмоқда.

Террорчилик ҳаракатларида иштироки. 2005 йил 12-13 май кунлари Андижон шаҳрида «Акромийлар» оқими мавжуд конституциявий тузумни афдариш мақсадида кўплаб одамларнинг қурбон бўлишига ҳамда фуқаролар ва давлат мулкига катта зарар етказилишига олиб келган террорчилик ҳаракати содир этган.

Ҳаракатга муносабат. Ҳозирги вақтда Farbda «Акромийлар» янги диний-сиёсий групкалар таркибида фаолиятни давом эттироқда. Жумладан, оқим тарафдорлари Германиянинг Дюссельдорф шаҳрида 2009 йилнинг май ойида «Андижон – Адолат ва Тикланиш» ташкилоти ташкил қилган. 2011 йилда «Акромийлар» жамоаси ва уларга мойил бўлган «Андижон – Адолат ва Тикланиш», «Таняч» ташкилотлари ва «Эрю» партияси иштирокида «Ўзбекистон ҳалқ ҳаракати» номли уюшма тузилган. Ушбу ҳаракат аъзолари томонидан «козодлик», «эътиқод эркинлиги», «инсон ҳукуқлари» каби жозибали тушунчалар ишлатилиб, турли йўллар, масалан, интернет тизими орқали, асосан, юртимиз ёшларини ўз сафларига қўшишга ҳаракат қилмоқда.

Ал-Қоида.

Ташкилот номи. «Ал-Қоида» – «Бутунжаҳон яхудий ва христианларга карши кураш ислом жиҳоди фронти» бир қатор халқаро экстремистик ва террорчи ташкилотлар базасидан иборат. Мазкур ҳаракат асосан «ал-Қоида» деб юритилади. «Ал-Қоида» ташкилотининг бўлинма ва шаҳобчалари кўплаб мамлакатларда ҳозирги кунда ҳам фаолият олиб боради.

Асосчиси ва юзага келиш тарихи. Радикал «ислом» гояларига асосланган ушбу трансмиллий диний-сиёсий гурухнинг пайдо бўлишига Усома бин Лодин (1957-2011) раҳбарлигига Афғонистонда собиқ Совет армиясига қарши урушда иштирок этиш учун кўнгиллиларни ёллаш ва уларни қурол-аслаҳа билан таъминлаш мақсадида Покистон ҳудудида тузилган «Мактаб ал-хидмат» бюроси асос бўлиб хизмат қилган.

Усома бин Лодин «исломий жиҳод» гоясининг асосчиларидан бири бўлган Абдуллоҳ Аззам (1941-1989) билан танишиб, унинг шогирди ва ҳаммаслагига айланди. Усома бин Лодин Абдуллоҳ Аззамнинг гоявий тарғиботлари асосида 1979 йил Афғонистонга келди ва у ерда ўзининг жанговар фаолиятини бошлади. 1988 йилга келиб, ўз атрофига «маҳоратли» жангариларни тўплаган Усома бин Лодин, шу давргача мавжуд бўлган ислом ниқобидаги террорчи ташкилотларнинг таянч базасини яратиш мәқсадида «ал-Қоида» ташкилотини тузди.

1996 йилда «ал-Қоида»нинг асосий жанговар кучлари Афғонистоннинг «Талибон» ҳаракати назоратидаги ҳудудларга кўчиб ўтди. Айнан шу ерда, 1998 йилнинг февралида «ал-Қоида» етакчилигига «ал-Жамоа ал-исломия», «ал-Жиҳод» (Миср), «Жамаати уламе Покистон» («Покистон уламолари уюшмаси»), «Кашмир қўзғолончилари ҳаракати» (Хиндистон), «Жиҳод» (Бангладеш) ва «Талибон» ҳаракати вакиллари «Бутунжаҳон яхудий ва христианларга қарши кураш ислом жиҳоди фронти» («Яхудий ва салбчиларга қарши халқаро ислом фронти») уюшмаси тузилганини эълон қилишди. Ушбу уюшма номидан Усома бин Лодин Гарб давлатларига жиҳод эълон қилди.

Айман аз-Завоҳирий («ал-Жиҳод» ташкилоти етакчиси, Миср), Рифоий Аҳмад Тоҳа («ал-Жамоа ал-исломия» ташкилоти етакчиси, Миср) ва Покистонда фаолият олиб бораётган айрим экстремистик ташкилотларнинг раҳнамолари ушбу «фронт»нинг таъсисчилари хисобланади.

Ташкилотнинг дастлабки тузилмалари Фарб ва АҚШнинг глобал етакчилигига қарши кураш, исломнинг фундаментал асосларига қайтиш ва ягона «исломий халифат» қуришдек мақсадлар дастурига монанд равишида 1992 йилда Хартум (Судан)да қайта шакллантирилган.

Ташкилотнинг бош мақсади. Дунёвий давлат тузумларини ағдариб, шариатга асосланган ислом давлати куриш.

Ташкилот гоялари. Бутун дунё мусулмонларини ижтимоий, миллий ва давлат бошқаруви қандай бўлишидан қатъи назар «диний» бирлигини таъминлаш ҳамда уларнинг сиёсий жиҳатдан ягона «халифа» атрофида бирлашиш ғоясини илгари суради. «Ал-Қоида» фаолияти сохта салафийлик гоялари ва Сайид Кутбнинг китобларида баён қилинган тамойилларга асосланади. Шу билан бирга, ўз сафларига қўшилмаган мусулмонларни «такфир»да айблаб, уларга қарши «жиҳод» эълон қилган.

Фаолият услублари. «Ал-Қоида» ўз мақсадига эришишда қўпорувчилик, зўравонлик, ёлланма қотиллик, одамларни гаровга олиш, худкушлар тайёрлаш ва улар воситасида хунрезликлар уюштириш каби ҳаракатлардан фойдаланади. Манбаларда унинг ҳарбий лагерлари 2001 йилга қадар Афғонистон, Покистон, Сомали, Судан, Яман, Бангладеш каби қатор давлатларнинг тоғли худудларида фаолият кўрсатгани қайд этилади. Шунингдек, маълумотларга кўра, «ал-Қоида» террорчи ташкилоти ёш гўдаклардан иборат «Туйур ал-жанна» (Жаннат кушлари) ҳамда аёллардан ташкил топган «Ҳарим ал-Қоида» («ал-Қоида» аёллари) гурухларини ғаразли мақсадларда ташкил қилиб, улардан террорчилик актларини амалга оширишда фойдаланган. Бугунги кунда «ал-Қоида» ташкилоти ўз аъзолари сафини кенгайтириш мақсадида асосан интернет орқали фаолият олиб бормоқда.

Тузилиши. «Ал-Қоида» бошқа экстремистик ташкилотлар каби қатъий иерархия асосида тузилган бўлиб, унга «Мажлис аш-шўро» раҳбарлик қиласди. «Мажлис аш-шўро»га ҳарбий, молиявий, диний ва хукуқий, ахборот ва ташвиқот қўмиталари бўйсундирилган бўлиб, улар қуий погонадаги гурухлар фаолиятини бошқаради. «Ал-Қоида» асосчиси Усома бин Лодин 2011 йилда ўлдирилгандан кейин ташкилотга Айман аз-Завоҳирий бошчилик қилмоқда.

Молиявий манбалари. «Ал-Қоида» ташкилоти ўз фаолияти давомида босқинчилик, буюртма асосида қотиллик қилиш, товон ундириш, курол-яроғ ва гиёхванд моддаларнинг ноқонуний савдоси каби жиноий усуллардан фойдаланиб келмоқда. Шунингдек, араб давлатларининг айрим худудларида ташкилот томонидан кўплаб муассасалар ташкил этилган бўлиб, улар бугунги кунда ҳам фаолият олиб бормоқда. Мазкур муассасалар таркибига турли маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи, йўл қурилиш, банк иши, экспорт-импорт операциялари билан шуғулланувчи ва инвестициялар жойлаштириш каби бошқа молиявий даромад келтирувчи тармоқларни ҳам киритиш мумкин.

Ҳаракатга аъзолик. Маълумотларга кўра, 1989-2001 йиллар оралиғида «ал-Қоида»нинг Афғонистондаги ҳарбий машғулот лагерларида 25 мингдан 100 мингча бўлган жангарилар амалиёт ўтаган. Айнан мана шундай лагерлар Судан, Кавказ ўлкаси, Болқон худуди, Яқин ва Узоқ Шарқ мамлакатларида ташкил этилган. Ҳозирги кунда дунёning кўплаб мамлакатларида унинг бўлинмалири аниқланган. Шунингдек, «ал-Қоида» террорчилик ташкилоти, асосан, ёшларни айрим хориж мамлакатларида жойлашган террорчилар лагерларида ҳарбий тайёргарликлардан ўтказиб, ўз сафини кенгайтириб боради.

Террорчилик ҳаракатларида иштироки. «Ал-Қоида»нинг дастлабки фаол харакати 1992 йил куз фаслида кузатилган бўлиб, ташкилот жангарилари Сомалидаги бекарорликларнинг олдини олиш учун киритилган БМТ тинчликпарварлик кучлари таркибидаги АҚШ маҳсус кўшинларининг 18 ҳарбий хизматчисини ўлдиришди.

1998 йил 25 июнда «ал-Қоида» жангарилари Саудия Арабистонининг Даҳрон шаҳри ёнида жойлашган АҚШ Ҳарбий ҳаво кучларининг базаси олдида амалга оширган портлаш натижасида 19 киши ҳалок бўлиб, 300 дан ортиқ киши жароҳатланди.

1998 йил 7 августда «ал-Қоида» жангарилари бир вақтнинг ўзида Кениянинг Найроби ва Танзаниянинг Дорус-Салом шаҳарларида жойлашган АҚШнинг элчихоналари ёнида машиналарни портлатиши оқибатида 242 киши ҳалок бўлди ва 5000 га яқин одам жароҳат олди.

Ва ниҳоят, 2001 йилнинг 11 сентябрида Америка Кўшма Штатларида турли рейслар билан Нью-Йорк, Бостон ва Вашингтон

шахарларидан учган түрттә «Боинг-757» самолёти «ал-Қоида» гурхига мансуб 18 нафар террорчи томонидан эгаллаб олиниб, уларнинг иккитаси Нью-Йорқдаги Халқаро савдо маркази жойлашган «Эгизак» биноларга, биттаси эса АҚШ куролли кучлари штаби – Пентагонга йўналтирилди. Яна бир самолёт Пенсильвания штатидаги Шанксвилл районига қулаб тушди. Оқибатда 2974 киши ҳаётдан кўз юмди (шу билан бирга 18 та террорчи), 10 мингдан ортиқ киши жароҳатланди.

Умуман олганда, мавжуд маълумотларга кўра, «ал-Қоида» гурхига жангарилари Афғонистон (1992 йилдан), Сомали (1992–1993 йиллар). Босния ва Герцеговина (1992–1995 йиллар), Кашмир (1993 йилдан), Шимолий Кавказ (1995 йилдан), Косово (1999 йилдан.), Марказий Осиё (1999 йилдан), Покистоннинг Жанубий Вазиристон вилояти (2001 йилдан) ва Ирок (2003 йилдан) худудларида куролли тўқнашув ва террорчилик харакатларини амалга оширишда фаол иштирок этиб келмоқда.

2003 йил 13 ноябрда Туркияning Истанбул шаҳрида жойлашган икки Синагога (яхудийлар ибодатхонаси) ёнида портловчи моддалар билан тўлдирилган машиналар портлатилиб юборилган. Натижада 25 киши ҳалок бўлди ва 300 нафар шахс жароҳатланди.

2004 йилнинг 11 марта Мадрид (Испания)даги 4 та темир йўл бекатида умумий ҳисобда 6 та портлатиш амалга оширилди. Натижада, 200 га яқин киши ҳалок бўлди ва 1500 дан зиёд киши жароҳатланди. Полицияning тахминига кўра, портлашларни «ал-Қоида» гурхиги билан яқин алокада бўлган Марокашдаги радикал гурух амалга оширган.

2005 йил 7 июлда Буюк Британияning Лондон шаҳри метросида бир қанча террорчилик харакатлари амалга оширилди. Натижада, 56 киши қурбон бўлди ва 700 нафар киши турли даражада жароҳат олди.

2005 йил 5 ноября Иорданияning Аммон шаҳрида портлатишлар амалга оширилди. Бунинг оқибатида, 67 бегуноҳ инсон ҳаётдан кўз юмди ва 295 шахс жароҳатланди.

2009 йилнинг 7 декабрь куни «ал-Қоида» ташкилоти аъзолари Ироқнинг Богдод шаҳридаги мактаб ёнида бомба портлатиши оқибатида 12 нафар одам, шу жумладан, 6 нафар 6-12 ёшли гўдак ҳалок бўлган. Шунингдек, «ал-Қоида» жангарилари томонидан Афғонистон ва Покистон худудларида биргина 2009–2014 йиллар-

да мингдан зиёд мактаб вайрон қилинган. Шунинг билан бирга, Афғонистон ва Покистон худудидаги жангарилаарнинг энг мудҳиш жиноятларидан яна бири – ўсмир ёшдаги ўғил ва қиз болалардан худкуш операцияларда «тирик бомба» сифатида фойдаланишидир. Пировард натижада ушбу мамлакатларда минглаб болалар кўчага чиқишига кўрқиб, саводсиз бўлиб қолмоқда.

Ҳаракатга муносабат. 2001 йил сентябрь воқеаларидан сўнг Афғонистонда ўтказилган кенг кўламли халқаро аксилтеррор ҳаракати натижасида «ал-Қоида» жиддий талафот кўрган бўлса-да, у ўз фаолиятини янги шароитларга мослаштиришга интилмоқда. Жумладан, баъзи маълумотларга кўра, ташкилот асосий тизимларини эркин пуштун қабилалари яшайдиган Покистоннинг шимоли-гарбий ва Кашириларни баланд тоғли худудларга кўчиришга ҳаракат қилмоқда. Афғонистон, Сурия ва Ироқда АҚШ ҳарбийларига қарши урушларда фаол иштирок этиш баробарида, улардан ушбу худудлардан ўз кўшинларини олиб чиқишини талаб қилаётгани ташкилотнинг бугунги кундаги ўзига хос хусусияти ҳисобланади.

АҚШ Давлат Департаменти томонидан террорчи гуруҳлар рўйхатига киритилган.

Исломий жиҳод иттиҳоди.

Ташкилот номи. «Исломий жиҳод иттиҳоди» ёки «Ислом жиҳоди уюшмаси» (араб. – «Иттиҳад ал-эсихад ал-исламий», инглиз. – «Islamic Jihad Union» (IJU), рус. – «Союз исламского джихада») террорчи гуруҳи. Шунингдек, «Ислом жиҳоди», «Ислом жиҳоди – мужоҳидлар жамоати» номлари ҳам мавжуд.

Асосчиси ва юзага келиши тарихи. «Исломий жиҳод иттиҳоди» гуруҳига авваллари «Туркистон ислом ҳаракати»нинг аъзоси бўлган Нажмиддин Жалолов (ўзини «амир» деб эълон қилган, унинг лақаби Абу Яҳъё Муҳаммад Фотих) томонидан 2001 йилда асос солинган. У 2009 йилнинг 14 сентябрида Покистоннинг Мир-Али шаҳри яқинида АҚШ ҳаво кучларининг аксилтеррор ҳужуми натижасида бир қанча жангарилаар билан бирга ўлдирилган.

Мутахассислар «Исломий жиҳод иттиҳоди» гуруҳининг «Туркистон ислом ҳаракати»дан ажралиб чиққанини эътироф этишади. Бунга молиявий масалалар, стратегия ва мақсадлар бўйича «Туркистон ислом ҳаракати»нинг раҳбари билан бир гуруҳ жангарилаар ўртасида ихтилофнинг юзага келиши асосий сабаб бўлган.

Ташкилотнинг бош мақсади. «Исломий жиҳод иттиҳоди» ҳаракати «жиҳод» йўли билан амалдаги дунёвий конституцион тузумни ағдариб ташлаб, «исломий давлат» қуришни мақсад қилган.

Фаолият услублари. «Исломий жиҳод иттиҳоди» ўз мақсадини амалга оширишда Афғонистон, Покистон ва Кавказдаги халқаро террорчи гурӯҳ ва ташкилотлар («кал-Қоида», «Талибон», «Кавказ муроҳидлари» ва бошқ.) билан мустаҳкам алоқалар ўрнатган. Гурӯҳнинг асосий кучлари Покистоннинг Хайбар-Пахтунва ва Жанубий Вазиристон ҳудудларида жойлашган.

Ташкилотнинг янги аъзолари Қозогистоннинг Жанубий Қозогистон вилоятида жойлашган маҳфий хонадонларда бирламчи тайёргарлик ўтганидан сўнг қўшни мамлакатлар орқали Жанубий Вазиристонга (Покистон) олиб чиқилган. Бу ердаги жангарилар лагерларида қўпорувчилик ва экстремистик тарғибот ишлари ўргатилгач, яширин йўллар билан террористик ҳаракатлар содир этиш учун Марказий Осиё мамлакатларига юборилган.

«Исломий жиҳод иттиҳоди» ўзининг тарғибот ишларини кенг миқёсда олиб бориш мақсадида «Бадр ат-тавҳид» медиа-агентличини ташкил қилган. Шунингдек, ўзбек (лотин ва кирилл алифбосида) ва рус тилларида жамоанинг сайти ҳам фаолият олиб боради.

Молиявий манбалари. Ҳозирда «Исломий жиҳод иттиҳоди» «кал-Қоида» каби террорчи ташкилотлар, шунингдек, Афғонистон, Туркия ва Саудия Арабистонидаги айрим ҳомийлар томонидан ажратилган маблаглар ҳисобидан молиялаштирилаётгани ҳақида маълумотлар учрайди.

Ҳаракатга аъзолик. «Исломий жиҳод иттиҳоди» террорчи гурӯҳи ўз сафларини ўтган асрнинг 90-йилларида ота-оналари билан Ўзбекистонни тарқ этган жангариларининг ўсмир ёшдаги фарзандларидан фаол фойдаланиш ҳисобига тўлдирилмоқда. Гурӯҳ аъзоларига дастлаб диний мутаассиб гоялар сингдирилади. Сўнг ҳарбий амалиётлар ўргатилиб, жанговар тайёргарлик (эъдод) ниҳоясига етказилади. Таълим ва эъдод босқичлари тугагач, террорчилик лагерларига «жиҳод» килиш учун юборилади.

Минтақадаги фаолияти. «Исломий жиҳод иттиҳоди» Қирғизистон, Қозогистон, Тожикистон ҳудудларида жойлашиб, Ўзбекистонга қарши қўпорувчилик ҳаракатларини амалга оширишган. Ўзбекистон ҳудудида террорчилик хуружларини ташкил этишга Аҳмад Бекмирзаев ва Жакшыбек Боймирзаев каби «Туркистон

ислом ҳаракати»нинг етакчи жангарилари бошчилик қилган. 2000 йилларнинг бошида жангариларининг асосий қисми Покистонга олиб ўтилгандан сўнг «ал-Қоида» томонидан «Ислом жиҳоди иттиҳоди» раҳбарларига Марказий Осиёда тарафдорлар сафини кенгайтириш юзасидан кўрсатма берилган.

Террорчилик ҳаракатларида шитироки. Ушбу гурух «ал-Қоида» ташкилоти билан Афғонистонда, «Талибон» ҳаракати билан Покистонда ва Ўзбекистонда бир қатор қўпорувчилик ҳаракатларини содир этган. Шу билан бирга, 2007 йилда террорчилик ҳаракатига тайёргарлик вактида гурух аъзоларидан 4 нафари Германияда қўлга олинган. Улар томонидан Германиянинг Франкфурт Ҳалқаро аэропорти, АҚШнинг ҳарбий базалари ҳамда Ўзбекистон ва Американинг элчиноналарига хужум уюштирилиши режалаштирилган эди.

Таъкидлаш лозимки, 2004 йилда «Исломий жиҳод иттиҳоди» томонидан Ўзбекистонда илк бор ҳудкуш-террорчилар томонидан Тошкент шаҳри, Тошкент ва Бухоро вилоятларида ўзини портлатишлар амалга оширилди. Террорчиликнинг янги усусларига мурожаат қилиш кузатилган. Оқибатда 28 қиши ҳалок бўлиб, элликдан зиёд қиши жароҳат олган. Жиноятчиларни қўлга олиш вактида отишма ва баъзи террорчилар ўзини портлатиб юборишлиари оқибатида 33 нафар жангари ўлдирилган. Террорчилардан кўп миқдорда курол-аслаҳа, ўқ-дори ва ясама модда олинган.

2009 йилнинг 26-27 май кунлари «Исломий жиҳод иттиҳоди» жангарилари томонидан Андижон вилоятининг Пахтаобод тумани ва Андижон шаҳрида террорчилик ҳаракатлари, жумладан, ҳудкуш-террорчилик амалга оширилган. Шунингдек, 2009 йилнинг ёз фаслида улар томонидан Тошкент шаҳри, Қашқадарё ва Тошкент вилоятларида давлат ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимлари ва диний уламоларга нисбатан суиқасдлар уюштирилиши натижасида 3 қиши ҳалок бўлган, 24 фуқаро турли даражада тан жароҳати олган.

Ҳаракатга муносабат. «Исломий жиҳод иттиҳоди» террорчи гурухи 2005 йил 1 июндан БМТнинг 1526-сонли Резолюциясининг 1 ва 16-бандларига мувофиқ, ҳалқаро террорчи ташкилотларнинг рўйхатига киритилган. Шунингдек, ташкилот 2005 йилда Қозогистонда, 2006 йилда Россияда, 2008 йилда Қирғизистонда террористик ташкилотлар рўйхатига киритилган.

«Исломий жиҳод иттиҳоди» бугунги кунда «Интернет» тармоғи орқали тарғибот ишлари ўтказиш ва меҳнат мигрантлари ичидаги ёллаш ишлари ўтказиш каби усуллар билан ўз сафини янги жангарилар билан тўлдиришга ҳаракат қилмоқда.

Лашкари тойба

Ташкилот номи. «Лашкари тойба» (Тақвадорлар армияси) 2002 йилдан «Лашкари тойба»нинг фаолиятига тақиқ қўйилгач, ўз номини «Жамоати даъва»га ўзгартирган ва асосий фаолиятини хайр-эҳсон ишларига қаратган.

Асос солиниши ва юзага келиши тарихи. 1987 йили Ҳофиз Муҳаммад Саид томонидан Афғонистоннинг Кунар вилоятида асос солинган. 2001 йилгача ташкилотнинг штаб квартираси Покистоннинг Лаҳор вилоятида, АҚШда содир этилган 2001 йил сентябрь воқеаларидан кейин Музаффарободга кўчирилган. Айрим манбаларда, «Лашкари тойба» Покистон маҳсус хизматлари билан алоқадор экани қайд этилади. Уларнинг фикрича, ўтган асрнинг 80-йилларида Афғонистондаги совет армиясига қарши курашиш учун Покистон маҳсус хизматлари томонидан бу ташкилотга асос солинган. Бундан ташқари, ташкилотнинг дастлабки мақсади Ҳиндистондан Кашмир ўлкасини ажратиб чиқариш бўлган.

Ташкилотнинг бош мақсади. «Лашкари тойба» ташкилотининг асосий мақсади Ҳиндистондан Кашмир ўлкасини ажратиб олиш ҳисобланади. Шунингдек, Жанубий Осиё, Россия ва Хитойнинг бир қисмини ўз ичига олган худудда «ислом халифалиги»ни куриш ҳисобланади. Бундан ташқари, Покистон атрофида жойлашган мусулмон ўлкаларини бирлаштириш ҳам уларнинг асосий мақсадларидан ҳисобланади.

Тузилиши. Ташкилот асосчиси Ҳофиз Муҳаммад Саид ҳозирда «Лашкари тойба»нинг сиёсий каноти бўлмиш «Жамоати даъва»га раҳбарлик қиласи. У Лаҳорнинг Технология университетида ислом асослари фани ўқитувчisi бўлган. Ҳофиз Муҳаммад ўтган асрнинг 80-йиллари бошларида Саудия Арабистонида таълим олган. Ўша йиллари у Афғонистонда собиқ совет қўшинларига қарши курашни молиялаштириб турган шахслар билан яқин алоқа ўрнатган.

Молиявий манбалари. Маълумотларга кўра, «Лашкари тойба» ташкилоти 1989 йили ташкил топган «ад-Даъва ал-иршод» маркази базасида шаклланган бўлиб, у «ал-Қоида»нинг собиқ раҳбари Усо-

ма бин Лодин томонидан молиялаштириб борилган. Шунинг учун ҳам «қад-Даъват ал-иршод» маркази «ал-Қоида»нинг Покистондаги шаҳобчаси деб юритилган. Покистонда 1992 йили «ал-Қоида» кўмагида 190 дан ортиқ турли диний иншоатлар қурилиб, Марказ ихтиёрига топширилган. «Лашкари тойба» мужоҳидлари бир-бирини кунялар билан номлашади. Усома бин Лодинни улар шайх Абу Абдулла деб аташган.

Террорчилик ҳаракатларида иштироки. «Лашкари тойба» 1993 йилдан бўён ҳарбийлар ва тинч аҳолига нисбатан бир қатор терактларни амалга оширган. Жумладан, 2001 йил декабрь ойида Ҳиндистон парламентига хужум, 2005 йил октябрь ойида Нью-Дехлида, декабрда эса Банглордаги теракт, 2006 йил июль ойида Мумбайдаги бир неча йўловчи поездларга хужум уюштирилган. 2008 йил ноябрь ойида Мумбайдаги жамоа томонидан содир этилган терактлар натижасида 195 киши вафот этган, юзлаб инсонлар турли даражада тан жароҳати олган.

Ҳиндистоннинг иқтисодий пойтахти бўлмиш Мумбай шаҳридаги терактда террорчилар 9 та объектга хужум қилган. «Тож-Маҳал палас», «Оберой Трандент» меҳмонхоналари, Кама госпитали, Нариман хаус, Леопольд кафеси, Метро-синема, Шимолий Хавъерадаги коллеж шулар жумласига киради.

Ҳаракатга муносабат. «Лашкари тойба» Жанубий Осиёдаги энг катта ва энг фаол террористик ташкилот саналади. 2001 йил декабрь ойида «Лашкари тойба» АҚШ Давлат Департаменти томонидан террорчи гурухлар рўйхатига киритилган. Ҳозирда унинг фаолияти Ҳиндистон, Буюк Британия ва Европа иттифоқи давлатлари, Россия ҳамда Австралияда ҳам тақиқланган. 2008 йил Мумбайдаги содир этилган терактда алоқадорлиги аниқланган, «Жамоати даъва»нинг фаолияти ҳам тақиқланди.

“Ислом давлати”

Ташкилот номи. «Ироқ ва Шом ислом давлати» – (қисқача ИШИД, ҳозирда ўзини «Ислом давлати» деб номлаган) салафий-жиҳодий йўналишидаги террористик куролли гурух. Асосан, Ироқ ва Сурия худудида фаолият олиб бормоқда.

Асосчиси ва юзага келиши тарихи. Гуруҳнинг ташкил топишида «ал-Қоида» ташкилоти муҳим ўрин тутган. Дастреб, 2004 йилда ҳалқаро миқёсдаги террорчи Абу Мусъаб Зарқовий Ироқда «Тавҳид ва жиҳод ҳаракати»ни тузади ва «ал-Қоида»нинг Ироқда-

ги бўлими сифатида фаолият олиб боради. Ироқдаги ҳаракат доирасини кенгайтириш мақсадидә кенг кўламли ишлар олиб борилади. Кейинчалик, унга «Жайш ал-фотиҳин», «Жайш ас-саҳоба» каби бир қатор террорчи гурухлар қўшилиши натижасида Зарқовий 2006 йилда Абдуллоҳ Рашид Бағдодий бошлиқ «Мужоҳидлар маслаҳат кенгаши» тузилганини эълон қиласди. Бунинг натижасида Яқин Шарқдаги бир неча террорчи гурухларни бирлаштирган ташкилот 2006 йил 15 октябрда «Ироқ ислом давлати» номи остида Ироқда ташкил топади ва унга Абу Умар Бағдодий исмли шахс раҳбарлик қиласди.

2010 йил 19 апрелда Абу Умар Бағдодий ўлдирилгандан сўнг гурухга Абу Бақр Бағдодий етакчилик қиласди. Суриядаги кече ётган можароларга мустақил армия сифатида келиб қўшилгандан сўнг, 2013 йил 9 апрелдан бошлаб ташкилот «Ироқ ва Шом ислом давлати» (ИШИД) деб номланди. «Ал-Қоида» ташкилоти «ИШИД»нинг Суриядаги можароларга аралашганидан сўнг, 2014 йил февраль ойида мазкур ташкилотнинг «ал-Қоида»га алоқаси йўқ деб баёнот берди. 2014 йил 29 июнда ташкилот раҳбарлари томонидан Ироқ ва Шом (Сурия) ҳудудида халифалик тузилгани ва Абу Бақр Бағдодий халифа экани эълон қилинди. Кейинчалик, «ИШИД» ўзини «Ислом давлати» деб номлади.

Ташкилотнинг бош мақсади. Ислом «халифалиги»ни қайта тиклаш ва ислом шариатини амалга татбиқ этишдан иборат. Бу йўлда Ироқ, Сурия мамлакатлари негизида сунний мусулмонларнинг ягона давлати «халифалик»ни барпо этиб, босқичма-босқич Яқин Шарқ ва Шимолий Африка мамлакатлари ҳисобига кенгайтиришни эътироф этади.

Ташкилот гоялари: «ИШИД»нинг асосий гоялари қўйидагилардан иборат:

- дунёвий-маърифий йўлни тутган мусулмон давлатларининг тузум шаклларини куфр, деб эълон қиласди;
- маълум давлат, ўлкада яшовчи оддий мусулмонларни кофирга чиқармасликни эълон қиласа-да, лекин уларни турли айловлар билан қатл этишни ҳалол, деб ҳисоблайди;
- ташкилотга қарши чиққан мусулмонларни ҳам ўлдириш мумкин, деб ҳисоблайди;
- ширк кўринишлари, унга олиб борувчи воситаларни йўқ қилиш гоясини илгари суреба, мақбараларни бузиш, қадимий ёд-

горликларни ташкил этувчи ҳайкаллар, археологик топилмаларни йўқ қилишга чақиради;

– мусулмон жамиятларидағи мусулмон бўлмаганлар зиммасига «жизя» тўлаш вожиб, деб ҳисоблайди;

– факат жиҳод орқалигина кофиirlар устидан галаба қозониш мумкин, деб ҳисоблайди.

Фаолият услублари. Ҳозирги кунда «ИШИД» томонидан бошқарув ўрнатилган ҳудудларда на исломий ва на инсоний тамоилилларга тўғри келадиган қонунлар жорий қилинмоқда. Жумладан, христиан дини вакилларини «зиммий» ҳукмида ҳисоблаб, улардан «жизя» солигини мажбурлаб ундириш, уларга хоч осиб юрмаслик, ибодат вақтида овоз кучайтиргичлардан фойдаланмаслик, уларнинг бузилган черковларини қайта тиклашга изн бермаслик, ибодатларини ошкор қилишга йўл қўймаслик каби тақиқлар белгилаб қўйилган. Шунингдек, ҳар қандай мусиқий дисклар ёки мусиқа асбларини сотиш ҳам ман этилган. Диний тоқатсизлик, аёллар ва болалар ҳуқуқларининг поймол этилиши, тараққиёт ютуқларидан юз ўгириш, оддий инсонлар ҳаётига тажовуз қилиш авжига чиқмоқда. Ҳаттоқи, мусулмон аёлларга нисбатан эса ўта мутаассибона ҳукмлар жорий қилиниб, уларни бузганларга ўрта аср жазо методлари қўлланмоқда. Бундан ташқари, «ИШИД» маҳсус кийимини кийиш вожиб, киймаганга дарра урилади.

«ИШИД» ўз мақсадларини амалга ошириш учун замонавий ахборот коммуникацияларидан кенг фойдаланиш, интернет орқали турли тилларда тарғибот олиб бориш ва пухта ишланган стратегия асосида виртуал жамоатлар тузиш асосий вазифага айланган. Айниқса, ёшлар орасида мутаассибликка йўғирилган бундай форумларнинг тобора оммалашуви муаммонинг нақадар жиддий эканини намоён этади.

Ҳозирги кунда «ИШИД» Ироқнинг шарқида жойлашган Диёл вилоятидан Сурия шимолидаги Ҳалаб шахригача бўлган ҳудудни эгаллаган. Мазкур ҳудудда 5-6 миллион аҳоли яшайди.

«ИШИД» Ироқнинг баъзи қисмларини эгаллаган бўлса-да, бутун ҳудуд бўйлаб ҳужумлар уюштиради. Лекин Ироқнинг суннийлар яшайдиган олти вилояти гурухнинг асосий фаолият олиб борадиган ерлари ҳисобланади.

Гурух Сурияда Риққа, Ҳалаб вилоятлари, Лазиқийя шахри атрофи, Дамашқ атрофи, Дијр аз-Зур, Ҳимс, Ҳама, Ҳаска, Идлибда хукмронлигини ўрнатган.

2014 йил ноябрь ойида «ИШИД» раҳбари Абу Бакр Багдодийнинг баёнотига кўра, Саудия, Миср, Яман каби давлатлардан тарафдорлар келиб, уларга байъат қилиши натижасида, тез фурсатда унинг сафлари кенгайиб кетди.

Тузилиши. Абу Бакр Бағдодий қўл остидаги миңтақаларни бир гурух ёрдамчилари орқали бошқаради. Улар тўлақонли бир хукумат тарзида ишлаб, икки йўналишида: ҳарбий ҳаракатлар ва аҳоли билан кундалик ишларни олиб бориш йўналишларида иш олиб боради.

Манбаларда қайд этилишича, Абу Бакр Бағдодийнинг икки нафар асосий ёрдамчиси бор. Булар: Абу Али Анборий бўлиб, у ҳаракатнинг Суриядаги ҳарбий ҳаракатларини бошқаради. У Саддам Ҳусайн армиясида собиқ генерал бўлган. Иккимчиси, Абу Муслим Туркмоний бўлиб, у Ироқ армиясида етакчи разведка мутахассиси бўлган.

Молиявий манбалари. Расмий баёнотларда айтилишича, ташкилот ҳозирги кунда дунёдаги энг бой террористик ташкилотлардан бирига айланган. Унинг асосий молиявий манбалари қуидагилардан иборат:

- босиб олинган ҳудудларда қўлга киритилган нефть хомашёсини ноқонуний йўллар орқали сотиш;
- гуруҳ назорат қилаётган ҳудудда яшайдиган миллионлаб аҳолидан йигиб олинаётган соликлар;
- гуруҳ томонидан босиб олинган ҳудудларда жойлашган турли обьектлардан тушган маблағлар;
- гаровга олинган одамларни озод қилиш эвазига йиғилган маблағлар;
- гуруҳ томонидан босиб олинган ҳудудларда истиқомат қилаётган бошқа дин вакилларига ўлим таҳдиidi остида ундирилаётган «жизя» (солик) тўловлари.

Маълумотларга кўра, Мосул шаҳридаги Марказий банкдан ҳаракат аъзолари 500 миллиард Ироқ динорини қўлга киритган. Нефть сотищдан кунига 1 миллион долларгача фойда олаётгани таҳмин қилинмоқда. Шунингдек, «ИШИД» тасарруфида Ироқ ва Сурия армиясидан олинган бир қанча танклар, куроллар, зирҳли техника ва бошқа ҳарбий воситалар бор.

Халқаро коалиция кучларининг мунтазам равишида Ироқ ва Суриядаги ҳарбий амалиётлари натижасида «ИШИД» бир қанча

жудудларни қўлдан бой берди. Шунингдек, «Жабҳатун нусра» (бир неча номини ўзгартирган) номли жангари гуруҳ билан ўзаро зиддиятлар юзага келиши оқибатида, кўплаб қуролли кучларидан айрилди.

2017 йилнинг бошларида бошлаб, ёппасига, Афғонистон худудига кўчиб ўтиш бошланди. У ерда «Талибон» ҳаракати билан келишмовчиликлар, «Туркистон ислом ҳаракати»нинг байъат бериши миңтақада «ИШИД»нинг эътибори кучайиб бораётганини кўрсатмоқда.

Террорчилик ҳаракатларида иштироки. Ташкилот томонидан 2013-2014 йиллар мобайнида 10 мингдан зиёд террорчилик ҳаракатлари содир этилган, худкуш террорчилар томонидан 100 дан зиёд портлашлар амалга оширилган. Сурияда «ИШИД» жангарилиари 60 дан зиёд черков ва монастирни вайрон қилишган. 2014 йил 14 июнь куни Ироқнинг Мосул шаҳридаги «Ал-Исрө» масжиди ёнида ташкилотга қўшилишдан бош тортган 12 нафар диний уламо намойишкорона қатл этилган.

Ҳаракатга муносабат. БМТ Хавфсизлик кенгаши маълумотларига кўра, дунёдаги энг хавфли ҳисобланган «ал-Қоида» фанолигининг камайиши унданда кучлироқ террорчилик ташкилотлари, хусусан «Ироқ ва Шом ислом давлати»нинг пайдо бўлишига сабаб бўлган.

2014 йилнинг 3 июлида Дунё мусулмон уламолари кенгаши ташкилоти «Ислом давлати» эълон қилган «халифалик»ни кескин қоралаб, уни шаръян ботил деб фатво берди. Фатвода ислом таълимотига кўра қандайдир алоҳида фирмә ва оқимлар ўзбошимчалик билан «халифалик»ни эълон қилиш хуқуқи берилмагани таъкидланган.

Мусулмон олимларининг «ИШИД» тўғрисидаги фикрлари:

Саудия муфтыйси Шайх Абдулазиз Оли Шайх:

«Ер юзини бузадиган, экину наслларни ҳалок қиладиган экстремистик фикрлар, мутаассиблик ва террорнинг Исломга ҳеч қандай алоқаси йўқ. Балки бу асл Исломнинг йўклиги. Мусулмонлар бу ишларнинг энг биринчи қурбонларидир. Булар мусулмонларни коғирга чиқаргани учун Исломдан биринчи чиққан хорижийларнинг давомчиларидир».

Ал-имом ал-акбар, шайхул Азҳар Аҳмад Тоийиб:

«Ироқ ҳалқи ироқликлар қони тўқилишининг олдини олиш учун барча кучлар ва томонларни бирлаштиришга жуда муҳтож»,

деб Ироқдаги турли гурухлар, шуларнинг бошида «ИШИД»нинг бегуноҳ инсонларнинг ўлдирилишини, номусларнинг топталишини, масжидларнинг ўқса тутилишини қоралади. Яна таъкидлади-ки: «Куролли гурухлар Исломга нисбат бераётган ўлдириш ва бузгунчиликларни Ислом рад этади. Ислом улардан поко».

Катта уламолар ҳайъати аъзоси Аҳмад Умар Ҳошим:

«ИШИД» аъзолари шу асрнинг хаворижлари дир. Чунки уларда Расууллоҳ (алайҳис-салом) айтиб кетган сифатлар топилади. Ана шу сифатлардан бири динда чукур кетишли дир. Улар шаръий илмларни яхши билишмайди. Илмни амалибор олимлардан олишмаган. Ишончли олимларга мурожаат қиласдан, ўзларининг янглиш тушунчаларига суюнишади. Шунинг учун, ўзлари ҳам адашдилар, бошқаларни ҳам адаштиридилар. Улар ихлосли олимларни ҳам коғирга чикаришади, фақат ўзларини ҳақ деб биладилар».

Аҳмад Маъбад, Аэҳари шариф ҳадис олимлари устози:

«Улар ўзларига қўшилмаган мусулмонларни коғирга чиқариб, уларни ўлдиришни ҳалол санаш билан Аллоҳ таолонинг «Кимдаким қасддан бир мўминни ўлдирса, унинг жазоси жаҳаннамда абадий қолишдир. Яна унга Аллоҳ ғазаб қилгай, лаънатлагай ва унга улкан азобин тайёрлаб қўйгай» оятини унтишади. Мана шу уларни энг ёмон кимсалар бўлишига олиб келди».

Миср муфтийси Шавқий Аллом:

«ИШИД» Исломнинг барча қадриятларига, шариатнинг катта мақсадларига қарши чиқди. Умумбашарий қадриятларни эса қўяверинг».

Демак, бутун дунё мусулмон уламолари ҳам «ИШИД»нинг фаолиятини танқид қилиб, унинг фаолияти, тарғиб этажётган ғоялари ислом таълимотларига зид экани ва уни тан олиб бўлмаслигини таъкидламоқдалар.

Вилояти Хуросон

Ташкилотноми. «Вилояти Хуросон» (Хуросон вилояти). «Ислом давлати»нинг Хуросон вилотидаги қаноти ҳисобланади.

Асосчиси ва юзага келиши тарихи. 2014 йилда Мұҳсин ал-Фазл томонидан 2014 йилда асос солинган. Ташкилотнинг асосини “ал-Қоида”нинг собиқ жангарилари ташкил қилади.

Ташкилотнинг бош мақсади. «Ислом давлати» ташкилотининг байроби остида «Ислом халифалиғи»ни қайта тиклаш ва ислом шариатини амалга татбиқ этишдан иборат.

Ташкилот гоялари.

«Ислом давлати»нинг асосий гоялари «Вилояти Хуросон» ташкилотининг ҳам гоялари ҳисобланади:

- дунёвий-маърифий йўлни тутган мусулмон давлатларининг тузум шаклларини куфр, деб ёълон қилади;
- маълум давлат, ўлкада яшовчи оддий мусулмонларни кофирга чиқармасликни эълон қилса-да, лекин уларни турли айловлар билан қатл этишни ҳалол, деб ҳисоблайди;
- ташкилотга қарши чиққан мусулмонларни ҳам ўлдириш мумкин, деб ҳисоблайди;
- ширк қўринишлари, унга олиб борувчи воситаларни йўқ қилиш гоясини илгари суреб, мақбараларни бузиш, қадимий ёдгорликларни ташкил этувчи ҳайкаллар, археологик топилмаларни йўқ қилишга чақиради;
- мусулмон жамиятларидаги мусулмон бўлмаганлар зиммасига «жизя» тўлаш вожиб, деб ҳисоблайди;
- фақат жиҳод орқалигина кофирлар устидан галаба қозониш мумкин, деб ҳисоблайди.

Фаолият услублари. Айни дамда, «Ислом давлати»нинг янги шакли сифатида гавдаланаётган «Вилояти Хуросон» гурухи ташкилотининг кун сайи афғон заминига ўрнашиб бораётгани кузатилмоқда. «Вилояти Хуросон» террорчи гурухи «Ислом давлати»нинг Афғонистон ва қисман Покистонда фаолият олиб борувчи қаноти ҳисобланиб, 2014 йилнинг охириларида Ироқ ва Суриядан маҳсус вазифа билан келган 70 нафар жангари томонидан асос солинган. 2015 йилнинг 26 январида «Ислом давлати» кўмандонларидан бири Абу Муҳаммад ал-Адноний Афғонистондаги мужоҳидларнинг бир гурухи «Ислом давлати»га байъат берганини ва ислом давлатининг чегаралари Хуросон вилояти ҳисобига кенгайганини эълон қилди. Хоғиз Хон Саид “Хуросон волийси” сифатида тайинланган.

2015 йилнинг августида «Туркистон ислом ҳаракати»нинг афғон гурухлари «Ислом давлати»га байъат бергандан сўнг, «Вилояти Хуросон»нинг аъзолари сони сезиларли даражада ошди. Мазкур кўшилишдан сўнг Афғонистоннинг Забул минтақасида «Туркистон ислом ҳаракати» ва «Толибон» ҳаракати ўртасида тўқнашувлар, Толибларнинг «Туркистон ислом ҳаракати»га қарши олиб борган ҳарбий амалиётлари оқибатида «Ислом давлати»нинг Забулдаги ҳумронлигига нукта қўйилди.

Кейинроқ, 2016 йилда «Вилояти Хуресон»нинг Нангархор минтақасидаги йўқотишларидан сўнг гуруҳ бир мунча заифлашиб колди. Бироқ, мутахассислар хозирда унинг қайта жонланадиганини таъкидламоқда.

Молиявий манбалари. «Вилояти Хуресон» ҳаракати асосан «ал-Қоида» ва «Ислом давлати» ташкилоти томонидан молиялаштирилади. Шунингдек, айрим манфаатдор давлатлар ёки Яқин Шарқ ва Farb давлатларидаги баъзи жамғармалар томонидан мақсадли равишда ажратиладиган маблағлар ҳам асосий ўринни эгаллади.

Ҳаракатга аъзолик. «Вилояти Хуресон»нинг таркибида Покистон ва Афғонистон давлатлари худудидаги лагерларда «ал-Қоида» томонидан тайёрланган ва ундан ажралиб чиқсан жангариilar кўпчиликни ташкил этади. Шунингдек, Сурия ва Ироқ худудларидан сиқиб чиқариёттаган жангариilar ташкилотга келиб қўшилмоқда.

Террорчиллик ҳаракатларида иштироки. Маълумотларга кўра, «Вилояти Хуресон» 3 мингдан 10 минггача жангариilarга эга. Улар Тожикистон чегараларида ҳарбий тайёрғалик олиб боради. «Толибон» ҳаракати билан кичик тўқнашувлар бўлиб турибди.

Ҳаракатга муносабат. 2017 йил ноябрда АҚШ Давлат Департamenti томонидан «Вилояти Хуресон» ташкилотини террористик ташкилотлар рўйхатига киритди.

Хулоса ўрнида шуни қайд этиш жоизки, юқорида номлари зикр этилган экстремистик ва террорчи уюшмаларнинг ҳозирги кундаги фаолиятида ўз мақсадларини амалга ошириш учун асосан замонавий ахборот коммуникацияларидан кенг фойдаланиш, интернет орқали турли тилларда таргибот олиб бориш ва пухта ишланган стратегия асосида виртуал жамоатлар тузиш асосий вазифага айланган. Айниқса, ёшлар орасида мутаассибликка йўғрилган бундай форумларнинг тобора оммалашуви муаммонинг нақадар жиддий эканини намоён этади.

Аслида, бу бузгунчи оқимларнинг асл мақсади дин байроғи остида талончилик ва босқинчилик, террорчиллик ва қўпорувчилик ҳаракатларини содир этиш, жамиятга ҳар томонлама зарар етказиш орқали кишилар, айниқса ёшлар орасида миллатлараро ва динлараро адсоват, миллатчилик ва диний айрмачилик кайфиятларини шакллантиришдан иборат экани ҳеч ким сир эмас.

Назорат саволлари

1. Экстремизм ва терроризмнинг Марказий Осиёда намоён бўлишининг ўзига хос ҳусусиятлари нималарда кўринади?
2. Диний экстремистик ҳаракатлар томонидан Марказий Осиё минтақасига нисбатан қандай ғаразли мақсадлар кўзланган?
3. Марказий Осиёда фаолият юритишга интилаётган қандай диний экстремистик ташкилотлар мавжуд?
4. Минтақада фаолияти кузатилган террорчи гурухларнинг фаолият услублари, ташкилий тузилмасининг ўзига хос жиҳатлари ҳақида нималарни биласиз?

6-мавзу: Ислом асосларини ғаразли мақсадларда бузиб талқин қилиш: моҳият ва мақсадлар

Режа:

- Ислом асосларини ғаразли мақсадларда бузиб талқин қилиш: моҳият ва шакллар*
- Соф исломий тушунчалар: аслият ва талқинлар ("такфир", "жисход", "шаҳидлик", "ҳисорат", "мазҳабсизлик")*

Таянч сўз ва иборалар: қуфр, тақфир, жисход, ҳисорат, шаҳидлик, мазҳаб, мазҳабсизлик, Ином Абу Ҳанифа, Ином Молик, Ином Шофеий, Ином Аҳмад

Ислом асосларини ғаразли мақсадларда бузиб талқин қилиш: моҳият ва шакллар. Ислом динида зўравонлик, экстремизм ва терроризмнинг ҳеч бир кўринишига, яъни зулм қилиш, кўркув солиш, тинч аҳолини ваҳимага тушириш, уларнинг моли ва жонига тажовуз қилишга асло йўл кўйилмайди. Инсон ҳуқуқлари, ҳаёти, дини, оиласи ва молини ҳимоя қилиш ҳам ислом таълимотининг асосини ташкил этади.

Пайғамбар (алайҳис-салом) шундай дейди: “Биронтандигиз, зинҳор ўз биродарига қурол билан ишора қилмасин (ўқтамасин), чунки, у билмайдики, шаттон уни қўлини бузили мумкин (яъни унинг қалбига васваса солили орқали мусулмонга қаратма ўқ оттириши мумкин). Оқибатда эса у одам дўзах чоҳига қулайди”.

Бир инсоннинг қони, обрўси ва молига тажовуз қилиш ислом динида ҳаром қилинган. Бу ҳақда Расууллоҳ (алайҳис-салом)нинг видо ҳажида “Эй одамлар” деб бошланадиган ва бутун башариятга қаратилган қуйидаги гаплари тасдиқ бўла олади: “Албатта, сизларинг қопларингиз, молларингиз ва обруларингиз ўзларингиз учун худди шу кунингиз, шу ойингиз ва шу шаҳрингиз каби ҳурматлидир. Шу ерда ҳозир бўлган киши ҳозир бўлмаганиларга етказсан”. Ушбу сўзлар билан бутун инсоният ўзаро тинч-тотув яшашга, бошқаларга нисбатан адолат ва шафқатли бўлишга чақирилади. Зеро, инсон ҳаёти Яратган томонидан берилган буюк неъмат бўлиб, у тинчлик мавжуд ерда қарор топади.

Лекин экстремистик ва террорчи ташкилотлар ўзларининг ғаразли мақсадларидан келиб чиқиб, ислом таълимотининг айрим форя ва тамойиллари мазмун-моҳиятини бир ёқлама, нотўғри

талқин қилиб, одамларни түгри йўлдан адаштиришга уринмоқда. “Биз ислоҳотчилармиз” дея даъво қилаётган бундай оқимлар ўзларининг қарашлари ва амалиётига қўшилмаганларни “адашгандар”га чиқармоқда. Натижада мусулмон бўлмаган мамлакатлар ахолиси ўртасида исломни “ёвузлик салтанати” ва таҳдид манбаи сифатида қабул қилинишига, “исломофобия” (“исломдан қўрқиш”, “даҳшатга тушиш”)нинг турли кўринишлари пайдо бўлишига ҳам замин яратмоқда. Бундай ёндашув ва талқинлар жамиятдаги ижтимоий бирликка таҳдид солиши, ички парокандаликни келтириб чиқариши мумкинлигини англаш қийин эмас.

“Осонлаштиринг, қийинлаштируманг! Қизиқтиринг, бездирманг!”

Ҳадисдан

Диний экстремистик оқимлар ўзларининг манфур ниятлари ва амалиётларини оқлаш мақсадида ислом номи билан турли “фатволар” бермоқда. Бундай ҳаракатлар ислом уламоларининг кўрсатмаларини инкор қилишдан тап тортмайдиган, диний бирлик, ақидавий яқдилликка реал таҳдид тутдирувчи гурухлар учун ғоявий замин яратмоқда. Аллоҳнинг бузғунчилликни севмаслиги, бундай ҳаракатлар ислом дини таълимотига мутлақо зид экани Куръон оятларида, ҳадисларда, уламоларнинг фикрларида келтирилган. Хусусан Куръони каримнинг “Бақара” сураси 11-12 оятларида шундай дейилади: “Уларга: “Ер юзида фасод (бузғунчилик) килмангиз!” – дейилса, улар: “Албатта, биз чин ислоҳчилармиз”, – дейдилар. Огоҳ бўлинингки, айнан уларнинг ўзлари бузғунчилардир, лекин (буни ўзлари) сезмайдилар”. Ҳадисларда ҳам “Сендан маслаҳат сўраган кишига тўгри (йўл) кўрсат, акс ҳолда, унга хиёнат қилгани бўласан” ҳамда “Яхшиликка улдовчи одам, яхшилик қилгани кабидир”, деб таъкидланган. Шунингдек, Имом Ғаззолий айтадилар: “Диний мутаассиблар диндан фойдаланган ҳолда кишиларга ҳужум қиласидиган катта йўлдаги қароқчилардир”. Яъни уларнинг ўзлари турли ихтилофлар ва бузғунчиликлар қилиб, мусулмонлар ўртасидаги бирлик ва яқдилликка, жамият тараққиётига зарар етказмоқдалар.

Воқелик шуни кўрсатмоқдаки, Ер юзининг турли нукталарида давлатга қарши тарғибот олиб бориш, жамият асосларини, мамлакатдаги тинчлик ва тартибни, мавжуд тузум ва бошқарув тизимини

издан чиқаришда ҳам ислом дини ғояларини гаразли талқин этиш услугидан фаол фойдаланилмоқда.

Соф исломий түшунчалар: аслият ва талқинлар. Жаҳолат, ҳаддан ошиш ва гулувга кетиш, фирмә ва ҳизбларга бўлиниш, фитна ва хиёнат ҳам замонавий экстремизмнинг асл қиёфасини намойиш этувчи хусусиятлардан ҳисобланади. Қасам ичириб, унга қаттий риоя қилишни талаб этиш, зулм ва зўравонлик, маънавий-рухий босим ва тазиик ўтказиш билан инсон иродасини синдириш ва берилган кўрсатмани сўзсиз ижро этишга тайёр манкуртга айлантириш услублари ва технологияларини такомиллаштириб бораётгандар эса мутаассиб кучларнинг ўз ниятлари йўлида ҳар қандай разил ишлардан тап тортмаслигидан далолат беради.

Ушбу бўлимда экстремистлар ўзларига байроқ қилиб олган баъзи ғоялар ва тамоиллар тизимли таҳлил қилиниб, уларнинг ислом таълимоти асосларига мутлақо зидлиги бирламчи манбалар – Куръони карим оятлари, ҳадислар, машхур уламоларнинг фикрлари ҳамда бошқа манбаларга таянган ҳолда очиб берилади.

Аввало, имон инсон қалби билан боғлиқ бўлиб, у ихтиёрийлик асосида қабул қилиниши лозим. Исломнинг биринчи аркони ҳисобланган имонни мажбуран, куч билан сингдириб бўлмайди. Шу билан бирга, инсон имонни қалбан тасдиқ этганини, яъни имонли эканини билиш илми факат Аллоҳга хос. Бу борада бир инсоннинг бошқаларни имонсиз, яъни кофир деб хукм чиқариши қаттиқ қайтарилган амаллардандир.

Шунга қарамай, замонавий сохта салафийлар такfir масаласида ҳаддан ошиб, ҳар қандай гуноҳ содир этган мусулмонни кофирликда айблашдан тортинмайдилар.

Маълумки, «куфр» сўзи «беркитмок», «яширмок» деган маъноларни англатади. Шунингдек, «куфр»нинг «кофир бўлмок», «динсиз бўлмоқ» каби маънолари бўлиб, у имоннинг акси ҳисобланади. Қалбida умуман имони бўлмаган шахс эса «кофир» дейилади⁹. Ином Фаззолий «куфр»га таъриф бериб: «Расулуллоҳ (алайхис-салом) олиб келган нарсани ёлгонга чиқаришдир», деганлар¹⁰.

⁹ Қаранг: Юсуф Қарзовий. Зохират ал-гулув фи-т-такfir. – Қохира: Мактабат Вахба, 1990. 26-28-бетлар.

¹⁰ Файсалу-т-тафрика байна-л-ислам ва-з-зацдака. – Дамашқ, 1993. 25-бет.

“Бирор мўминни коғирликда айблаган киши уни ўлдиргандек (гунохга мубтало) бўлади”.

Ҳадисдан

Қалбидা имони бор одамни куфрда айблаш ва унинг қонини тўкишни ҳалол санаш мўътабар манбаларда қатъий далиллар асосида тақиқланган. Жумладан, Куръони каримда: “Эй имон келтирганилар! Аллоҳ йўлида сафарга чикқанингизда, аниқ иш тутингиз! Сизларга салом берган (ёки таслим бўлган) кишига бу дунё матохини (ўлжани) кўзлаб: «Мўмин эмассан», – демагиз!...» (*Niso*, 94) дейилади. Бу оят тафсирида муфассирлар «Сизларга мусулмонлигини билдирган кишига мўмин эмассан, деб адоват қилманг» деганлар.

Кимки, мусулмон эканини тил билан айтиб турса, шунинг ўзи мусулмончилигига кифоя қиласи. Бу ҳақида Усома ибн Зайд (р.а.) дан ривоят қилинган ҳадис ҳам кучли далил бўлиб хизмат қиласи: «Расууллоҳ (алаиҳис-салом) бизларни Жуҳайнадан бир қабилага юбордилар. Биз уларни сувларигача қувиб бордик. Мен ва ансорлардан бир киши улардан бир кишини қувиб етиб, қуршаб олганимизда «La ىلاٰچا ىللالوҳ», деди. Анзорий ундан қўлини тортди. Мен эса, уни наизам билан яралаб ўлдиридим. Мадишага келиб, бу хабар Набий соллааллоҳу алаиҳи васалламга етганида, менга «Эй Усома, сен уни «La ىلاٰچا ىللالوҳ», деганидан сўнг ўлдиридингми?» дедилар. Мен: «Ё Rasuуллоҳ, бу уни ўзини сақлаши учун айтди», дедим. У киши: «Уни «La ىلاٰچا ىللالوҳ», деганидан сўнг ўлдиридингми?» деб тақрорлайвердилар. Ҳатто мен (пушаймон бўлиб) ўша кунгача мусулмон бўлмаган бўлсайдим, дедим»¹¹.

Бундан ташқари агар бир мусулмон киши иккинчи мусулмонни куфрда айбласа, унинг имонига путур етиши ҳақида қатъий огоҳлантирилган. Жумладан, Имом Бухорийдан ривоят қилинган ҳадиси шарифда: «Киши бошқа бир мусулмонни коғир ёки фосиқ деса, агар шу нарсалар унда топилмаса, айтган инсоннинг ўзи коғир ёки фосиқ бўлади»¹², дейилган. Ҳадис мазмунидан кўриниб турибдики, мўмин инсонни куфрда айблаш айловчининг имонини дарз кетишига олиб келади.

¹¹ Саҳихи Бухорий, 6509-ҳадис.

¹² Саҳихи Бухорий, 71-ҳадис.

Шу боисдан ҳам имон тушунчасини ёритган етук уламоларимиз масалага ўта эхтиёткорлик билан ёндашиб, имон масаласидаги ҳар қандай тортишув ва даҳанаки низолардан ўзларини четда сақлашга ҳаракат қилганлар.

Бугунги кунда эса ўзларига «олимлиқ» нисбатини берувчи айрим экстремистик оқим вакиллари, жумладан, сохта салафийлар томонидан бу каби тушунчаларни нотўғри талқин этиш натижасида мусулмон жамиятларида турли ихтилоф ва низолар келиб чиқаётгани, сир эмас. Улар кишилар хатти-ҳаракати ва дин арконларини бажариш чогида кузатилиши мумкин бўлган жузъий камчиликлар туфайли мусулмонларни «ислом динидан чиққан», «муртад», «кофир» каби юки оғир гуноҳлар билан айбламоқдалар.

Ваҳоланки, Пайғамбар (алайҳис-салом)дан бизгача этиб келган бир қанча саҳих ҳадисларда инсоннинг гуноҳи сабабли диндан чиқмаслиги қаттиқ таъкидланган. Жумладан, Имом Абу Довуддан ривоят қилинган ҳадисда Мұхаммад (алайҳис-салом): «Уч нарса имоннинг аслидир: «Ла илаха иллаллоҳ» деган кимсага тегмаслик, гуноҳи туфайли уни куфрда айбламаслик, амали туфайли уни исломдан чиқармаслик»¹³, деган эдилар. Бундан кўриниб турибдики, инсон гуноҳ иш содир этиб, фосиқ бўлиши мумкин, лекин мусулмончиликдан чиқмайди.

Бу ҳақида ҳанафий мазҳаби асосчиси, буюк Имом Абу Ҳанифа (р.ҳ.) ҳам «ал-Фикҳ ал-акбар» китобида: «Бирор мусулмонни қилган гуноҳи туфайли кофирга чиқармаймиз, гарчи у гуноҳи кабира бўлса ҳам. Башарти уни ҳалол деб эътиқод қилмаган бўлса, ундан имон исмини ҳам олиб ташламаймиз, уни ҳақиқий мўмин деб атайдерамиз. Уни фосиқ мўмин деб аташ мумкин, фақат кофир деб эмас»¹⁴, деган эдилар.

Мотуридийлик ақидасига кўра, гуноҳи кўп киши ҳам гуноҳи кам киши ҳам имон сохиби эканлиги Қуръон ва сунна асосида ишлаб чиқилган муҳим эътиқодий масаладир.

Демак, бир инсон зоҳирида «Ла илаха иллаллоҳ» деган калимаи шаҳодатни айтиб, ўзини мусулмон эканини изҳор қилса, унинг гуноҳи ва қилаётган амалидан қатъи назар у мусулмон саналади. Чунки имон қалбга оиддир. Қалб ичидагини билиш имкони фақат Аллоҳга хосдир.

¹³ Суннани Абу Довуд, 2213-ҳадис.

¹⁴ Имом Аъзам. Ал-Фикҳ ал-акбар. – Тошкент: «Тошкент ислом университети» нашиёр-матбаа бирлашмаси. 2006. 12-бет.

Мусулмонларни куфрда айблаш мусулмон жамиятларида бүгүн пайдо бўлган ҳолат эмас. Бундай аянчли амалиёт ҳазрати Али (р.а.) халифалик даврларининг сўнгида юзага келган хорижийлар фаолиятида авжига чиқсан эди. Бу тоифа вакиллари инсонлар ўртасида фитна келиб чиқшига сабаб бўлувчи турли саволлар билан мусулмонларга мурожаат этар, ўзлари учун мақбул жавобни бермаганларни «коғир» дея эълон қилишарди.

Шунингдек, улар гуноҳ содир этган ёки диний амалларни бажаришда камчиликларга йўл қўйган мусулмонни куфрда айблаб, уни ўлдиришни мубоҳ санашган эди. Хавориж ёки хорижий номи айни шу бузғунчи оқимга нисбатан айтилса-да, кўплаб дин уламолари илми оз бўлса-да, бугунги кунда ўзини доно санаб, ўзидан бошқа мусулмоннинг имонига шубҳа билан қарайдиган айрим тоифаларни ҳам «замонамиз хорижийлари», деб атамоқдалар.

Пайгамбаримиз Мұхаммад (алайхис-салом) ҳам келажакда бўладиган бундай қабихликни илоҳий башорат асосида англаб етган ҳолда мусулмонларни бу каби ишлардан қайтарган эдилар. Жумладан, Имом Термизий Абдуллоҳ ибн Масъуд (р.а.)дан ривоят қилган ҳадисда шундай дейилади:

«Мұхаммад (алайхис-салом):

«Охир замонда бир қавм чиқади. Уларнинг ёшлиари кичик, ақллари паст. Куръонни қироат қитулар. У (Куръон қироати) уларнинг бўғзидан нарига ўтмас. Улар одамларнинг энг яхши гапларини сўзлайдилар. Диндан худди камондан ўқ чиққандек чиқарлар», дедилар¹⁵.

Шу мазмундаги яна бир ҳадисда айтилишича, Али ибн Абу Толиб Ямандан Расулуллоҳ (алайхис-салом)га бир бўлак тилла юборди. Мұхаммад (алайхис-саллом) уни Уйна ибн Бадр, Ақрағ ибн Ҳобис, Зайд Хойл ва Алқама ибн Улосага тақсилаб бердилар. Шунда бир киши бундай тақсимотдан норози бўлиб: «Эй Расулуллоҳ, Аллоҳдан кўркинг», деб юборди. У зот: «Шўринг қуригур, мен ер юзи аҳлининг Аллоҳдан кўрқинига энг ҳақлироги эмасманмі?!» – дедилар. Ҳалиги одам орқасига бурилиб кетди. Шунда Холид ибн Валид Расулуллоҳдан уни жазолашга изн сўраган эди, Расулуллоҳ: «Йўқ, балки у намоз ўқир», дедилар. Холид ибн Валид деди: «Қанчадан қанча намоз ўқийдиган одамлар борки, тили билан қалбида

¹⁵ Сунани Термизий, 2208-ҳадис.

бўлмаган нарсани сўзлайди». Шунда Расууллоҳ (алайхис-салом): «Мен одамларнинг қалбларини тешиб кўришига ва қоринларини ёриб кўришига буюршмаганиман», дедилар¹⁶.

Бу ҳадиси шарифда ҳам имон қалбга боғлиқ амал экани, шунингдек инсоннинг қилаётган иши оғир гуноҳ бўлса-да, у инсоннинг куфрига далолат қилмаслиги кўриниб турибди. Агар мўминнинг гуноҳи туфайли диндан чиқиши ҳукм қилинганида эди, Аллоҳнинг пайғамбарини «адолатсиз» деб гумон қилган киши энг аввалгилардан бўлиб, куфрда айбланган бўлар эди. Вахоланки, Пайғамбар (алайхис-салом) у кишини «коғир бўлди» демадилар, балки «Мен одамларнинг қалбларини тешиб кўришига ва қоринларини ёриб кўришига буюршмаганиман», деб умматларга имон қалбга боғлиқ ва дахлсиз эканини таълим бердилар.

Бундан ташқари, мусулмонни куфрда айблаш оғир гуноҳ экани, ҳатто бу иш уни ўлдиришга тенг маъсият амаллардан бўлишини «Бирор мўминни коғирликда айблаған киши уни ўлдиргандек (гуноҳга лубтало) бўлади»¹⁷ деган ҳадис мазмунидан ҳам билиб олиш мумкин.

Аммо шу билан бирга, кўплаб оят ва ҳадисларда инсон бирор амални қилган ёки қилмаганилиги учун коғир бўлиб қолишидан огоҳлантирилади. Жумладан, «...Аллоҳ нозил қилган нарса (оятлар) билан ҳукм қилмаганлар – ана ўшалар коғирлардир» (*Моуда*, 44). Бу оят хусусида буюк саҳобий Ибн Аббос (р.а.)дан нақл қилинадики, Аллоҳнинг ҳукмларидан бирортасини инкор этмай иқрор ва тасдиқ этган ҳолда уларга мувофиқ ҳукм қилмаса, коғир бўлмайди, балки гуноҳкор бўлади.

Бундан ташқари, Пайғамбаримиз (алайхис-салом)дан ҳам зоҳиран қараганда баъзи амалларни қилиш куфрга сабаб бўлиши ҳакида бир қанча ҳадислар етиб келган. Жумладан, Мухаммад (алайхис-салом) айтадилар: «Биз билан у (мулоғиқ)лар ўртасидағи аҳд – намоздир. Ким уни тарқ қиласа коғир бўлибди»¹⁸. Яна бир ҳадисда эса, Расууллоҳ (алайхис-салом): «Аллоҳ таоло бандаларга беш вақт намозни фарз қилди. Уларни адo этган ва зое қилмаган киши учун Аллоҳнинг ҳузурида уни жаиннатга киритши аҳди бордир. Уларни адo этмаган кишилар учун Аллоҳнинг ҳузурида аҳд

¹⁶ Саҳихи Муслим, 1839-ҳадис.

¹⁷ Саҳихи Бухорий, 5776-ҳадис.

¹⁸ Муснади Имом Аҳмад, 22492-ҳадис.

иүүкдир. Аллоҳ хоҳласа уларни жазолайди, хоҳласа жасаннатига киригади»¹⁹.

Дастлабки ҳадисда келганидек, намозни тарк этиш диндан чиқарувчи куфр бўлганида, иккинчи ҳадисдаги Аллоҳ хоҳласа, намозни зое қилган инсонни ҳам жаннатга киритиши мумкинлиги ҳақидаги хабар келмаган бўларди. Ёки бўлмаса Мұхаммад (алайхис-салом): «Мусулмонни сўкии фосиқлик, у бишап уруши қилиши куфрудир»²⁰, дея мусулмонларни ўзаро урушсалар коғир бўлиб қолишидан огоҳлантирганлар. Ҳадиснинг зоҳирий маъносидан ўзаро жанжаллашган, урушган икки мусулмон диндан чиқиб қолишини англаш қийин эмас. Аммо Қуръони каримда Аллоҳ таоло: «Агар мўминлардан икки тоифа ўзаро урушиб қолсалар, дархол улар ўртасини ислоҳ этингиз!... Албатта, мўминлар (динда) ўзаро биродардирлар. Бас, сизлар икки биродарингиз ўртасини тузатиб қўйингиз ва Аллоҳдан қўрқингиз, шояд, раҳм қилинсангиз», (*Хўжсурот*, 9-10), деб ўзаро урушган икки мусулмонларни «коғир» деб эмас, «мўмин» деб атамоқда.

Бунга ўхшашиб яна кўплаб ҳадислар сахиҳ тўпламлардан ўрин олган. Жумладан, «Ким фолбинга ёки қоҳинга борса ва унинг айтган гапини тасдиқласа, шубҳасиз, Мұхаммадга тушган нарсага коғир бўлибди»²¹, «Ким Аллоҳдан ўзга ила қасам ичса, батаҳқиқ коғир бўлибди»²², «Мендан кейин бир-бирингизнинг бошишгизни оладиган коғир бўлиб кетмангиз!»²³. Бу каби ҳадисларни ўрганган мухаддис олимлар улардаги «коғир бўлибди», «биздан эмас» сингари сўзларда зажр, яъни қўрқитиш маъноси борлиги, ҳадисда қайтарилган амални қилган инсон мусулмончиликдан чиқмаслиги, балки оғир гуноҳкор бўлишини таъкидлаганлар.

Ўрта Осиёлик машхур фақих ва мутакаллим Абул Юср Паздавий (1030-1099) юқоридаги каби ҳадисларни таҳлил этиб, шундай хулоса беради, яъни куфрға нисбат беришга далолат қиласидиган ҳадислардан ўша ишни қилиб, тавба қилмаса, шу ҳолатда Аллоҳнинг азобидан омонда бўлмайди, деб тушунилади²⁴. Чунки бошқа ҳа-

¹⁹ Сунани Ибн Можа, 1404-ҳадис.

²⁰ Сахихи Бухорий, 48-ҳадис; Сахихи Муслим, 126-ҳадис.

²¹ Муснади Имом Аҳмад. 9378-ҳадис.

²² Муснади Имом Аҳмад. 5917-ҳадис.

²³ Сахихи Бухорий, 120-ҳадис.

²⁴ Қаранг: Абул Юср Паздавий. Усул ад-дин / Х.Петерленс нашрға тайёрлабан. – Кохира: Мактаба Азҳарий ли-т-туроc, 2003. 152-153 бет.

дисларда гуноҳи қабира қилган мўмин мусулмон барибир жаннатга докил бўлиши зикр этилган, яъни унинг ҳукми Аллоҳга ҳавола, хоҳласа кечиради, хоҳласа гуноҳига яраша жазо бериб, сўнг жаннатга киритади.

Имом Бухорий ва Муслим томонларидан ривоят қилинган ҳадисда Расууллоҳ (алайхис-салом): “*Қимки, ихлос билан Лашлаҳа иллашюҳ деса жаннатга киради*”, деб марҳамат қилдилар. Машҳур саҳобий Абу Зар Гифорий 3 марта “*Зино қилса ҳам, ўғрилик қилса ҳамми?*”, деб сўрайверди. Шунда Расууллоҳ (алайхис-салом): *Зино қилса ҳам, ўғрилик қилса ҳам, гарчи бу Абу Зарга ёқмаса ҳам*”, дедилар²⁵. Аммо “*Зинокор зино қилаётганда мўмин бўлмайди*”, деган ҳадис ушбу юқоридаги ҳадис билан биргалиқда ўрганилади ҳамда “*бирор гуноҳ учун мўмин бўлмайди*” деганда, ҳакиқатда диндан чиқкан деб ҳисобланмайди. Бунга яна бир далил сифатида фақиҳлар томонидан мўминларни бирор гуноҳлари туфайли диндан чиқкан деб, белгиланмаганини зикр этиш ўринли. Балки диндан чиқкан киши ўзи аниқ тарзда эътироф этиши лозим бўлган ҳамда панд-насиҳатларни узоқ муддат давомида қабул қилмагандан кейингина мусулмончиликдан чиқкан, деб ҳисобланган. Яъни ўзи икror бўлиши шарт бўлган. Бу борада ҳадисда келган مۇمن (мұйыни) сўзини машҳур фақиҳ Абул Юср Паздавий охиратда Аллоҳ мағфират этмаса, азобдан омонда бўлмайди, кутулмайди, деб шарҳлайди. Яъни инсон тавба қилиб бу каби гуноҳ ишларни зинҳор қилмаслиги зарурлигини таъкидлайди²⁶.

Яна бир мовароуннаҳрик уламо Абу Шакур Солимий Кеший (XI аср) эса: «*Кимки намозни қасдан тарқ этса, коғир бўлибди*» ҳадисидан Аллоҳга коғир бўлишни эмас, балки куфрони неъмат, яъни «*ношукрлик қилибди*» маъноси иродатдан қилинган. Бунинг мисоли Сулаймон (алайхис-салом) қиссасида зикр қилинган, яъни «...Бас, унинг (тахтнинг) ўз ҳузурида турганини кўргач, деди: «*Бу Раббимнинг шуқр қиласманни ёки ношукрлик қиласманни, имтиҳон қилиш учун берган фазлидандир...*» (*Намл*, 40). Шу ўринда «*ношукрлик қиласманни*» сўзи Куръонда «*куфр келтираманни*», «*қинкор этаманни*» тарзида келганини таъкидлаш ўринли. Пайгамбарлардан куфр бўлишини ақл бовар қилмайди. Бундан

²⁵ Сахих Бухорий. 5379-ҳадис; Сахихи Муслим, 138-ҳадис.

²⁶ Абул Юср Паздавий. Усул ад-дин / X. Петерланс нашрга тайёрлаган. – Кохира: Мактаба Азхарийя ли-т-турас, 2003. 152-153 бет.

юқоридаги ҳадисдаги «коғир бўлибди» калимасидан куфрони неъмат, яъни ношукрлик маъноси ирода қилингани маълум бўлади» – деб таъкидлайди²⁷.

Ақида уламолари шунга ўхшаш эътиқодий қоидалардан келиб чикқан холда куфрни эътиқодий куфр ва амалий куфр, деб иккига ажратадилар. Бунга сабаб юқоридаги каби оят ва ҳадисларда қайсиdir амални бажариш ёки бажармаслик оқибатида мусулмончиликдан чикиб қолиш билан кўрқитилган ўринларнинг барчасида ҳам мусулмон одам чин маънодаги коғир бўлиб қолавермайди.

Агар шариатда мусулмон одам катта гуноҳ қилгани учун аниқ коғир бўлиши белгиланганида эди, ўша гуноҳкор бандага диндан қайтган (муртад) киши учун белгиланган жазо тайин қилиниши зарур бўлар эди. Жумладан, хотини билан никоҳи бузилади, меросдан маҳрум бўлади, агар у вафот этса, жаноза ўқилмайди, мусулмонлар қабристонига кўйилмайди ва бошқа чоралар назарда тутилган. Шу муносабат билан юқоридаги ҳадисларни тушунишда бошқа ҳадислардан ҳам фойдаланилади.

Диндан қайтганлар ҳақида тўхталадиган бўлсак, шуни алоҳида қайд этиш лозимки, Пайғамбар (алаҳис-салом) ҳаётлик чоғларида уларни жазолаганлари ҳақида маълумотлар келмаган. Ваҳоланки, У зот ким муноғиқ, ким муртад эканини аниқ билганлар. Бир неча одам ўзларининг олдида диндан қайтганларини эълон қилган. Лекин шунда ҳам уларга чора кўрмаганлар.

Ўз даврининг етук уламоси Ибн Нужайм ал-Ҳанафий ал-Мисрий (ваф. 970/1563 й.) ақидавий ва фикҳий масалаларни атрофлича ўрганиб, «Агар бир масалада коғир дейиш учун тўқсон тўққизта далил бўлса-ю, коғир демаслик учун биргина далил бўлса, тўқсон тўққизни кўйиб, ўша бир далилни олиш керак. Аммо динда ҳаддан ошиб, гулувга кетганларни бу масалада «мўмин дейиш учун тўқсон тўққизта далил бўлса-ю, коғир дейишлик учун биргина далил бўлса, тўқсон тўққизни кўйиб, ўша бир далилни олиш керак», дейишга бориб етдилар. Бу эса, барча исломий мазҳаблар ва уламоларнинг тутган йўлига тескаридир», дейди.

Агар инсон амалий куфр эмас, эътиқодий куфрга кетганида ҳам уни диндан чиққанлигини аниқлаштиришнинг ўзига хос қоидалири ўрнатилган. Тарихий манбаларга кўра, бирор кимса куфрга да-

²⁷ Абу Шакур Солимий. Ат-тамҳид фи баёнит тавҳид / Таржимон ва изоҳлар муаллифи Соатмурод Примов. – Тошкент: Мовароунаҳр, 2014. 172-бет.

лолат қилувчи хатти-ҳаракатни амалга оширса, у албатта, гувоҳлар иштирокида қозига олиб борилган ва ундан қилган иши, айтган гапи ҳақида сўралган. Мабодо, сўроқ қилинувчи айтган гапидан тонса, кофирлигига ўз сўзи билан икрор бўлмаса, унга нисбатан жазо белгиланимаган ва бу унинг тавбаси ҳисобида қабул қилинган.

Агар куфрда гумонланаётган кимса бирор оятни нотўғри таъвил қилган ёки билмасдан куфрга олиб борувчи сўз айтган ёхуд хатти-ҳаракатни содир этган бўлса, у ҳолда унга бу ҳақида тушунтирилган ва хушёр бўлишга чақирилган. Агар айбланувчи қилган ишининг моҳиятини тўлиқ англаб етган ҳолда бажарган бўлса ва муртад бўлганини қози ҳузурида ўзи ҳам тан олса, уни тавба қилишга даъват қилинган.

Бу ҳолатлар киши имондан чиққанига очик далолат қилувчи аломатлар кузатилганда бажариладиган амаллардир. Лекин мўмин эканини очикдан-очик таъкидлаб, мусулмончилигини изхор килиб турган инсонни куфрда айблаш эса, мусулмончиликка тўғри келмайдиган ўта қабих амаллардандир. Шундай экан, ҳар бир инсон гапираётган ҳар қандай сўзига огоҳ бўлмоғи, ўйламай-нетмай ўзгаларни кофирга чиқариб юборишдан тийилиши, қолаверса, бу билан ўз имонини сақламоғи лозим.

“Ҳижрат” – (“бир жойдан иккинчи жойга кўчиш”, “тарк қилиш”). Истилоҳда эса, Расулуллоҳ (алайхис-салом) даврларидағи мусулмонларнинг Ҳабашистонга, кейинчалик Расулуллоҳ (алайхис-салом) ўзлари бошлилигида Мадинага кўчиб ўтишларига айтилади.

Пайғамбар Мұхаммад (алайхис-салом) Макка шаҳрида ўзларининг чиройли хулклари ва гўзал муомалалари билан атрофдаги кишиларнинг ислом динига қизиқишига сабаб бўлаётган эдилар. Бу эса, ўз навбатида мусулмонларнинг сонини кун сайин ортиб боришига турткি бўлди. Бундан ташвишга тушган Макка мушриклиари Расулуллоҳ (алайхис-салом)га сунқасд уюштириб, у кишини катл қилиш режасини тузадилар. Бирок Аллоҳ таоло ўз Расулини фитнадан огоҳ қилиб, Мадинага ҳижрат қилиш тўғрисида ваҳий юборади.

Уламолар ҳижрат тўғрисида нозил бўлган оят ва ҳадисларни ўрганиб, уни икки қисмга ажратадилар. Биринчиси, юқорида таъкидланган “кўчиш” маъносидаги ҳижрат бўлиб, бу борада Куръони каримнинг “Нисо” (97 ва 100-оятлар), “Анфол” (74-оят),

“Нахл” (41 ва 110-оятлар) сураларида баён қилинган. Мазкур манбаларда исломга нисбатан қарши турган маккаликлар томонидан мусулмонларни турли кўринишда азоблаш ҳамда уларни ўз танланган эътиқодларидан воз кечтириш мақсадида жисмоний ва бошқа кўринишлардаги зўрликлар ишлатилгани баён қилиниб, динлари ва ҳаётларини сақлаш мақсадида тинч ва осойишта жойга кўчиш буюрилгани таъкидланади.

Иккинчиси, инсон гуноҳлардан ўзини тийиши ва уларни тарк қилиши тушунилади. Бу борада Имом Бухорийдан ривоят қилинган қуйидаги ҳадиси шарифда: Расууллоҳ (алайхис-салом): “*Тили ва қўлидан бошқалар азият чекмаган киши ҳақиқий мусулмон-дир. Аллоҳ таоло қайтарган нарсалардан ҳижрат қшивган инсон ҳақиқий муҳожисирдир*”, дейилган. Уламоларни ҳадисни шарҳлаб, ундаги “хижрат”дан мурод “тарк қилишдир”, деганлар. Бошқа бир ҳадисда эса, Умму Анас (р.а.) Расууллоҳ (алайхис-салом)дан насиҳат қилишни сўрайдилар. Шунда, Расууллоҳ (алайхис-салом): “*Гуноҳлардан тийилгин, ўша ҳижратнинг энг каттасидир. Фарз-ларга риоя қилгин, ўша жиҳоднинг энг афзалидир. Зикрии кўпайтиргин, Қиёмат куни Аллоҳ таолонинг ҳузурига борганингда унга энг маҳбуб амал шу бўлади*”, дейилган. Лекин ислом дини ақидасини бузиб, гараз мақсадларни кўзлаётган кимсалар “хижрат қиммаганлар коғир, конституцион тузумлар ўрнатилган юртларда яшамоқлик қуфр” деган сохта даъво билан ватандошларимизни алдаб, хориждаги жангариilar тайёрланадиган марказларга жўнатишга ҳаракат қилмоқда. Ваҳоланки, она юртини ташлаб, ўзга элларда сарсон-саргардон юриш, ўзи каби манқурт шахслар билан бирлашиб, киндик қони тўкилган юргига қарши қурол кўтариш ислом таълимотига умуман зиддир.

“Жиҳод” – (араб. “ғайрат қилиш”, “кучни ишга солиш”) сўзи “жидду-жаҳд”, яъни инсон ўз мақсадига эришиш йўлида бор имкониятларини ишга солиб, ҳаракат қилишини англатади. Истилоҳда эса, ушбу сўз бир қанча маъноларда ишлатилади. Жумладан, “жиҳод” – Аллоҳнинг йўлига даъват қилиш, яхшиликка чакириш ва ёмонликдан қайтариш, Аллоҳ йўлида инсоннинг ўз ҳавоий-нафсига қарши кураши, ота-онага хизмат қилиши ва ёвга қарши курашишдек турлари мавжуд.

Бунга далил сифатида Имом Термизийдан ривоят қилинган қуйидаги ҳадиси шарифда “*Жиҳоднинг афзали Аллоҳ таолонинг*

розилигити деб инсон ўз ҳавои нағсига қарии жиҳод қилишиидир”, дейилган. Шунингдек, Имом Бухорий ва Имом Муслим ривоят қилган: “Бир киши Расулуллоҳ (алайҳис-салом)га: “Мен жиҳодда қатниашмоқчиман”, деди. У зот: “Ота-онанг борми?” деб сўрадилар. “Ҳа”, деб жасавоб қилди у киши. Шунда Пайғамбар (алайҳис-салом): “Уларнинг ҳузурига бориб, ёрдам бер, хизматини қил! Шу сенинг жиҳодингдиц”, дедилар”. Шундан келиб чиқкан ҳолда, мусулмон уламолар фарзанднинг ота-онага қилган хизмати ҳам жиҳод бўлишини таъкидлаганлар.

Расулуллоҳ (алайҳис-салом) Маккадан Мадинага ҳижрат қилганларидан сўнг, Мадинада мусулмонлар учун олдин бўлмаган нарса, яъни давлат юзага келди. Пайғамбар Мухаммад (алайҳис-салом) исломнинг ilk – Макка даврида юқорида келтирилган, жанг маъноси бўлмаган жиҳодни олиб бордилар. Чунки, у киши мушриклар етказган азоб ва укубатларга сабр қилиш ҳамда улар билан фақат Қуръон асосида баҳс юритиш, тўғри йўлга даъват қилишга буюрилган эдилар.

Мусулмонлар Мадинага кўчиб ўтганларидан сўнг, Аллоҳ таоло мусулмонларга мушриклардан ўзларини мудофаа қилишга рухсат берди. Бу борада, Қуръони каримда: “(Мушриклар томонидан) хужумга учраётган (мусулмон)ларга, мазлум бўлганлари сабабли (жанг қилишга) изн берилди. Албатта, Аллоҳ уларга ёрдам беришга қодирдир” (Ҳажс, 39), деб таъкидланади. Шу аснода, ҳижратнинг иккинчи йилида Ватан, дин мудофааси мазмунидаги жиҳодга изн берилди.

Ислом тарихини чуқур ўрганган мутахассис олимлар, тарихда юз берган ҳар қандай жиҳод, фақатгина, мудофаа мақсадида олиб борилганини таъкидлайдилар. Ҳусусан, суриялик машҳур уламо Рамазон Бутий: “Мусулмонлар томонидан олиб борилган жиҳод ёв бостириб келганда ҳимоя мақсадида ёки душман тарафдан хужум ҳавфи пайдо бўлганда унга қарши бориш учунгина юз берганини кўриш мумкин”, деб таъкидлаган. Лекин, бугунги кунда гаразли мақсадларни кўзлаб, олиб борилаётган урушларни “жиҳод” деб аталаётгани мутлақо асоссизdir.

“У иккиси (яъни ота-она) борасида (хизматларини қилиб) жиҳод қилгин”.

Хадисдан

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, мудофаа маъносидаги жиҳод халқаро шартномалар ва давлатлар ўртасида ўзаро келишувлар бўлмаган бир ҳолатда юз берган. Бугун эса, буларнинг барчаси ўзгарди. Деярли барча давлатлар халқаро ташкилотлар аъзолари бўлиб, турли ҳамкорлик шартномалари, битим ва протоколларга имзо қўйганлар. Шундай экан, бутун дунё давлатлари ислом таълимотларига кўра “муоҳад”, яъни “аҳд қилинганд” тоифасига киради. Расуллulloҳ (алайхис-салом) бир ҳадисларида шундай дедилар: “Ким муоҳадни ўлдирса, жаннатнинг ҳидини ҳидламайди. Жаннатнинг ҳиди қўрқ ўшилик масофадан тарашиб туради” (Имом Бухорий ривояти).

Шундай экан, ислом жаннатга киришга ҳамда дўзахдан узоқлашишга сабаб бўлувчи Аллоҳ таолонинг зикри, инсонларга яхшилик қилиш, ер-юзида осуда ҳаёт кечириш каби жиҳодга, яъни саъӣ ҳаракат қилишга чакиради. Зеро, ислом таълимотига кўра, асл жиҳод – Аллоҳ таолога яқинлаштирувчи солиҳ амалларни ўз ичига олади. Бинобарин ҳалол тижорат, ишлаб чиқариш ёки қудук қазиб, сув чиқариш каби ишлар ҳам шулар жумласидандир. Демак, тинчликка рахна солиш, жамият равнақи ва ҳалқ фаровонлигига зиён етказиш, фитна қўзғатиш, тоифаларга бўлинниб, ўзаро низолашиш умуман ислом динига ёт ҳолат ҳисобланади.

“Шаҳид” – (араб. “гувоҳлик”, “хозир бўлмоқ”) ушбу даражага эришган инсонларга жаннат ёки кўплаб яхшиликлар башорат қилинганига фаришталар гувоҳ, яъни, шоҳид бўлгани сабабли, айнан ушбу сўз ишлатилган.

Уламолар наздида, шаҳид дейилганда Аллоҳ таоло йўлида душман билан бўлган жангда Ватани, дини, оиласи, миллати шаънини ҳимоя қила туриб, вафот этган инсон назарда тутилади. Аммо инсон Ватан сарҳадлари, миллат шаънини ҳимоя қилиш учун эмас, балки мол-давлат тўплаш, ўзидан ном қолдириш каби дунёвий нарсаларни қасд қилган бўлса, бу тоифа кишилар шаҳид ҳисобланмайди.

Шунингдек, баъзи инсонлар борки, бу дунёда кўпчиликка нафи тегадиган хайрли ишлар килади ва қорин (ички) касаллиги, чўкиш, куйиш каби сабаблар билан вафот этадилар. Улар кишилар наздида оддий инсондек туюлса-да, Расуллulloҳ (алайхис-салом) ўз ҳадисларида зикр қилганларидек, Аллоҳ наздида шаҳидлар мақомида бўлади. Демак, шундан келиб чиқиб айтиш жоизки,

ислом дини нүктаи назаридан шаҳидлик ҳам мусулмон кишининг ихлосу эътиқоди, жайрли амали ҳамда мусибатларга сабр-тоқати эвазига Аллоҳ томонидан бериладиган мукофотдир.

Афсуски, бугунги кунда баъзи кимсалар ўзини портлатиш билан гўё “шаҳидлик” мақомига сазовор бўлишга интилмоқда. Аслида мусулмон одамнинг ўзини-ўзи ўлдириши, айниқса, ўзини портлатиб юбориши гўёки “дин йўлида”, деб эълон қилинса-да, шаҳид деб хисобланмай, балки “ўз жонига сунқасд” деб баҳоланаиди. Қолаверса, уларнинг бу ғайриинсоний харакатлари туфайли қанчадан-қанча бегуноҳ инсонларнинг қони тўкилмоқда.

Куръони каримда эса бу борада “Ўзларингизни ўлдирмангиз! Албатта, Аллоҳ сизларга раҳм-шафқатлидир” (*Niso*, 29) дейилган бўлса, яна бир оятда “Бирор жонни ўлдирмагаи ёки Ерда (бузғунчилик ва қарокчилик каби) фасод ишларини қилмагаи инсонни ўлдирган одам худди ҳамма одамларни ўлдирган кабидир” (*Mouda*, 32) деб, бегуноҳ инсонларнинг қонини тўкишлик ҳам қаттиқ қораланган. Ҳадиси қудсийда “Бандам ўзини ўзи ўлдириб, унга берган умримга шукр қилмай, шошибди. Шунинг учун унга жсаннатни авадий ҳаром қилдим” дейилган. Демак, ислом таълимоти бундай ҳолатларни кескин қоралайди.

Мазҳабсизлик. Бугунги кунда мутаассиб оқимлар томонидан илгари сурилаётган ғоялардан яна бири – бу мазҳабсизлик ғояси бўлиб, у ислом дини моҳиятини тўғри тушунишга хавф solaётган хатарли омиллардан биридир. Мутаассиб гурухларнинг мафкурасига кўра, фикхий мазҳаблар ишлаб чиқкан категориялар шариатни тўғри тушуниш методологияси сифатида тан олинмай, тўғридан-тўғри шариат аҳкомларини амалда татбиқ этиш энг тўғри йўл, деб хисобланади.

Мантиқан мушоҳада қилиб кўрилса, мазҳабсизлик ғояси ўтган минглаб олимларнинг қилган меҳнатларини, қанча машаққат билан умр сарфлаб яратилган ноёб манбаларни бекорга чиқаради. Асрлар давомида барча мусулмонлар амал қилиб келган анъаналар нотўғри, шунча мусулмон адашган экан, деган холосага олиб келади. Энг аянчлиси, мусулмонларни бирлаштириб, жамлаб турган тўғри йўлга птур етказади. Бунинг натижасида эса, мусулмонлар орасида ўзаро парокандалик, бекарорлик ва тараққиётда тўхташ юзага келади. Бундай даъват мазҳаблар моҳияти ва қийматини умуман билмаслиқдан келиб чиқади. Гарчи ахли сунна ва жамоада

мазҳаблар тўртта бўлса ҳам, улар ягона ахли сунна ва жамоанинг йўналишлари сифатида эътибор қилинади ва мусулмон умматини жамлайди, бирлаштиради. Зеро, Пайғамбар (алайҳис-салом) шундай марҳамат қиласидилар: “*Аллоҳ умматимни бирор залолатга экаламас*”. Яна бир ҳадисда “*Мусулмонлар яхши деб билган нарса Аллоҳнинг ҳузурида ҳам яхшидир*” – дейилган.

Маълумки, Пайғамбар (алайҳис-салом) ҳаётларининг охирига келиб, турли қабила ва юрт одамлари исломни қабул қила бошлидилар. Янги мусулмонлар олдида йигирма йилдан ортиқ вақт мобайнида нозил бўлган оятларни ўрганиш, шариат аҳкомларини ўз ҳаётларига татбиқ қилиш вазифаси туар эди. Табиийки, ёш саҳобийлар ўзларидан катталардан, янги мусулмонлар эса, аввалги мусулмонлардан шаръий масалаларни ўргана бошлидилар.

Ислом дини дунё бўйлаб, турли минтақаларда тарқалгач, турли араб бўлмаган халқлар ҳам мусулмон бўлдилар. Табиийки, улар ўзларига Куръони карим ва Пайғамбар (алайҳис-салом) суннатларидан шариат аҳкомларини чиқариб, тартибга солиш имконига эга эмас эдилар.

“Мазҳабсизлик – диндан чиқиб кетишга олиб борувчи кўприкдир”.

Шайх Рамазон Бутмий

Шундай қилиб, жамиятда аста-секин кишиларга диний ҳукмларни ўргатадиган, уларнинг саволларига жавоб бера оладиган, муайян илмларга эга инсонларга эҳтиёж тобора ортиб борди. Шутариқа турли диёрларда олимлар етишиб чиқа бошлидилар. Имом Абу Ҳанифа, Имом Молик, Имом Шофейй ва Имом Аҳмад каби олимлар бугунги кунда мавжуд бўлган тўрт фикҳий мазҳабга асос солдилар. Улар ибодатлар ва бошқа барча масалаларни Куръони карим ва ҳадиси шарифга кўра маълум қоидаларга солиб чиқдилар. Манбанинг бойлиги ва Расулуллоҳ (алайҳис-салом)нинг айрим вакъларда бир амални турлича бажарганлари, бир масала бўйича турлича тасарруфлари ҳақидаги ҳадис ва хабарлар, ривоятлар бу олимларнинг ишларида ҳам маълум жузъий фарқларни пайдо бўлишига олиб келди. Шунингдек, турли минтақалардаги шароитларнинг хилма-хиллиги ҳам шариат масалаларида табиий тафовутларнинг юзага келишига асос бўлди. Масалан, шофеий мазҳабида

тахоратдан сўнг юз-қўлни артмаслик афзал бўлса, ҳанафий мазҳабида артиш афзалдир. Демак, мазҳаблар тарқалган ҳудудлардаги иқлим шароити ҳам эътиборга олинган. Бинобарин, Расууллоҳ (алайҳис-салом)дан икки ҳолатни ҳам тасдиқловчи ривоятлар етиб келган. Бу ислом шариатининг замон ва маконга мослашувчанигидан ҳамда мусулмонлар учун кенг имкониятлар мавжудлигидан далолат беради. Масалан, бирор бир манзилга етиш учун турли томонлардан бориш имкони бўлса, киши нисбатан энг яқин йўлни кўзлайди. Мазҳаблардаги ихтилофларни ҳам шунга қиёслаш мумкин. Зеро, уларда у ёки бу масала муайян халқ, миллатнинг урф-одатлари, қадриятлари, менталитети ҳамда ижтимоий муносабатларнинг характеридан келиб чиқиб энг кулай ва маъкул шаклда ҳал қилинади.

Юқорида зикр этилганидек, жузъий масалаларда ихтилоф қилингани билан, тўрт сунний мазҳабда исломнинг асосий масалалари бўйича ихтилофлар йўқ. Чунки ҳар бир мазҳаб асосчиси ўз сўзларини ишончли далиллар билан исботлаган. Қайд этилган мулоҳазалар “Куръон ва ҳадисдан нарига ўтмаймиз”, дея даъво қилиб, ўзларини мужтаҳид билиб, мазҳабларни инкор қилаётганлар аслида, ўз ҳаракатлари билан диний бирлик ва ақидавий яқдилликка раВна солаётганликларини кўрсатади.

Маълумки; асрлар давомида мусулмонлар тўрт мазҳаб – ҳанафий, моликий, шофеий ва ҳанбалий мазҳабларидан бирига амал қилиб келганлар. Ҳеч ким буни инкор қилмаган. Қанча-канча фақих, мухадис, мутакаллим ва мутасаввиф олимлар ҳам шу мазҳабларга асосан ўз фаолиятларини олиб бордилар.

Мазҳабсизлик гояси ўзида миллатни ортга тортиш, қолоқликка маҳкум қилиш хавфини мужассамлайди, тараққиётдан четга чиқиб қолишга олиб келади. Чунки турли соҳа мутахassisлари мазҳабсизлик гоясига эргашса, унда умрларини ўз касбий маҳоратларини юксалтириш, изланишлар олиб боришга эмас, балки тубсиз диний масалаларга ўралашиб қолиб, ҳаётларини фақат ўзлари учун диний ҳукмлар чиқаришга сарфлайдилар. Оқибатда турли соҳалардаги мутахassisлар ҳам тез ўзгарувчан глобаллашув шароитида ўзларини йўқотиб қўядилар, яхши мутахassis ҳам, етук уламо ҳам бўла олмайдилар. Натижада мутахassisлардан мосуво бўлиб бориши баробарида, миллат аввалида турғунлик, кейинчалик эса таназзулга юз тутади. Аслида эса ҳар бир мутахassisнинг

ўз соҳасини пухта эгаллаши, жамият ривожи учун хизмат қилиши, одамлар оғирини енгил қилиши, юрт равнақига ҳисса қўшиши ҳам улуғ ибодатдир.

Соҳта салафийларнинг «дор ал-ислом» ва «дор ал-ҳарб» тушунчаларига муносабатларини келтиришдан аввал бу тушунчаларнинг келиб чиқиш тарихига, луғавий маъносига эътибор қартиш лозим.

Ўрта асрларда халқаро миқёсдаги тинчлик шартномалари мавжуд эмаслиги туфайли мамлакатлар ўргасидаги алоқаларда уруш муносабати муайян ўрин тутган. Шунинг учун ислом динида ўзини таҳдидлардан ҳимоялашга руҳсат берилган. Айниқса, аббосийлар даврида халқаро муносабатларда диний асосдаги адоват кайфияти кучайиб боргач, «дор ал-ислом» ва «дор ал-ҳарб» тушунчалари шароит тақозоси билан пайдо бўлганини зикр этиш ўринли.

«Дор ал-ислом» арабча сўз бўлиб, «ислом ҳудуди», «ислом диёри» деган маъноларни билдиради. Истилоҳда эса, ислом арконлари амалда намоён бўладиган ҳудудлар манбаларда дор ал-ислом деб аталган.

«Дор ал-ҳарб» эса, «уруш диёри» деб таржима қилинади. Мусулмонлар билан уруш ҳолатида бўлган диёrlарга нисбатан дор ал-ҳарб атамаси кўлланилган. Лекин мусулмонлар диёри ва файдиинлар диёри орасида тинчлик битими мавжуд бўлса, «дор ал-ҳарб», деб нисбат берилмайди.

Соҳта салафийлик ғоялари таъсиридаги айрим оқим ва ҳаракатларнинг мазкур тушунчаларга қарашлари ва муносабатлари тубдан фарқ қиласди. Уларнинг наздига маълум ҳудудни дор ал-ҳарб (уруш диёри) деб эълон қилиш ва у ерга нисбатан жиҳод ҳракатларини олиб бориш муайян босқичларда амалга оширилади:

- маълум ҳудудга нисбатан такфир ғояси илгари сурилади;
- ўша ҳудуд «дор ал-ҳарб» деб эълон қилиниб, бунга далил бўладиган важлар кўрсатилади;
- давлатдаги мусулмонлар бу юртдан чиқиб кетиш, яъни хижрат қилишга чақирилади;
- уларнинг наздидаги «чин мусулмонлар» дор ал-ҳарбдан чиқиб кетгандан сўнг, бу юртга нисбатан жиҳод эълон қилинади;
- жиҳод билан бирга, шаҳидлик тушунчаси нохолис талқинлар билан мияга қуйилади.

Демак, биринчи босқичга кўра, такфир гояси илгари сурилади. Бу босқичда сохта салафийлар дунёни «оқ ва қора»га ажратадилар. Уларнинг фикрича, дунёнинг «қора» томони бу зулмат бўлиб, инсонни ўйлашга мажбур қиласидиган ҳар қандай янгилик ва маълумотни бутунлай рад этиш орқали ундан қочишга чорладилар. Такфир босқичида сохта салафийлар ўзларидан бошқа мусулмонларга, хоссатан, ҳанафийларга нисбатан асоссиз равишда «муржий» атамасини кўлладилар. Ваҳоланки, ҳанафийлар муржий тоифаларни ўз асарларида доимий танқид қилиб келадилар. Тарихдан маълумки, муржийлар ўзларининг ақидавий қарашлари билан хорижийларга қарши юзага келган йўналиш ҳисобланади. Муржийларнинг фикрича, кишининг мусулмон ёки кофирилигини фақат Аллоҳ билади, инсон қанча гуноҳ қилгани билан имонда сабит қолса, у мусулмон ҳисобланади, деб ишонганлар. Лекин ҳеч бир мусулмон дўзахга тушмайди, деган ақидавий қарашлари аҳли сунна ва жамоа ақидасига мувофиқ келмайди. Сунний уламолар наздида, улар адашган фирмалардан бири ҳисобланади. Сохта салафийлар наздида, «муржийлар» – бу ҳал қилувчи холосага келломайдиган, ўзи ҳеч бир ҳаракат қилмай, барча нарсани Аллоҳдан кутиб ўтирадиган, ҳеч қандай масъулиятни бўйнига олмайдиган заиф мусулмонлардир. Сохта салафийлар ўзларидан бошқа мусулмонларни заиф ва тирик манқурт сифатида кўришга интиладилар.

Сохта салафийлар ўз гояларини инкор этган давлат ва унинг аҳолисини қуидаги Куръон оятини қурол қилиб, куфрда айблайдилар ва оятни ўзларига мослаб таъвил қиласидилар: «... Аллоҳ нозил қилган нарса (оятлар) билан ҳукм қилмаганлар ана ўшалар кофирилардир» (*Моида*, 44)²⁸.

Иккинчи босқичда, ўша давлат худуди дор ал-ҳарб деб эълон қилинади.

Ҳозирда сохта салафийлар Гарбни дор ал-ҳарб деб эълон қилиб, оқибатда мусулмонлар у ердан дор ал-исломга ҳижрат қилиши зарурлигини тарғиб қиласидилар.

Лекин айрим уламоларнинг фикрича, «дор ал-ҳарб» атамасини ҳозирги пайтда умуман ишлатиб бўлмайди. Чунки ўрта асрларга хос бу атама халқаро битим ва шартномалар мавжуд бўлмаган шароит учун мувофиқ бўлган.

²⁸ Бу оятнинг шархи «Сохта салафийларнинг “Аллоҳнинг ҳукми” ва давлат сиёсию бошкуруви борасидаги фикрлари ўринлими?» сарлавҳаси остидаги бўлимда берилган.

Ислом тарихига назар солинса, Расулуллох (алайхис-салом) учун ўз юртларида эмин-эркин яшаш, ислом арконларини тўлиқ адо этиш имкони қолмагани, доимий равишда атрофдагилар томонидан камситилиш ва ниҳоят ҳаётларига тажовуз қилиш каби холатларнинг вужудга келиши У зотнинг ноилож ҳижрат қилишларига сабаб бўлган. Бундан кўриниб турибдики, сохта салафийлар бугунги кунда муайян бир давлатни дор ал-ҳарб деб, ундан ҳижрат қилишга чақиришлари асбассиздир. Сабаби тарихда дор ал-ҳарб деб эълон қилиш учун келтирилган важкларнинг бироргаси ҳам бугунги кунимизга тўғри келмайди. Бугунги кунда мустакил демократик давлатларда виждан эркинлиги таъминланган, ҳеч ким динга мажбурланмайди, бирор диний маросимга тўскинлик қилинмайди. Шундай экан, бугунги кунда «дор ал-ҳарб» атамасини ишлатиш ўринлими?

Ҳадисшунос олим Юсуф Жадий «Дор ал-ҳарб ва дор ал-ислом» асарида таъкидлашича, бугунги кунда дунёнинг барча мамлакатларини нисбий равишда «дор ал-ислом» деб атаса, муболага бўлмайди. Сабаби, барча демократик давлатларда мусулмонлар ўз диний маросимларини очик ва хавфсиз равишда бажармоқдалар. Гарчи, бу давлатларининг аксарияти анъанавий кўринишдаги «дор ал-ислом» бўлмаса ҳам. Ҳанафий уламоларидан Исбижобий ҳам аzon, жума, жамоат намозлари бўлиб турган диёрлар «дор ал-ислом» эканини алоҳида таъкидлаган.

Учинчи босқичда, ҳижрат қилиш лозимлиги таъкидланади. Уларнинг фикри бўйича ҳижратдан мақсад – имонни асраб қолиш. Аслида-чи шундайми?!

Ҳижрат даъвосида ўз юртини ташлаб чиқиб кетган гўллар ўзга юртларда мажбурлаб, ҳарбий тайёргарликни ўтайдилар.

Ҳижратнинг маҳфий кўриниши ҳам бўлиб, у «кузла шуурийя», яъни ҳиссий қобиқ шаклида ўтади. Унинг маъноси: «Ҳақиқий ислом ҳавоси билан яшаш». Бу ҳижратда жисмонан шу юртда яшасалар-да, лекин ўзларини шу юрт жамиятидан буткул ажратадилар, деярли жамият билан мулоқотга киришмайдилар. Бу худди ички ҳижрат каби. Сохта салафийлар бу босқичда «исломий» бўлмаган барча одатлардан, либос ва зийнатлардан воз кечадилар. Ҳатто давлат идораларида иш жойларидан бўшайдилар. Улар буларнинг барчасини – шайтоний, деб ҳисоблайдилар. Аслида эса, ислом дини ўзи амалиётга жамиятдан ажралмай, унга муносиб хизмат

қилишга, унинг ривожи учун ўз хиссасини қўшишга чакиради. Зеро, бу пайғамбарлар суннатидир. Куръондаги Юсуф (а.с.) қиссаси айнан шу мазмунни ифода этади.

«Анфол» сураси 72-оятида шундай дейилади: «Албатта, имон келтирган, хижрат қылган, моллари ва жонлари билан Аллоҳ йўлида (душманга қарши) курашган ва (муҳожирларга) жой бериб ёрдам кўрсатган (мадиналик ансор)лар, айнан ўшалар бир-бирларига дўстдирлар. Имон келтирган-у, лекин хижрат қилмаганлар, то хижрат қилмагуниларига қадар, улар билан дўстлик қилиш сизлар учун жонз эмасдир. Агар (улар) сизлардан дин хусусида ёрдам сўрасалар, уларга ёрдам бериш сизнинг зимманигиздадир. Илло, ўрталарингизда (урушмаслик ҳақида) аҳдлашув бўлган қавм зиддига (ёрдамлашиш жоиз) эмас. Аллоҳ қилаётган амалларингизни кўриб турувчиидир». Маккалик мусулмонлар учун Мадинаға хижрат қилиш фарз қилинган эди, лекин хижрий саккизинчи йили, Макка фатҳ этилгандан кейин юкоридаги оят асосида хижрат қилишнинг фарзлиги мансух, яъни бекор қилинди. Оятда имон келтирган, лекин хижрат қилмаган мусулмонларни ҳам Аллоҳ таоло мўминлар, деб марҳамат қилмоқда. Шундай экан, деярли барча мамлакатлар орасида инсон ҳукуклини, жумладан, эътиқод эркинлигини таъминлаш борасида ўзаро келишувлар имзоланган бир вактда, хижрат ҳақида сўз боришининг ўзи ноўрин. Дунёнинг қай бир ривожланган мамлакатига борманг, инсонлар ўзлари хоҳлаган динга эътиқод қилишлари ёки хеч бир динга эътиқод қилмасликлари учун барча шароитлар яратилган. Таракқиётнинг асосий кўрсаткичи ҳам бугунги кунда инсон ҳукуқларининг қай даражада таъминлагани билан ўлчаммоқда. Бундай шароитда хижрат ҳақида бонгuriш фақат инсоният душманлари томонидан амалга оширилиши мумкин.

Яна шуни қайд этиш лозимки, ушбу масаланинг сохта салафийлар жуда кам мурожаат қиласиган яна бир жиҳати бор бўлиб, у ҳам бўлса, «дор ал-муҳада» ёки «дор ас-сулҳ»дир. Луғатда бу сўзлар «аҳдлашув диёри», ёки «сулҳ диёри» деган маъноларни билдиради. Аҳдлашув диёрлари мақом жиҳатидан дор ал-ислом билан бир хил ҳисобланади. Бугунги кунда, дунёнинг барча давлатлари ўзаро шартнома ва битимлар билан тинчлик алоқаларини ўрнатган бир даврда дор ал-куфрни ажратиб кўрсатишнинг ўзи амри маҳолдир!

Кўриб турганимиздек, салафийларнинг дор ал-ҳарб ва дор ал-ислом тушунчаларини бузиб талқин қилишлари ислом дини ҳақида етарли маълумоти бўлмаган ёшларни осонгина ўз сафларига кўшишга ёрдам беради. Сўнгги йилларда дунё ҳамжамиятида кузатилаётган террор фаолиятларининг муайян улуши сохта салафийлик ғояларидан таъсирланган жангарилар зиммасига тушаётганини қайд этиш лозим. Ислом никоби остида олиб борилаётган ҳар қандай бузгунчи мафкурадан келажак авлодларни, қолаверса, дунё ҳамжамиятини фақатгина илм-маърифат ва огоҳликка даъват орқали сақлаб қолиш мумкин.

Юқорида қайд этилганидек, бугунги кунда энг замонавий технологиялардан ва кишилар учун муқаддас ҳисобланган туйгулардан фаол фойдаланган ҳолда инсон онги ва қалби учун олиб борилаётган кураш ўта нозик тус ва хатарли кўлам касб этмоқда. Турли мутаассиб кучларнинг ислом дини асосларини, Қуръон оятлари ва ҳадисларнинг асл моҳиятини бузиб талқин қилиши, жамият ҳаётига таҳдид соладиган ишларни ислом билан боғлашга уринаётгани ҳам шундай хулоса чиқариш имконини беради.

Назорат саволлари

1. “Куфр”, “такфир” сўзларининг лугавий ва истилохий маънолари ҳақида сўзлаб беринг.
2. “Жиҳод” деганда нимани тушунасиз ва унинг қандай турлари мавжуд?
3. Ислом дини тарихида содир бўлган ҳижрат ва унинг аҳамияти ҳақида нималарни биласиз?
4. “Мазҳабсизлик” ғоясининг салбий оқибатлари нималарда намоён бўлади?

7-мавзу: Ёшларда экстремизм ва терроризмга қарши мағфуравий иммунитетни шакллантириш: мақсал ва вазифалар

Режа:

1. Дин никобидаги мағкуравий таҳдиidlарнинг намоён бўлиш шакллари
2. Ёшларни интернет ва ижтимоий тармоқлардаги ахборот хуруёсларидан асрашнинг долзарб масалалари
3. Экстремизм ва терроризмга қарши курашда ёшларда мағкуравий иммунитетни шакллантириши

Таяинч сўз ва иборалар: Мағкуравий таҳдиidlар, мағкуравий иммунитет, ахборот хуруёслари, интернет, ижтимоий тармоқлар, ахборот истеъмоли маданиятни, эсаҳолатга қарши маърифат

Дин никобидаги мағкуравий таҳдиidlарнинг намоён бўлиш шакллари. Ёшларнинг фаол ижтимоий кучга айланиб бораётгани бугунги кунда уларнинг турли мағкуравий таъсир ва тазийкларнинг бош обьектига айланишига олиб келди. Бунда уларнинг жамиятнинг ҳали етарли тажрибага эга бўлмаган, ташки таъсирларга тез берилувчан ва айни пайтда, энг ҳаракатчан қатлами экани инобатга олинмокда.

Ёшларнинг турли оқимларга кириб қолишлари сабаблари қаторида уларнинг билимлари, шу жумладан, диний илмларни эгаллашга бўлган қизиқиши ва интилиши ҳамда ишонувчанлиги, бирданига ва ҳамма нарсага (бойлик, шон-шуҳрат, мартаба ва ҳ.к.) эга бўлишга ҳаракат килиши, илмий тилда айтганда максимализм каби маънавий-руҳий омилларни алоҳида ажратиб кўрсатиш лозим. “Сен бу ташкилотга кириш ёки мана бу вазифани бажариш билан алоҳида, ҳар кимга ҳам насиб қиласкермайдиган шарафли ишга кўл урган бўласан, керак бўлса, сен миллат, дин, инсониятнинг халоскорига айланасан!”, – деган қарашларни сингдириш жараёни айнан мана шу каби хусусиятларга алоҳида эътибор берилаётганини кўрсатади. “Ёшларнинг онгида қандай кайфият устунлигини айтсанг, мен сенга кейинги авлоднинг табиати қандай бўлишини айтиб бераман”, – деб ёзган эди сиёсий арбоблардан бири. Шу нуқтаи назардан қараганда, диний экстремистик оқимлар ҳам жамиятнинг

эртанги кунини белгилаб берадиган авлод онгини эгаллаш, назорат қилишни кўзлаб иш юритмоқда дейиш мумкин.

Айникса, ғоялар кураши авж олган бугунги кунимизда ёшлар маънавиятига тажовуз солаётган таҳдидлар қаторида, динни никоб қилиб, диний қадриятларимизни оёқости қилишга уринаётган экстремистик ва миссионерлик ҳаракатларининг фаолияти жиддий ташвиш уйғотмоқда. Шунинг билан бирга, диндан сиёсий мақсадларда фойдаланишга уриниш баъзан мудхиш ҳолатларнинг юз беришига олиб келмоқда.

Давлатимиз келажаги ҳисобланган ёш авлод тарбиясига юртимизда доимо алоҳида эътибор билан қаралган. Мамлакатимизда соглом ва маънавий бой, интеллектуал ривожланган, ахлоқан етук, жисмонан бақувват авлодни тарбиялаш ҳамда вояга етказиш мақсадида 2000 йилни “Соғлом авлод йили”, 2001 йилни “Оналар ва болалар йили”, 2008 йилни “Ёшлар йили”, 2010 йилни “Баркамол авлод йили”, 2014 йилни “Соғлом бола йили” ва 2016 йилни “Соғлом она ва бола йили” деб эълон қилингани ҳам бунинг яна бир ёрқин ҳайётий-амалий ифодаси бўлди. Бу борада Президентимиз Шавкат Мирзиёев таъкидлаганларидек, “Агар фарзандимизга тўғри тарбия бермасак, ҳар куни, ҳар дақиқада унинг юриш-туриши, кайфиятидан огоҳ бўлиб турмасак, уларни илму ҳунарга ўргатмасак, муносиб иш топиб бермасак, бу омонатни бой бериб кўшишимиз ҳеч гап эмас”²⁹.

Зоро, жисмоний тарбия болани жисмонан бақувват, кучли, соглом этиб тарбияласа, маънавий тарбия орқали унда юксак ахлок, эзгулик, инсонпарварлик, шиҷоат, раҳмдиллик ва меҳнат-севарлик сифатлари шаклланади. Маънавий тарбия фарзанднинг ўзлигини саклашга, унинг ботиний оламини маърифий бойитишга хизмат қиласди. Буюк аллома, ватандошимиз Абу Райҳон Беруний айтганидек, “Инсон табиатнинг энг олий зоти, камолотидир, инсон зоти барча ҳайвонлардан юқори туради. Инсонга катта шараф кўрсатилган – унга акл-заковат ва куч берилган. Шу сабабдан, инсоннинг маънавий олами унинг олдига кўйилган вазифаларга мос бўлиши учун у юксак ахлоқли, билимли, маърифатли бўлмоғи даркор”. Демак, фарзанд тарбияси аввало, унинг маънавий пойdevори қанчалик мустаҳкамлиги билан белгиланади. Дарҳақиқат, гўзал

²⁹ Ш.Мирзиёев. Ватанимиз тақдирни ва келажаги йўлида янада ҳамжиҳат бўлиб, катъият билан ҳаракат қилайлик. – Т.: Ўзбекистон, 2017- Б 21;

хулқ ила тарбияланган бола ҳаётда ақл-идрок билан иш тутади, имон-эътиқодида событ туради, эркин ва мустакил фикрлайди, ҳар хил алдовларга учмайди ҳамда ғаразли ташвиқотларга берилмайди.

Айни пайтда, бир ҳақиқатни алоҳида қайд этиш лозим. Ота-бо- боларимиз дини бўлмиш ислом ҳар доим одамларни ўз-ўзини идора этишга, яхши хислатларни кўпайтириб, ёмонларидан ҳалос бўлишига чорлаган, оғир синовларга бардош беришга, ёруг кунларга интилиб яшашга даъват қилган, бир сўз билан айтганда, ҳалқимиз учун ҳам имон, ҳам ахлоқ, ҳам маърифат бўлиб келган. Ҳозирда ҳам бу маърифат одамларга маънавий-руҳий куч-кувват бағишлаб, ўзаро меҳр-оқибатлилик туйгуларининг камол топишига хизмат қилмоқда.

Бугунги кунда экстремизм ва терроризмга қарши кураш нафакат бир давлат ёки минтақа, балки жаҳон ҳамжамияти учун энг долзарб масалага айланди. Шу жумладан, бизнинг юртимизда ҳам бегуноҳ кишиларнинг қони тўклиши, обод жойлар вайрон бўлиши, аҳоли ўртасида ваҳима, парокандалик келиб чиқишининг олдини олиш мақсадида бу каби ишларни амалга оширмоқчи бўлгарларга қарши қатъий кураш олиб борилмоқда.

Ҳозирги кунга келиб минтақада, хусусан, Ўзбекистонда диний-маърифий соҳанинг ривожланиши мутаассиблик хавфининг олдини олишда муҳим омил бўлиб қолмоқда. Аммо ғаразли кучлар ҳам ўз мақсадларига эришиш йўлида янги-янги услубларни, хийла-найрангларни ўйлаб топишлари ҳам табиий. Бу каби салбий холатларнинг пайдо бўлиши ва ривож топишига йўл қўймаслик эса доимий хушёрликни талаб этади.

Минг афсуски, диний саводи паст бўлган айрим кишилар ўзларини ислом динининг жонкуярлари қилиб кўрсатувчи, аслида эса, ҳокимиятни эгаллашни мақсад қилиб қўйган турли оқим вакилларининг куруқ ваъдаларига алданиб қолмоқдалар, ҳатто, ўзларини курбон қилишгача етиб бормоқдалар. Жоҳиллик ҳам мутаассиб оқимларнинг ғаразли ниятларини амалга оширишига замин яратадиган омиллардан бирига айланди. Мамлакатимиз худудига яширин тарзда олиб кирилаётган экстремистик руҳдаги адабиётлар, интернет тармоқларида тарқатилаётган материаллардан таъсирланётган ва тўғри йўлдан адашаётганларнинг борлиги ҳам буни тасдиқлайди. Ўзини портлатиш орқали бегуноҳ кишиларнинг ҳалок

бўлишига, қанчадан-қанча болаларнинг етимга айланишига сабаб бўладиган жафокорлик ҳам жаҳолатнинг ўзига хос кўринишидир. Дарҳақиқат, ҳозирги кунга келиб диний экстремистик ташкилотлар кенг тармоқли тизимга айланиб улгурди. Бу чуқур ўйланган стратегиянинг бир қисмидир. Бундай кучлар ёшларимиз онги ва қалбини забт этиш мақсадида ҳар қандай қабих йўллардан фойдаланишга уримоқда.

Юқоридаги мулоҳаза ва далиллар, экстремизм ва мутаассибликнинг асл қиёфасини очиб бериб, мазкур ҳаракатларнинг нафакат дунёвий қонун-коидалар, балки ислом дини асосларига ҳам зид эканини кўрсатади. Шундай экан, бундай оқимларга қарши муросасиз кураш, террорчилик ҳаракатларини амалга ошираётган мутаассиб кучларнинг ислом динига мутлақо ёт, бегона эканини ҳар томонлама асослаш долзарб вазифалардан бири ҳисобланади.

Ҳозирги кунда фарзандларимиз дунёнинг энг ўткир, фаол, уддабурон, Ватанпарвар ёшларига айланиши, уларни фидоийлик, ватанпарварлик, тадбиркорлик, миллатпарварлик, садоқатга ўргатиш кўп жиҳатдан ота-оналарга ҳам боғлиқ. Бу борада, албатта, ота-онага ёрдам беришда бутун жамоатчилик – маҳалла фаоллари, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи, профилактика нозири, Хотин-қизлар қўмитаси ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи каби ташкилотларнинг жойлардаги маъсуллари биргаликда фаол ишлашлари керак.

Республикамизда қарор топган толерантлик мухитини афкор оммага объектив кўрсатиб бериш, эътиқод эркинлиги соҳасида Ўзбекистонда олиб борилаётган сиёсатни кенг тарғиб қилиш, экстремистик оқимлар томонидан тарғиб қилинаётган вайронкор ғояларга қарши ислом манбаларига асосланган илмий раддиялар бериш, мутаассиблик тамойилларининг жамиятга таҳди迪, унинг замиридаги ғаразли геосиёсий мақсадлар, уларни амалга ошираётган бузғунчи кучларнинг кирдикорларини фош этишга қаратилган ишланмалар яратиш ёки уларни аҳоли орасида тарғиб этиш мухим аҳамият касб этади.

Демак, ҳар бир инсоннинг ўз ишини сидкидилдан амалга ошириши, лоқайдлик, бепарволикнинг олдини олиши, ён-атрофида бўлаётган воқеа-ходисаларга хушёрлик билан қараб, Ватан тинчлиги йўлида сергак ва огоҳ бўлиб яشاши, ёшларимизнинг онгу қалбини жаҳолатдан, ёт ва зарарли ғоялар таъсиридан ҳимоя қилиш.

аждодларимизга армон бўлиб қолган, биз эришган мустақиллик ва тинчлик-осойишталикни кўз қорачигидек асраб-авайлашнинг муҳим омили ҳисобланади. Буни ҳеч қачон унутмаслигимиз, тинчлик учун доимо ўзимизнинг бор куч ва имкониятларимизни сафарбар этиб яшашимиз лозим.

Ёшларни интернет ва ижтимоий тармоқлардаги ахборот хуружларидан асрарнинг долзарб масалалари. Интернет фан-техника тараққиёти натижаси, маданият эволюциясининг ҳосиласи ҳисобланади. Ҳозирги кунда ҳаётимизни интернетсиз тасаввур қилиш жуда мушкул. Айниқса, ёшлар ҳаётида глобал тармоқнинг ўрни тобора ошиб бормоқда. Интернет дунёнинг турли нуқталарида яшовчи одамларнинг ўзаро мулоқотини ҳамда ахборот алмашинувини мукаммал даражада осонлаштириди. Статистик маълумотларга кўра, дунё бўйича интернетдан энг кўп фойдаланувчилар айнан 21 дан 30 ёшгacha бўлган ёшлар ҳисобланар экан.

Юртимизда ҳам интернет тизими ривожланиб, ундан фойдаланувчилар сафи жадал суръатлар билан кенгайиб бормоқда. Сўнгги ўн йилда глобал тармоқдан фойдаланувчилар ўн баробарга ошган. Тармоқ орқали ахборот излаш, қабул қилиш, узатишнинг жуда қулай ва оммабоплиги ундан фойдаланувчилар сонининг тобора ортиб боришини таъминламоқда. Мамлакатимизда 2007 йилда интернетдан фойдаланувчилар сони (мобил интернет фойдаланувчилари билан қўшиб ҳисоблаганд) бир миллионни ташкил этган бўлса, 2016 йил якунида бу кўрсаткич ўн икки миллиондан ошди.

Интернет ёшлар онги ва ҳиссиётларига, тафаккур тарзига, хулқ-атворларига таъсир кўрсатишда катта имкониятларга эга. Интернетнинг бугунги кундаги ривожи ёшларга гоявий таъсир ўтказишнинг миқёси ва қўламининг кескин даражада ўсишига олиб келди.

Глобаллашувнинг ижобий ва салбий томонлари бўлгани каби, интернет тармоғи ҳам шундай хусусиятларга эга эканини унумаслик зарур. Албатта, глобал тармоқ – улкан ресурс. Бироқ бу ресурсларни ким ва қандай мақсадларда фойдаланиши ҳам жуда жиддий масалалар сирасига киради. Хусусан, маълумотларда келтирилишича, бугунги кунга келиб, интернет тармоғида маънавий-ахлоқий тубанликни тарғиб этувчи сахифаларнинг сони бир неча юз миллионни ташкил этган.

Ушбу факт ва рақамлар интернет саноати ривожланиб бора-ётган ҳозирги даврда кишиларнинг ахборотларга нисбатан жуда эҳтиёткорлик, огоҳлик ва зийраклик билан муносабатда бўлишларини тақозо этади. Бошқача айтганда, кишиларимизда, айниқса, ёшларимизда ахборот истеъмоли маданиятини шакллантириш бу-гунги куннинг муҳим вазифаларидан ҳисобланади.

Айнан шу тараққиёт воситасидан устамона фойдаланиб, қалбларни забт этишда диний омилнинг роли юқори. Шунинг учун ҳам турли экстремистик ва террорчи уюшмалар ўз гояларини тарғиб қилишда интернетни энг самарали восита сифатида қўлла-моқда.

Бунда экстремистик оқимлар ўз мақсадларини амалга ошириш учун замонавий ахборот коммуникацияларидан кенг фойдаланиш, интернет орқали турли тилларда тарғибот олиб бориш ва пухта ишланган стратегия асосида виртуал жамоатлар тузиш асосий вазифага айланган. Масалан, бугунги кунда бир неча йирик террорчи ташкилотлар ўз сафларига фаол тарзда ижтимоий тармоқлар орқали асосан 17-35 ёш оралиғида бўлган кишиларни ёлламоқда. Бунда психологик таъсир самарадорлигини янада ошириш мақсадида ижтимоий тармоқ аъзоларининг саҳифалари, қўйилаётган расмлар, шарҳ ва изоҳлар ҳамда олиб борилаётган сұхбат мавзуларини пухта ўрганади ва шу асосда “нишон”га олинган шахсга мавзуга оид материаллар интернетнинг Facebook, Odnoklassniki, VKontakte, Telegram, Twitter, WhatsApp каби кенг аудиторияга эга бўлган ижтимоий тармоқлар орқали (ёзма хабар, матн, фотосурат, стикер расмлар, аудио-видео ролик) жўнатилади ва ўзаро алоқа йўлга қўйилади.

Ёшлар орасида мутаассибликка йўғирилган бундай форумларнинг тобора оммалашуви ҳамда уларда турли кўринишдаги бузгунчи “фатво”ларнинг бериб борилиши муаммонинг нақадар жиддий эканини намоён этади. Чунки дунё ахолисининг асосий қисмини ёшлар ташкил қиласди. Ёшлар катта куч ҳисобланади. Уларнинг энди шаклланиб келаётган онгига нимани сингдирилса, ўша тошга йўйилган нақшдек муҳрланади. Шунинг учун ҳам радикал оқимлар айнан ёшларни тузогига илинтиришга ҳаракат қиласди. Улардаги ишонувчанлик, куч-ғайрат, қизиқонлик уларнинг мақсадини амалга оширишда қўл келади.

Шунинг билан бирга, бугунги кунда аксарият ёшларнинг кўлида интернетга уланган замонавий уяли алоқа воситалари мавжуд. Бу ҳол уларнинг юқорида санаб ўтилган турли хил ижтимоий тармоқларга бевосита уланиш, дўстлари ва танишлари билан узлуксиз мулоқот қилиш имконини беради. Айни пайтда, статистик маълумотларга кўра, Ўзбекистондә энг кўп юкраб олинаётган дастур ичida “WhatsApp”, “Telegram” тармоқлари етакчи ўринни эгаллади. Илм-фаннынг ютуғи бўлмиш бу янгиликлар инсонларнинг узогини яқин, мушкулини осон қилаётгани шубҳасиз. Шу билан бирга, бу кашфиётлар дунё янгиликларидан бир зумда вокиф бўлиш ва маълумотларни осон тарқатиш имконини ҳам беради. Бироқ, мазкур тармоқларда миллатлар ва динлар ўртасида адоватни келтириб чиқарувчи, низоли вазиятларга сабаб бўлувчи, шунингдек, инсонлар орасида ваҳима уйготишга қаратилган иғво, фитна-фасод хабарларнинг кенг тарқатилаётгани кўпчиликни ташвишга солиши табиий. Айниқса, ёшлар ўртасида урфга айланган мазкур мулоқот тизимидан экстремистик оқим аъзолари ҳам унумли фойдаланмоқда. Чунки интернет орқали алоқа боғлашнинг осонлиги, фойдаланувчилар сонининг кўплиги, алоқанинг анонимлиги, ташқаридан бошқариш ва таҳрир қилиш чекланганини, ахборотлар қисқа муддатда кенг маконда тез тарқалиши, фаолият сарф-харажатларининг бир неча баробар камлиги террорчи групхлар учун ўз тарафдорлари сонини кўпайтиришнинг кулаги жиҳатларидан бири ҳисобланади.

Минг афсуски, бундай манфур кучлар асосан илм ва маърифатдан йироқ, соғ диний тушунчаларнинг асл мазмунини билмаган кишиларни, асосан ёшларни жалб этишга интилиб, ижтимоий тармоқлар орқали “жиҳод”, “такfir”, “шаҳидлик”, “ҳижрат” тушунчаларини нотўғри талқин этган ҳолда ўз Ватанларини тарқ этишга унダメмоқда. Шунингдек, айрим кимсалар томонидан мақсадли рашида ислом моҳиятига зид бўлган турли хил асоссиз ахборотлар, манбаси аниқ бўлмаган диний тусдаги хабарлар ёки кишиларни ваҳимага солувчи фото ва видеолавҳалар кенг тарғиб этилмоқда. Бунда баъзи ёшларнинг ахборот воситалари орқали тарқатилаётган миллий ва диний қадриятларимизга зид бўлган хабарлар, аниқ манбаси кўрсатилмаган, асоссиз ахборот ва маълумотларга ишониб қолишаётгани, мулоҳаза қилмасдан кўр-кўрона қабул қилаётгани ундан ҳам кескин оқибатларни келтириб чиқармоқда.

Бугун ахборот истеъмол қилинадиган товарга айланган экан, ҳар бир инсон ўзида уни истеъмол килиш маданиятини тарбиялаши лозим. Ёшлар шахсий характердаги ахборот ҳимояси бўйича билим ва кўникмаларга эга бўлиши, ўзи фойдаланаётган салбий ахборотлардан ҳимоялана олиши зарур. Ана шу мақсадда 2011 йилдан бошлаб, Тошкент ислом университети бакалавриат ва магистратуранинг барча йўналишларида “Ахборот истеъмоли маданияти” номли маҳсус курснинг ўқитилиши жорий этилди.

Ахборот истеъмоли маданияти, энг умумий маънода, ахборот оқимидан инсон манфаатлари, камолоти ҳамда жамият тараққиётига хизмат қилувчи маълумотларни қабул қилиш, саралаш, тушуниш ва талқин этишга хизмат қиласидиган билимлар, қобилият ва малака тизимини англатади.

Инсон ўзида бундай маданиятни тарбиялаши учун у ёки бу ахборотни эшитар экан, ҳеч бўлмаганда “Бу ахборотни ким узатаяпти?”, “Нима учун узатаяпти?” ва “Қандай мақсадда узатаяпти?” деган саволларни ўз-ўзига бериши, унга асосли жавоб топишга ҳаракат қилиши керак.

Шундагина турли ғоялар таъсирига тушиб қолиш, тақдим этилаётган маълумотларга кўр-кўrona эргашишнинг олди олинади. Шаклланган ахборот истеъмоли маданияти миллий манфаатларимиз ва қадриятларимизга зид бўлган хабар, маълумотларга нисбатан ўзига хос қалқон ролини ўтайди, шахс дунёқарashi ва хулқидаги событликни таъминлашга хизмат қиласи.

Ёш авлодда бу жиҳатлар шу даражада шаклланган ва карор топган бўлиши лозимки, улар вертуал маконда умуммиллий манфаатга хизмат қиласидиган, унинг тараққиётига ёрдам берадиган ахборотни танлай олсин. Ахборот истеъмоли маданиятига эга ёшлар, салбий ва нохолис ахборотлар таъсирига тушиб қолмайди, чунки уларда бундай ахборотларга нисбатан мустаҳкам мафкуравий иммунитет шаклланади.

“Кимки ахборотга эга бўлса, у, дунёга эгалик қиласи”, – деган фикр бугунги кунда барча томонидан эътироф этилган. Шундай экан, бугунги кунда ёшларда ахборот олами имкониятларидан оқилюна фойдаланиш малакасини шакллантириш ҳаётий-амалий аҳамиятга эга.

Дарҳақиқат, ислом дини кўрсатмаларида ҳам нақл қилинган бирор хабарга ишонишдан аввал уни текшириб, аниқлаб олиш та-

лаб этилади. Жумладан, Куръони каримда шундай дейилади: Эй, мұмилар! Агар сизларга бирор фосық кимса хабар келтирса, сизлар (ҳақиқий ақволни) билмаган ҳолингизда бирор қавмға азият етказиб қўйиб, (кейинн) қилган ишларингизга пушаймон бўлмаслигингиз учун (у хабарни) аниқлаб (текшириб) кўрингиз! (*Хужсурот*, 6).

Бу ҳакида Куръони каримнинг яна бир оятида инсонлар учун муҳим кўрсатма келган бўлиб, унда ҳам турли воситалар орқали олинаётган хабар ва маълумотларга кўр-кўронга эргашишдан қайтарилади: (Эй, инсон!) Ўзинг (аниқ) билмаган нарсага эргашма! Чунки қулоқ, кўз, дилинг ҳар бири тўғрисида (ҳар бир инсон) масъул бўлур (жавоб берур) (*Исро*, 36). Демак, инсон кўрган, эшитган ҳар бир маълумотига ишониши, унга эргашиши оқибатида Аллоҳ олдида ҳам сўралади.

Пайғамбар Мухаммад (алайҳис-салом)дан ривоят қилинган бир неча ҳадисларда ҳам шундай дейилади: “*Ҳабарни текшириши Аллоҳдан, (унда) шошқалоқлик қилиши шайтондандидир*”, – деганлар. Шунингдек, Абу Ҳурайра (р.а.)дан ривоят қилинган бошқа бир ҳадисда эса, Расулуллоҳ (алайҳис-салом): “*Кишининг ёлғончи эканлигига унинг эшитган ҳар бир нарсасини гапиравериши кифоя қиласи*”, – деганлар.

Демак, ҳар бир олинган маълумотни текшириб, асосли ёки асоссиз эканини аниқламай туриб, ўша маълумотга қараб иш тутиш ислом моҳиятига кўра, шайтон йўлига кириш ҳамда ёлғончи бўлиб қолиш билан баробар бўлади. Чунки бунда хабар тарқатаётган кишининг ғаразли мақсадини амалга оширишига замин яратиб қўйилади.

Шундай экан, дунёнинг турли минтақа ва ҳудудларида рўй берәётган ижтимоий-сиёсий жараёнлар, зиддиятли тўқнашувларга теран қараш ҳиссини ошириш, ҳар қандай кўринишдаги таҳдидларга қарши маънавий-маърифий ишларни замон талаблари асосида ташкил этиш, айниқса бу борада келажагимиз ҳисобланган ёш авлодни, бир сўз билан айтганда ҳар биримиз учун муқаддас бўлган оиласизни дин ниқоби остидаги ёт гоялар таъсиридан асраш учун бор куч ва имкониятларимизни сафарбар этишимиз лозим.

Экстремизм ва терроризмга қарши курашда мафкуравий иммунитетни шакллантириш. Глобаллашув жараёнида замонавий ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий муносабатларнинг

шиддат билан ривожланиши, коммуникация ва ахборот технологияларнинг тез суръатлардаги тараққиёти ғоявий таъсир ўтказиш имкониятларининг кенгайиши, услугуб ва воситаларнинг такомиллашувига туртки бўлиб, мафкуравий кураш умумбашарий миқёс касб этишига олиб келди.

Мафкуравий хавфсизлик – шахс, миллат, жамият, давлатнинг хилма-хил шаклларда намоён бўладиган мафкуравий тажовузлар, турли мафкуравий марказларнинг бузғунчилик таъсиридан кафолатли ҳимояланганлигидир. Мафкуравий хавфсизликни таъминлаш деганда, жамият маънавий ҳаётида бўшлиқ пайдо бўлишининг олдини олиш, ўзининг пировард мақсадларига мос ва унга хизмат қиласиган ғоялар тизимини шакллантириш, уни муттасил мустаҳкамлаб бориш, фуқароларда мафкуравий иммунитетни шакллантиришдек жараёнлар назарда тутилади.

Маълумки, одамзодни хамиша ташвишга солувчи мазкур салбий иллатларнинг илдизлари, узок ўтмишга бориб тақалади. Буюк аждодларимиз уларга қарши курашда сермазмун ва пурхикмат сўз қудратидан унумли фойдаланганлар. Маънавиятни юксалтириш, хусусан, келажагимиз бўлган ёшлар ахлоқини юксак инсоний фазилатлар билан бойитиш давримизнинг долзарб масалаларидан бирига айланди. Шу сабабли тарихимизда битилган бебаҳо меросимизни чуқурроқ ўрганиш ва уларни халқимиз эътиборига ҳавола қилиш олимларимиз олдида турган масъулиятли вазифалардандир.

Қайд этилган фикрлар ҳозирги даврда инсон ҳаётида ахборот ва билимлар хилма-хиллигининг ўрни ва аҳамиятини янада чуқурроқ англашга хизмат қиласиди. Шу билан бирга, билимлар мафкуравий иммунитет тизимининг асосий ва биринчи унсури ҳисобланишини ҳам қайд этиш лозим. Аммо билимлар кўп. Экстремизм ва терроризм тарафдорлари ҳам муайян “билим”ларга таянади ва уни омма онгига сингдиришга ҳаракат қиласиди. Демак, мафкуравий иммунитет тизимидағи билимлар объектив бўлиши, воқеаликни тўғри ва тўлиқ акс эттириши, инсон маънавиятининг бойиши ва жамият тараққиётига хизмат қилиши лозим. Бу, бир томондан. Иккинчи томондан, бу билимлар ўз моҳият эътиборига кўра, Ватан, миллат, инсоният манфаатлари билан узвий боғлиқ бўлиши керак. Фуқароларимизнинг асл ислом ҳақида холис ва етарли билимга эга бўлишлари мутаассибликка қарши иммунитетни шакллантиришнинг асосий шартларидан бири ҳисобланади. Мафкуравий иммунитет

тизимини шакллантиришда ёт гоялар кириб келишининг олдини олиш ва уларни йўқотишига қаратилган чора-тадбирлар мажмунини ўз ичига оладиган мафкуравий профилактиканинг ўрни катта. У ижтимоий институтлар томонидан хилма-хил шаклларда амалга ошириладиган гоявий-тарбиявий, ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маънавий ишлар мажмунини, тўғри ташкил этилган бутун тарбия тизимини қамраб олади.

Бугунги кунда мамлакатимизда миллий гоя руҳи билан йўғирилган ана шундай тарбия тизими яратилди. Уни доимий такомиллаштириб бориш ва давр талабларига ҳозиржавоблигини таъминлаш эса, ҳар биримиз ва барчамизнинг асосий вазифамиз ҳисобланади. Шундай экан, вояга етаётган ҳар бир фарзандимизни кучли мафкуравий иммунитет ва юксак маънавиятга эга шахс сифатида тарбиялаш озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаётни таъминлашимизнинг асосий шартларидан бири бўлиб қолаверади.

Дарҳақиқат, Ўзбекистоннинг мустақилликка эришиши мамлакатимиз маънавий тараққиётида янги давр ва ривожланиш босқичини бошлаб берди. Айниқса, миллий ва диний қадриятлар, урфодат ва анъаналар тикланиши учун кенг имкониятлар яратилди. Мустақиллик йилларида ёш авлодни дунёвий ҳамда диний билимлар уйғунлигида, аждодлар маънавий мероси, миллий қадриятлари асосида тарбиялаш масаласига катта эътибор қаратилди. Бинобарин, эртанги кун эгалари бўлган ёшлар бугунги куннинг энг илфор дунёвий билимларини диний қадриятлар билан ҳамоҳанг тарзда пухта ўзлаштирган бўлиши ҳамда улардан амалиётда эркин фойдалана олиши масаласи бугунги қунимизнинг асосий талабларидан бирига айланди.

Диний қадрият жуда кенг маънога эга бўлиб, ўз ичига миллатлараро тотувлик, ижтимоий ва диний бағрикенглик, ўзаро ҳамкорлик, олижаноблик, сахиийлик каби маънавий-ахлоқий ҳусусиятларни қамраб олади. Айнан диний бағрикенглик, яъни ҳар бир диний таълимотга ҳурмат билан қараш, сабр-бардош ва тоқатли бўлиш ўз навбатида келиб чиқиши мумкин бўлган кўпгина ихтилофларнинг олдини олишга хизмат қиласи. Зоро, бағрикенглик руҳида тарбия топган фарзанд онгига ўзга маданиятлардан ҳуркиб туриш эмас, балки уларга кенгфеълик билан қараш ва қадриятларга ҳурмат билан ёндашиш, ўзаро тушуниш инстинкти шаклланади.

Ёшлардаги миллий ўзликни англаш, диний билим ва дунёқа-рашни шакллантиришда ҳар бир урф-одат, маросим, анъана ва қадриятларимизнинг келиб чиқиши, асл моҳиятини очиб берса ола-диган ҳам илмий, ҳам диний асосланган маълумотлардан иборат замонавий адабиётлар билан таъминлаш, маънавий-маърифий кўрсатувлар намойиш қилиш каби тадбирлар орқали ижобий на-тижага эришиш муҳим омиллардан саналади. Чунки бундай чо-ра-тадбирлар маълум маънода ёшлар онгини бойитиш, ҳақиқий миллий ва диний қадриятлар билан ҳар хил бидъат-хурофот амал-ларни фарқлаш, турли диний оқим ва йўналишлар таъсирига, экстремистик ва террорчи гуруҳларнинг ақидасига қарши иммунитет ҳосил қилиш имконини беради. Шу нуқтаи назардан қараганда, ёшларни миллий урф-одат, анъана ва маросимларимизга ҳурмат билан қараш, уларнинг тарбиявий аҳамиятини доимий тарзда ту-шунтириб бориш, маънавий таҳдидлардан ҳимоя қилиш ҳамда ўз-лигини англашда муҳим аҳамият касб этади.

“Дарс или тарбия орасида бироз фарқ бўлса ҳам иккиси бир-би-ридан айрилмайдурган, бирининг вужуди бирига бойланган жон или тан кабидур”.

Абдулла Авлоний

Экстремизм ва терроризмга қарши курашда кишиларда мағку-равий иммунитетни шакллантиришда ёшлар тарбиясига алоҳида эътибор қаратиш билан бирга илм олиш ҳам долзарб масалалардан хисобланади. Илм олишнинг фазилати ҳақида юқоридаги бандларда қайд этилганидек, исломнинг асосий манбаларида алоҳида зикр этилган. Илм эгаллашда ҳар бир инсон аввало ўзлигини англаб ета-ди. Бу эса тўғри йўлни танлашга сабаб бўлади. Илм деганда факат диний эмас, балки дунёвий, аниқроғи инсонларга фойдаси тегади-ган илм тушунилган. «Хитойда бўлса ҳам илм ўрганинглар», «бе-шиқдан қабргача илм изла», – деган ҳадисларни эслаб ўтиш ўрин-ли. Ёшларнинг дунёвий ва диний билимларнинг уйғунликда холис ўрганиши уларнинг келажакда баркамол инсон бўлишига таянч бўлади. Шу боис, ёшларни аввало миллий ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ҳаётимизнинг асосий мезонига айланиши зарур. Чунки оқилона таълим-тарбия ёшлар онгини ҳам ахлоқий маданиятини

хам ўзгартиришига сабаб бўлади. Тарбиясиз берилган таълим ҳеч бир ерда ривожланишга олиб келмайди.

Мамлакатимизда ёшларни илм-маърифатли, турли соҳаларда етук мутахассис, жисмонан баркамол инсон бўлиб етишишга кенг шароитлар яратиб берилган экан, мазкур имкониятлардан тўла-тўкис фойдаланиш, жамият ва давлат учун фидокор шахс бўлиш ҳар бир шахснинг бурчидир. Бунинг учун эса, улар аввало, дунёвий ва касб фанларини чуқур ўзлаштириш, шунингдек, ўзбек ҳалқининг меҳнатсеварлик, оиласи муқаддас билиш, инсонларга меҳри-бонлик, дўстларга садоқат, ватанпарварлик каби тарихан эъзозлаб келинаётган қадриятларини ўзида шакллантириши талаб этилади.

Зеро, ислом динида ҳам ёшларга, уларнинг таълим-тарбиясига алоҳида эътибор қаратилади. Ҳусусан, Қуръони каримда мингдан ортиқ оятлар одоб-аҳлоқ, тарбия ва илмга алоқадорлиги инсонни баркамолликка етаклайдиган мезон сифатида кўриш мумкин. Ҳалқимиз қонига сингиб кетган диний қадриятларда фарзанд тарбиясига алоҳида эътибор қаратилиши хусусида Пайғамбар Муҳаммад (алайҳис-салом) “*Киши фарзандининг тарбияси билан ҳар куни ярим соат шугулланиши садақа бершидаи яхшироқдир*”, – деб таъкидлайдилар. Бундан кўриниб турибдики, ислом дини фарзанд тарбиясига ёшлигидан то улғайгунча алоҳида эътибор қаратади. Уларнинг нафақат илм олишларини, балки юксак одоб-аҳлоқ соҳиби этиб тарбиялашни асосий мезон сифатида қўяди.

Умуман олганда, ёшларни бунёдкорлик рухида тарбиялаш, беғубор қалбини олижаноблик, хайру саховат, меҳр-оқибат каби соғ ва покиза туйғулар билан тўлдириш, эзгу мақсадларга сафарбар этиш, бузгунчи, зўравон, худбин, бағритош ва қаҳри қаттиқ бўлиб тарбия топишининг олдини олишга алоҳида эътибор қаратиш лозим.

Юқорида қайд этилган мулоҳазалардан хulosса қилиб айтиш мумкинки, экстремизм ва терроризмга қарши курашда ёшларда мафкуравий иммунитетни шакллантиришда қўйидаги жиҳатларга алоҳида эътибор қаратиш лозим:

– мустақил фикрга эга, соғлом негизда шаклланган дунёқараш ва мустаҳкам иродага эга шахсларни тарбиялаш, ёшлар қалби ва онгида соғлом ҳаёт тарзи, миллий ва умуммиллий қадриятларга ҳурмат-эҳтиром туйғусини шакллантириш орқали ҳар хил бидъ-

ат-хурофот амалларни фарқлаш, турли диний оқим ва йўналишлар таъсири ҳамда ақидасига карши иммунитет ҳосил қилиш;

— мағкуравий таҳдидларга қарши доимо сергак, огоҳ ва ҳуш-ёр бўлиб яшаш, гўёки ислом динини ўргатишни вайда қилаётган шубҳали шахслар билан мулоқот қиласлиқ, ноқонуний тарзда чоп этилган ёки тайёрланган диний мазмундаги адабиёт, диск, мобил телефонлардаги материаллардан фойдаланмаслик ва олиб юрмаслик, интернет тизимида экстремизм, терроризм ва миссионерликни тарғиб қиласидан ёшлиарни муҳофаза қилиш;

— ёшлиар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, уларнинг маънавий-ахлоқий тарбиясини шакллантириш, ёшлиар онгида ватанпарварлик, инсонпарварлик, меҳр-оқибат, эл-юрт шаънини ардоқлаш каби улуғвор фазилатларни камол топтириша оила-маҳалла-таълим муассасаси ҳамкорлиги асосида иш ташкил этиш;

— бугунги ахборотлар алмашинуви жадал кечеётган вақтда диний масалаларга оид маълумотларни тўғридан тўғри қабул қилиш ва унга эътиқод қилишга шошилмасликни тавсия ва тарғиб қилиш ҳамда ахборот хуружлари асирига айланмаслик лозим;

— кишиларда диний бағрикенглик, бошқа дин вакилларига ҳурмат, ўзаро биродарлик, миллатлараро тутувлик, дўстлик туйғуларини шакллантириш, маҳалла аҳолиси ўртасида динлараро турли зиддиятларни юзага келишининг олдини олиш бўйича тушунтириш, тарғибот ишларини олиб бориш;

— маҳаллалардаги нотинч, ноқобил оиласиар ёки мутаассибликка мойил шахслар билан тушунтириш ишларини олиб боришида ҳаётий тажрибага эга бўлган маҳалла фаоллари, маҳаллада обрў-эътибор қозонган кишилар, маҳаллий масжидларда фаолият юритувчи имом-хатиблар, шунингдек, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиларини жалб этиш;

— аҳоли ўртасида дин ҳақида нотўғри салбий тушунча ва тасаввурлар уйғонишининг олдини олиш мақсадида акида, ибодат ва бошқа диний масалаларга оид саволлар билан Ўзбекистон мусулмонлари идораси уламолари, уларнинг вилоятлардаги вакиллари, маҳаллий имом-хатиблар ва диний соҳа мутахассисларига мурожаат қилиш;

– экстремизм ва терроризм билан курашда, асосан ҳукуқ-тартибот органларига суюниш, фақат жазо чораларини қўллаш орқали унга барҳам беришга интилиш мазкур салбий ҳодисанинг оқибати билангина курашиш деганидир. Бошқача айтганда, бундай йўлдан борилса, экстремизм ва терроризмни озиқлантириб турган “илдиз”лар заараланмай қолаверади, маълум бир давр ўтиши билан улар янги “күртак”лар беришда давом этишини ҳисобга олиб, бундай манфур кучларнинг кирдикорларини фош этиш ва уларга қарши курашишда ҳар бир соҳа вакили ўзининг муносаб ҳиссасини қўшиш.

Демак, ахборот кураши авж олган XXI асрда дин никоби остидаги турли хил кўринишдаги мафқуравий хуружлардан ҳимоя этишда маънавий-маърифий тарғибот ишларининг таъсиранлигини ошириш, ҳаётимизда содир бўлаётган ижобий ўзгаришлар ҳақидаги чукур таҳлилий маълумотларни ёш авлодга етказиш, уларнинг ижтимоий фаоллигини кучайтириш, бунда “фикрга қарши фикр, гояга қарши гоя, жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш” ҳар қачонгидан ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Назорат саволлари

1. Дин никоби остидаги мафқуравий таҳдидлар қандай шаклларда намоён бўлмоқда?
2. Нима учун интернет оламидаги бузғунчилар асосан ёшларни ўз тўрларига илинтирмоқда?
3. Экстремизм ва терроризмга қарши курашда ёшларда мафқуравий иммунитетни шакллантиришда қайси жиҳатларга алоҳида эътибор қаратиш керак?
4. “Жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш” ғоясининг моҳиятини тушунтириб беринг.

8-мавзу: Халқаро исломий ташкилотлар, диний уламолар томонидан экстремизм ва терроризмга қарши чиқарилган фатволар таҳлили

Режа:

- 1. Халқаро исломий ташкилотлар фаолияти*
- 2. Фатво ва унга доир масалалар*
- 3. Фатвонинг мусулмонлар ҳаётидаги аҳамияти*
- 4. Халқаро исломий ташкилотлар, диний уламолар
томонидан экстремизм ва терроризмга қарши
чиқарилган фатволар*

Таянч сўз ва иборалар: музистаҳид, мутлақ музистаҳид, мұхарриж, мұражәсіх, мұқаллід, мандуб, насс, фатво, муфтий, халқаро ислом ташкилотлари, диний уламолар.

Халқаро исломий ташкилотлар фаолияти. Халқаро исломий ташкилотлар – исломий бирдамлик, ҳамжиҳатлик концепциясига асосланган, алоҳида жамоа ёки давлат, шунингдек дунё миқёсида мусулмонлар ҳаётининг турли жиҳатларини мувофиқлаштирувчи ҳамда йўналтирувчи диний уюшмалардир. Бугунги кунда халқаро ислом ташкилотларининг нуфузи ортиб бормоқда.

1924 йилда Усмонийлар хукмронлиги тугатилгач, дунё мусулмонларини бирлаштира оладиган халқаро ташкилот тузиш гояси илгари суриласди ва 1926 йилда мусулмонларнинг илк халқаро ташкилоти – “Ислом олами конгресси”га асос солинади. Лекин, “Ислом олами конгресси” ташкилоти ўз фаолиятини расмий рашида 1949 йилда Покистондаги Карабида ўтказилган сессиядан бошлайди. Асосчиси сифатида покистонлик Инамулло Ҳон (1912-1997) эътироф этилади. Ташкилотнинг асосий вазифалари бутун дунё мусулмонларини ўзаро бирдамлиги ва ҳамкорлигини таъминлаш, мусулмонларнинг ижтимоий масалалардаги асосий йўналишларини белгилаш, ислом таълимотини кенг ёйиш, ислом тарихини ўрганишдан иборат. Ҳозирги вақтда ташкилотга Африка ва Осиёда жойлашган 36 давлат аъзо бўлган.

Халқаро исломий ташкилотлар орасида ҳукуматлараро мақомда фаолият олиб борадиган “Ислом ҳамкорлик ташкилоти” (ИҲТ)ни келтириб ўтиш ўринли. ИҲТ дунёда энг йирик ислом

ташкilotи саналади. 1969 йил 25 сентябрда Марокашнинг Работ шахрида “Ислом конференцияси” ташкilotи номи остида тузилган. Дастреб ИХТга Осиё ва Африканинг 25 та давлат аъзо эди. Эндиликда икки миллиардга яқин аҳолига эга 57 та давлат аъзодир. Мазкур ташкilotда Бирлашган Миллатлар Ташкilotи, Россия, Босния ва Герцеговина, Марказий Африка Республикаси кузатувчи мақомига эга. 1975 йилдан ИХТга БМТ ҳузурида кузатувчи ташкilot мақоми берилган.

2011 йил 28 июнь куни Қозогистоннинг Остона шахрида ўтказилган ташқи ишлар вазирларининг 38-сессиясида “Ислом конференцияси” ташкilotи номи “Ислом ҳамкорлик ташкilotи”га ўзгартирилди. Ташқи ишлар вазирларининг анжумани ҳар йили мунтазам ўтказилади. Фавқулодда ҳолатларда навбатдан ташқари йиғилишга чақирилади. Бош котибият ИХТнинг ижрочи органи хисобланади.

ИХТнинг ҳозирги низоми 2008 йил 13-14 март кунлари Дакарда ўтказилган йигинда қабул қилинган. Ташкilotнинг асосий вазифалари аъзо давлатлар ўртасида дўстлик ва бирдамлик ришталарини уйғунлаштириш, ислом оламида юзага келган муаммоларни ҳал этиш, давлатлар ички қонунларига ҳурмат билан ёндашиш, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, аъзо давлатларнинг иқтисодий жиҳатдан ривожланишига кўмаклашиш, ислом дини ҳақида турли ноҳақ ва ножӯя маълумотларни бартараф қилиш кабилардан иборат. Шунингдек, ИХТ турли соҳаларда мамлакатлардаги институтлар билан илмий изланишларни ташкил қилиш билан шуғулланади.

ИХТ Ташқи ишлар вазирларининг 1996 йил 2 октябрда Нью-Йоркда бўлиб ўтган навбатдаги мувофиқлаштириш мажлисида Ўзбекистон ташкilotнинг тўла ҳуқуқли аъзоси этиб қабул қилинди. Мамлакатимиз ИХТнинг барча анжуманларида фаол иштирок иштирок этиб, ўзининг муносиб улушини қўшиб келмоқда.

Мусулмонларнинг бирдамлигини таъминлаш йўлида ташкил этилган ташкilotларнинг кўп қисми ҳукуматлараро мақомда фолият юритмайди. Уларнинг орасидан 1962 йил 18 майда асос солинган “Ислом олами лигаси”, 2004 йил 11 июлда тузилган “Мусулмон уламолари ҳалқаро уюшмаси” ва бошқа ўнлаб ташкilotларни келтириб ўтиш мумкин.

Таъкидлаш лозимки, бу каби ташкилотларнинг аксар қисми мусулмонларнинг ҳаётида юзага келаётган замонавий муаммоларини ўрганиш, кўпчилик овоз билан маъкулланган ечимлар ҳамда фатволарни тақдим этиш, таълим, маданият, хайрия ва бошқа шу каби соҳаларда фаолият олиб боради. Мазкур ташкилотлар қаторига “Ислом тараққиёт банки”, “Халқаро ислом янгиликлар агентлиги”, “Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича ислом ташкилоти”, “Ислом адолат суди”, “Ислом фиқҳи академияси” кабиларни келтириш мумкин.

Юқоридагилар билан бир қаторда, минтақавий халқаро исломий ташкилотлар ҳам мавжуд бўлиб, уларнинг фаолияти маълум ҳудуд билан белгиланади. Масалан, Жануби-Шарқий Осиё ва Тинч океани минтақавий ислом ташкилоти, Осиё мусулмонлари қўмитаси, Фатво ва илмий баҳслар бўйича Европа мажлиси ва бошқалар шулар жумласидандир. Таъкидлаш лозимки, халқаро исломий ташкилотлар томонидан экстремизм ва терроризм, мутаассиблик унга қарши кураш ҳамда васатийлик, бағрикенглик, миллатларо тотувлик бўйича қатор конференциялар ўтказилиб, тегишли тавсия ва хуносалар берилмоқда. Шунингдек, экстремизм ва терроризмнинг ислом таълимотига зид экани, экстремистлар томонидан илгари сурилаётган гояларнинг исломнинг тинчликпарварлик моҳиятига қарши қаратилгани юзасидан фатволар ҳам берилмоқда.

Фатво ва унга доир масалалар. Ислом илм, маърифат ва инсон манфаатларини химоя килювчи диндир. Куръон ва ҳадислар исломнинг асосий манбалари бўлиш билан бирга мусулмонлар ҳаётини ташкил этиш учун муҳим қўлланма ҳам ҳисобланади. Шундай экан, Куръон ва суннатга асосланган ҳолда мусулмонларнинг манфаатларидан келиб чиқиб, инсон камолоти ва жамият фарронлиги, ижтимоий барқарорлик ва тараққиётни кўзлаб фатво чиқариш алоҳида билим ва малакани талаб этади. Мўътабар манбаларга кўра, араб тили, Куръон ва ҳадис илмлари, фиқҳ ва ислом тарихини жуда чукур ва мукаммал биладиган мужтаҳидларгина шундай хукм чиқариш хукуқига эгадир. Бироқ тарих ва замонавий воқелик диндан ёвуз мақсадда ҳам фойдаланиш мумкинлигини кўрсатмоқда. Бундай ҳаракатлар ислом динини никоб қилиб олган ҳолда амалга оширилгани ва оширилаётгани янада ачинарли ҳол, албаттага.

Сўнгги йилларда экстремистик ва террорчи гурухлар дин никоби остида ўз ҳаракатларини “шаръий” деб ҳисоблаш орқали жамиятда турли хил қарама-қаршиликларни юзага келтиришга интилоқда. Улар ўзларини “мужтаҳид” деб эълон қилган ҳолда неча асрлардан бўён мусулмонлар жамоаси эргашӣб келаётган мазҳаб таълимотларига зид бўлган турли “фатволар”ни чиқармоқда. Бу эса, бир томондан инсонларни адашиб, нотӯғри йўлларга кириб кетишлирага сабаб бўлса, иккинчи томондан жамиятда ўзаро тушунмовчилик, адоват кайфиятининг пайдо бўлишига замин яратмоқда.

Шу ўринда мужтаҳид ким? Фатво ўзи нима? Уни кимлар беришга ҳақли? каби мавзуга алоқадор баъзи саволлар пайдо бўлади. Куйида шулар ҳақида тўхталиб ўтамиш.

“Мужтаҳид” сўзи лугатда – “тиришқок” деган маънони билдиради. Шаръий истилоҳда эса, мужтаҳид деб Куръон, суннат ва бошқа шариат манбалари асосида ҳукм чиқара оладиган кишига айтилади.

Бугунги кунда мужтаҳид даражалари хусусида бир қанча фикрлар мавжуд бўлиб, улар бир-биридан жузъий ҳолатдагина фарқ килади. Ҳанафий мазҳаби манбаларига кўра мужтаҳидлик даражалари қуйидаги қисмларга бўлинади:

1. “Мужтаҳид фи-ш-шариъа” ёки “мутлақ мужтаҳид” – Куръон ва сунна асосида усул ал-фиқҳни ишлаб чиқади ҳамда шариат саволларига жавоб беради. Бу тоифа уламоларга тўрт мазҳаб асосчилари киради;

2. “Мужтаҳид фи-л-мазҳаб” (мазҳаб ичидаги мужтаҳид) – ижтиҳод даражасига эришган, бироқ у ўзи томонидан усул ва қоидаларни ишлаб чиқмайди, балки, бирор мазҳаб асосчисининг йўлидан боради. Бунга Имоми Аъзамнинг шогирдлари Имом Абу Юсуф ва имом Мухаммад Шайбонийларни келтириш мумкин;

3. “Мужтаҳид фи-л-масаил” (масалалар мужтаҳиди) – мазҳаб боши томонидан жавоб берилмаган янги масалалар юзасидан мужтаҳид мутлақ ишлаб чиқкан усуллар асосида ижтиҳод қиласиди. Бу тоифага Имом Таховий, Имом Сарахсий ва Имом Кархий каби уламолар киради:

4. “Мухарриж” – ўзлари мустақил равишда ижтиҳод қила олмайди, лекин мужтаҳидлар томонидан билдирилган, кўринишидан икки хил тушуниш мумкин бўлган ижтиҳодга аниқлик киритади.

Бунга мисол тариқасида Имом Розий ва Имом Журжонийларни келтириш мумкин;

5. “Муражжиҳ” – бу тоифа уламолар ҳам ижтиҳод қилишга қодир бўлмаса-да, бир масалада мужтаҳиднинг икки хил фикри бўлса, далилларга таянган ҳолда улардан бирини танлайди. Бунга Имом Кудурий ва Имом Марғинонийларни киритиш мумкин;

6. “Муқаллид” – бу юқоридаги даражаларга кирмайдиган фақиҳлардир. Улар ўз мазҳаблари ичидағи масалаларни яхши ўзлаштирган ҳамда ўз фаолияти давомида улардан кенг фойдалана-диган уламолардир. Бунга Имом Ҳаскафий ва Ибн Обидин каби фақиҳлар мансубдирлар.

Мужтаҳид томонидан бирор масала юзасидан чиқарилган ҳукм “фатво” деб аталади. “Фатво” арабча сўз бўлиб, “саволга жавоб бериш”, “шариат масалалари юзасидан фатво чиқармок”, “маслаҳат бермок”, “муфтийнинг холосаси” каби маъноларни англалади. Истилоҳда эса, сўраган кишига шаръий далил асосида ҳукм чиқаришга нисбатан кўлланилади.

Луғавий жиҳатдан фатво берувчи инсон “муфтий” деб аталади. Бу борада олимлар бир қанча фикрларни билдирганлар. Жумладан, машхур фақиҳлардан Имом Қарофий шундай дейди: “Муфтийлар Аллоҳ таолонинг таржимонлариdir. Чунки улар нассга таянган ҳолда ҳукм чиқарадилар”. Имом Шотибий эса: “Муфтийлар уммат учун Расулуллоҳ (алайҳис-салом) мақомларида бўладилар. Бунга далил қилиб: “Олимлар пайғамбарларнинг меросхўрлари-дир. Пайғамбарлар динор ёки дирҳам эмас, балки илмни мерос қилиб қолдирганлар”, – ҳадисини келтиради. Демак, фатво бериш ўта шарафли ва масъулиятли вазифалардан ҳисобланади.

Дастлаб фатво бериш мақомида Расулуллоҳ (алайҳис-салом) турганлар. У кишининг фатволари Аллоҳ таоло томонидан вахий қилинган Расулуллоҳ (алайҳис-салом) билан саҳобийлар ўртаси-даги сұхбатлар одатда савол-жавоб тарзида бўлар эди. Расулуллоҳ (алайҳис-салом) билганларига жавоб берар, билмаганларига Аллоҳ таолодан шу саволга жавобни билдиришни сўрар эдилар.

Расулуллоҳ (алайҳис-салом)дан сўнг саҳобийлар, улардан ке-йин тобеъийлар фатво берганлар. Шундай бўлса-да, фатво беришнинг масъулияти оғир эканини ҳис қилиб, саҳобийлардан Умар ибн Хаттоб, Али ибн Абу Толиб, Абдуллоҳ ибн Масъуд, Оиша онамиз, Зайд ибн Собит, Абдуллоҳ ибн Аббос, Абдуллоҳ ибн Умар (р.а.)

каби саноқли кишиларгина фатво чиқарғанлар. Ибн Абу Лайлордадилар: “Расулуллох (алайхис-салом)нинг 120 та ансорларини учратдим. Уларнинг бирларидан савол сўраганимда кейингисига ўтказар, ундан сўрасам у бошқасини кўрсатар эди. Охири айланниб яна биринчи савол берган кишига келдим”. Ушбу ҳолатда ҳам кўришимиз мумкинки, саҳобийлар фатво беришда ниҳоятда эҳтиёткор бўлганлар.

Саҳобийлардан сўнг, тобеъийлар ёки улардан кейинги даврда яшаган уламолар ҳам фатво беришдан ўзларини сақлардилар. Жумладан, тобеъийлардан бўлган Шаъбийдан бир савол сўралгандагу киши: “Билмайман”, деб жавоб килади. Шунда, одамлар: “Сен Ироқ факихи бўлсанг, “билмайман” дейишга уялмайсанми?!” деганда Шаъбий: “Фаришталар: “Зоти нокнинг ҳаққи, бизда Ўзинг билдирганиңдан ўзга илм йўқдир” (*Бақара*, 32), дейишга уялмаган, мен нега уялай», – деб жавоб берган.

Фатво бериш масаласида мазҳаббошиларидан бири бўлмиш Имом Молик: “Инсон бирор саволга жавоб беришдан олдин ўзини дўзах ёки жаннатда тасаввур қилин-да, кейин жавоб берсин”, деган экан. Бир куни у кишидан савол сўралгандагу: “Билмайман”, – деб жавоб беради. Савол берган киши: “Бу осон савол бўлса, шуни ҳам билмайман, дейишга уялмайсанми?!” деганда Имом Молик ғазабланиб: “Осон масала?! Билиб кўй, динда осон масаланинг ўзи йўқ! Аллоҳ таолонинг: “Зоро, Биз Сизга оғир Сўзни (Куръонни) туширажакмиз” (*Муззаммил*, 5), оятини эшитмаганмисан?! Илмнинг барчаси кийин, жумладан сен сўраган нарса ҳам”, – деб жавоб берган.

Фатвонинг мусулмонлар ҳаётидаги аҳамияти. Фатво мусулмонлар ҳаётида муҳим аҳамият касб этади. Бугунги кунда фатво беришга ҳамма ҳам ҳақли эмас. Акс ҳолда, бу каби ҳолатлар қанчадан қанча бегуноҳ инсонларнинг қони тўклишишига ҳамда асл таълимоти тинчлик бўлган ислом жоҳиллик, ёвузлик, босқинчилик ва қотиллик дини сифатида намоён бўлишишига сабаб бўлади. Аслида, ислом қоидаларига биноан фатво бериш хукуқи юқорида қайд этилганидек, фақатгина ақида, фиқҳ илмида мукаммал дараҷага етган, Куръонни тафсирлари ва турли илмлари билан тўлиқ ёд билувчи, қолаверса, “муфтий” (фатво берувчи) мартабасига эга бўлган муайян шахсларгагина берилиши мълум. Имом Аҳмад ибн Ҳанбал (р.ҳ.)дан қанча ҳадисни ёдлаган одам фатво бериши мум-

кинлиги ҳақида сўралганда, улар муфтий камида 400 минг ҳадисни билиши кераклигини айтган. Ибн Асокир келтирган Расулуллоҳ (алайхис-салом)нинг “*Кимда-ким илмисиз фатво берса, унга Аллоҳ таоло, фаришталар, осмону ердаги барча мавжудотларини лашнати бўлсин*”, – деган ҳадислари ҳам экстремистларга хизмат қилувчи “фатвочи уламолар”нинг фаолиятига муносиб баҳодир.

Шу ўринда, бугунги кунда баъзи эътироф этилмаган оқимлар ҳамда шахслар ўз ғаразли мақсадлари, амалиётларини оқлаш йўлида ислом номи билан турли “фатволар” бериб келаётганини афсус билан қайд этиш лозим. Жумладан, “жиход”, “такfir” (коғирға чиқариш), “хижрат”, “ўз-ўзини ўлдириш” каби масалаларда чиқарилаётган фатволар шулар жумласидандир.

Шунингдек, баъзи тоифалар мансух бўлган ҳадислардан ҳам кенг фойдаланишга уринаётганини таъкидлаш лозим. Жумладан, айрим “салафийлик”ка мансуб гурухлар қабрларни зиёрат қилишни мутлақ ширкка чиқармоқда. Уларнинг даъволарига кўра, қабрларни зиёрат қилган одам мусулмончиликдан чиқар экан. Шу билан бир қаторда, баъзи “фатвочилар” томонидан Расулуллоҳ (алайхис-салом)нинг қабрлари устига курилган гумбазни бузиб ташлаш кераклиги ҳақида ҳам фатволар чиқарилган. Бунинг натижасида баъзи тоифалар ўз даврида Мадинаи мунавварадаги саҳобийларнинг қабрларини бузиш билан кифояланиб қолмай, ҳатто Пайгамбар (алайхис-салом)нинг қабрларини вайрон қилишга ҳам яқин келган эдилар. Ваҳоланки, қабрларни зиёрат қилиш ислом динида мандуб (мустаҳаб) амал хисобланиб, унинг ўзига хос одоби мавжуд. Ўтганлар хотирасини ёдга олиш дунёнинг ўткинчи эканини ҳис этиш, шу орқали кишини бошқаларга зарар етказадиган, гуноҳ ишларни қилишдан сақланиш ва эзгу амалларни кўпроқ қилишга ундейди. Демак, қабр зиёрати инсонлар ўртасидаги ўзаро меҳр-муруват фазилатларини кучайтирувчи воситадир. Зиёратчининг duo фотиҳасидан эса, қабрда ётганлар баҳраманд бўлади.

Маълумки, исломдан аввалги жоҳилият даврида қабрларни улуғлаш, уларга сифиниш авж олган эди. Шунинг учун ҳам, Муҳаммад (алайхис-салом) дастлаб – мусулмонлар бутпарамстлик ва ширк асоратларидан батамом покланиб улгурмаган, тавҳид тўлиқ қарор топмаган бир пайтда кишиларни мазкур амалдан қайтарган эдилар. Ислом бутунлай қарор топгандан сўнг, Пайгамбар Муҳаммад (алайхис-салом) охиратни эслатишини инобатга олиб, қабрлар-

ни зиёрат қилишга изн бердилар. Имом Термизий ривоят қилган ҳадисда: “Мен сизларни қабрларни зиёрат қилишдан қайтарған әдим. Энди қабрларни зиёрат қылаверинглар. Чунки у қалбни юмшатади, күзни ёшилатади ва охиратни эслатади”, деб марҳамат қилинганд.

Яна шунга үхшаш ҳолатлардан бири сифатида мисрлик сохта салафий оқимининг намоёндаларидан бири, такси ходимлари христиан рухонийларини таксида олиб юриш оғир гуноҳ экани ҳамда бу ишни қилиш спиртли ичимликларни ичиш билан баробарлиги түғрисида фатво берганини келтириб үтиш мумкин. Шуннингдек, қизларнинг таълим даргоҳларида таҳсил олишини ҳам қоралаб, уларнинг математика, география каби замонавий фанларни ўқишлиридан ҳеч бир фойда йўклиги, бу нарса оғир мусибат экани түғрисида ва қизларни мактабларга боришларини тақиқловчи фатволар ҳам чиқарилган. Бу эса, ўз навбатида, бир қатор давлатларда турли ихтилофлар ва кўплаб талафотлар етказилишига сабаб бўлган.

Соҳта салафийлар томонидан чиқарилаётган бу каби фатволар жамиятни пароканда бўлишига, инсонларнинг қони тўкилишига, фитналарнинг кўпайишига олиб келаётгани, унинг ислом таълимотларига зид эканини намоён этади. Зоро, Куръони каримнинг “Бақара” сураси 191-оятида “Фитна қотилликдан ҳам ашаддий-роқдир”, – дейилади. Шуннингдек, Расулуллоҳ (алайҳис-салом): “Фитна уйқудадир. Уни уйғотгани Аллоҳ лаънатласин”, – деб марҳамат қилганлар (*Рофеъий ривояти*).

Фатво масаласидаги яна муҳим жиҳатлардан бири бу – бугуни кунда оммавий ахборот воситалари, спутник каналлар орқали тўғридан-тўғри бериб борилаётган фатволар. Бу ҳолатда фатво бे-рувчи шахс фатво сўровчининг на ҳоли ва на вазияти тўғрисида билимга эга бўлмайди. Буларнинг барчасидан бехабар фатволарни бериб юбораверади. Бунинг салбий оқибатларидан яна бири, бу берилаётган фатволарни бир ёки ўн киши эмас, балки бутун дунё бўйлаб, миллионлаб турли мазҳабда бўлган мусулмонлар эшитади. Ваҳоланки, фикҳий китобларда қайд этилишича, муфтий юксак илм соҳиби бўлиш билан бир қаторда, ўзи яшаб турган вақтнинг воқелигини, инсонларнинг ҳолатини яхши билиши ҳам керак.

Бундан ташқари, ҳозирги кунда жаҳонда баъзи ҳаракатлар томонидан бузгунчилик амалиётларини ислом динига боғлаб амал-

га оширишда “буюртма фатволар”дан самарали фойдаланаётгани ҳеч кимга сир эмас. Аслида исломда илм-маърифатли бўлишга, Яратган томонидан инсонларга берилган неъматлар ҳақида билим орқали тадаббур қилишга тарғиб қилинган. Ҳасан Басрий (р.х.) ривоят қилган ҳадисда шундай дейилади: “*Инсонлар илм ўрганиб амални тарқ қилгандаридан, тиглари ила севишиб, қалблари ила адоватда бўлсалар ва силсила раҳмни узсалар, Аллоҳ уларни лаънатлаб, қулоқларини кар ва қўзларини кўр қилиб қўяди*”. Дарҳақиқат, ислом оламининг эътиборли уламолари томонидан мўътабар манбалар асосида берилаётган фатволар ёки раддияларни тан олмаётган турли фирмә ва оқим тарафдорларини юқоридаги ҳадисда келтирилган кимсаларга қиёслаш мумкин.

Шундай экан, фатво мусулмонлар ҳаётида муҳим аҳамият касб этади. Фатво беришга, фақатгина илмда муайян даражага етишган ҳамда уламолар томонидан эътироф этилган кишигина ҳақлидир. Акс ҳолда, бу каби ҳолатлар қанчадан қанча бегуноҳ инсонларнинг қони тўкилишига ҳамда асл таълимоти тинчлик бўлган ислом динини “уруш” дини сифатида кўрсатишга, ўзаро адоват ва нафрат уругини сочишга, мусулмонлар ўртасида турли хил фитналарнинг келиб чиқишига сабаб бўлади. Фатво оладиган одам ҳам, албатта, ўз навбатида ишончли, ҳамма эътироф этган уламога мурожаат қилиши билан ўзини ҳам, атрофдагиларни ҳам турли мусибатлардан асраран бўлади.

Халқаро исломий ташкилотлар, диний уламолар томонидан экстремизм ва терроризмга қарши чиқарилган фатволар. Бугунги кунда экстремистик ҳаракатлар ўзларининг мудхиш фоалиятини давом эттираётгани замонамиз уламоларининг ҳам мазкур масалага яна ва яна мурожаат қилишга, ислом оламининг йирик ва обрўли ташкилотларини маҳсус фатволар ва баёнотлар қабул қилишга мажбур этмоқда. Куйида улардан айримларини келтириб ўтамиз.

2014 йил 22 апрелда қабул қилинган “Ўзини-ўзи турли йўллар билан қасддан ўлдиришининг оғир гуноҳлиги ҳақида”ги Ўзбекистон мусулмонлари идораси фатвосида шундай дейилади:

Кейинги вақтда жамиятимизда айрим, қишилар билиб-бilmай, айниқса, хотин-қизлар ўзларининг жонларига қасд қилиб, Аллоҳ таоло ато қилган ҳаёт нурини бевақт ўчиришга, икки дунёда абадий лаънатга ва дўзах азобига дучор бўлишдек оғир гуноҳ қилиш-

га ўтмоқдалар. Ислом таълимотида инсон ўз жонига қасд қилиши каттиқ қораланади, ушбу ишни қилган осий банда жаҳаннам ўти билан азобланиши таъкидланади. Аллоҳ таоло айтади: "...ўз қўлларингиз билан ўзларингизни ҳалокатга ташламағиз! (Барча ишларни) чиройли қилингиз. Албатта, Аллоҳ чиройли (иш) қилувчиларни яхши қўради" (Бақара, 195).

Расулуллоҳ (алайхис-салом) ўз ҳадиси шарифларида бундай дейдилар: "Ким төг тенасидан ташлаб, ўзини-ўзи ўлдирса, ўлгандан сўнг жаҳаннамда ҳам шу хил азобга гирифтор бўлади. Агар заҳар ичиб ўзини-ўзи ўлдирса, жаҳаннамда ҳам абадий шу азобга мубтало бўлади. Ким ўзини темир парчаси билан ўлдирса, ўша кимса темир парчасини қорнига суққан ҳолда жаҳаннам ўтида абадий ҳаром қолади".

Яна Имом Бухорий ривоят қилишларича, Ҳазрати Расули акрам (алайхис-салом) айтадилар: Аллоҳ таоло ҳадиси қудсийда марҳамат қиласи: "Бандам ўзини-ўзи ўлдириб, меннинг унга бергани умримга шукр қилмай, тиошибди. Шунинг учун унга жаҳаннамни абадий ҳаром қилдим".

Жаҳондаги нуфузли ислом муассасалари ва уламолари ўзини турли портловчи восита билан портлатиш орқали бегуноҳ одамларнинг ўлимига сабаб бўлиш шаръян ҳаром амал эканлигини таъкидлаганлар. Бу ишни исломга ҳеч бир алоқаси йўқ. Бу гуноҳ ишни амалга оширганлар ким бўлишидан қатъи назар Аллоҳ таолонинг азобига учрайди, деб алоҳида уқтиришган.

* * *

2002 йилда бўлиб ўтган "Ислом Олами Робитаси қошидаги Ислом Фикҳи Академиясининг терроризмга муносабати" ҳақидағи Маккаи мукаррама баёнотида шундай дейилади:

Экстремизм, куч ишлатиш ва терроризмнинг исломга ҳеч қандай алоқаси йўқ. Бу ишлар хатарли ишлар бўлиб, улар ўта салбий оқибатларга олиб келади. Уларда инсонга тажовуз қилиш, зулм қилиш бор. Шариатнинг икки манбаи Аллоҳнинг Китоби ва Набий (алайхис-салом) суннатини ўқиган киши уларда ўзгаларга ноҳак тажовуз қилиш каби экстремизм, куч ишлатиш ва терроризмнинг ҳеч қандай маъносини топмайди.

Ислом динида шахслар ва гурухларга мўътадил бўлиш, экстремизмни таг-томири билан йўқотиш, уларга олиб борувчи динда чуқур кетишга йўл қўймасликка кўрсатмалар бор. Чунки буларда аниқ ҳалокат бордир. Расууллоҳ (алайҳис-салом) айтганлар: “Динда чуқур кетманглар. Сизлардан олдингиларни динда чуқур кетиши ҳалок қилган” (*Имом Аҳмад ва Насоий ривояти*).

Ислом кўрқитиш, вахимага, саросимага солиш, ноҳақ ўлдиришга олиб борувчи ёмон иллатларни даволаган. Расууллоҳ (алайҳис-салом): “Мусулмонга бошқа мусулмонни қўрқувга солиш ҳалол эмас”, – деганлар (*Абу Довуд ривояти*). Яна Набий (алайҳис-салом): “Ким биродарига бир темирни ўқталса, ўша ишини тўхтатмагунча фаришталар уни лаънатлаб туради. Агар у ота ёки она бир ака ёки укаси бўлса ҳам”, – деганлар (*Имом Муслим ривояти*).

Исломда жиҳод ҳаққа ёрдам, зулмни қайтариш, адолат, тинчлик ва омонликни қарор топтириш, Расууллоҳ (алайҳис-салом) олиб келган раҳматга йўл очиш учун жорий қилинган. Бу раҳмат одамларни зулматлардан нурга чиқариш учундир. Бу эса терроризмнинг барча кўринишларига барҳам беради. Зеро, уруш маъносидаги жиҳод Ватан ҳимояси учун босқинчиликка, бойликларнинг ўғирланишига, одамларни ўз юртларидан чиқаришга ёрдам берадиганларга, аҳдларини бузадиганларга, мусулмонларнинг динларида фитналанишига қарши жорий қилинган.

Исломда жиҳоднинг ўз одоб ва ҳукмлари бор. Уларга кўра, урушмаган кишилар, кексалар, аёллар ва болалардан иборат бегуноҳ инсонларни ўлдириш тақиқланади. Қочганларни қувлаш, таслим бўлганларни ўлдириш, асиrlарга озор бериш, ўлганларнинг жасадидан аъзоларини кесиш, урушга алоқаси йўқ бино ва иншоатларни вайрон қилиш ман қилинади.

Юртларни талаётган, муқаддас нарсаларни топтаётган, бойликларни ўғирлаётган золимларнинг зўравонлиги билан зулм кўрганларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш йўлида қонуний ҳимоя ҳуқуқини амалга оширишини тенглаштираслик керак.

* * *

2002 йил 3 апрелда қабул қилинган “Халқаро терроризм ҳақидаги Куала Лумпур Декларацияси”да шундай дейилади:

“Биз, ўзимизнинг асоғий Қонунларимизга содик эканимизни, ислом таълимоти одамларни кирғин қилишдан нафратланишини, тинчликни, матонатни ва ўзаро ҳурматни қадрлашини, шу билан бирга, бегуноҳ инсонларни ўлдиришни тақиқлашини яна бир бор таъкидлаймиз. Биз, терроризмга алоқадор ҳар бир ҳолатни ислом ва мусулмонларга боғлашни рад этамиз. Чунки терроризм ҳеч қайси бир динга, маданиятга ёки миллатга дахлдор эмасдир”.

* * *

2003 йил 13-17 декабрь кунлари бўлиб ўтган Ислом Олами Робитаси қошидаги Ислом Фикҳи Академиясининг “Террористик портлатишлар ва таҳдидлар. Сабаблари, оқибатлари, шаръий ҳукми ва уларнинг олдини олии воситалари” ҳақидаги Маккаки мукаррама баёнотида шундай дейиллади:

Террористик амалиётлар жон, молга қарши тажовуз, йўлтӯсарлик, тинч аҳолига кўркув солиш, динга ҳам қарши тажовуздир. Иншоатлар, кўприклар, жон ва моллар дахлсиз, халқаро шартнома ва келишувларга мувофиқ, давлатдан аҳд ва омонлик олган тинч аҳоли яшайдиган уйларни портлатиш, самолётлар, поездлар ва бошқа транспорт воситаларини олиб қочиш, улардаги йўловчилар ҳаётига таҳдид солиш, уларда кўркув уйғотиш, уларнинг йўлини тўсиш каби ишлар ислом шариатида катта гуноҳ ва ҳалок қилувчи амаллардан хисобланади. Мазкур ишларни бевосита бажарувчилар, шунингдек унга молиявий ёрдам бериш, курол етказиб бериш, ОАВда тарғибот ишларини олиб бориш ҳамда бу каби фаолиятни жиҳод ва шаҳидлик деб баҳолаш орқали билвосита амалга ошираётгандар учун улкан азоблар борлиги қатъий белгилаб қўйилган.

* * *

2005 йил 6 июлда қабул қилинган “Ислом ҳақиқати ва унинг замонавий жамиятда тутган ўрни” ҳақидаги Алман (Иордания) Декларациясида шундай дейиллади:

“Аҳли сунна вал-жамоанинг тўрт мазҳаби: ҳанафий, моликий, шофеий, ҳанбалий, шунингдек жаъфарий, зайдий, ибодий ва зоҳирний мазҳабларига эргашувчи ҳар бир шахс мусулмондир. Уни коғир дейиш, жонига қасд қилиш, шаъни ва мол-мулкига тажовуз

қилиш мумкин эмас. Умуман олганда, Аллоҳга, Унинг Расулига имон келтирган, дин арконларини ҳурмат қиласиган ва уларнинг бирортасини инкор этмайдиган мусулмонларнинг ҳар қандай тоифасини коғирга чиқариш жоиз эмас. Исломдаги мазҳаблар ўртасида умумий жиҳатлар жуда ҳам кўп. Саккиз мазҳаб вакиллари ягона Аллоҳ таолога, муқаддас Қуръони карим (Аллоҳ нозил қилган Калом)га ва Пайгамбар Мұхаммад (алайхис-салом)га имон келтирган ҳолда ислом таълимотига риоя қиласидилар. Айни пайтда, улар имон, намоз, закот, рамазон рӯзаси ва ҳаж қилиш каби исломнинг беш арконига ҳамда имон арконлари: Аллоҳга, Унинг фаришталарига, муқаддас китобларига, пайғамбарларига, қиёмат кунига ва қазоий қадарга ишонадилар”.

* * *

Шайх Мұхаммад Саид Рамазон Буттий “Экстремизмнинг исломга ҳавфи” борасида шундай айтадилар:

«Бутун инсониятни ёки унинг кўпчилигини тинчлик неъматидан тўсиб турган террор қуролини тугатмай туриб, тинчликка элтувчи йўлни қандай химоя қилиш мумкин? Зотан, тинчлик билан террор ўртасида жуда катта фарқ мавжуд».

Қуръони каримда келган “жиҳод”, “қитол” лафзлари ўзининг истак ва хоҳишлари йўлида адолат меъёрларини бузаттга ва бошқалар устидан хукмрон бўлишга уринаётган кимсаларга нисбатан қўлланилган. Агар боғийлар ўзларининг фитнакор истакларидан қайтиб, тинчликни қўллаб-қувватлашса, уларга азият етказишдан тийилиш, тинчликни асраб-авайлашда ўзаро ҳамкорлик қилиш керак бўлади.

Бу маъно Аллоҳ таолонинг қуйидаги ояти каримасида ўз аксини топган: “Сизларга қарши жанг қилувчилар билан Аллоҳ йўлида жанг қилингиз, (лекин жанг асносида ҳам) ҳаддан ошмангиз! Зоро, Аллоҳ ҳаддан ошувларни ёқтиргмагай” (*Бақара*, 190).

“Дин тўғрисида сизлар билан урушмаган ва сизларни ўз юрtingиздан (ҳайдаб) чиқармаган кимсаларга инсабати яхшилик қилишингиз ва уларга адолатли бўлнишигиздан Аллоҳ сизларни қайтармас. Албаттга, Аллоҳ адолатли кишиларни севар” (*Мумтаҳана сураси*, 8-оят).

Кўштириноқ ичидаги кимсалар Куръони каримда келган “қитол”, “жиход” сўзларини синчковлик билан ўрганиб, уларнинг сонини санаб, ушбу сўзлардан олдин ҳамда кейин келган жумлаларни кесиб, Куръони каримни, гўёки террор манбасига айлантиришади ва: “Куръони карим инсонларни қитол, боғийлик ва жиходга буюрадиган қонунларни ишлаб чиқади”, – деб хато гумон қилишади. Ундейларнинг кўзлари Куръони каримда жуда кўп учрайдиган ва такрор-такрор келадиган “афв”, “кечирим”, “лутф”, “адолат” каби сўзларни кўрмайди.

* * *

Мусулмон жамиятларида тинчликни мустаҳкамлаш форуми раиси Аллоҳу әл-Байя айтадилар:

Эй ёшлар! Ўз умматига қарши қурол кўтариб чиққан, мамлакатлар ва уларнинг аҳолисига жабру зулм кўрсатган, миллату элатлар орасида адоват уруғини сочган, юксак қадриятларни оёқости қилган ёшлар! Сизларни умматга яхшиликни истаган одамнинг қуидаги насиҳатига қулоқ тутишга ҳамда чуқурроқ мулоҳаза юритишга, теран фикрлашга чорлаймиз. Ушбу мурожаат юзасидан, сизларнинг дикқатингизга тўрт нарсани таъкидламокчимиз:

Биринчisi, Куръони каримдан бўлиб, унда Аллоҳ таоло бундай марҳамат қиласди: “Одамлар орасида шундай кимса ҳам борки, унинг дунё ҳаёти тўғрисидаги гапи Сизга қизиқарли бўлади. Дилядаги “имонни”га Аллоҳни гувоҳ қиласди, ваҳоланки, ўзи (исломга нисбатан) душманларнииг ашаддийсидир. (Олдингиздан) кетганида ерда фитна-фасод, экин ва наслни ҳалок қилиш ишлари билан юради. Аллоҳ эса, фасодни (бузгунчиликни) ёқтирмайди” (*Бақара*, 204-205).

Мазкур оятлар мунофиқ Ахнас ибн Шариф хусусида нозил бўлган. У Пайғамбар (алайхис-салом) ҳузурида чиройли гапларни гапириб, ташқарига чиққач, бузгунчилик ишлари билан шуғулланар эди. Масалан, Сақиғ қабиласи одамлари билан унинг ўртасида адоват бўлгани сабабли ярим кечада қабиланинг чорва молларни ўлдириб, экинларини ёндириб кетади. Айтингчи, экин-тикин, насл-авлод, қарилару аёллар ҳалок бўлдими? Бу – Аллоҳ таолога куш келмайдиган, ер юзидаги фасод эмасми?!

Иккинчиси, Расулуллоҳ (алайхис-салом)нинг муборак ҳадисларини келтирмоқчимиз. У зот бундай деганлар: “Огоҳ бўлишг. Мендан кейин бир-бирингизни ўлдирадиган кофирлар бўлиб кетманглар!”

Аҳамият беринг, бу жумлалар “Ҳажжатул Вадоъ” (Видолашув ҳажи)да видолашув сўзи сифатида айтилгандир.

Уламолар мазкур ҳадисга изоҳ бериб, инсон жонига қасд қилиш мақсадида куфрда айблаб, бир-бирингизни кофирга чиқарманглар, деб шарҳлаганлар. Ушбу ҳадиснинг “вайлакум”, “вайҳакум” сўзлари билан бошланишига эътибор қаратинг. Бу иккала сўз ҳам ўта огоҳлик ва хушёрлик мазмунига эга. Пайғамбар (алайхис-салом) уларни камдан-кам ҳолатларда ўз ҳадисларида ишлатганлар. Хўш, инсонларни кофирликда айблаш, қонини тўкиш, Набий (алайхис-салом) қаттиқ қоралаган ва қайтарган ҳолатлар эмасми?

Учинчиси, мўминлар амири Умар ибн Хаттоб (р.а.)нинг сўзлари бўлиб, у киши охирги хутбаларида: “Кимки мусулмонлар билан бемаслаҳат бир одамга байъат қилса, унга ҳам, у байъат қилган шахсга ҳам эргашилмайди. Зеро, бу хатти-ҳаракатлари билан уларнинг иккиси ҳам ўзларини ҳалокатга дучор қиладилар (яни, катл этилишга маҳкум бўладилар)”.

Тўртинчиси, имом Аҳмад ибн Ҳанбалнинг Аббосий халифа Восиқ “Қуръон маҳлук” деган гояни илгари суриб чиққанида, унга қарши қўзғолон кўтармоқчи бўлган Бағдод ахлига қаратадиган қуйидаги сўзлари: “Ўзингизнинг ҳам ва бунга кўшиб мусулмонларнинг ҳам қонини тўқманглар. Хатти-ҳаракатингиз қайдай натижалар келтириб чиқариши ҳақида ўйланглар”. Бу имом Аҳмад ибн Ҳанбал Бағдод ахлини қайтарган беҳуда кон тўкиш эмасми?

* * *

“Халқаро Қуръон йўли” ташкилотининг асосчиси, покистонлик ҳанафий уламо Тоҳир Қодирий “Мусулмонларни ўзини портлатишга даъват этувчилар дўзах оловидадир” номли фатвосида шундай айтадилар:

Қуръони каримга кўра, террористларнинг омма халқни портлатиши, инсонларни ўзини-ўзи портлатишга даъват этиши ва бошқа ҳар қандай тинч аҳолини ҳаётига қаратилган тажовузларни

амалга ошириши улкан жиноят ҳисобланади. Албатта, бу ишларни амалга оширувчиларга жаҳаннамда оғир азоб-уқубатлар борлигидага ҳеч қандай шак-шубҳа йўқ. Куръони каримнинг “Буруж” сурасида одамларни ёндириш тақиқланганни келтириб ўтилади: “Албатта, мўмин ва мўминаларни фитнага солиб, сўнгра тавба қилмаган кимсаларга жаҳаннам азоби ва улар учун ўт азоби бордир” (Буруж, 10).

* * *

“Халқаро Қуръон йўли” ташкилотининг асосчиси, покистонлик ҳанафий уламо Тоҳир Қодирий “Мусулмон ва мусулмон бўлмаган аҳолини ўлдиртишик орасида ҳеч қандай фарқ йўқ” номли фатвосида шундай айтадилар:

Пайғамбар Мухаммад (алайхис-салом) ўзларининг охирги хутбаларида инсонларнинг ҳаётини, мол-мулкини ва обрў-эътиборини сақлаш ҳакида шундай дедилар: “Албатта, Аллоҳ таоло қонингиз, молингиз ва номусингизни бир-бiringиз учун мана шу муқаддас шаҳрининг, табаррук ойингиз ва улуг айёмингиз каби муқаддас айлади”. Ушбу ҳадисга кўра, бир одамни ноҳақ ўлдириш, унинг молига тажовуз қилиш, обрўсига путур етказиш мутлақо тақиқланади.

* * *

Ўзбекистон мусулмонлар идораси раиси, муфтий Усмонхон Алимов шундай айтадилар: Ақидапарастлар фикрича ислом маърифатини ёйишнинг йўли факат зўравонликдир. Шу йўлда улар жангариларни тайёрлаш ва қўпорувчилик билан инсонларга ваҳима солиши орқали ўз қора пиятларига етишини мақсад қиласди. Ваҳоланки, Аллоҳ таоло: “(Эй Мұхаммад,) Раббингизнинг йўли (дини) га ҳикмат ва чиройли насиҳат билан даъват қилинг! Улар билан энг гўзал услубда мунозара қилинг!..” (Наҳл сураси, 125-оят) – деб амр қиласди. Фоялар кураши даврида ҳар бир фуқаро тажовузлар моҳијатини тўғри англаб етиши талаб этилади. Шу билан бирга, бундай қарама-қаршиликлар қайси кучларга таяниши, қандай фикрларни тарғиб этишини ҳам яхши англаш лозим.

Дунёнинг турли миңтақаларида баъзан атайин уюштириладиган норозиликлар, исёнлар, аҳоли табақалари орасида тўқнашувлар бўлиб турибди. Дин тўғрисида хато тасаввурга эга баъзи ёшлар турли алдовлар билан бундай тўс-тўполонларнинг кўғирчоги бўлиб майдонга чиқяпти. Натижада, энг олий неъмат бўлмиш тинчликка рахна солинмоқда, одамлар ўртасидан меҳр-оқибат кўтарилимоқда, хузур-ҳаловатда эътиқод қилиш имконияти бой берилмоқда.

Хулоса ўрнида замонамиз уламоларидан бирининг қуидаги сўзларини келтиришни лозим топдик: “Бу дунёдаги энг муқаддас нарса, факат “Каъба” ёки “Масжидул Ақсо” ёки “Йиги девори” эмас, балки инсон хисобланади. Албатта борлиқнинг энг муқаддаси бу – инсон. Мен учун биргина мургак гўдакнинг бир томчи қони дунёдаги барча муқаддас нарсадан устун. Нима учун деб сўрайсиз... Чунки инсоният учун муқаддас бўлган “Каъба”ми, “Йиги девори”ми, “Рождество черкови” дейсизми, буларнинг барчасини инсон бунёд қилган. Инсонни-чи?! Уни ким яратган?! Сўзсиз, Аллоҳ яратган”. Демак, Яратганинг энг буюк неъмати, биз яшаб турган оламнинг энг ажойиб мўъжизаси бўлмиш инсон ҳаётига тажовуз қилишга қаратилган ҳар қандай кўринишдаги таҳдидлар катта гуноҳ экан, ҳар бир киши бу неъматни асраб авайлаши, унга хиёнат қилмаслиги лозим бўлади.

Назорат саволлари

1. “Мужтаҳид”ликнинг қандай даражалари мавжуд?
2. “Фатво”, “муфтий” сўзлари қандай маъноларни англатади?
3. Фатво беришнинг масъулияти борасида манбаларда нима дейилган?
4. Йирик исломий ташкилотлар ҳамда уламолар томонидан диний экстремистик ва террорчи уюшмалар фаолиятининг ислом таълимотига зид экани борасида чиқарилган фатволардан келтиринг.

ГЛОССАРИЙ

Атаманинг Ўзбек тилида номлани- ши	Атаманинг инглиз тили- да номлани- ши	Атама- нинг рус тилида номлани- ши	Атаманинг маъноси
Ансорлар	Ansars	Ансары	(араб. – ёрдам берувчилар) илк ислом тарихида Маккадан хижрат килган Пайгамбар (алайхис-салом) ва муҳожирларга ёрдам берган мадиналик мусулмонлар.
Ақида	Doctrinal statement (dogma)	Вероуче- ние	(араб. – ишонч, бирор нарсани иккинчи сига боғлаш) маъносини англатади. Истилоҳда эса ақоид илмининг машҳур номларидан бири.
Ахли ки- тоб	People of the book	Люди писания	ислом динига кўра, Аллоҳ таоло томонидан мукаддас китоблар нозил килингандар, яъни яхудий ва христианлар тушунлади.
Байъат	Bay'ah (oath of allegiance)	Бай’а (договор, присяга, клятва вернос- ти)	(араб. – олди-сотди) шарнатда кишиларнинг Расулуллоҳ (алайхис-салом)га итоат ҳакида берган вайдалари. Бунда вайда берувчи шахс ўз итоати эвазига савобни сотиб олиш маъноси борлигидан “байъат” дейилган. Расулуллоҳ (алайхис-салом)дан кейин халифалар, давлат бошликларига байъат килиш одати бўлган. Кейинроқ давлат бошлигидан бошқаларга, маълум раҳбарлик маъносидаги улуғларга ҳам байъат қилиш таркалган. Байъат вактида қўл ушлашиб туриб аҳд берилганидан ахли тасаввуфда муриднинг шайхга килган байъатини “қўл бериш” дейилади.

Баркарорлик	Stability	Стабильность	тинчлик, осойишталик ва ижодий мөнхтэй мөхити катъий, узил-кесил ҳамда мустахкам ўрнатылган мүким шаронты. Баркарорлик ҳар кандай бунёдкорлик фаолиятининг заминни ва зарурий шарти хисобланади.
Бидъят	Bid'ah (novelty)	Бид'а (нововведение)	(араб. – янгилик киритмок, янгитдан яратмок) истилохий маънода Мухаммад (алайхис-салом) замонасида исломда бўлмаган ва кейинчалик динга киритилган ортиқча, фойдасидан зарари кўпроқ амалга айтилади. Бироқ бидъятул – ҳасана (яхшиликка хизмат килувчи янгилик) ҳам мавжуд. Бугунги кунда айрим мутаассиб оқимлар томонидан ҳар қандай янгиликни (жумладан, яхшиликка хизмат килувчи янгиликни ҳам) бидъят сифатида баҳолаб, бажарувчиларни диндан чикишда айблаш холатлари учрамоқда.
Богий	The rebel	Мятежник	(араб. – душманлик килувчи, зулм килувчи, тажовузкор) истилоҳда бирор масала юзасидан адолатли давлат раҳбарига карши чикувчи мусулмонларнинг курол-аслаҳага эга бўлган тоифасидир.
Виждон эркинлиги	Freedom of conscience	Свобода совести	диний эътиқод эркинлиги.
Виртуал олам	Virtual world	Виртуальный мир	одатда ахборот технологиялар интернетга нисбатан ишлатилади, аслида рақамлардан ташкил топган реал бўлмаган, аммо нусха килинган хаёлан ишланган лойиха ёки дастур.
Вожиб	Wajib	Ваджиб	Ҳанафий мазҳаби таълимотига кўра, Куръони каримда тўғридан-тўғри буйруқ келмаган ҳолда бажарилиши шарт бўлган амалларга нисбатан ишлатилади.
Глобал	Global	Глобальный	дунёвий, бутунжаҳон, Ер сайёраси бўйича кенг қамровли жараён.
Диний бағрикенглиқ	Religious tolerance	Религиозная толерантность	турли дин вакиллари эътиқодидаги мавжуд ақидавий фарқлардан катъи назар, уларнинг ёнма-ён ва ўзаро тинч-тотув яшаши ҳамда ҳар бир диний таълимотга хурмат билан карашни англатади.

Диний ташкылт	Religious organization	Религиозная организация	диний жамоаларнинг энг юқори расмий уюшмаси.
Диний экстремизм	Religious extremism	Религиозный экстремизм	жамият учун анъанавий бўлган диний қадриятлар ва акидаларни рад этиш, уларга зид бўлган ғояларни алдов ва зўрлик билан тарғиб килишга асосланган назария ва амалиёт.
Диний гоялар	Religious ideas	Религиозные идеи	диний даъватлар, акидалар, илохий қадрият ва мақсадлар ифодаланган қарашлар мажмуни. Улар турли динларнинг амал килиш йўлини белгилаб олишда намоён бўлади. Диний гоялар муайян диннинг мавжудлигини таъминлаб берувчи омиғи бўлиб хизмат киласди.
Дорул-ислом	Dar al-islam	Дар аль-ислом	(араб. – ислом худуди, ислом диёри) истилоҳда исломнинг арконларини бажаришга тўсқинлик килинмайдиган худудга нисбатан кўлланилади.
Дорул-куфр	Dar al-kufr	Дар аль-куфр	(араб. – куфр диёри) истилоҳда ислом арконларини бажаришга мутлак йўл кўйилмайдиган худудга нисбатан кўлланилган.
Жиход	Jihad	Джихад	(араб. – гайрат килиш, кучни ишга солиш) “жидду-жад”, яъни инсон ўз максалига эришиш йўлида бор имкониятларини ишга солиб, харакат килиши. Диний истилоҳга кўра унинг нафс, шайтон ва ёв билан курашишдек турлари мавжуд.
Зиммий	Dhimmi	Зиммий	“зимма ахли” ислом давлати худудида яшагани учун давлат уларнинг жон ва мол-мулқлари химоясига олган гайридинлар.
Иммунитет	Immunity	Иммунитет	(лотин. – озод бўлиш, кутулиш) тиббиётда организмнинг доимий ички муайянлигини саклаши, ўзини турли, шу жумладан, зарарли таъсиirlардан химоя килишга кодир бўлган хусусиятлари мажмуни.
Ижтиход	Ijtihad	Иджтихад	исломда янги пайдо бўлган диний муаммоларни хал килишнинг ўзига хос усули.

Конфессия	Confession	Конфессия	(лотин. – эътироф, эътикод) диний конфессия деганда муайян диний таълимот доирасида шаклланган ва ўзига хос хусусиятларга эга эътикод ва унга эргашувчилар жамоаси тушунилади. Бир дин доирасида юзага келган бўлсада, ақидалар борасида фарқланадиган жамоалар ҳам диний конфессиялар жумласига киради.
Мавлид	Mawlid	Мавлид	хижрий йил ҳисоби бўйича Раби ал-аввал ойининг 12-кунида Мухаммад (алайхис-салом)нинг туғилган кунлари шарифига ўtkазиладиган маросим.
Мазхаб	Madhab	Мазхаб	(араб. – йўл) исломдаги шариат қонунлари тизими, фикхий йўналиш.
Макрух	Makruh	Макрух	бажарилиши ёмон саналган амал.
Мандуб	Mandub	Мандуб	бажарилиши тарқ қилинишидан афзал бўлган амал.
Мансух	Mahsukh	Мансух	(араб. “бекор қилинган”, “ўзгартирилган”) Куръоннинг айрим оятлари, хукмлар ёки баъзи ҳадисларнинг амалдан қолиши, татбик этилмаслиги.
Мафкура	Ideology	Идеология	фикр, гоя ва қарашларнинг ягона ва умумий мажмуаси.
Мафкуравий бўшлик	Ideological vacuum	Идеологический вакум	кишиларда жамиятдаги мавжуд холатни, ижтимоий мухитни нотўғри идрок этишга, унинг иродасини бошқа кишига бўйсундириш ва дунёкарашида агрессивликни шакллантиришга хизмат киладиган носоғлом ғоялар билан тўлдирилишига замин яратилиши.
Мафкуравий тажовуз	Ideological assault	Идеологическое наступление	муайян миллат, жамият, давлатнинг тинчлиги ва барқарорлигига карши қаратилган, сиёсий ва конституцион тузумни заифлаштириш ва бузишга йўналтирилган, фуқаро ва жамият хавфсизлигига таҳдид солувчи ғоявий-назарий қарашлар ва унга асосланган амалиёт мажмуи.

Мафкура- вий хавф- сизлик	Ideological security	Идеоло- гическая безопас- ность	шахс, миллат, жамият, давлатнинг хил- ма-хил шаклларда намоён бўладиган мафкуравий тажовузлар турли мафкура- вий марказларнинг бузгунчилик таъси- ридан химояланганлик даражасини тав- сифловчи тушунча.
Миллат	Nation	Нация	(араб. – халқ) кишиларнинг ягона тилда сўзлашиши, яхлит худудда истикомат килиши, муштарак иктисадий ҳаёт кечи- риши, умумий маданият ва рухиятга эга бўлиши асосида тарихан ташкил топган баркарор бирлиги.
Миссионерлик	Missionary	Миссионерство	(лотин. – юбориш, вазифа топшириш, миссионер – вазифани бажарувчи) бир динга эътиқод қилувчи халқлар орасида бошка бир динни тарғиб қилиш билан боглиқ назарий ва амалий фаолиятни билиради.
Мубоҳ	Mubah	Мубах	бажариш мумкин бўлган 'амаллар, бун- дай амал учун савоб берилмайди гуноҳ хам ёзилмайди. Уларни бажариш ёки ба- жармаслик инсоннинг ўз ихтиёрига топ- ширилади. Ухлаш, чарчаганда ўтириш, каби амаллар шулар жумласидандир.
Мужтаҳид	Mujtahid	Муджта- ҳид	(араб. – интигувчи, ғайрат қилувчи) – шаръий истилоҳда ижтиход ҳукукига эга бўлган, яъни Куръон, суннат ҳамда бошка шариат манбалари асосида хуносা бера оладиган ва ҳукм чикара оладиган кишига айтилади. Сунннийлика олий даражадаги мужтаҳидлар деб, мазҳаббо- шилар эътироф этилган.
Мурид	Murid	Мурид	(араб. "хоҳловчи") тасаввуф йўлига ки- риб, муршидга кўл берган шогирд.
Муртад	Apostate	Вероот- ступник	(араб. – оркага қайтган, чекинган) дин- дан қайтган, ундан воз кечган, яъни ис- ломни тарқ этган киши китобларда «мур- тад» дейилган.
Муршид	Murshid	Муршид	(араб. "тўғри йўлга бошловчи") тасаввуф йўлига кирганиларнинг сулукдаги устози, шайх.

Мустахаб	Mustahab	Мустахаб	бажариш тавсия этилган амаллар, бундай амални бажармаслик учун гунох ёзилмайди, жазога тортилмайди. Бу амални бажариш эса, савобга лойик деб хисобланади. Нафл намоз ўкиш ва нафл рўза тутиш мустахаб амал хисобланади.
Мутаасси-блик	Fanaticism	Фана-тизм	ўз фикр-мулоҳаза ва дунёкараши тӯғрилигига ўта каттик ишониб, бошка диний эътиқодларга муросасиз муносабатда бўлиш.
Мушрик	Mushrik	Мушрик	Аллоҳга бошка нарсаларни шерик килувчи киши.
Носих	Naskh	Насх	(араб. – бекор килувчи, ўзгартирувчи) аввалги ҳукмни кейингиси билан бекор килиб келган оят ёки ҳадис.
Панисломизм	Pan-islamism	Панисламизм	XIX асрнинг охириларида Ўрта Шарқда вужудга келган ислом мамлакатларини ягона байроқ остида бирлаштириш гоясини кўтариб чиқкан сиёсий оқим.
Прозелизм	Proselytism	Прозелизм	тӯғридан-тӯғри бирон-бир динга ишонганд фукарони ўз динидан воз кечишга ва ўзга динни кабул килишга маҷбур килиш.
Радикализм	Radicalism	Радикализм	(лотин. – томир, илдиз, ўззак) максад-муддаони кескин, муросасиз амалга ошириш, у ёки бу ишдаги мавжуд ахволни тубдан ўзгартиришга интилиш.
Салаф	Salaf	Салаф	(салаф – араб. – аждодлар, аввал яшаб ўтганлар) исломда ҳадисларга кўра, Пайгамбар Мухаммад (алайхис-салом) замонида ҳамда ундан кейинги икки даврда яшаган мусулмонлар тушунилади. Шунга кўра, ислом уламолари илк мусулмонларни “салаф солих”, яъни “солих аждодлар” деб ҳисоблашади.
Секта	Sect	Секта	фақат ўзини ҳак, инсонларни нажотга етказувчи дин деб даъво киладиган, аслида эса муайян сиёсий ва иқтисодий максадларни кўзлайдиган гурух.
Секуляризм	Secularism	Секуляризм	барча динлар ва турли қарашларни тенг хурмат килиш, барча фукароларнинг қонун олдида тенглиги.

Секуляризация	Secularization	Секуляризация	(лотин. – илохийлик ва абадийлікни ифодаламаган ўткинчи, вактингчалик борликнинг характеристикаси) жамият ва дин муносабатларидаги ўзгаришлар динамикасини кўрсатиб берадиган ва ифодалайдиган жараён. Бунда дин ўз аҳамиятини йўқотмайди, унинг ижтиёмий хулкка ва дунёкарашга таъсири камаймайди. Секуляризация атамаси илк бор 1646 йилда Франция элчиси Лонгвил томонидан Вестфал сулхидан олдинги музокаралар давомида ишлатилган. Августин давридан бошлаб, дунёвийлик маъносини англатади.
Сепаратизм	Separatism	Сепаратизм	(лотин. – ажralиб чикишга, алоҳида бўлишга интилиш). Ҳокимиятни Конституцияга зид йўллар билан кўлга киритишга интиувчи кучларнинг сиёсатга аралашишлари.
Сунна (ёки суннат)	Sunnah	Сунна	(араб. – одат, анъана, хатти-харакат тарзи) исломда мусулмонлар учун ибрат хисобланган Пайғамбар Мұхаммад (алайхис-салом)нинг сўзлари, амаллари ва хатти-харакатларин.
Суфий	Sufi	Суфи	исломдаги мистик-зоҳидалик оқим вакили.
Табарръут	Almsgiving	Пожертвования	(араб. – курбонликлар, совгалар, инъомлар, хадялар, бадаллар) "Хизбут-тахрир" ташкилотининг хар бир аъзоси ўз даромадининг 5-20 фоизи миқдорида тўлаши шарт бўлган молиявий тўлов тури.
Такfir	Takfeer	Такfir	мусулмонни имонсизликда айблаш.
Тасаввуф	Sufism	Суфизм	суфийлик, суфизм, тарикат ёки тарикатчилик атамалари билан маънодош бўлиб, унинг келиб чиқиши масаласида бир қатор қарашлар мавжуд. Кўпчилик олимлар суфий сўзи арабча "суф" сўзидан ҳосил бўлган, суфийлар кўп ҳолларда жун чакмон ва кўй терисидан тикилган пўстин кийиб юрганликлари учун уларни "жун кийимлилар" деб юритганлар. Бу оқим VII аср охири VIII аср бошларида Ислом дини асосида вужудга келган ҳамда ўз таълимотини Куръон ва ҳадисларга асосланиб ривожлантирган.
Тафсир	Tafsir	Тафсир	(араб. – изоҳлаш, шархлаш, баён килиш) Куръон оятларига шарх, изоҳ бериш.

Террор	Terror	Террор	(лотин. – кўркитиш, вахимага солиш) ўз фикрини зўравонлик йўли билан бошкаларга ўтказиш. Бу йўлда сункасад, кўпорувчилик каби усуллардан фойдаланилади.
Фанатизм	Fanaticism	Фана-тизм	мутаассиблик.
Фарз	Fard (Obligatory)	Фард	ислом дини таълимотига кўра, инкор килиб бўлмайдиган даражада қатъий далил билан бажарилиши талаб қилинган амал.
Фатво	The fatwa	етва	(араб. – саволга жавоб бериш, шариат масалалари юзасидан фатво чиқармок, маслаҳат бермоқ) “муфтийнинг хуло-саси” маъносини англатади. Истилоҳда эса, “сўраган книшига шаръий далил асосида хукм чиқаришга нисбатан қўлланилади.
Фирқа	Group	Группа	(араб. ажралмок, фаркланмоқ) маълум бир гоя асосида бирлашиб, исломдаги анъанавий диний жамоадан ажралган гурӯхлар ва тоифалар.
Фундамен- тализм	Funda- mentalism	Фунда- мента- лизм	(лотин. – асос) маълум дин вужудга келгандан илк даврига қайтиш ва бу йўл билан замоннинг барча муаммоларини ҳал килиш мумкин деган фикрни илгари суриш.
Халқаро терроризм	International terrorism	Между- народ- ный тер- роризм	давлатлар, халқаро ташкилотлар, сиёсий партия ва ҳаракатларни бекарорлаштиришга қаратилган сиёсий кўпорувчилик фаолиятини ифодалайди. У энг оғир жиноят бўлиб, узоқ давом этган жараёнларнинг хосиласи хисобланади.
Хорижий- лар	Khawarij	Харид- житы	(араб. – ажралиб чиқканлар, исёнчилар) ислом динидаги илк пайдо бўлган диний-сиёсий оқимлардан бири.
Шахид	Shahid	Шахид	(араб. – гувоҳ) ислом динига кўра, имон-эътиқоди, Ватан озодлигини ҳимоя килиш йўлида ҳалок бўлган ва жаннатга кириши шаҳодат (ваъда) қилинган киши.

Шиа	Shia	Шииты	(араб. – гурух, тарафдор) Исломдаги асосий йўналишлардан бири, Али ибн Абу Толиб ва унинг авлодларини Пайгамбар Мухаммад (алайхис-салом)нинг ягона вориси ҳамда анаънавий давомчилари, деб эътироф этувчи турли гурух ва жамоаларнинг умумий номи. Ўзининг таркалиши ва ижтимоий-сиёсий мөхияти жихатидан суннитикдан кейин 2-ўринда туради. Ҳозир жаҳондаги мусулмонларнинг кариб 8 фоизи шиаликка мансуб хисобланади.
Экстремизм	Extremism	Экстремизм	(лотин. – акл бовар килмас даражада, ҳаддан ошиш) ўз мақсади йўлида турли ҳаддан ортиқ кескин тадбир-чоралар кўришга тарафдорлик, жамиятда қабул килинган қонун-қондаларга зид бўлган кескин радикал карашлар.
Эъзод	Preparation	Подготовка	(араб. – тайёргарлик кўриш) ҳозирда мутаассиб оқимларнинг жиходга жисмоний, моддий, руҳий жихатдан тайёргарлик кўриши ҳамда курол-ярголарни ҳозирлаш босқичига айтилади.
Эътиқод	Faith	Вера	ишонч, таянч, қараш, муайян ҳодиса, воқелик ёки бирор нарсага қатъий муносабат.
Эътиқод эркинилиги	Freedom of faith	Свобода вероисповедания	киши онгида чукур ўрнашиб колган ва амалга оширилиши шахснинг кундалик эҳтиёжинга айланган интилиш, хатти-харакат ва дунёкарашлар тизими.
Куръони карим	Quran	Коран	Ислом динининг муқаддас манбаси, 23 йил мобайнида Пайгамбар Мухаммад (алайхис-салом)га Жаброил фаришта орқали баъзан оят-оят, баъзан эса тўлиқ сура тарзида нозил килинган илохий китоб.
Хадис	Hadith	Хадис	(араб. янги, сўз) Пайгамбар Мухаммад (алайхис-салом)нинг айтган сўзлари, килган ишлари ҳакидаги ривоятлар.
Ҳаром	Haram	Харам	ислом таълимотига кўра қатъий далиллар билан бажарилиши тақиқланган амал.
Ҳижрат	Hijrat	Хиджрат	(араб. – бирор нарсадан ажраш) шарифатда Пайгамбар Мухаммад (алайхис-салом)нинг Маккадан Мадинага кўчиб ўтишлари тушунилади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН МАНБАЛАР, АДАБИЁТЛАР ВА ИНТЕРНЕТ САЙТЛАРИ

Асосий адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017. – 80 б.
2. Виждан эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида (янги таҳрири). Ўзбекистон Республикасининг қонуни. – Тошкент: Адолат, 1998 йил.
3. Маърифат ва диний бағрикенглик резолюцияси. // БМТ-нинг 73/128 сонли резолюцияси. 2018 йил 12 декабрь.
4. Экстремизмга қарши курашиб тўғрисида. Ўзбекистон Республикасининг қонуни. «Халқ сўзи», 2018 йил 31 июль.
5. Терроризмга қарши кураш тўғрисида. Ўзбекистон Республикасининг қонуни. – Тошкент: Адолат, 2000 йил.
6. «Диний-маърифий соҳа фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» // Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони, ПФ-5416 сон. 2018 йил 16 апрель.
7. Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самародорлигини ошириш тўғрисида // Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори, ПҚ-451 сон. 2006 йил 25 август.
8. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. – Тошкент: Ўзбекистон, 2016. – 56 б.
9. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017 й. - 48 б.
10. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017 й. - 592 б.
11. Илмдан бошқа нажот йўқ. А.Абдуллаев, Н.Ҳакимова, Жўраев Ш., – Тошкент: “Тошкент ислом университети” нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2015 й. – 156 б.

12. Ислом никоби остидаги экстремистик ва террорчи уюшмалар (Маълумотлар тўплами) / Шермуҳамедов К., Каримов Ж. – Тошкент, “Movarounnah” нашриёти, 2017 й. – 160 б.

13. Тасаввуф ва тариқатлар. Ўкув қўлланма/ Усмонов И. – Тошкент: Мовароуннахр, 2016 й. -320 б.

14. Диний бағрикенглик ва мутаассиблик (юз саволга-юз жавоб) Маъсъул муҳаррир О.Юсупов. – Тошкент: “Тошкент ислом университети” нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2017 й. – 156 б.

15. Диний мутаассиблик: моҳият, мақсадлар ва олдини олиш йўллари. Ҳасанов А., Юсупов О., Шермуҳамедов К., Faфуров У., Каримов Ж. – Тошкент: “Тошкент ислом университети” нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2017 й. – 160 б.

16. Шермуҳамедов К., Каримов Ж., Нажмиддинов Ж. Диний экстремизм ва терроризмга қарши курашнинг маънавий-маърифий асослари. – Тошкент: “Тошкент ислом университети” нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2016 й. – 224 б.

17. Очилдиев А., Нажмиддинов Ж. Миссионерлик: моҳият, мақсадлар, оқибатлар ва олдини олиш йўллари (юз саволга-юз жавоб). – Тошкент: “Тошкент ислом университети” нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2013 й.

18. Тулепов А. Ислом ва ақидапараст оқимлар. Тўлдирилган нашр. Маъсъул муҳаррир Шайх Абдулазиз Мансур. – Тошкент: Шарқ, 2014 й. – 536 б.

19. Ҳасанбоев Ў. Ўзбекистонда давлат ва дин муносабатлари: диний ташкилотлар, оқимлар, мафкуравий курашнинг долзарб йўналишлари – Тошкент: “Тошкент ислом университети” нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2014. – 552 б.

20. Ҳидоят ортига яширинган залолат /Муаллифлар жамоаси. – Тошкент: “Тошкент ислом университети” нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2010. – 136 б.

Кўшимча адабиётлар

1. Куръони карим маъноларининг таржима ва тафсири /Таржима ва тафсир муаллифи Абдулазиз Мансур. – Тошкент: «Тошкент ислом университети» нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2012 й. – 624 б.

2. Саҳиҳи Бухорий: Ал-жомиъ ас-саҳиҳ (Ишонарли тўплам): 1-2-китоблар // Ал-Бухорий, Абу Абдуллоҳ Мұхаммад ибн Исмоил / Абдулазиз Мансур таҳрири остида. – Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2008 й.
3. Алиев Ж. Зулмат гирдоби. – Тошкент: “Тошкент ислом университети” нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2009 й. – 32 б.
4. Бағрикенглик – барқарорлик ва тараққиёт омили. – Тошкент: “Тошкент ислом университети” нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2007 й. – 122 б.
5. Жўраев Ш. Бузғунчи даъватчилар. – Тошкент: “Тошкент ислом университети” нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2010 й. – 40 б.
6. Жўраев Ш. “Виждан эркинлигининг хуқуқий кафолатлари” // Ўқув кўлланма. – Тошкент, “Тошкент ислом университети” нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2013 й. – 80 б.
7. Закурлаев А.К. Ўзбекистон ривожига таҳдид солаётган ғайриқонуний диний оқим ва террорчиллик ташкилотлари. Тариқатчилик, аслият ва моҳият. – Тошкент, 2010 й. – 134 б.
8. Закурлаев А. Фоялар кураши. – Тошкент: Мовароуннаҳр, 2000 й.
9. И мом Аъзам. Ал-Фикҳ ал-акбар. – Тошкент: “Тошкент ислом университети” нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2006 й.
10. Ислом. Энциклопедия. – Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2004 й. – 313 б.
11. Ислом зиёси ўзбегим сиймосида (Қайта ишланган ва тўлдирилган иккинчи нашри). – Тошкент: “Тошкент ислом университети” нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2005 й. – 360 б.
12. Ислом маърифати: аслият ва талқин. Ўқув-услубий кўлланма. – Тошкент: “Тошкент ислом университети” нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2010 й. – 160 б.
13. Комилов К., Ҳасанбоев Ў., Ҳошимов Н. Диний экстремизм ва ҳалқаро терроризм – жамият тараққиётига таҳдид. (Маърифий-услубий кўлланма). – Тошкент: “Тошкент ислом университети” нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2009 й. – 32 б.
14. Комилов К., Ҳасанбоев Ў., Ҳошимов Н. Ўзбекистон барқарор тараққиёт йўлдида (Маърифий-услубий кўлланма). – Тошкент: “Тошкент ислом университети” нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2009 й. – 24 б.

15. Мелиқүзиев Ж. Ҳалоқат тузоги. – Тошкент: “Тошкент ислом университети” нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2013 й. – 32 б.
16. Очилдиев А. Бугунги дунёнинг мағкуравий манзараси. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2001 й. – 24 б.
17. Очилдиев А. Глобаллашув ва мағкуравий жараёнлар – Тошкент: Мұхаррир, 2009 й. – 96 б.
18. Ражабова М. Диний экстремизм ва террорчиликка қарши кураш муаммолари. – Тошкент: Ўзбекистон, 2003 й. – 397 б.
19. Раҳимжонов Д. Маърифат – тинчлик асоси. – Тошкент: “Тошкент ислом университети” нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2007 й. – 196 б.
20. Сафарова Н.О. Терроризм (тариҳий-фалсафий таҳлил) – Тошкент: NOSHIR, 2009 й. – 214 б.
21. Тинчликни асраш – муқаддас бурч / Масъул мухаррир Очилдиев А. – Тошкент: “Тошкент ислом университети” нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2009 й. – 32 б.
22. Тинчлик ва осойишталиқ – олий неъмат. – Тошкент: Мовароуннаҳр, 2013 й. – 144 б.
23. Тулепов А. Интернетга ин қурган «ўргимчаклар». – Тошкент: Мовароуннаҳр, 2014. – 80 б.
24. Шермуҳамедов К. Жаҳолат тўри. – Тошкент: “Тошкент ислом университети” нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2010 й. – 48 б.
25. Ғойибназаров Ш. Халқаро терроризм: илдизи, омиллари ва манбай. – Тошкент: Ўзбекистон, 2009 й. – 296 б.
26. Ҳасанов. А. А. Ислом тарихи дарслиги. – Тошкент: Тошкент ислом университети нашриёт матбаа-бирлашмаси, 2008 й.

Хорижий адабиётлар

1. Мулла Али ал-Қори. Шарҳ ал-ғиққ ал-акбар ли Аби Ҳанифа ан-Нўман. Дар ан-Нағоис: Байрут, 1997 й.
2. Бутий, Мұхаммад Сайд Рамазон. Ал-Жиҳод фи-л-ислам: қайфа нағхамуху ва қайфа нуморисуху. – Дамашқ: Дор ал-ғиққ, 1993 й.
3. Бутий, Мұхаммад Сайд Рамазон. Ас-Салафия: марҳала заманийя муборака лаа-мазҳаб исламий. – Дамашқ: Дор ал-ғиққ, 2005 й. 270-б.

4. Бутий, Мұхаммад Саид Рамазон. Ал-ламазҳабийя: ахтару бидъа тұхаддид аш-шария ал-исламийя. – Дамашқ: Дар ал-Форбий, 2005 ы.

5. Ваҳба Зұхайлий. Ал-фиқху-л-исломий ва адиллатуҳу. – Да-машқ: Дор ал-фикр, 1985 ы.

6. Мони‘ ибн Ҳаммод ал-Жұханий. Ал-Мавсұат ал-мұяссара фий ал-адян вал мазоҳиб вал ақзоб ал-мұосира. 5-нашр. 1-2-жилд. –Ар-Риёд: Дар ан-надва ал-оламийа, 2003 ы.

7. Muhammad Tahir-ul-Qadri. Fatwa on suicide bombings and terrorism. – London: Minhaj-ul-Quran International, 2010.

8. Салоҳ Абу Саъуд. Ал-Маржай ал-комил фи-л-фирак ва-л-жа-маат ва-л-мазаҳиб ал-исламия. Миср, “Мактабат ан-нағиға”, 2005.

9. Шайх Абдуллоҳ ибн Байя. Ал-ирхоб ат-ташхис ва-л-хұлул // Мавқиф ал-ислам мин ал-ғулу ва-т-татарруғ. – Ар-Риёд, 2012.

Интернет сайлари:

1. <http://www.ijau.uz> – Ўзбекистон халқаро ислом академияси веб-сайти;

2. <http://www.islamcenter.uz> – Ўзбекистон халқаро ислом ака-демияси Илмий тадқиқотлар ва инновацион лойиҳалар маркази веб-сайти;

3. <http://www.religions.uz> – Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Диң ишлари бўйича қўмита веб-сайти;

4. <http://www.muslim.uz> – Ўзбекистон мусулмонлари идораси веб-сайти;

5. <http://www.buxoriy.uz> – Тошкент ислом институти веб-сайти;

6. <http://www.hidoyat.uz> – “Мовароуннаҳр” нашриёти веб-сайти;

8. <http://www.ziyonet.uz> – Ахборот таълим тармоги;

МУНДАРИЖА

Сўз боши	3
----------------	---

I БОБ. ИСЛОМ ДИНИ АСОСЛАРИ

1-мавзу: Ислом динининг тинчликпарварлик моҳияти	6
2-мавзу: Исломдаги ақидавий ва фикҳий йўналишлар	21
3-мавзу: Тасаввуф ва замонавий тариқатчилик.....	35
4-мавзу. Давлат ва дин. Ўзбекистонда давлатнинг дин ва диний ташкилотлар билан муносабати.....	44

II БОБ. ЭКСТРЕМИЗМ ВА ТЕРРОРИЗМ – ЖАМИЯТ БАРҚАРОРЛИГИГА ТАҲДИД

5-мавзу. Экстремизмнинг Марказий Осиё минтақасида намоён бўлишининг ўзига хос хусусиятлари	67
6-мавзу: Ислом асосларини гаразли мақсадларда бузиб талқин қилиш: моҳият ва мақсадлар.....	143
7-мавзу: Ёшларда экстремизм ва терроризмга қарши мағкуравий иммунитетни шакллантириш: мақсад ва вазифалар.....	165
8-мавзу: Халқаро исломий ташкилотлар, диний уламолар томонидан экстремизм ва терроризмга қарши чиқарилган фатволар тахлили	180
Глоссарий.....	197
Фойдаланилган манбалар, адабиётлар ва интернет сайtlари	206

ЖАҲОЛАТГА ҚАРШИ МАЪРИФАТ

ЎҚУВ ҚЎЛЛАНМА

**Ўзбекистон халқаро ислом академияси
нашириёт-матбаа бирлашмаси
Тошкент – 2020**

Нашир учун масъул: И.Ашурматов

Муҳаррир: О.Жумабоев

Бадийи муҳаррир: Ф.Собиров

Дизайнер-саҳифаловчи: Л.Абдуллаев

Нашриётнинг лицензия раками

AI № 0011. 06.05.2019 йил.

Босмахонага 24.03.2020 йилда берилди.

Бичими 60×90 %. Шартли б.т. 12,2 Нашр т. 12,7

Адади 10 000 нусха (2- завод 5 000 нусха). Буюртма № 25.

Баҳоси шартнома асосида.

**Ўзбекистон халқаро ислом академияси
нашириёт-матбаа бирлашмаси босмахонасида чоп этилди.
100011. Тошкент ш. А.Қодирий, 11.**



ISBN 978-9943-5924-4-5

9 789943 592445